



Иймон — Нур демак. Кулли башарни соир мавжудотдан фарклагувчи Нур. Одамни одам килгувчи Нур. Хали ёруг дунёда бирор Сўз устаси бу тушунчани унинг ўзидек сифатлаш кудратини касб этмади. Бу Нур ишкида валийлар ёка йиртишди, шоирлар хома синдиришди. Ва нихоят бир шўрлик дедикки, агар денгизлар сиёх, бутун дунёдаги дов-дарахтлар калам ва осмон сахифа бўлса-да буни, яъни Нурни таърифламокка ожиздир. Нихоят, бутун дунё шуароси бунга иймон келтирдилар.

Шеърнинг мукаддаслиги шундаки, у Ватан ва Иймон тушунчалари билан гоятда эгиздир. Шеър, мен айна Шарк шеърятини назарда тутяпман, шунинг учун мукаддаски, унинг бир вазни илохий, бир вазни инсонийдир; унинг бир сатри осмоний, бир сатри заминийдир. Бизнинг шеъримиз шунинг учун башарият назмининг гултожи хисобланади. Бу назм заминиди хазрат Навоийдек зотларнинг улуг бир шажарадек кад ростлашига, бу назм заминиди шох ҳам, гадо ҳам шоир бўлишига, бу заминда валийлар ҳам байтлар ижод килганига сира ажабланмаслик керак. Зеро, бу адабиёт илохийдир. Унинг пири комиллари бор. Унинг хокдек факиру хакир муридлари бор.

Биз ана шундай адабиётнинг ворисларимиз. Биз шундай адабиётга сохибмиз. Башарият карвонида сарбонлик макомимиз бор, албатта.

Мен шеърятимизда улкан мавкега эга бўлган истеъдодли шоирамиз Халимахоним Худойбердиева хакида сўз юритмокка жазм этдим.

Сўзимни Замон ва Иймон тушунчаларининг шеърят билан эгизлиги хакидаги жумладан бошладим. Бу бежиз эмас. Айна ана шу олий тушунчалар уммонлар қаъридаги садафлар бамисоли шоирамиз шеърларининг замир-замирида пинхондир.

Кон аслан ёруглик. Ёруглан, тиз чўк.

Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.

Канча конинг бўлса, Ватан учун тўк,

Канча шонинг бўлса — Ватанни кўтар!

Шеърятимизда Ватан мавзусида ёзилган шеърлар, одатда фахр-ифтихор ёхуд шир урён ҳамду саноларнинг бир коп хидсиз алафларидан иборат бўлганига ҳам гувоҳ бўлганмиз. Ватан, деганда хар кандай маддохни ҳам догда колдириб кетадиган шоирларимиз оз бўлмаса-да, аммо хайтовур бу табаррук мавзуда ўлмас асарлар ёзиб колдирган пири комилларимиз бир талай. Юкорида шоиранинг «Даъват» шеъридан келтирилган тўрт катор хотимавий банддаги Ватан бу хамиша хузур-халоват килиб яшаш мумкин бўлган алланечук гулзор эмас, балки керак бўлганда конимизни ва жонимизни ҳам беришимиз жоиз бўлган бир азиз гўша, бир мукаддас кадамжо экани уктирилмокда. Дарвоке, оламда кон ва жон баробарида илохийликка даъвогар ёхуд хаёт кадар мукаддасликка муносиб Ватандан бошка нима бор?

Шу нуктада яна бир мухим жихатни таъкидлашни истардим: «Она Ватан» деб сифатланмиш ва киндик конимиз тўкилган бу табаррук замин, жонфидо халкимиз,

бетакрор табиатимиз, мардонавор ўгил-кизларимиз, бир сўз билан айтганда, мана шу Туркистонимиз, Туронимиз, айникса Мустакиллигимиздан кейинги йилларда Халимахоним шеърларида асосий мавзуга айланди. Шоирамиз Туркистон кенгликларида, Сайхун ва Жайхун ёкаларида неча минг йиллардан буён яшаб келаётган туркий элатлар, уларнинг муштарак тарихи, шонларга бурканган кахрамонона кечмиши хакида туркум шеърлар яратди. Бу шеърларда шоира факат шухратманд тарихда кечган аждодларимизнинг ибратли ҳаётларини васф этибгина колмай, бугунги авлодни голиб боболар изидан бориб, Ватанга садокатли фарзанд бўлишга чакиради. Бу чакирик донишманд файласуфнинг ўгити, кахрамон бобонинг насихати, ярадор сарбознинг битиги бўлмай, балки шу тупрокнинг хар заррасида энг аввало илохий бир меҳр ва мукаддасликни теран мушоҳада килган, жону тани шу замин билан коришиб кетган, хар барги, хар гиёҳи, хар бир боласининг жон толаларига жигарининг кон томирлари туташ Она — шоиранинг нидолари, фарёдларидир.

Мен Туроннинг кадим кўнгирогимен,
Жаранг берсам кир-даласи уйғонар...
Болам, кимсан, ким бобонгнинг котили,
Билармисан туркнинг тўксон зотини?
Томиримдан чиккудайин отилиб
Найман онанинг ноласи уйғонар.

Тарих, агар унда хикмат ва маъно бўлмаса, бир валангор саройдир. Хазрат Навоий Тус вайроналари хакида битган китъаларида бундай деганлар:

Авлиёуллох мазори Тус вайрони аро
Кўптурур йўк бок агар тавфида кўрса кимса ранж.

Мунчаким вайрона кездим, ганж бир хам йўк эди,
Бўйла вайрон ким кўруптур анда мадфун бунча ганж.

Бутун Туркистон каламравида, хазрат таъбири билан айтганда, Оллох валийларининг мозору маркадлари жо-бажодир. Улар вайроналар ичидаги пинхон ганжлар. Тавоф этаман, деб хар канча азият чексангиз шу кадар кувватга тўласиз. Калбингиз нурланади.

Куни-кеча Туркистон ҳам Тус вайроналари каби эмасмиди? Бутун олам сўфийларининг кадамжосига айланган Хожа Бахоуддин Накшбанднинг мухташам макбара ва масжидлари «ганж кўмилган кабристон» эди-ку. Ха, тарих каърларидан чикиб келаётган аждодларимизнинг рухи шарифлари бизни хамиша сергакликка, хушёрлик ва мардонаворликка чакиради.

Муслмонмиз,
Хар инсон
Инсон тарафга юрсин.
Бири-бирига пешвоз
Имкон тарафга юрсин...

Талотўп дунё ичра
Тўзим топмок истаган,
Минг ёлгонни оралаб
Бир чин топмок истаган,
Томирларида юрган
Сўзин топмок истаган,
Ўзин топмок истаган
Куръон тарафга юрсин!
Мусулмонмиз,
Хар инсон
Инсон тарафга юрсин!

Мана шу тарихдан олинаниган сабоқ. Ибрат шу. Шарафманд аждодлар ким эдилар?
Бугун дунёга гурур билан кириб келаётган Мустакил Ўзбекистон, унинг мардонавор
халки аллақандай пучмоқлардан чиқиб келган инсониятнинг янги гурухи эмас, балки
узок тарихи давомида бир неча салтанатнинг тамал тошини қўйган халқдир. Бу ўша
халқ. Бухорою Самарқандни олам узугидаги кўзга айлантирган, мусулмон оламига
сабоқ берган алломай киромонларни
тарбиялаган, жахон маданияти, инсоният тараккиётининг бешиги бўлган Туркистон.
Эсимда бор. Халима эндигина ижодга кириб келган йилларда адабиётнинг катта
билимдони, мухтарам, суюкли устозимиз «Ўзбек шоиралари» китобини нашр эттириб қўп
савоб ишга қўл урган раҳматли Тўхтасин Жалолов Халиманинг шеърлари хусусида
«Туйгулар тугёни» сарлавхали мақоласида шундай деган эдилар: «Халима ўзбек аёл
шеъриятида кутилмаган ходиса, унга бу санъат қононасида қандайдир сукунат,
осудалик ҳукм суриб, кишини мудроқ босарди. Халима бу даргоҳга бўрон бўлиб, сурон
бўлиб кириб келди-да, тўлиқиб, ошиқиб, тошиқиб баланд пардаларда қўшиқ бошлади.

Мен шунчаки ўйлагим келмас,
Хаёл — шароб мисол килсин сархуш, маст.
Мен шунчаки қўйлагим келмас,
Овоз пардаларим чидаб берса бас.

Шу сатрлар билан бошлангани мумтоз, шиддаткор шеър менга шоиранинг
ижодий, ахлокий, инсоний программаси бўлиб туюлди. Бу шеър тўлиғича олганда
туйгуларнинг тугёни, жасоратнинг намойишидир.
Мен сизларни шу шеърнинг охирига байтларига эътибор қилишингизни истар эдим:

Шунчаки ёзмок-чи, қўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмокка бормайди қўлим.
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмок, бу — шоирга ўлим!

Ҳақиқатан ҳам шунчаки ёзмок — факат шоирнинг эмас, адибнинг ҳам, олимнинг
ҳам ўлимидир».

Бу мақола ёзилгандан буён 26 йил ўтди. Яқинда Халима «Ўзбекистон овози» газетасида
бир туркум янги шеърлар эълон қилди ва бу шеърлар орасида яна ўша бизнинг азалий

кисматимиз — шоирлик хусусидаги шеърга кўзим тушди. Бу ерда мен ўша
«Демакки, сен шоирсан...»
шеърини тўлик холда келтиришни лозим топдим:

Нафакат
Ўтсанг ёзиб,
Куз янглиг сўлиб, озиб,
Бозиллаган чўг босиб,
Кўрдаям хайкиролсанг,
Демакки, Сен шоирсан!
Олтинми
Ё олмосда,
Тигда юролсанг, рост-да
Иткитса, оёк остда,
Тўрдаям хайкиролсанг,
Демакки, Сен шоирсан!
Нафакат
Кўтарса халк,
Кўксингдан итарса халк,
Пешонанг намакоб, талх,
Шўрдаям хайкиролсанг,
Демакки, Сен шоирсан!
Нафакат
Зар, зўрларни,
Узсанг, тўсин, тўрларни,
Чайкалтирсанг гўрларни,
Гўрдаям хайкиролсанг,
Демакки, Сен шоирсан!

Дарвоқе, хамон Турку Турон даштларини томири бакувват кадим халкимизнинг
гўрдаги Яссавий пирим, хазрат Навоий, улуг Бобур, улкан Бедил каби абад ўлмас
фарзандларининг хайкириклари тутиб ётмаяптими?!

Халима Худойбердиеванинг шеърларидаги ватанпарварлик жонфидолик,
мардонаворлик маъносига уйкаш. Шеър рухи лахзада сизни забт этади. Эхтиросларнинг
гувлаб, тошиб келган окими қаърига тортиб кетади. Сўзлар алланечук жонли-жисмли
туйгуларнинг тигиз сафидек, уларни ёриб ўтгудек куч-кудрат йўк, беихтиёр сиз ҳам ана
шу оким қаърида колганингизни хис киласиз. Мана бу «Ватан байроги» шеъридан айрим
сатрлар:

То бу байроқ, Ватан, нурлар
Ич-ичингга кетсин кириб.
Токи ганим ватанхўрлар
Ололмасинлар сугириб.
Шундай ўргат кулни, хонни,
Учмас куш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни

Бермок осон кечар бўлсин.

Юкорида таъкидлаганимдек, жонфидолик Халима Худойбердиева шеърларидаги асосий нукталардан биридир. Бу энг олий максад йўлидаги фидойилик. Бу югурик замонда умрини хар нечук хору хазонга сочиб юрган, бораётган манзилини кандай ва канака эканини тасаввур хам килолмайдиган, шунчаки ивирсиб юрган касу нокасларга хитоб килаётган шоира дейди:

Аввал ичингда кил ибодатингни,
Аввал ичингда ёй шахд-канотингни...
Гам ема. Бир камдир, тўлдириб бўлмас,
Аввал ўз ичингга кир, кириб бўлмас.
Ички бургут кўклаб, ўзни урарми,
Ташкарида Сени ўлдириб бўлмас.

Одам боласи ўзининг бутун кисмати жараёнида бошидан кечирган кўргиликларини ўз кўли билан ясаган фожиавий бир «дурадгор» баайни, десак шоёни диккатдир. Ўзининг кимлигини англаб етмаган, ёруг оламга нима учун келганини фахм этолмаган, шоира айтганидек, ўз ичидаги ибодатхонада «ибодат килолмаган» кимсалар хар нечук нурдан кўзи камашган, бироқ заррача бўлсин иймон нури билан борлиги ёришмаган зотлар хакида ўз кисмати кулбасини фожиалар ёгочидан тиклаган дурадгор дегинг келади. Хаёт муттасил курашдан иборат, деган маълум ва машхур, карийб хикматомуз гапга айланаётган караш доимий ур-йикит, хаййохув, гавго дегани эмас, албатта. Хаёт бу хар бир зотнинг ўз-ўзи, ўзининг жисмидаги гайриодамий хуружлари билан кураши ва уни батамом бартараф этиши деган мазмунни ифода этади. Курашиш мумкин бўлса, аввало нафс билан, кабохат ва разолат билан мардларча курашиш жоиз. Хар нечук холда, бошга кандай мушкулот тушмасин, эл-юрт, мамлакат тақдиридаги энг калтис синовларда хам тахликага берилмасдан бошни тик тутиб яшаш керак.

Ўтган кора кунлардан хали —
хануз карахтман.
Хар япроги юракдай титраб
турган дарахтман.
Шу колда хам олдинга ташлангувчи
Тик шахдман —
Болаларим,
кадни кўтаринг!

Халима Худойбердиева кейинги пайтда бир туркум тўртликлар ёзди. Маълумки, адабиётимиз тарихида бу шеърый услубда ўз истеъдодини синаб кўрган шоирлар бармок билан санарли. Аммо айна шу шеърый йўл билангина адабиёт тарихидан мустахкам ўрин олган забардаст шоирларимиз бор. Менинг назаримда, шоиранинг бу йўналишдаги изланишлари унинг ижодий тафаккуридаги янги бир жихатларни кашф этгандек. Шоиранинг бутун ижоди асосидаги чуқур фикрчанлик, безовталиқ,

кутилмаган ташбехларнинг максад билан гоятда уйгунлашуви унинг бу ихчам шеърий йўлда муваффақиятли изланишларига омил бўлган. Бу шеърларнинг бир жихати, яъни унинг либоси хусусидаги мулохазалар. Аммо ана шу либос ичидаги ботиний маъно ҳам зохирий кўриниш билан бағоят сингишиб кетган. Натижада мухтасар шеърий услубда гўзал сўз тасбихлари яралгандек:

Тенгсизга чопарлар, тенглига бормас,
Минг кўйлига борар, мунглига бормас.
Тўйига, уйига борар, во дариг,
Хеч ким бир-бирининг кўнглига бормас.
Гарчанд ер юзининг кора-окимиз,
Гарчанд ганж-гувала, томи, токимиз.
Гўзал дунёларга бошлар йўл асли,
Сизнинг билан маним иттифокимиз.

Одатда шеър изохланмайди, шеър англанади, деган гапни эшитганимиз бордир. Шунга амал қилиб мен бу ерда Халиманинг 4 — 5 тўртликларини келтирмоқчиманки, бу асарларга изох ортикча деб ўйлайман:

Навоий — нон. Тўсма. Унга борар йўлдан коч,
Гашлик килма, тўрт ённи ҳам ёритаркан тож.
Навоийга ўзин урса, урма кофирни,
Ахир нонга мусулмонун кофир бирдай оч.

* * *

Биров гўдак, бировлар ит бокиб боради,
Бировга гул, бировга кул ёғиб боради.
Бу бенаво дунёсидан наво тиланиб,
Мендек бир адашган дарё окиб боради.

* * *

Бу дунёда менинг каби гамдан барпо йўк,
Тогдай гамин тил учига чиқармас тоғ йўк.
Хеч ким мендек ўз кўз ёшин селида окмас,
Ерда мендек гуррос солиб йиглар дарё йўк.

* * *

Бу умр — ўтар кўчадир. Гофил ётма, туриб ўт,
Ётганлар бор, холин сўра, кулбасига кириб ўт.
Бу кўча — байрам кўчадир, дўст-душман орасидан
Зийнатланиб, зеболаниб кушдай енгил юриб ўт.

* * *

Сехру сабогимиз устидан юринг,
Дог ўлдик. Догимиз устидан юринг.
Чорланг. Биз борайлик. Ё ўзингиз келиб
Кошу кабогимиз усгидан юринг.

* * *

Ютдиргану ютганимиз нимага арзир,
Ўтмагану ўтганимиз нимага арзир.
«Бошин олиб бир сорига» кетганда Бобур
Сизу бизнинг кетганимиз нимага арзир?!

Кўлингиздаги «Сайланма»дан тўртликлар кенг ўрин олган. Мутолаа чогида сиз бунга амин бўласиз, аммо мен бошка бир нарса хусусида гапирмокчиман. Шоира хар кандай шароитда, хох долгали, хох суронли, хох осудалик холатларида хам шеър ижод кила олиш салохиятига эга.

Якин тарихимиздаги энг мудхиш ходиса — «Ўш-Ўзган фожиаси» деб тарихга кирган воқеалар таъсирида ёзилган машхур туркумини эслайлик. Ёхуд Мустакилликкача бўлган даврдаги шоиранинг ижтимоий публицистикаси ва унга ҳамоҳанг шеърларини бир ерга олайлик. Аммо, менинг назаримда, шоира ижодидаги янги оҳанглар тўлкини бу, шубҳасиз, Мустакилликимиз билан ҳамбарчас боғлиқдир. Шоиранинг кейинги пайтда қатор газета ва журналларда босилаётган туркумларида озодлик, эрк қаби муқаддас тушунчалар, уларнинг миллат ва халқ тақдиридаги бемислу монанд аҳамияти ниятда таъсирли тарзда ўз ифодасини топмокда. Шундай бўлиши табиий, албатта.

Энг муҳими, юрт бошида ҳақиқий эркинлик қуёши балқиди. Аждодлар, ота-боболарнинг муқаддас орзусини рўёби бизга насиб қилган экан. Биз шу қунарларга етиб қелдик. Бунинг шукронасини шеър билан адо қилиб бўладими? Шоиранинг ўзи айтганидек: «Бу қунарларга етганлар бор, етмаганлар бор...» Мен бу муҳтасар мақоламда шеърят муҳлисларини Ҳақиқий Сўз билан мулоқотга қақираман. Менинг назаримда шоиранинг ўзи бир бутун, тикланаётган Сўзга айланиб бораётганга ўхшайди. Қуйидаги сатрларга диққат қилинг:

Хурлик йўли — қураш йўли. Тик роҳларига
Чикар экан гард теғмасин элнинг барига,
Қураш қуйин қуйиб элнинг қулоқларига,
Тун бўйи оёқ учида юриб чикар Сўз.
Оққан бўлсам ҳамки унинг пойида тинмай,
Элга нафим қам менинг деб нечун ўқсинмай,
Мен биргина сўз ўстирдим,
Мангу қўз юммай
Туркий элни балолардан қўриб чикар Сўз!

Таъбир жоиз бўлса, мен Халима Худойбердиева ижодини, унинг шоир юрагини даврининг доимий таранг торларига ўхшатган бўлардим. Чунки бўлиб ўтган, ўтаётган хар бир ҳаётини жараёнлар бу юракдан ўз акс-садосини топиб бормокда. Гоҳ

мунгли, гох забардаст, гох тасдикловчи, гох инкор этувчи... умуман, бу йўлларда у ўзининг ўчмас изларини колдириб бормокда деб айтишга хар жихатдан ҳаклимиз, деб ўйлайман.

Ўзига тўк, кўркам, хушбичим, ок дўст,
Йиглайман, Сизгамас, кўкси бедог дўст,
Пок, нопокни бирдай суёвчи тоғ дўст,
Йигим сўлаётган болалар учун!

Олма сабогидай ингичка бўйин,
Гох етиб, гох етмай кўрмадик тўйин.
Ўлмасайди... буюк бўларди тайин,
Йигим ўлаётган болалар учун!

Ичиб, учиб ётган боболари деб,
Тўзгиб, кўчиб ётган боболари деб,
Бир-бирини сотган боболари деб
Тўлов тўлаётган болалар учун!

Ишонч йўк иймону, хаж, додларига,
Жаҳолат муҳр урган каж ёдларига,
Бир-бирин кирганда аждодларига
Ўхшаб кетаётган болалар учун!

Агар биз бугун каердадир хатога йўл қўйсак, адашсак, юртга нифок уругини сочсак, булар беиз кетмаслиги, буларнинг барчаси учун бизнинг йўлимизнинг давомчилари бўлган, оптимиздан келаётган болаларимиз, авлодларимиз «тўлов» тўлаши муқаррардир. Мен бу ерда халкимиз бошига тушган кора кунлар, биродаркушлик фожиаларида ёзилган «Ўш-Ўзган фарёди» хусусида бир лаҳза тўхташни лозим топдим. Зотан, эслаб, юракдан ўтказилиб турилгандагина фожиалар қайтарилмаслигига қафолат бўлади деб ўйлайман. Куйидаги «Бизлар ожиз...» шеъри Халиманинг адолатсизликка, бегуноҳ тўкилган конларга касос бўлиб янграган ўша «Унутганнинг куйсин икки дунёси» туркумига кирган эди...

Биз кайда-ю ҳакикат, Ҳакка
Багир очган осмон каерда!
Шарпа сезсак тўхтаймиз такка,
Юрагида арслон каерда.
Хали уз-о-о-к бизлар чўкиб тиз
Яшагаймиз. Хокон каерда?
Тўниб-музлаб колган конимиз,
Алмаштирмоққа кон каерда?
Йў-ўк, гарчанд кетмади шўримиз,
Очимиз оч, тўкимиз тўйган.
Бизлар ожиз она бўримиз
Болаларин одамлар сўйган!

Бугун дунёи дун тескари
Бўриларни одамлар тишлар.
Сенга одам бўлиб ўсгани
Йўл кўймайди бугунги ишлар.
Кўз ёшимиз кетгандир куриб
Кон ювмокка кўз ёш етмайди.
...Боласининг қдосин бўри —
Ўз гўрига олиб кетмайди.

Мен шу ерда Халима Худойбердиева ижодида касоскорлик рухи устунлиги билан
хам бошқа ижодкорлардан кескин фарк килишини айтиб ўтишим керак.

Бухенвальднинг кора мўриларидан
Тутун бўлиб кочиб чикканлар — Ватан,

дейди у уруш хакидаги бир шеърида. Устозимиз танкидчи Озод Шарафилдинов
шоира ижоди хусусида тўхталиб шундай дейди: «Халима фожиавий рухни берганда
шундай сўзларни танлайдики, бу сўзлардан тутун, дуд чикиб тургандай туюлади».

Бало Олой тоғ ошганин унутинг,
Бало бизга ёндошганин унутинг.
Корачиклар ўйиб олингани-ю,
Кароклардан кон тошганин унутинг.
Унутганнинг куйсин икки дунёси!
Тозаланиб, кизгиш гилам ёзилиб,
Конли излар кетаверсин босилиб,
Лабларининг четларидан кон сизган
Болачалар тураверсин осилиб...
Унутганнинг куйсин икки дунёси!

Ха, рассом кўзи билан кузатилган, чизилгандай бу сатрлар, фожиалар хали узок
йиллар бизни хушёр яшашга ундайдики, бу хушёрлик, бу бедорлик окибати —
иншооллох, бундай дўзахий жараёнлар бошимизга қайта келмас!
Менинг фикримча, Халима халкимиз бошига тушган кулфатлар, гам-андухлар,
кувончли кунларнинг бирортасига бефарқ қараб ўтмайди. Халкимиз «совет армияси»
сафларидан темир тобутларда қайтган ўғлонлари боис озмунча озор чекдими?
Халима бу катта гамни бутун дахшати билан «тобутларда сарсон армон»лар
даражасига кўтариб, ўзининг ихчамгина «Каромат» шеърига сигдирди:

Кўнглимда кўнглимнинг минг синиги бор,
Кўнглимда гамларнинг ўткир тиги бор.
Йиги бор, олдинда катта Йиги бор,
Элнинг болалари ўлмас бекорга.

Обдон ювган билан ювиларми кон,
Котилидан кочиб йўлга чиккан жон.

Тобутларда сарсон, армон-а, армон,
Бу болалар кони ёзилмас корга.

Бу кун тинч денгиздай калксанг-да тек, жим,
Каърингдан ўкирик келмокда, халким.
Эртага бу жонсиз болалар калкиб
Жонли виждонларни тортажак дорга!

Мен Халиманинг ижодини синчков кузатиб яна бир марта дунёдаги жамики
вокеа-ходисотлар аввало она юрагида, аёл калбида зарбланиши, акс-садо беришига
амин бўлдим.

«Худойим, элимга подшоҳлик бер», — деб илтижо килади у бир шеърида.

Унинг шеърларида

Тирикликнинг гами ҳам совга
ёки

Ай, дунё-я сен шундайин кўхна бозор
Нарх-навосин тайини йўк, тайин гам бор

каби хикмат бўлиб дунёга келадиган хайратомуз сатрларга тез-тез дуч келиш мумкин.
Халима Худойбердиева ижодида мукаддас юрт камоли, бугун бошимизга кўнган Хумо
куши — Мустакилликкача бўлган орзу, армон, нафрат, исёнлар бугун бошқача,
хотиржамрок рангларда кўриниш бермокда. Аммо эътикод, принцип ўша-ўша. У
чучмаллик, ўрталикни ёктирмайди.

«Хаётим ё жаннат бўлур, ё дуд, жаханнам» деган сатрларини ўкигандим унинг
1-курсдалигида чоп этилган «Илк мухаббат» китобида. У ўша-ўша Хакка ёвук, хоксорга
йўлдош.

Мен фарзандман тупрок юз хакка,
Мен бурчакдан отилганники,

деганди у кейинрок ўзининг «Тарафкашлик» сарлавхали шеърида.

Ўша-ўша кескин.

Жонажон Ватан шаъни, эрки хусусида гап кетганда, ҳеч иккиланмай азиз жонини
гаровга қўйиб қўлига калам оладиган ижодкорлардан деб биламан мен уни. Биз
ўшандай яшаганда, ижод килгандагина бугунги эркимиз бедахл бўлади, мангу
бўлади. Мана бу унинг энг сўнгги шеърларидан бири — «Эрк йўли»:

Бари ёлгон,

Шу йўлгина чин.

Бу йўлда юрмайсан, учасан.

Факат унда кетмоклик учун

Ўзинг бор-йўгингдан кечасан.

Отланаркан тонг ёки кечда,

Ичга тўлдир озодлик куйин.

Бор лаш-лушинг бирма-бир еч-да,

Бошдан-оёк ХУРЛИКни кийин!

ЭРКка тўйин!
Керак тамоми
Мухтожликдан ўзни куткармок.
Худойимнинг тоза йўлида
Кандай байрам кишансиз бормок!
Кайиролмас ҳеч ким шохингни,
Киркилади гилофу кинлар.
Бошингдаги эрк кулохингни,
Бошинг олмай ололмасинлар!
О лол-ма-син-лар!

У ўзининг ўтган улуг қарвонлар, боболари, момоларининг давомчиси эканини ҳар лаҳза хис этиб, бу масъулиятни чуқур тушуниб қалам тебратади. Халиманинг «Тиловчиман» деган шеърида шундай сатрларга дуч келдим:

Мен ким,
Мен бир мунглиг сингил, тиловчиман,
Оғаларим кипритим-ла силовчиман.
Оғаларим бир-биридан кечар осон,
Жоним ипдир, мен уларни уловчиман.

Борлигимни яратганлар ишқ, оғлардан,
Қонлар, шонлар кечган ёвқур гувоҳлардан.
Ўч олганда ёғийлардан, гумроҳлардан
Тўмариснинг қўлларини қўлловчиман.

Бихамдиллоҳ, қолсам ҳамки синиб, қуриб,
Сўз айтарман хоки-туроб бўлиб туриб.
Авлодимни қайтмасликка онт ичдириб,
Амир Темур йўлларидан йўлловчиман.

Шундай, биз ўтмиш байроқларимизни севиб тик қўтарган қолдагина ҳаёт йўлларида ўзимиз тик кетамиз. Болаларимиз тик кетадилар. Мен Халима ҳақидаги сўзимни танқидчимиз Озод Шарафилдиновнинг фикри билан яқунламоқчиман. «Халима бугун шеърларида ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб қолди. Унинг шеърларида ҳаёт фожиалари, драмалари билан ифодаланса-да, мардонавор руҳини йўқотган эмас. Халиманинг шеърляти бизни бедорликка чакиради, виждонимизни уйғотади. Вужудимиздан лоқайдлик балосини сиқиб чиқаришга ёрдам беради. Бу шеърлят қўп йиллар мобайнида қирланган руҳиятимизни қоклашга ва бутлашга хизмат қилади».

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қахрамони.

- «ИЛҚ МУҲАББАТ» ТўПЛАМИДАН -

(1968)

Окарганда сочлар эслаймиз
Сархуш бахор, куз ўтганини.
Кимларнидир рад этганмиз биз,
Кимлар бизни рад этганини.

ЎЗИМИЗНИНГ БОГЛАР

Дунёнинг кай бурчи, йирок богларда,
Олмалар кизарар бетиним.
Хазонрез хаёллар босган чогларда,
Мен тиниб,
Воз кечиб ўйлару ташвишдан
Қачондир богларда гарк пишган
Кип-кизил олмаларни эслайман.
Ох, бизнинг богларга бахор келган кез,
Ўшаддай тез,
Тошкиниб гуллади олмаларимиз.
Қуёшнинг нурини борица ичиб,
Шу қуёш нурича лаззатин кучи
Бўлгандир эҳтимол, сезмагандик биз.
Тотиб ҳам қўрмадик баъзисин лоқайд.
Отдик баъзисини тишлаб бир, икки.
Биз бегам, сезмадик, хатто қайси пайт
Ўча бошлаганин богларнинг қўки.
Ва лекин бу бахор, беминнат яратар
Бахор, яратувчим, сенга минг кулук.
Ўфқларда қуёш
Хеч гап бўлмагандай кип-кизариб ботар,
Бағрида олов бор, аммо зарда йўк.
Яратувчим, яна яратар бегумон,
Бизнинг қўхна боглар шундай гулласинки,
Қон рангида кизарсин олмаларимиз.
Ранги қонинг киздириб, қуритсин тинканг.
Бунга-қу ишонч бор, қўк майса дийдорин,
Қуртаклар бўртигин қўмсамайди қим?!
Бахор-қу тўқади аямасдан борин,
Аммо, бахоргача узок-да, дўстим.
Майли,
Боглар гул очсинлар, безавол, қулф урийб,
Улар ўз ватанин бурқарлар нурга.
Ўзга қаманларнинг гуллашини қўрийб,
Ўзимизнинг боглар тушар хотирга.
1967 йил 3 октябрь

ЮРАГИМДА БАРГЛАР ШИВИРИ

Ўз дунём ичида богларни яратдим.
Сўлиб битдилар.
Тафаккур кучидан тоғларни яратдим.
Нураб кетдилар.
Богларим ўрнида хазонлар, супурдим,
Барг, хазон.
Тоғларим ўрнида тепалар, жим турдим.
Дилда кон.
Куйдим мен, аммо кул бўлмадим, кайталаб
Тупрокка тўқдим мен, манглай тер, дил коним.
Майса, кўк майсалар унда зап,
О, жоним!
Кийнадинг дейсанми, тўгри-ку,
Ўйласанг менда ҳам гуноҳ йўк,
Шу кичик юрагим бўлса кув,
Яшасак бегалва, кўнгил тўк.
Бегона ташвишу жабрга,
Уйкуда ўтса ҳам умр бир кун
Кетмок шарт сўнгги уй-кабрга.
Шундай, ха, махкам бўл, сен жоним.
Елкага
Хали кўп юкларни юклармиз,
Кўп хазон богларни тиклармиз,
Кўтара олмасмиз юкни гох,
Ва ёки туйгумда кулар тоғ.
Шунда яна янгидан
Тафаккурда тоғлар яратишимиз,
Сўлган боглар ўрнида яшил-яшил,
Дарахтлари шовуллаб турган боглар яратишимиз керак,
О, менинг каттик жоним!
Ишонаманки,
Сен чидаб берасан бу талабларга жим.
Юрагимда барглар шивирлаётганга ўхшайди,
Демак,
Яратилажак безавол богларимнинг
Илк ниҳоллари куртак ёзаяпти,
Боглар гуркираб кад кўтараяпти юрагимда,
Барглари яшил-яшил боглар...
1967 йил 3 октябрь

БИЗНИНГ ТОГДА

Тог бошида рўмолим колди,
Ўша-ўша тинчим йўколди.

Дуч келади унга кай овчи,
Кайси сайёх, кайси йўловчи.
Тог бошида рўмолим колди,
Ким бор эди, у этди насиб,
Ўтмадими охулар босиб.
Колмадими ёмгир остида,
Сархуш, тогнинг баланд-пастида,
Ким юрганди, у этди насиб.
Кундуз телпак кийган чавандоз,
Хадик тортмай юрагингни ёз.
Отинг нечун гижинглар бу пайт,
Рўмолимни сен олдингми, айт?
Кундуз телпак кийган чавандоз.
Учкур бўлар тог йигитлари,
Яна рашкчи уларнинг бари,
Сен улоқда ўзгил улардан,
Бир йигитдай рашк хам киларсан?
Учкур бўлар тог йигитлари.
Огох бўлгил яна бир сирдан,
Сен курашга тушарсан кирда,
Совриндорни йикитганинг дам,
Отам сенга килгайдир карам.
Сен курашга тушарсан кирда.
Шу шартларни бажарсанг, ўглон,
Жайрон кўзга фидо бўлсин жон.
Сўнг рўмолим олсанг, майлига.
Бизнинг тогда колсанг, майлига,
Шу шартларни бажарсанг, ўглон!
1967 йил 22 апрель

ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!
Дориламон кунлар кулди, шафакдари ол,
Каён боксанг, шайланишлар ва созлашлар тор.
Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол:
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».
Сўлгин-сўлгин лабларингдан учаркан шу сўз,
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар кад.
Дориламон кунларга кайт, онам, юмиб кўз,
Ўксик дилда бошланмасин десанг киёмат.
Бу табиат суюмлидир хам кўзлари кўр,
Гох шаробдан, гох оғудан килар бизни маст.
Белгинангга тиргак бўлай, онажоним, тур,
Дориламон куёшга бок, унга касдма-касд.
Юзинг ардокли куёшдай иссик ва махваш.

Кўзларингда умид ёнар тикилган они,
Корли кунлар билан кетсин дилингдаги гаш,
Кизгиш, лола ранг коплайдир бу кун дунёни.
Бу дунёнинг кир-дарасин хосияти мўл,
Ерни яланг оёк боссанг яйрайди танинг.
Яшамок — бир тансик таом, унга урсанг кўл,
Борган сари очиладир иштаханг санинг.
Боглардаги етилгуси хар мевали шох,
Ризкдир бизга, ризкка доим дил илинжликдир.
Ўғлонларинг келар, ана, очишиб кучок,
Ўғлонларинг мева кадар бир ширинликдир.
Онагинам!
Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,
«Тирикликнинг байрами», деб созланганда тор.
Ўзинг сўлгин лаблар билан пичирлагандай:
«Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».
1967 йил 10 декабрь

ЖУФТ ШЎХЧАН КЎЗ

Ойдин кеча. Юлдуз милдирар,
Ойдин кеча. Чараклар само.
Жуфт шўхчан кўз мени ўлдирар,
Яна ўзи тирилтирар аммо.

Севмасам гар улар боккан тоб,
Огир гуноҳ, кўзга кўнгай гард.
Севсам бўлмас ўтига чидаб,
Ох, ўртокжон, бу кандайин дард?!

У чакнаса менга тинчлик йўк,
У чакнаса дудсиз куяман.
Чакнамаса мен гамга тўлик,
Чакнамаса кора кияман...

Кўкда юлдуз маъсум милдирар,
Пастда жуфт кўз мени ўлдирар...
1967 йил 14 декабрь

МЕНИ УНГА...

Мени унга «бунда бор» деманг,
Дийдорингга ташна, зор деманг.
Аллакачон келар экан-у,
Йўл тўсармиш, гурур, ор деманг.

Майли, бунда мени бор денглар,
Кўлларида сайрок тор денглар.
«Севилгандай нигохи сирли —
У тинч эмас, бир гап бор» денглар.

Кўзи кора, куралай, тенгсиз,
Кокиллари бурама, денг Сиз.
Шундай хуриликолар ерда
Сира ёлгиз юрама, денг Сиз.

Шунда ўзи излаб келади,
Хузуримга бўзлаб келади.
1967 йил 14 декабрь

* * *

Ўчган ўтни ёндирма кайта,
Ёмон, ёмон унинг ёниши.
У кизишиб, гурлаган пайтда
Мушкул уни ўчирмок иши.
Илтимосим, кайта ёзма хат,
Ўйнатмасин юракни нидо.
Биз бир фурсат бўлганмиз улфат,
Ва мангуга айтганмиз видо.
Айбдор сенми ё мен гунохкор,
Суриштирмок пайтимас, дўстим,
Ёз-у, бизнинг дилга чўккан кор,
Дил корини ким кўрибди, ким?!
Кўникканман энди барига,
Энди мен шод кўшик айтаман.
Эътиқодим занжирларига
Зарб теккизма энди кайтадан.
Кеч гуллаган экинлар совук
Изгиринда бўладир нобуд.
Кайта ёкма сен хам ўтни, йўк,
Кул киладир бизларни у ўт.
1967 йил 20 май

* * *

Сочларимга нигох солмай ўт,
Нигохингдан ўйга толгайман.
Сен тасодиф бокарсан, йигит,
Мен сочим-ла боглаб олгайман.
Тасодифдир ва балки хавас,
Жилмайишу бошинг сараги.

Аммо билмайсанки, шу нафас
Кўлгинамга тушар юрагинг.
Мен гижимлаб ўйнарман ёмон,
Ёндирмаса, килмас бўлса хун.
Мудрок хислар топмасдан омон,
Чангалимда сўнадир бир кун.
Сочларимга нигоҳ солмай ўт...
1967 йил 20 май

ЭНДИ У...

Бир ўтда, бир ўтда, ох, ёндим,
Ва лекин
Хиссимни яширмоқ истайман.
Кадримни оширмоқ истайман.
Кандай бахт, инондим, инондим.
У мени севади, ох, ортик
Изларим ўпгудай, ўпгудай.
Бир нигоҳ килсам, бас, мен тортик
Изимдан гўдакдай чопгудай.
Чопди у, куйлади сержаранг
Мен локайд кўрсатдим ўзимни.
Асаби тортилди кўп таранг,
Гоҳ ёшлар тўлдирди кўзини.
«Йигит ҳам йигларми дунёда», —
Тўнимни тескари киярдим...
Ва гурур кундан-кун зиёда,
У бўлса куярди, куярди.
Шу алфоз ўтаркан кундан-кун,
У бир кун «бас» деди барига.
Энди мен куярман, ох, дилхун,
У локайд юрагим зориға.
Калкимас кўзида хатто мунг,
Бу кандай бедодлик ишқдан сўнг?!
Энди у...
Хиссини яширмоқ истайдир,
Кадрини оширмоқ истайдир.
1967 йил 12 май

БИР ДАКИКА

Биз учрашиб, ажралишган бир дакикани —
Ўтмиш кори кўмиб кетди, бўлмайди кураб.
Факат хотирга тушганда титрайди таним,
Кўзларимдан аччик ёшлар кетар тиркираб,
Мени эслаб сиз ҳам хомуш тортар эмишсиз,

Сезмасин деб кўз ёшингиз артар эмишсиз.

Бу хам бир бахт, бошка-бошка дунёда юриб,
Унутилган бахтни кўмсаб, тўксак агар ёш.
Йиллар бизнинг кўша изни кетгач супуриб,
Йиллар танхо дилимизни килиб кўйгач фош,
Ёш тўкамиз, бу ёш энди бахтни ёд килар,
У юракдан кон сингари сиркиб томчилар.

Бу хам бир бахт, бирга бўлсак бизлар, эхтимол,
Агар киска бўлмасайди ўшал дакика,
Бунча огир бўлмасайди бу дўзахий хол,
Сигинмаган бўлардикми бугунгидака,
Сезиб туриб бўлишимиз кўп ўтмай жудо,
Бир-бировга олов янглиг кўриндикми, ё?

Ўша куни мен насихат килдим кўп совук —
«Ранжимангиз, йўлимизнинг айрулиги рост».
Аммо бугун бу гапларга ўкинганим йўк,
Вакти-вакти келиб шундай эслайман, холос.
Бу эсламок тароватли, хароботли зап —
Сайрок кушинг ўз кўлингда жон бергандай гап.

Бир дакика...
Ортда колган коп-кора тун багридаги нур,
Барча шукух, азоб учун Сенга ташаккур.
1967 йил 7 октябрь

КИЙИКЛАР

Биз бир тогнинг кийиклари
Каттикликда тошлармиз.
Чопаркан коялар сари,
Енгил уча бошлармиз.

Биз бир тогнинг кийиклари
Тог гулидай ёввойи.
Кўп гўзалдир уфқдан нари
Ок чўккилар гаройиб.

Биз бир тогнинг кийиклари
Бири кувган бирини.
Нондай суйиб ўпгай бари
Оёк кўйган ерини.

Биз бир тогнинг кийиклари

Колмайлик, деб чохида —
Кетиб сайёхлардан нари
Беркинурмиз гохида.

Биз бир тогнинг кийиклари
Тогда бизнинг ризки рўз.
Учсак дилдан хасрат арир -
Майли куёш, майли муз.

Биз бир тогнинг кийиклари
Тошларда шавк-охимиз.
Гам йўк, туёк корни ёриб,
Нурда ёнса шохимиз.
1968 йил 18 февраль

КЎНГИЛ, КЎЛИН БОГЛАБ...

Кўнгил, кўлин боглаб одам ахлини,
Банду-банд килади тагин мухаббат.
Бир кун йўлдан уриб соглом аклини,
Дардманд килади тагин мухаббат.

Чирокка уринган парвонасимон —
У келса кизганмай дилимни тутай.
Мен ўзим шу дарднинг хосиласиман,
Майлига, шу дардда дунёдан ўтай.

Аждодим хаёт деб, ишк деб очган сўз,
Авлодим ҳам ундан ўйларга чўмсин.
Шу дард окибати мен очганман кўз,
Сўнг дам тагин шу дард кўзимни юмсин.
1968 йил 18 февраль

* * *

Каро кундан дилим тонган, нурдир, тозадир бу ишк,
Кўзларимда ўтдай ёнган ердир, фазодир бу ишк.
Билмам, унинг кўли абад силармикан сочимни —
Балки пешонамга битган бало-казодир бу ишк.

1968 йил 18 февраль

ХОТИРА

Кўйиб юбор, ортга тортма, севги эртаги,

Мен бу уйдан чикиб кетай кокиб этагим.
Кулгуларни кулдик, йиги бўлди йигланиб.

Кетай энди, кўйгин, биров кўймас остона,
Хали мени кийнамоқдан тўймас остона,
Оёқларим остонада колди михланиб...
1968 йил 18 февраль

* * *

Сиз топмишим, йўкотмишиммас,
Сор лочиним, ожиз кушиммас.
Сиз дунёда рост деб тутганим —
Тутолмаган ёлгон тушиммас.

Сизга фидо бўлмок истайман,
Сиз деб адо бўлмок истайман.
Аста-аста йўкотмай Сизни,
Бирдан жудо бўлмок истайман.

Таранг тортмоқда симлар, айтинг, —
Хаёлларга толсинлар, айтинг.
Сиз — жон, олса жоним кийнамай,
Бирданига олсинлар, айтинг.
Сиз топмишим, йўкотмишиммас...
1967 йил 8 июнь

* * *

Хайр энди,
Ортиқдир битта сўз,
Номимни атама,
Юлдузим, бўлсанг-да ёнимда —
Бир юлдуз бор йирок бир юлдуз —
Мен ишқин асрайман жонимда.
Мен энди...
Кетаман.
1967 йил 9 май

* * *

Ўйламангки, унинг калби йўк —
Кўпни севар, кўпни кўзлайди.
Хамма билан бўлса хам дўст, шўх —

У бир дардкаш калбни излайди.

Хаёт такрор учраштираркан,
Кимни «сен»лаб, кимни «сиз»лайди.
Йўк, уларга бермайди у тан —
У бир дардкаш калбни излайди.

Дерсиз «ошик»лари эмас кам,
У, канчаси унга сўзлайди».
Дил розларин тинглаб туриб хам —
У бир дардкаш калбни излайди.

Ёки деманг «киш совугидай, —
Унга якин юрган музлайди».
Ўзгаларга харорат бермай —
У бир дардкаш калбни излайди.

Деманг, маъюс тортиб колган дам —
«Унутган ошигин эслайди».
Ишончини хамон килмай кам,
У бир дардкаш калбни излайди.
1967 йил 8 июнь

* * *

Факат омад камдан-кам жуда,
Юрамиз биз топиб, йўкотиб.
Гохо ясоглик от устида,
Гох пиёда, чангларга ботиб.
Яшилланар умр дарахтимиз,
Саргаяр хам бевакт ёгса кор.
Шундай, гохо тожу-тахтлимиз,
Гох кечириб бўлмас гунохкор.
Изхори дил киладир кушлар,
Биз уларни этмасмиз писанд.
Овунтирар бизларни тушлар,
Ох, у тушлар гох берадир панд.
Гох кип-кизил гулларга кўмиб,
Бир олам бахт йўллайдир олам.
Сипкорармиз кўзимиз юмиб
Зардоб тўла кадахларни хам.
Гох кулиб, гох кўл силтаб, куйиб
Ўтказармиз бунинг барини.
Хаётнинг шан мархамати-ю
Рутубатли алдоқларини.
Окарганда сочлар эслаймиз

Сархуш бахор, куз ўтганини.
Кимларнидир рад этганмиз биз,
Кимлар бизни рад этганини.
1967 йил 8 июнь

УЙГА

Уйдан чикдим, юракка жойлаб
Изтиробу аламлардан куч.
Шўхчан шамол тургандай пойлаб —
Остонада келар менга дуч.
Чикдим, худди кўргошиндай зил —
Зил бир юкни уйда колдириб.
Остонада шафак ним кизил,
Ёнабошлар шодлигим кўриб.
Тузинг хакки, мени кечиргил —
Кололмадим бир умр сенда.
Дил кушимни эркин учирдим —
Шундай истак бор эди менда.
Ўзинг кечир, айблама мени,
Ох, сенга кўп кўшик айтардим.
Учмок бўлган куйим, дардимни —
Деворларинг локайд кайтарди.
Дунё гўзал, дунё кандай кенг —
Истайманки уфкига етсам.
Айт, маъкулми, хисларим менинг
Тўрт деворга ем бўлиб кетса.
Ким ўт бўлмас менинг ёшимда,
Локайд ўтган бу ёшда ким бор?
Тугёнли ўт ўйнар бошимда —
Тугёнларга тугён кўшгим бор.
Шулар сабаб, оппок тонг чоги
Уфк кизариб ёнаётган дам —
Мен тарк этдим иссик кучогинг,
Ортик энди айблама сен хам!
Тузинг хакки, мени кечиргил.
1967 йил 14 декабрь

ОТАМ ХОТИРАСИГА

Ўриб олар ўрокчи ўглон.
Р. Хамзатов.

Шовуллаган бугдойзорда чалги бўш ётар, дўстлар,
Чалгини занг босган, э вох, кетсин чалгининг занги.
Уни отам тутганида кувонар эди кўзлар, —

Бу кун эса бу савдоли дунё ишин карангки,
Ахир бугдой ўримида ундан устаси йўк-ди,
Тош котдиму билмай колдим, бу хол хакми, хатоми?
Кай кун у ўзидан устун ўрокчига йўликди
Ва у худди бугдойдаин ўриб кетди отамни...

- «ОК ОЛМАЛАР» ТЎПЛАМИДАН -
(1973)

Шунчаки ёзмок-чи, кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмокка бормайди кўлим.
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмок, бу — шоирга ўлим.

БИЗ ОЛМАМИЗ

Биз олмамиз шохлардаги, тўкмасынлар, айтингиз,
Дарё бўлар кўз ёшимиз, чўкмасынлар, айтингиз.
Гўрмиз хали, айтингизки, гўр мевани узмайлар,
Гўдакнинг хам тонгги ширин уйкусини бузмайлар.
Айтингизки, яна, бизлар энди кўшик бошладик,
Эшитсинлар ахир уни кулок бериб одамдек.
Кўшигимиз тинаётган у калбларни этар ром,
Эсга тушар ойдин кеча, ок юзли киз, сархуш жом...
Чалгингизни чархлаб кўйинг, бизнинг кўшик чархлоглик.
Бундан сўнгги хаётимиз ўша кўшикка боглик.
Куйламокка кўйиб беринг, куйлай олмасак жўшиб,
Ўриб олинг бизларни хам, ўша кўшикка кўшиб.
Биз олмамиз шохлардаги, тўкмасынлар, айтингиз...
1971 йил 6 май

* * *

Такдир улаганда умрлар занжирин —
Ногоҳда рўпара бўлдик иккимиз.
Тушунмай яширин калбларнинг сирин,
Хиссиз, йўл бошидан бирга тушдик биз.
Бун тилим билан олмасам хам тан —
Биласан, юрагим бегона эди.
Уларни мен бу тун, куёш ботганда,
Эсдалиқ дафтарга ёзяман энди.
Кўзимни чирт юмиб сени эсласам,
Кийнайди ўтмишнинг ўкинчи, дарди.

Беихтиёр калкир кўзларимда нам,
Ўйлайман: «Севарди, севсам бўларди».
Биласан, йўк эди дилимга ҳоким,
Уни ўзга биров этмаганди жалб.
Магрур, кушдай эркин эдим ва лекин,
Шунингдек сенга ҳам беролмадим калб.
Тушдай ўтиб кетди бугун хаммаси.
Юракни фойдасиз ўртамок нечун.
Ўтди, аммо дилда колди, чамаси,
Азоби, ўзим рад килганим учун.
Бу чигал хатони тузатолмайман,
Тундай юрагимни очаман тунга.
Энди-ку сенга кўл узатолмайман,
Хайрлашолмайман ҳам мангу-мангуга.
Нурли тонг оқарар, тун бўлар охир,
Сенга тилакларим шу тонг каби ок.
Кизик, гоҳ бахтинг ҳам мен учун огир,
Бахтсизлигинг эса, яна огиррок!
1971 йил 6 май

* * *

Сенга барча отилган тошлар,
Таъналарга мен ўзим сабаб.
Мен сабаб сен тўккансан ёшлар,
Гам ўтида бўлгансан кабоб.
Ўгирладим ороминг йиллаб,
Тошкин юрак сен келганда жим.
Юрдим сенга ўзга бахт тилаб,
Ўзим сендан бегона эдим.
Кўз ёшларинг хуни бўйнимда,
Отма, тегар каргишинг тоши.
Биз тақдирнинг шўх ўйинида
Ўйнай-ўйнай кетдик адашиб.
Турмуш боги бўлмасдан гуллаб
Ёгди унга кайта-кайта кор.
Барчасига кибор калб сабаб,
Барчасига ўзим гунохкор.
Умр балки шодумон ўтар,
Балки... кўргум бошда борини.
Бирок,
Сен каргама, каргишинг тутар
Кўз ёшларинг сабабкорини!
1970 йил 7 октябрь

БИР СЕН ЭМАС...

Бир сен эмас, ё бир мен эмас
Ишк майини ичмокни хавас
Килган, ичиб бўлган шўху маст,
Сўнг тахири чиккач, деган «бас»,
Бир сен эмас, ё бир мен эмас.

Суюмлидир кизлар бари бир —
Тош калбларни ёккан, ийдирган,
Гарчанд кўпни суйган, суйдирган,
Кимларнидир дог да куйдирган —
Суюмлидир кизлар бари бир.

Йигитда хам эмас хамма айб,
Шўх нигохлар тузок солган дам.
Сирли бахтдан кўзда шавку нам,
Пайти келиб бу бахт бўлса кам,
Йигитда хам эмас хамма айб.

Ишк хакида ох-вох килма, бас,
Севган бир сен, ё бир мен эмас...
1970 йил 7 октябрь

КОР УЧКУНЛАБ ТУРГАНДА

Кўп нарсалар келар эсга, кор учкунлаб турганда,
Кўхна дунё ёшдир кўзга, кор учкунлаб турганда.
Гамлар тоши юрагингдан кўча бошлар бирма-бир,
Сен ўзгасан, хасрат ўзга, кор учкунлаб турганда.
Ўй-режалар кушларининг тўдасига отар тош,
Гам-ташвиш йўк ризки рўзга, кор учкунлаб турганда.
Ажаб, сершовкин дунёга атай чўкар сукунат,
Йигитлар калб очса бизга, кор учкунлаб турганда...
1970 йил 17 декабрь

ГУРУР

Кора сочларимнинг тўлкини
Тўлгонганча окар куйига.
Мухаббатнинг сирли ёлкинин
Олиб кирган йигит ўйига
Балки удир...
Кўзларимда ёнади офтоб,
Кўзларимда саратон, июль,
Бир шўх нигох ташлаганим тоб,
Ўзга дилда ўстираман гул.
Балки удир...

Кўлларимдан гохо тер, гохо
Келар эмиш кўкламнинг хиди,
Кўлларимга бермай хеч бахо,
Кўзга суртиб у ўпган эди.
Балки удир...
Ўсма кўйган кора кошларим,
Ним кизил, шўх лабларим билан
Жовдирашим, гоҳ довдирашим,
Кўзда калккан ёшларим билан
Севилдим бирдан.
Унинг сочи, ох, унинг сочи
Кора, гайир, ҳам шундай калин.
Юрагимда бахор гул очиб,
Тортинаман мен кўз тиккани.
Калин эмиш менинг ҳам сочим,
Сочларимга кўли теккан чок,
Титрок билан кузатаман жим
У кўлларга киришин титрок...
Билмай колдим... кай бахтли куни
Гавго солдим унинг ўйига.
Кора сочларимнинг тўлкини
Тўлгонганча окар куйига...
1971 йил 12 май

ОК ОЛМАЛАР ПИШГАНДА

Отам Умматкул Худойбердиевнинг
ёркин хотирасига бағишлайман

Отагинам!
Сиз кетдингиз, колди кетмону пахта,
Паймонангиз шунча эрта тўлишини билмабман.
Куз келмасдан илдизига болта теккан дарахтдай
Сўлишини билмабман.
Эсимда бор: сочингизга илк ок тола тушган чок
Кайгурибман, отам эрта қарияптилар чоғи.
Ногоҳ, сизни йўқотдим мен ок олмалар пишган чок,
Дилдан кетмағай доғи.
Ок олмалар пишган кунлар босди-ку кора гамлар,
Тополмадим мен отамни бог айланиб, ёш тўкиб.
Хар йилгидай тикланса-да саф-саф пичан гарамлар,
Уни ўзи тиклолмади, кетган бўлса-да экиб.
Ташвиши кўп эди хали, пичан пишиб далада,
Шохлардаги унга мустар оппок олмалар колди.
Отагинам, ок олмани севардингиз боладай,
Сизга олма терар кўлим бу кун термасдан толди.

Ок соколли боболарни тавоб килардим-ку мен,
Оклик кўриб изида.
Сизга, отам мўйсафидлик умрин тилардим-ку мен,
Тилакларим тўзиди.
Билардингиз, уялибми, боколмасдим сизга тик,
Тўйиб каролмагандим.
Тирикчилик кунингизга ризки тўкин фарзанддек
Хали яролмагандим.
«Ота мерос» уйни куриб, тўнгич ўгилни уйлаб,
Узатмокчи эдингиз-а эндиgina оёкни.
Бугун кезар эканман мен танхо олмazor бўйлаб,
Эзиламан кўтарганча армон деган зил тоғни.
Гарчанд умр сўнгигача инсонга сермехнат йўл,
Билмадингиз Сиз дунёда борми унинг адоги.
Кўз олдимдан ўтаётир у чапдаст, сертомир кўл
Ва кафтларнинг ўчмас мухр — танга-танга кадоги.
Корайган сахий тупрокнинг ранги акс этар унда,
Минг кишилиқ давраларда бўлсангиз ҳам топардим.
Ўша кўлингиздан таниб топар эдим, ох, шунда,
Ўдаклигим согинчию зори билан ўпардим.
Саманингиз турар ўша козигида депсиниб,
Акам миниб, балки бир кун сиздай чавандоз бўлар,
Хаёт кизик, эсар экан сўнгсиз йиллар эпкини,
Чавандозлар кетар экан, чавандозлар тугилар.
Аммо «тойлар от бўлгунча юраклар лат бўлар», деб,
Онам йўқлар йўқловларда, сиз ёдига тушганда.
Йиллар оша укаларим такрорлаб юрар мендек:
«Биз отамдан айрилганмиз ок олмалар пишганда»...
1971 йил 18 сентябрь

КЎМСАШ

Йўлдан елиб ўтар учкур от,
Бир-бир кечар болалиқ ёддан.
Мир чавандоз кизини хаёт
Жуда эрта айирди отдан
Ва отамдан эрта айирди,
Тўймадим меҳрига, на илож.
Каердаки улок, от кўрдим,
Тикилдим мен ўдак кўзим оч.
Кўк кундузин кошга бостириб
Улокчилар тўдасига гох
Ўё отам келарди кириб,
Бир зумгина энтикардим, ох.
Ўтлар сачраб тўёқларидан
Кўкни тутса от гижинглаши,

Бир дард сизиб кўнглим қаъридан
Ўз отимиз излардим шошиб.
Йиллар бўйи изладим, топдим,
Ва йўкотдим ўша захоти.
Ўхшаш кимса ортидан чопдим,
Ортга кайтдим ўйларга ботиб.
Туюларди булар мисли туш,
Ўнглигини англадим кейин.
Уфklar Сиз бўлиб чорлармиш,
Учгим келди гоҳ худди куюн.
Қўмашлардан ўртанар багир.
Ўтганларнинг билгани билган,
Мен чавандоз кизиман, ахир,
Ота, отдан эрта айрилган...
1971 йил 18 сентябрь

СЕНИ СЎРАШАР

Менга дуч келганда кадрдон дўстлар
Мени кўйиб сени сўрашар олдин.
Олдин сенга бўлар илтифот, сўзлар,
Мен бўлсам бу сўзлар юкидан толдим.
Миямга чакиндай бирдан кон уриб —
Бўшашади оёқ-кўлларим шу он.
Елка кисиб кўйса холимга бири,
Бири кўз ташлайди ачингансимон.
«Яхши, яхши», — дея ўзимни тутиб, —
Уйга шошиламан, хайрондир улар.
Уйда... ойларки... сен олмайсан кутиб,
Бизни учрашмасга бошлаган йўллар...
Биламан, кўп мушкул бу хол сенга хам,
Аммо начора,
Ўз хохишимиз билан
Тинглаймиз такдирнинг бу нохуш куйин.
Кийин, сендан мени сўрашгани дам,
Ўғлимиз сўрашса бундан хам кийин.
1970 йил 13 август

ОТАШ ДАВРАЛАРДА

Оташ давраларда шўх-шан эмишман,
Энг бахтиёр кизга ўхшар эмишман.
Сезилмасмиш, дудсиз ўтда мен куйиб,
Ёник ишк мактубин ўтга отганим,
Муhabбатнинг хазон либосин кийиб,
Боли колиб, кўпроқ захрин тотганим —

Сезилмасмиш...

Ногох бахт уйини осон топганим —
Унда мени чорлар дарча бўлгани —
Мен эса бепарво —
Дарчани ўз кўлим билан ёпганим —
Сўнг дардда калб парча-парча бўлгани —
Сезилмасмиш.

Танхо дамларимда ўзим билан банд —
Минг бор тирилганим, минг бор ўлганим,
Йиглаб чикканларим узун тун билан
Ва йигидан бодом ковок бўлганим —
Сезилмасмиш.

Тонгда хамма дардни кўнгилдан кувиб —
Сўлиш билмагандай хушбахт, хотиржам,
Шўр ёшларим билан юзимни ювиб —
Оппок тонгни кулиб каршилашим хам —
Сезилмасмиш.

Оташ давраларда шўх-шан эмишман,
Энг бахтиёр кизга ўхшар эмишман.
1970 йил 11 октябрь

ШУНЧАКИ...

Мен шунчаки ўйлагим келмас,
Хаёл — шароб мисол килсин сархуш, маст.
Мен шунчаки куйлагим келмас,
Овоз пардаларим чидаб берса бас.

Кўлингга тушаркан жажжи чакалок,
Шунчаки севмокда кандай лаззат бор.
Керак чинкиртириб ўпиб, тишламок,
Биз хам гўдакликда топганмиз озор.

Шунчаки севилмок — бахти коралик,
Тўла толе учун бу кемтик, бу кам.
Менинг калбим шундай севгига молик,
Бир чарсиллаб ёнай, сўнгра сўнсам хам.

Охангга шунчаки солмасдан кулок,
Таржима килиб ёз сим садоларин.
Ахир булокмасмиш тогдаги булок,
Кўз ёшларимиш у ишк гадоларин.

Шунчаки кулмок хам истехзодек гап,
Бирдан ках-ках урай, чўчиб кетсинлар.
Бошларига осмон тушгандай кулаб,
Гафлат бандалари ёка тутсинлар.

Шунчаки йиглаш хам ярашмас бизга,
Уни эплар факат юраги тошлар.
Шундай йиглай, хожат колмасдан сўзга,
Кургок кўзлардан хам куйилсин ёшлар.

Шунчаки ёзмок-чи, кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмокка бормаиди кўлим.
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмок, бу — шоирга ўлим.
1971 йил 20 октябрь

ЙИГИТ КАДАМ ТАШЛАРКАН...

Йигитларни куйламоклик эриш туюлар чоги,
Дилбар, нафис шеърга ўзи ковушмайди йигитлар.
Гулга кира бошлар экан уларнинг кўнгил боги,
Куёшда чатнаб ўсадир унда ёввойи ўтлар.

Дашт гулидай ўсар улар хар ёнга шох ташлашиб,
Бакувват хар шохларки, кайириб, буриб бўлмас,
Кийкиришиб богларга киришсами бошлашиб,
Ках-ках садоларидан чўчимаи юриб бўлмас.

Инсон панжасими у ёки шер панжалари,
Кўллар бир хил майин-ку, тугилганда, йўргакда.
Пайт келиб биз титратиб шу шернинг панжаларин,
Гўдакдай кувонамиз, куш учирган гўдакдай.

Юраклар у юракмас, дугонажон, асрангин,
Учкун тушса куйдирар, унда ёнган ўтлардан,
Гарчанд биз деб хамиша бахт, борлигин асради,
Хайикмай бўлмас ахир, ул асов бургутлардан.

Тортиниб ўтмок такдир бизга улар дастидан.
Маъсум тортиб, атиргулдай, чирой очиб дам-бадам.
Токи олис юлдузларнинг чакнок нури остида
Одам ота зурриёди — йигит ташларкан кадам.
1972 йил 14 январь

КАЛБИНГГА ЧОРЛАЙСАН

Сен мени калбингга чорлайсан,
Келишиб олайлик.
Кўп хушрўй кўринар калбингдаги бог,
Унда умид янглиг ёнар бир чирок.
Милтиллаган чирок нурларига
Жим тикиламан, хузур киламан.
Омонат бўлмасин, ишкилиб, у чирок,
Синамок учунми ёки хазиллашиб...
Ё титрок шуъладан келгандами гашим,
Ўчириб кўймайин тагин уни мен,
Богинг хушрўй, аммо ўчмасми кўклиги,
Когоздан эмасми унинг дарахтлари.
Ногохда куюнлар ёприлган вақтлари
Тўхтата билмасми япроқлар шўхлигин.
Богинг хушрўй, аммо биласан, мен унда
Авайлаб-авайлаб босмасман кадам.
Саратон кўкини куйдиргувчи кундай
Мен богингга кириб борган дам,
Шамолим бўлади ўзимга яраша,
Харорат, куюним...
Каричма-каричлаб у богни кезарман,
Шодумон, куюниб.
Мехмондек кезмасдан
Шохларни кайириб кокарман.
Сочилган олмалар меники.
Мевага, чирокка ишонч-ла бокарман,
Энтикиб.
Ўшанда чирогинг ўчса гар,
Алхазар,
Богингни киларман мен остин ва устин.
Унда мен йигламам, сен кўз ёш тўккин мўл,
Темирга, тошларга тўладир,
Мен босиб ўтган йўл.
Кўкатлар унмайдир унда сўнг,
Фигонлар тинмайдир унда сўнг.
Сен мени калбингга чорлайсан,
Келишиб олайлик.
1972 йил 20 февраль

* * *

Укам Тургунжонга

Болакай ўлтирар кайикда,

Гох бокар атрофга жовдираб.
Хайдагил кайикни хайикмай,
Болакай, колмагил довдираб.
Бу хаёт галати, жигарим,
Ким эшкак тортади болахол
Ва кимдир хакки бор сингари
Улгайган дамда ҳам бемалол
Кайикда ястанса бекайгу,
Бокмагил сен унга сукланиб,
Юкларин бировга ортган у,
Ўзи ҳам бировга юкланиб.
Умрбод эмасдир бу айши,
Кўраркан окимнинг тезобин,
Качондир беллари майишиб,
Тортар у эшкакчи азобин.
Майлига, хоотири бугун жам,
Бир танбал булутдай ухласин.
Чорлайди чарогон бир олам,
Шу олам сурурин йўкла сен.
Хайратда тикилма, тушми, рост.
Кўрдинги, поёнсиз кўлдамиз.
Эшкак торт, кулочни кенгрок ёз,
Эшкакчим, мардим, биз йўлдамиз.
Кўркма, гох кийналиб колса жон,
Шамоллар мадорни кетказиб.
Болакай, борармиз икковлон
Кайикни уфкка етказиб.
1972 йил 29 июль

КЕМАЛАР ТИККАГА ЙЎЛ ОЛСИН

Сен ҳақда
Юлдузлар куйласа жимирлаб,
Япроклар куйласа тинмайин
Завк билан тинглардим шуур-ла,
Кўзимга уйкулар кўнмайин.

Ногоҳда
Исмингни айтсалар чопардим,
Севардим, ох, у хуш навони.
Талпиниб нон каби ўпардим
Исмингни янгатган хавони.

Ва лекин
Биз йўлга чикканда, кемамиз
Сурди-ку шамоллар айру ён.

Гарчандки узоклаб кетдик биз,
Кайтмокчи эмишсан мен томон.

Йўк, чекин.
Кемангни бурмагил, кистама,
Дўстгинам, сен ортга кайтма, йўк.
Мен сенга сарсонлик истамам,
Бок, ахир кемангда канча юк.

Уларни
Килмагил хохишинг курбони,
Гуллар бор, кутганда очилмас.
Бор эмас хамиша имкони,
Тугунлар бўларки, ечилмас.

Дардларни,
Армонни юракдан юлиб от.
Кайрилма ортга-ю чеккага.
Орада бўлмасин аросат,
Кемалар йўл олсин тиккага...
1972 йил 16 август

* * *

Учирма куш, полапоним учмокка шайланади,
Тушларида булутлардан юксакда айланади.
Дуч келаркан булутларга урар у тўшларини,
Уйгонаркан, таъбирини излайди тушларининг.

У учмокчи, куламоги тушига хам кирмайди,
У ерда ивирсиганлар билан сухбат курмайди,
Уядаги тинч умрни изламайди полапон,
Кўнгли тўлар, осмонларда кезса дайдиб полапон.

Парвоз килгин-у, бемахал куламагил, жон кушим,
Кучсизгина канотингга мадад бўлсин олкишим.
Олкишларман, у холбуки олкишни хам тингламас
Куёш кулган шу тиник тонг, у учмоги керак, бас.

Самоларнинг кучогига ўзни отар у бу тонг..
Учар, ё булут багрига тошдай ботар у бу тонг...
Учмокчисан, юксак учгач — куламокка хам шайсан,
Полапоним, полапоним, юрагимга ўхшайсан...
1972 йил 16 май

* * *

Омон-омон кўшиқлардан айт,
Алвон-алвон кўшиқлардан айт,
Оханг бўлиб кўшиқка бу кеч
Кўшилишиб кетадиган пайт.
Омон-омон кўшиқлардан айт.

Юракларга ўт бўлиб кириб,
Ўзинг ҳам куй, куйла куйдириб.
Бари-бари тушсин ёдимга,
Бари-бари чиксин олдимга.

Йирокдаги оппок соч онам
Келмокдадир кипригида нам,
Онам, онам тушсин ёдимга.

Камчин уриб келмокда отам,
Отин суриб келмокда отам.
Сурон солиб яшаб кетди у,
Голиб-голиб яшаб кетди у.
Камчин уриб келмокда отам.

Одил Дароз бор эди бир чок,
Отагинам сирдоши эди.
Кўмсаб колар Дарозни гох-гох
Чавандозлар давраси энди.
Одил Дароз бор эди бир чок.

Айтаверсам жонга тушар ўт,
Ёш тўқмокка чоғланар булут.
Туташмокда ўтларга кўксим,
Кўй, яхшиси, мен тинглайин жим,
Ўзинг алвон кўшиқлардан айт,
Омон-омон кўшиқлардан айт.
1972 йил 18 август

СЕВАН КОШИДА
(Арманистон сафари хотираларидан)

Юрагингни титратди-ю бир иштиёк, чанкоклик,
Севанга дуч келиб колдинг, пинхон унга ёш тўккин.
Ундан тила ўзи янглиг улкан меҳр ила поклик,
Гурурингдан устун келиб хузурида тиз чўккин.
Дейлик, сени кондирмади шу улкан кўл, шу нахр,
Сезмай колдинг бир умрлик узилмас гам килди кул:

Энди дунё шавкларидан ўтажаксан бебахр,

Ахир энди дуч келмайдир, бундай тиник, зилол кўл.
1972 йил 3 март

* * *

Менинг шеър бошлашим бўлди кийиндан-кийин,
Кейин шеър уланиб кетди шеър-дил назмига.
Узок йиллар тинглаб юриб хижроннинг куйин
Бирдан таклиф этилгандай висол базмига.

Туйгуларнинг шиддатидан кетаман чўчиб,
Фикрларим толиктириб тошар, куюлар.
Шундай, ўргангач хижроннинг майини ичиб,
Ширин висол шароби хам чучмал туюлар.
1972 йил 18 август

* * *

Аклим танибманки, йўлдаман, йўлда,
Тоблаб кўйди анча йўллар кийноги.
Аник канча йўл бор хали мўлжалда,
Мўлжалсиз йўлларнинг йўқдир саноги.

Бу йўлларда юрдим шод кўшик айтиб,
Хар вақт ишонч билан олдга кўз тикдим.
Аммо, бир кун она кишлокка кайтиб
Отамнинг кабрининг устидан чикдим.

Отамнинг юзига юз кўйиб эмас,
Тупрокка юз кўйиб ёш тўқдим юм-юм.
Нега отам каддин кўтармайди даст,
Нега гунгдай котган бу тупрок — уюм.

Шундан кейин тагин йўл бошланди, йўл,
Хавотир оламан энди мен тез-тез.
Бизнинг чаманларда сўлмадими гул,
Хазон бошланмасми мен борганим кез.

Шундай, энди тез-тез титрок дил билан
Она кишлогимга кайтади йўлим.
Хушёр тортиб колдим сесканиб бирдан,
Гамхўр килиб кўйдинг сен мени, ўлим!
1971 йил 28 август.

УЛУГБЕКНИ КУЗАТИБ...

Бўрон тураётибди, ташкарида дўл-бўрон,
Ёлларин хурпайтириб чопар бўрон отлари.
Болакайим, сен кўрма, сен ховучламагин жон —
Сен когоз каптарингни ясайвергин шодланиб.

Мунчок кора кўзингга нечун тўлаётир мунг,
Тишда бўрон отлари ер-кўкни дупурлатар.
Аммо билки, болажон, хамма вақт бўрондан сўнг
Сен ўйнаган далалар куёш нурига ботар.

Бу отларнинг уюри ўтар бир-бирини кувиб,
Калдиргочим, вижирлаб ўз куйингни куйлагин.
Деразаларни куёш тагин нур билан ювиб,
Сенинг оппок каптаринг кўкка учади тагин.

Биз кўрмаган бўлсак ҳам чинакам бўронларни,
Бу сочлари ок дунё уни кузатган канча.
Гох бевақт жала, бўрон ювса ҳам шавк, шонларни,
У чин шон бўлса агар колар яркираганча.

Ерни нафакат жала, конлар ювган кай махал,
Қачон кизил гул, қачон қор кўмган йўлларимиз.
Аммо, ер доим бўлган кўқариш учун махтал,
Кўқартирмокка махтал бўлгандир кўлларимиз.

Дон сочиб ўрганган ҳар икки ишчан кўлга шон —
Минглаб икки ишчан кўл дунё камин бутлади.
Мен деб «умринг узайсин», — мен деб «омон бўл, омон»
Икки меҳнаткаш кўлни жоним билан кутладим.

Кўқартирмок туйғуси ҳамиша келган голиб,
Табиату жамият бўронларин қилган даф.
Ер шаридай юмалок бошингни куйи солиб, —
Менинг қичкинам, тагин нимани қолдинг ўйлаб?!

Тушунарсан бир қуни улгайиб бу гапларни,
Қапалакдай уч бугун шодмон кўшиқ тўки-да.
Унда забардаст кўлинг учирар ок каптарни
Тинчлик элчиси қилиб планета кўкида.

Сира маъюс тортмагил, менинг кўм-кўк палагим,
Ана, қара, бўрон ҳам тинаётир дам сайин.
Каптарингни ясайвер, менинг жони халагим,
Ишга ўрганаётган жажжи кўлинг ўпайин.
Бўрон тинаётибди...
1972 йил 10 октябрь

* * *

Учаётиб кўкрагини тутди чавандоз,
Учаётиб.
Отнинг аклли кўзларида тугаб кўклам, ёз.
Борар кора терларга ботиб.
Турналар осмонда солар аргимчок,
Улар билан келар иссиклик, жануб.
Чавандоз кўзларин сўнг бор очган чок
Бирдан турналарин колди-ку таниб.
«Менинг турналарим, оппок турналарим,
Бунча кеч колдингиз, айтинг, бунча кеч.
Сиз билан сўзлашмай кетмоқдаман гариб,
Сиз билан сирлашмай
Кўзим киймас ҳеч».
Алахлаб,
Мадор кетган кўлларини ёзар чавандоз,
Баайники турналарин қўймоқчи силаб
Ва силтаниб эгарда кад тиклади-ю гоз,
Зангор кўкка кўзин тикди,
Сўнг тушди кулаб.
Менинг дилимга ҳам гамлар тоши кулади,
Дейман: «Хаёт, ҳар мушкулни ўз вақтида еч...»
Жон талашиб ётган учқур нидо килади:
«Турналарим кеч колдингиз...
Айтинг...
Нега...
кеч...»
1972 йил 10 октябрь

- «ЧАМАН» ТЎПЛАМИДАН -
(1974)

Сизни мен ўзимга ҳам лойик кўрмам, рости гап,
Ўзгага бермок эса тушимга кирмас ухлаб.
Ўзга билан кетсангиз, равон йўллар колмасин,
Бегим, иккиланмасдан ер юзин ташланг михлаб.

НАВРЎЗ

Мен бу кун таъзимдадурман еру осмон олдида,

Хам унда хокими мутлак — Хазрат инсон олдида,
Хар гиёҳким кўз очувчи титраган жон олдида,
Тириклик шавкини берган борки имкон олдида,
Юзларим олмокда ол ранг тонгги нурафшон олдида.

Дур либослар ичра бўздан тўн бичмаганлар хаки,
Хавзи кавсар ўртасинда сув ичмаганлар хаки,
Минг бор ўлиб, сўнгги дам бир бахт кучмаганлар хаки,
Фасли баҳор васли ёра ёлчимаганлар хаки,
Мен бу кун созимни созлай бор орзу армон олдида.

Шодумон бокка югургум, тонгни мушток оттириб,
Киркта килган сочларимни тилла сувда котириб,
Наврўзона шавк-ла куйлай гунчани уйготтириб,
Ва сўзлайким: «Қуёш келди, гам ойини боттириб», —
Гам на килсун ул мунаввар шамъи шабистон олдида.

Оппок олча гулларига кўз тушган он яйрадим,
Сархуш бир ўт туташгандай кизиди кон, яйрадим,
Хаёт менга яна кўклам килмиш эхсон, яйрадим,
Ох, яшамок! Нак танамдан чиккудек жон яйрадим,
Бу дунё кадрили сўрманг яйраган жон олдида.

Унга интик, аммо богин кезмаганлар бўлди-ку,
Ялпиз хиди анкиган дам сезмаганлар бўлди-ку,
Кишда торайган юракни ёзмаганлар бўлди-ку,
Улар кетгач, интик-интик ёдлаганлар бўлди-ку,
Гарчанд улар катрадурлар дарёи уммон олдида.

Улар ҳақда тўлиб-тўлиб хотиротлар бошласам,
Согинтарган дийдорларин кўмсаб кўзим ёшласам,
Маъюс тортиб колар ахир, у кулгувчи гунча хам,
Дейман: «Гунча кулгусига гамгин оханг кўшмасам»,
Шул сабаб, шод чарх урарман бу чархи даврон олдида.

Тингланг, кезар боглар аро куртакларнинг кулгуси,
Авжланмокда бора-бора гўдакларнинг кулгуси,
Бу туйгулар балки бир кун мени шоир килгуси,
Унда созрок куйлаб бергум ҳаёт гулин хуш исин,
Ва тириклик кўшигини жумлаи жаҳон олдида.
1973 йил 10 апрель

СИЗ ДОНО ЙИГИТСИЗ

Сиз доно йигитсиз, окилсиз жуда,

Менинг шўхликларим, аммо, авжида.
Гурур, шодонлигим ортикдур баъзан,
Гўрлик, нодонлигим ортикдур баъзан.
Сархушлик жомингиз мен тўкар бўлиб,
Туйгуларингизга кўру кар бўлиб,
Кетгум дилингизда ўчириб чирок,
Сиз-чи, сезмаганга оласиз, биров.
Бесабаб кахкахам чакса ҳам чакин —
Беозор жилмайиб кўясиз бокиб.
Эркалигим ортик этганда ҳам лол,
Илк кўклам тошкинин кечирган мисол,
Кечириб кетасиз жимгина суйиб,
Бу илтифотлардан юрагим куйиб,
Хижолатдан аччик ёшим куюлар,
Бу хол кеч кузакдай совук туюлар.
Тантик кизалогин севган отадай,
Сиз кечиримлисиз, аммо хатодай,
Менга булар хато, кизик тасодиф,
Ё укувсиз аёл йигирган бир ип
Мисол узилар-у тугайди тушдай
Ва мен нафас олгум бир эркин кушдай.
Олтин кафас ичра ортик йўк чидам,
Сиз доно йигитсиз, окилсиз жуда...
1972 йил 17 июль

* * *

Хох арзи, хох арзимагил, кўтараман юксакка,
Кўтараман тубанлигинг билан ҳам гоҳ касдлашиб,
Сени шундай юксаликда жойлагандим юракка,
Юракдаги юксакликнинг бўйин бўлмас пастлатиб.

Шу юксаклик умри учун тикадурман йўк-борим,
Аммо биласанки, мен ҳам ўчли, кучли бир найман.
Уринаман, ўшанда ҳам нузар бўлсанг, шункорим,
Унда янги юксакликни кўкрагимда тиклайман.

Такдиримдан бир ой янглиг тамом кетарсан ботиб,
Яшолмайман мен кўксимдан юксакликни йўкотиб.
1973 йил 31 октябрь

МЕН СЕН БИЛАН ХАЙРЛАШГАН ТУН

Мен сен билан хайрлашган тун каро эди, каро эди,
Тун багри бут, менинг багрим яро эди, яро эди.
Тун багрида колсин дердим, кўрмасинлар, кўрмасинлар,

Кўриб биров рости биров рўё томон бурмасинлар.
Тилимга-ку ишончим бор, итоатсиз сўлса рангим,
Мен тингларман юлдузларнинг сукутинмас, шўх жарангин,
Яркирок ой шуъласида тол-тол бўлиб эшиларман,
Хушбахт дўстлар даврасига ўзим уриб, кўшиларман
Ва аччикма-аччик туриб, бахтга карши, бахтки барбод,
Бахтлилардан шиддатлирок куйларман шод, куйларман шод.
Аминманки, авжим билан шу биринчи даврадаёк
Ўзимга тонг яратарман, тонгим менинг отар оппок,
Тунда колар дардим менинг, нурлар чаяр юзларимни,
Унутишнинг сели ювар, дилнинг армон, изларини.
Аччик ўйлар тўзонидан ўзни олиб чикиб кетиб,
Бир гул янглиг очиларман нур кўйнида жавлон этиб.
Ким ҳам билсин, сўкилган дил чокларининг битмогини,
Баъзида гул хасратлардан ортик яшнаб кетмогини.
Мен сен билан хайрлашган тун каро эди, каро эди.
1973 йил 17 февраль

БЕГИМ, СИЗНИ ХУДОЙИМ...

Бегим, Сизни худойим расо килиб яратган,
Кимларнидир ўйчану сизни кулиб яратган.
Ногахон бериб кўйиб бу аклни, камолни,
Ўзи ҳам рашк, хасадда тўлиб-тўлиб яратган.
Кия тушган нигохни армонга йўймагайсиз,
Киз калбига севмокни осонга йўймагайсиз,
Кийнамангиз, у ўзи ўртангувчи бир багир,
Бу багирни кенгликда осмонга йўймагайсиз,
Сиз худдики Фарходсиз, Ширин кайдадир, бегим,
Орзуларим дилда-ю нолам найдадир, бегим.
Сиз десам бар тутказмай сочилган ўйларимдай,
Бу тонг каро сочларим майда-майдадир, бегим,
Сизни мен ўзимга ҳам лойик кўрмам, рост гап,
Ўзгага бермок эса тушимга кирмас ухлаб.
Ўзга билан кетсангиз, равон йўллар колмасин,
Бегим, иккиланмасдан ер юзин ташланг михлаб.
Михнинг, тигнинг захрини сезмай ёниб бораман.
Ишк зардобли шаробдир, кониб-кониб бораман.
Хеч ким билан сирлашмай, хеч кимсага тутмай май,
Ўз коним билан ўзим алвонланиб бораман.
Хайратларда котгайсиз мени кўрганда ул дам,
Ёнингиздаги совук сулувдан совурсиз ҳам,
Сизни обдон музлатгач, ўзим кайтарман, чунки
Бунгача йўк садокат, бундан сўнг ҳам бўлур кам.
Ўзга тортмам, чексам ҳам шунча жабру жафони,

Ўзгага ҳам бермасман, сиздек бир бевафони!
Бегим, Сизни худойим расо килиб яратган...
1973 йил 17 февраль

БАГИШЛОВ

Онажон!
Тезрок бўл, тилларанг либосингни кий,
Оппок рўмолингни ўрагил бошга.
Кулок сол, чалинар мастона бир куй,
Нигоҳ сол, уфқда кизгиш қуёшга.
Уфқ ёнаяпти, куй бетиним инграр,
Борган сари кизир томиримда кон.
Кўзимда акс этар шўх оловли ранглар,
Ранглар тинчим олди бу кун, онажон!
Она!
Шу тонгда ҳам сен ташвиш билан банд,
Ун элаяпсанми, сен туракол, кийин.
Бу галча хамирни мен ўзим кораман,
Қуёш тандирида пишираман кейин.
Бахорни қаршилаб қуртаклар очар лаб,
Қуртаклар яп-янги!
Оламни тутмоқда уйғонишнинг
Қулгусин жимгина жаранги.
Шу жаранг остида бўлакол, тортинмай,
Тилларанг либосинг ташла энгингга.
Хузурбахш, бу ҳаёт уззукун чалиб най,
Бор бисот, қувончин бахш этсин сенга.
Дўстларинг давраси қорлаётир сени —
Менинг оппок сочли Момо Хавволарим.
Уларга такдим этмок керак
Тирик табиатнинг энг хушбўй исини,
Олча гулларию булбул наволарин.
Хамиша ҳам шундай:
Вақти йўқ уларнинг бирпас бокка қириб,
Гул хидлаб, булбулдан қўшиқ тинглашга.
Гарчанд шеъримизда қўйсак ҳам тиндириб,
Табаррук қилсак ҳам қўтариб бошга...
Дарвоқе, ўқинчнинг фурсати эмас,
Шу қуёш нурлари шўнгиган оқ сочлар,
Шу бизни деб ёна-ёна хира тортган қўзлар,
Шу қуёш сари авайлаб босилган
Кичик-кичик кадам-излари —
Сенинг изларингни —
Нондай қўзга суриб ўпаман!
Байрам билан қутлайман!

Мвнинг оппок сочли мунис фариштам,
Онам!
1973 йил 2 март

* * *

Сен менинг калбимни этмадинг фахм,
Бунӣ яшириб ҳам нима киламан,
У ёлворар, мен ҳам килмайман рахм,
Мен унинг ишкидан куламан.
Рад этиб, козониб муваффакият,
Менда касд олмокка тугдирдинг ният.

Мен-ку ногох сени атадим тангрим,
Ногох хузурингда килдим-ку сажда.
Ўзим сезмай, дилда бир кўшик янграб,
Унда сенинг номинг куйланди авж-ла.
Шунда сен отдинг-у локайдликдан тош,
Гавголарда колди севилмаган бош.

Энди мен эътикод килай нимага,
Кимнинг сири босиб, шошиб, колай лол?
Эшкакчи бўлмаса агар кемага —
Денгиз, сайр орзуси — шунчаки хаёл.
Хаёлим сарсари, кўзларимда нам,
Хувиллаб турипти кимсасиз кемам.

У менга гиргиттон, эй хаёт — она,
Унинг илинж калбин мендан совутгил,
Менинг севмаслигим килмагил таъна,
У кушдай бегунох, уни овутгил.
Яна тушунтирки, уринмасин ул,
Хеч туташмас йўлдир бизлар тушган йўл.
1972 йил 25 март

ИЛДАМ БОЛА

Илдам бола, тиши кемшик,
Катталардай аклли.
Тагидаги кари эшак
Кистатади жахлини.
Ўзи-ку хўп илдам, дайди,
Чопса ўзар шамолдан.
Аммо эшаги юрмайди,
Боши котган бу холдан.
Куйинмагил, хой болакай,

Ўзни уриб, шошкиниб,
Сен чалганда сайроки най —
Тошар кўклам тошқини.
Бош устингда тандир мисол —
Кизимайди чўл кўки.
Шахарларни киларсан лол,
Одам бўлиб, сен ўкиб.
Хорган чоги, кўй, олсин дам,
Шунда колсин эшагинг.
Мен йўлингга лолалардан
Кизгиш гилам тўшадим.
Хув, кирда хам чайкалгувчи
Кизгиш дарё сеники.
Уни яланг оёк кечиб,
Олдга талпин энтикиб.
Ортда колар чўл багри кенг,
Ўту эшагинг бари.
Дунё кезар хали сенинг
Темир оёкчаларинг...
Илдам бола, илдам бола...
1973 йил 24 апрель

МЕН ОРТИНГДАН ИЗ БОСАМАН

Мен ортингдан из босаман, кор кўмади, корда гунох,
Сен хакингда куйлай десам, узилар тор, торда гунох.
Мактуб битай десам ногох, синар калам, синар калам,
Кўрай десам булут тўсар ва зим-зиё бўлар олам.
Доим шундай —
Сен хакингда ўйлаганда, нимадир йўк, нимадир кам,
Иккиланиб босилган йўл унмас экан, унмас экан!
Иккиланиб из босаман...
1972 йил 16 апрель

* * *

Биринчи гал у тошқинди «келгин, кела кол»,
Мен «йўк»,— дедим, «йўк-йўк»,— дедим килиб унга ноз.
Иккинчи гал, у хўрсиниб «кел», — деди беҳол,
Мен «йўк!»,— дедим, мен яна «йўк»,— деб бердим овоз.
Учинчи гал, кутаяпман, чорламас, не хол —
Бутунмикин ишкилиб ул, ё синдими соз?!
1973 йил 16 июль

НОЗИК ГУЛГА АЙТГАНЛАРИМ

Сен бир гулсан, нозик гулим, ўсиб боряпсан бўй-бўй,
Ол куёшнинг нурларига рўпарадир дудогинг.
Шамоллар чанг пуркадими, сен эътибор берма, кўй,
Ёмгир суви ювиб кетар хираланса япрогинг.
Аёвсиз ўк отар сенга сукли нигоҳ бариси —
Гўзал нарса тортар кўзни, кўркма сенга кирмас сук.
«Сен ўзингсан бу боғларнинг сўлиш билмас париси»,
Дейман-да, мен сўлмасликка бўлса ҳам ишонч йўк.
Ким тиниклик, ким мастликнинг кайфи билан кўз сузар,
Фарк эт, дудогингни тутма бола кўнглинг шод айлаб.
Ким эркини билиб-билмай нопок кўлга туткизар,
Тобе бўлиб ўтиб кетар бу тузокда дод айлаб.
Бари мени ардоқлар деб ўйлайсанми, оппогим,
Майли, шундай ўйлаб яша, думбулгинам, бир фасл.
Шундай хаёл килардим мен кечаги кун, ёш чоғим,
Кейин тўфон кўзголда гох атрофимда муттасил.
Сен ҳам шундай, болажоним, гох куёш ҳам алдоқчи,
Барча гунчанг очиб кузда колма шийдам, ялангоч,
Эртанги кун изгиринлар сенга турганда сокчи,
Бирданига тўкилмасдан кайта-кайта гунча оч.
Имкон кадар узок яша, имкон кадар чайир бўл,
Куёш ўти, кор музига бўй бермагил, думбулим,
Бу хаётнинг кувончлари, хасратлари гарчанд мўл,
Барчасининг куршовида порлаб тургил, жон гулим.
Лабинг буриб пичирлайсан, «Нима хожати бор-ди,
Шамол пурккан куюк чангдан хира тортиб колдим мен».
Хозир ёмгир ювади бу бевакт кўнган губорни,
Яна тоза чиройингни ошиклари бўлур минг.
Сен бир гулсан, нозик гулим, ўсиб боряпсан бўй-бўй...
1973 йил 16 июль

ШЕЪРИМГА

Мен сени китобга ёздим-у...
Пайт пойлаб китобдан чик, шеърим.
Сўкилган дилларни тик, шеърим,
Беҳуда ўртаниб ёздимми?

Мен сени китобга ёздим-у,
Изласам китобдан топмайин.
Гўдак бўл, мен узай карзимни,
Онага айланиб кол, майин.

Китобда шеър холда колмасдан,

Омад бўл, ўйинда ютай мен.
Мард ўглон кўзида айт достон,
Умрбод шу кўз деб ўтай мен.

Китобда колмагин сен тиниб,
Ўжарлик, ўт билан кўтар бош.
Базм аро эштай шовкининг,
Азада кўрайин, тўккин ёш.

Чика кол, китобнинг катин оч,
Тайсаллаб бўлмагин аросат.
Боланинг кўзида бўл ишонч,
Улгайгач одамда фаросат.

Балки мен сен деб хам ўлмасман,
Хеч кимга ишонмас бисотим.
Мен сени бахолай билмасман,
Сен менинг хаётим, хаётим!

Истамам, хаётни мен чиндан
Китобда йўколса ими-жим.
Саргаймай варақлар ичинда
Китобдан чиқади хаётим.

Мен сени китобга ёздим-у...
1973 йил 22 июль

КИЧИК КУВОНЧУ ШОНЛАРИМ

Кичик кувончу шонларим
Ўзи юриб келмади.
Ожиз титраган онларим
Ким дер мени: «сўлмади».

Кимдир куёш юзин тўсса,
Армонларда сўлган мен.
Кирда гиёҳ бўйин чўзса,
Кўм-кўк гиёҳ бўлган мен.

Уйда куйлаш бўлмай такдир,
Дала, тузда куйладим.
Юксак-юксак тоғлардадир
Чаппар урган куйларим.

Бу чарх урган куйларим гох
Кушларни уйготдилар.

Гох гам билан чекишиб ох,
Тўлин ойдаи ботдилар.

Куя-куя ярим, бутун
Юрак куйган ой бўлди.
Юрак — бурксиб кетиб тутун,
Ўк отилган жой бўлди.

Кушча янглиг юрак тагин
Яраланди ўклардан.
Юрак — тинчи йўк гўдагим,
Бу кун сени йўкларман.

Нур дардида ким бўгриккан,
Ўлган бўлса кон тўкиб.
Бу кон бари сенга оккан,
Сенда колгандир чўкиб.

Гунохсизлар кони балки
Лим-лим тўлиб хоритган.
Балки шундан калкиб-калкиб
Тез урасан халитдан.

Гох «эх, менга нима», — дерсан
Кўл силтаб нур, зиёга.
Аммо, юрак, сен шоирсан,
Сен масъулсан дунёга!

Дунё калбин тинглаб хар дам
Бедор бўлган жон кушим,
Гохо беомон дардлардан
Бемор бўлган жон кушим.

Сенга согаймоклик даркор
Йил эмас, йўк, кун сайин.
Чўккида хам гарчанд кор, кор...
Кўнажаксан сен тайин.

1

Оёкларинг темирдандир,
Танинг темир, жон кушим.
Не темирни емиргандир
Гох разиллик мук тушиб.

Аммо сенга бергай у тан
Емиролмаи тиш билан.

Сен бакувват тортажаксан
Куйлаш билан, иш билан.

Демак, ўқлар тинар бир кез
Дунё олажак хордик.
Кўксимдаги куш ҳам тез-тез
Ўк еб куламас ортик.

Турналар учаркан баланд,
Нур ёйик у пайтлар мен,
Гуркираган юрак билан
Соғлом кўшиқ айтарман.

У кунларни куйласин най,
Ерни майса беркитсин.
Юрак, сен ҳам тезроқ соғай,
Жарохатларинг битсин.
1973 йил 20 февраль

ХАЁЛЛАРИМ ПАРДАЙ ТЎЗГИР...

Планета, тўхта, мен сендан
тушгим келаяпти.
Гамлет Карчикян.

Хаёлларим пардай тўзгир, бу узун тунда
Бошим узра савол бўлиб эгилади ой.
Минг, миллион одам сиккан кадим заминда
Нега инсон бир ўзига гоҳо топмас жой.

Яхши-ёмон яшар ахир, яшар тоғу тош,
Яшарлар-ку гоҳ эътироф, эътироз этмай.
Нега олиб кетмок истар биргина у бош —
Кай бекатда тушмок истар манзилга етмай.

Ким мохирлик билан чалса бу дунё найин,
Ким дунёни жуда эрта ололса таниб,
Бу дунёнинг кенглигини англаган сайин
Англarmi ё бу кенгликка сигмаётганин.

Одамлар бор кенгми, торми кетар жойлашиб,
Сукилишиб кимларнингдир ҳақли жойига.
Кейин дунё дарёлари кетмасми тошиб,
Ухлар улар сув теккизмай хатто пойига.

Бунда улар кирадилар турфа шаклга:

Чўзилишиб аркон бўлар, юмаланиб — тўп.
Баъзан унинг инсонлиги сигмас аклга,
Хуллас калом, пасткашликнинг нусхалари кўп.

Майли, булар ўз йўлига, хаёллар суриб
Улуглайман мен кенгликка сигмаган жонни.
Ўз кичкина калби билан беором юриб,
Балки оромга элтар ул катта жахонни.

Аммо кўллар хосил бўлар томчи-томчилаб,
Айнан кўлни кўрмагунча гоҳ бетокат биз.
Баъзан доно беҳол юрса аклин камчилаб,
Уни далли-девонага айлантирамиз.

Ота дунё, бу ўйларни ўзинг хал кил, еч,
Болаларинг эҳтиёт кил хар чўпдан, хасдан.
Локайд бўлмай шаршаранинг тоза сувин ич,
Билиб-билмай кимдир уни лойкалатмасдан.

Сенда тирик яшамокнинг шавк, хасрати мўл,
У яшар гоҳ яйраб, гоҳо титраб, увишиб.
Сен бир поезд, огоҳ бўлки, сендан силтаб кўл,
Манзилига етмай кимдир кетмасин тушиб...

Менга хам ёкмас отага акл ўргатса киз —
Ўгит эмас — орзу булар, кўнглигата етсин.
Токи бирорта фарзандинг йўколмай беиз —
Хеч бўлмаса, бир дарахтинг кўкартиб кетсин.

Хаёлларим пардай тўзгир, бу узун тунда...
1973 йил 1 январь

ЕЛКАН

Уммон сари елкан кетди,
Аммо ортга кайтмади.
Куйи унинг кайда битди,
Хеч ким келиб айтмади.

Айтмадилар, ўтди кун, ой,
Йўк елканнинг дараги.
Кайга гойиб шиддат, чирой,
Елкан — мардлар юраги.

Бир максад, деб тун-кун юриб
Улар азоб чеккандир.

Аро йўлда бўрон туриб,
Балки сувга чўккандир.

Балки йўлда адашгандир
Тўфонларда саргардон.
Каргамаса машъум такдир,
Балки кайтар бирор он.

Кайтмаса хам эзмас армон,
Янграр юрак нидоси.
Бир максадга фидойи жон,
У бир максад фидоси.
1973 йил 2 март

ЮРАГИМГА

Ёмгир бўлиб ёгиламиз биз,
Шамол бўлиб шошкин эсамиз.
Кўклам бўлиб кимга очиб юз,
Пичок бўлиб кимни кесамиз.

Маъсум, апок-чапок ким билан —
Кетажакмиз кўнгил тўк бўлиб.
Кўтарамиз кимнидир баланд,
Кимга санчиламиз ўк бўлиб.

Яшарканмиз осмон остида
Бунинг бари бизга келур дуч.
Сен додламай менинг дастимдан,
Нимжон юрак, топа олгин куч.

Биламан, сен гулдай нозиксан,
Факат гуллик этмас мени шод.
Юксакларга уча ол тик сан,
Пайдо килиб темирдан канот.

Яшамокда кўпдир сафо, дард,
Дамлар келар тошни емиргай.
Сен гулдайин узилмасдан шарт,
Пайт келдими, айлан темирга!

Кайси бир дам патдай тўзийсан,
Ола олгин кайта йигилиб.
Алангада мисдай кизийсан,
Гуллигингдан кайта тугилиб.

Ўзингники ўзингда доим,
Сен онадан тугма, нозик гул.
Аммо турсанг назокатли, жим,
Баъзан ном кўйишар сенга «гўл».

Бу асрда гуллик ўзи кам,
Темирликни эт ўзингда жам!
1973 йил 2 март

* * *

Сени кимлар килмайди талаш,
Кимлар юрмас ортингдан дайдиб,
У кўп кўрган меҳр, эркалаш —
Бошқаларга насиб бўлсайди.
Бор гап шунда, ўзгалар сени
Ардоқлашга топмайди имкон.
У хаттоки сезмас хиссингни —
Интик калбга тўлдирадир кон.
Шу кон билан яшайсан бесўз —
Умидингдан кутиб тантана.
Ўнгда кўрмай хира тортар кўз —
Тушда кўриб шодмонсан яна.
Умр ўтмоқда шу хил фарахсиз —
У ўзига кўрмас сени эп.
Бирни ўйлаб яшарсан бахтсиз,
Мингта бахтсиз яшар сени деб.
1972 йил 17 июль

* * *

Сиз билан миннатдор хайрлашаман...

Неники шароб деб ўйлаб югурдим,
Сароб бўлиб чикиб, кокилдим йўлда.
Каердаки кўм-кўк жаннатни кўрдим,
Учиб етгач хайрон, тентидим чўлда.

Нени ой деб ўйлаб, кўзимни тикиб,
Заррин шуъласига юз тутдимки зор,
Ой деб ўйлаганим ёй бўлиб чикиб,
У отган ўқлардан кўксим ярадор.

Неники мангу деб ушлаган пайтим,
Баликдай сиргалиб чикди кўлимдан.
Ортик олди, аммо бермади кайтим,

Савдогарлар чикиб баъзан йўлимдан.

Кай бог коровулин гафлатки олди,
Богни талон этар ўғрию каззоб.
Бу кун дармон кетиб тизларим толди,
Сизки ёнимдасиз, ёнимда азоб.

Ким мен кушча мисол талпинган дамим,
Каргадай хўмрайиб ташлади назар.
Бу кун уларда бор ўчим, аламим,
Бу кун мен улардан киларман хазар.

Ишкингиздан колди юрагимда доғ,
Англадим ишкингиз ўтсиз эканин.
Порлаб кўринган гул бўлди-ю янток,
Кўнглимни кон килди унинг тикани.

Агар ишкингизда бўлса эди ўт,
Бу кора куюнлар килмас эди кор
Ва менинг калбим ҳам колармиди бут,
Минг битта балога бўлмай гирифтор.

Бу чигал хатолар тўйдирди жуда,
Тилагим ок, сизга дуч келсин бахт, шон.
Аммо менга айтинг бир огиз видо
Ва узилсин бизни боглаган аркон.

Сиз билан миннатдор хайрлашаман...
1973 йил 26 март

ЮЛДУЗЛАРНИ ОСИБ БЎЛМАС

Кеча бахор...
Богда олма гуллаган эди.
Бугун-чи кор —
«Кор хат»га туширар ким кимни.
Кечаги кун
Онам мени бешигимга белаган эди,
Бугун бешикка мен берайман ўғлимни.
Ўқларнинг дуди-ку, ўқларнинг дуди —
Офтоб тигида қорайишимни истамас онам.
Ана у, невараси — оппоқ ўғилчани
Боши узра тутиб
Кўз-кўзлар бу дам.
Шулар учун
Беҳудага сарфламайин калб кучин,

Дунё ичра дунё кадар балкимок —
Чараклаган юлдузларни кафтга олмок керакдир.
Юлдузларнинг уруш кўрган рўзгорлардай тўзишини
Ва мўлтираган кўзларда аччик ёшлар сизишини
Кўрмок учун —
Васвасага тушиб қолиб, кимлар нотинч юрадир,
Кимлардир дор курадир —
Юлдузларни осмок касдида!
Ерга тушган ним кизил олмаларни —
Хилолдек-хилолдек болаларни
Оёк билан босмок касдида улар...
Карши турмок керак!
Сўнмас куёш сингари ёниб —
Бир-бировга
Ўзингга инонгандай инониб,
Гўдак севгисининг ниҳояси йўқдир,
Оксоч оналаримизни гўдак меҳри билан ардоклаб, суйиб,
Завкланиб, қуйиб, яшашимиз керак.
Шундай яшайликки,
Бизнинг шу уруг ундирадиган —
Шу хали гўдакни авайлаб ўстирадиган
Майин кўлларимиз
Ёвузлар бўйнига чайир сиртмок бўлиб тушсинлар.
Токи вахший иймонга келсин...
Ахир, ахир болаларни босиб,
Юлдузларни осиб бўлмайди!
1972 йил 12 август

* * *

Тўсатдан кўзимга тушди чўп,
Йўкотдим хушбўй гул исини.
Севгилим, ўртанма, ёнма кўп,
Кайтадан топмасман мен сени.

Тўсатдан кўзимдан айрилдим,
Кўзсиз ҳам яшар-ку одамзот.
Агарчи йўлларда тайрилдим,
Аввалги шиддатда сурмам от.

Атрофда сукунат, бир совук,
Жимлик... йўқ, тўполон, тўполон.
Сен келма, бўлмагин чирмовук,
Усиз ҳам бу дардлар олар жон.

Энди мен

Дилимга «тош бўл», — деб айтаман.
Сенга хам тилайман тўзимни.
Ахир ким кўрган кўр кайтадан
Топганин йўкотган кўзини.
Тўсатдан кўзимга тушди чўп.
1973 йил 8 октябрь

БИР АЁЛНИНГ КУНДАЛИГИДАН

Бола эдим, бир кун ёзгим келди тўлиб,
Галати, ўт тушиб ёнгандай ичим.
Кемтик тиш ўртогим лой кўтариб келиб,
Олиб кетди мени «нон» ёпмок учун.

Ёшлик йиллар эди, сочим белга тушган,
Ёзгим келди бир кун сершиддат, голиб.
Кузак эди чоги, бугдой авжи пишган,
Бугдойзорга кетдим чалгини олиб.

Кайси бир йил эди, ўз-ўзимдан хузур
Килиб бир тонг аста дафтарим очдим.
Онам кириб деди: «Совчи келар хозир»,
Кийикдайин хуркиб панага кочдим.

Кейин... бир кун билмам, ненингдир хаёли
Банд этиб дарчадан тикилдим узок.
У деди: «Жон кушим, суюкли аёлим —
Туюлмаяптами уй сизга тузок?!»

Шундай. Кетаяпман юрагимда гох-гох
Янграб, секин-секин сўнмоқда нидо.
Хар бир шеъримни мен тугилмасиданок
Атрофдагиларга килганча фидо.
1972 йил 22 май

- «СУЯНЧ ТОГЛАРИМ» ТЎПЛАМИДАН - (1976)

Истамайман, ризким менинг бўлмасин ярим,
Порлаб ёнгай ё ногоҳда сўнгай кўзларим.
Яшай билмам кувониб ё гам чекиб кам-кам,
Хаётим ё жаннат бўлур, ё дуд, жаханнам.

СИЗ ЙЎКЛАБСИЗ...

Сиз йўклабсиз «мехр кўргизиб,
Келмаслар», — деб армонли.
Сиз бош эгиб йўклайсиз-у
Аярмидик биз жонни.
Шундай йўклаб келгандик бир,
Тополмадик, на илож,
Кийдирмокчи эдик ахир
Бошингизга бахтдан тож.
Йўлингизга алвон-алвон
Чечак сочсак дегандик.
Умр богида шўх-шодумон
Гунча очсак дегандик.
«Айтсам, рад этса, кўйса чек»,
Андишангиз эшитиб,
Биз ўзимиз очмок бўлдик
Толеингиз эшигин.
Излаб келсак, мана, йўксиз,
Гурурли дил хомталаш.
Кайтмокдамиз йўл шукухсиз,
Кайтмокдамиз кўнгил гаш.
Ўч хиссими кўзда калкир,
Бир локайд, бир хотиржам.
Эртанги кун йўклаб балки,
Сиз топмайсиз бизни хам.
1977 йил 14 май

* * *

Сиз билан кайтадан кўришмасмиз биз,
Биз юрган сўкмокни ўт-ўлан босди.
Юлдуздай икки ён учдик иккимиз,
Нурга гарк бўлганда юлдузлар ости.
Бу окшом оламини нурга гарк этди,
Туташ юракларни, аммо, тарк этди.

Ёнма-ён турмаган мисоли учдик,
Абадул-абадга менсиз яшайсиз.
Кузатар эмишсиз суратимни лек,
Йўлга умид билан нигоҳ ташлаб сиз,
Корасин кўрсатмас, — дер эмишсиз лол
Йўлдан изларимни супурган шамол.

Тушуниб-тушунмай бахт ошиёнин
Тарк этдик, кайтадан учиб бормасмиз.

Ва амин бўлингки, чикса хам жоним,
Кетганим кўчадан солмагайман из.
Билмассиз лек нихон Сизни кўрганим,
Дунёга сигмай шод, маъюс юрганим...

Интик туйгуларим, ўйларим маним
Ўжар гуруримнинг қурбони бўлур.
Умрим сўнгигача Сизнинг эканим,
Шу ўйим, куйимни ёритгувчи нур.
Бундай ток ва лекин пок севолгай ким,
Бу тақдирдан зарра зорим йўқ, бегим!

Сиз билан қайтадан кўришмасмиз биз...
1974 йил 14 май

* * *

Хар ўлимда тириклик бор,
Хар тирикликда ўлим.
Шундай экан гам не даркор,
Хасрат нега, булбулим.

Ўтаркан кўклам, ёзимиз,
Етарканмиз кор, окка.
Янграй-янграй овозимиз
Махкум экан тинмокка.

Бас, янградиб дил созини
Толамиз биз унгача,
Ўлмасликнинг коғозини
Оламиз биз унгача.

Касдма-касд, шавк кучогида
Яйра, яйра, жон кушим.
Кизил гулнинг бутогига
Ёзиб кўйгин ўнг, тушинг.

Куйлай-куйлай баравж, баланд
Бир кун ногох тўхтаймиз.
Ва уйгонмок шавки билан
Мангу котиб ухлаймиз.
1974 йил 8 май

* * *

Атиргулга ўхшармиш бўйим,

Атиргулга айланмок ўйим.
Ўйим — кизил гулга айланмок,
Нигохларга суйгун бойланмок.
Факат дилда бир хаёл, бир дард,
Мен гул бўлсам кимдир узар шарт,
Сўнг кайси бир гул кўлга учраб,
Сўнг сўламан гултувак ичра.
Барчасига аклим етса-да,
Вахималар ўйим титса-да,
Тез сўлмогим сезиб турсам хам,
Кийноклардан бешиб турсам хам,
Хох хушбахт, хох бахтсизга йўйинг:
Атиргулга айланмок — ўйим.

* * *

Сен булокка сир айтма, бас,
Айтсанг, вазмин токка айт.
У булокдай чулдирамас
Келса хам энг огир пайт.

Гап билан иш битиргувчи
Булокни чикар ёддан.
Тонгга, тунга жим киргувчи
Тог билан сирлаш, шодлан.

Биз хам гарчанд кўксимизда
Булокдай шўх юракдир,
Аммо тилга — кечмок сўздан
Тог сукути керакдир.

Бардошда мен тоғларга тенг,
Сабри тугаб куйлар най.
Менинг тилим минг дардимнинг
Бирин шархин айтмагай.
1975 йил 6 февраль

ЮРАК ЁНАР

Юрак ёнар, туйгуларим мастона, дайди,
Тошаётир, эх, бу калам нега ёзмайди?
Халал берманг, синдираман икки букиб шарт.
Юрагимдан кўшик бўлиб учар шавку дард.

Шавкларимни этагидан колмаса тутиб,
Ўйларимнинг куюнини шеърга беркитиб,

Кўлимдаги куролимдан кўрмасам кадр,
Ёзилмасдан чириб битсин кўнглимда сатр.

Ишонч билан кўксимни тик кўтарган чоғда
Шу каламдай дўст ҳам мени колдирса доғда —
Шу фурсатдан мен дегайман унга хайру хўш,
Энди оралик арконни кўйиб бўлмас бўш.

Таранг тортгум, ё дош бериб менга тургай тан,
Ё узилиб йикилгаймиз икков юзтубан.
Кимга берсам бердим дилнинг бор ишк, бор ўтин,
Ўзимнинг ҳам олгим келар албатта бутун.

Истамайман, ризким менинг бўлмасин ярим,
Порлаб ёнгай ё ногоҳда сўнгай кўзларим.
Яшай билмам кувониб ё гам чекиб кам-кам,
Хаётим ё жаннат бўлур, ё дуд, жаханнам.
1974 йил 2 май

ЎЗБЕКИСТОН

Сулув Сибир кайинлари кўк япроғу ок бадан,
Тоболскда мушоира, шоирлар созлайди соз.
Бу гўшангга бир кушчадай мен ҳам учганман, Ватан,
Кўрдим бунда дўстликни мен кандай килурлар эъзоз.

Навбат бериб дедиларки «Ўзбекистон сўзлайди»,
Она юртим, мени сенинг тимсолинг дедиларми?
Онам, сенинг «юзинг»ни деб улар мени «сиз»лайди,
Йўкса бу гўр шоирингни туш кўриб эдиларми?!

Хали отам тугилмасдан машхур эдинг, Ватаним,
Зукко боболарим кўли Сени зарга ўради.
Дунё сени Улугбекнинг юрти деб суйиб таниб,
Суйиб сендан сўз очсалар — Навоийни сўради.

Фуркатингнинг фигонидан Ёркентни тутди тўзон,
Гангнинг киргогида Бобур сени ёдлаб ох чекди.
Улар газал битдилар-у юраги бўлиб сўзон,
Согинчларин уруг мисол ўзга тупрокка экди.

Согинч куйин тинглади-ю сергак дунё кулоғи,
Сени эсга олди, Ватан, олиб касос, ўчини —
Яна эсга олди шундай Тўйчибек ўлган чоғи,
Кўксин тутиб, ажал сочган тўп овозин ўчириб.

Наъматакка айланди-ю устоз Ойбек ижоди,
Кояларда гулга кириб, ол куёшга кўл чўзди.
Устоз Хамид кўзларини гойибдан тиклар ёдим,
Кўзки, нури «авлодга» деб куёш ёкка йўл чизди.

Шайхзода баёзида комат тикладинг бўй-бўй,
Гафур Гулом наърасида юксаклигингни кўрдим.
Айтаберсам... ортик сўзга хожат борми. Энди кўй,
Улар бари кенг дунёга сени эслатди, юртим.

Бир вақтлар ҳам деганлар-ку: «Ўзбекистон сўзлайди!»
Шунда улар сўзга чиккан — менга бобокалонлар.
Ўша пайтлар бу минбардан тушган экан сўз айтиб,
Хали-хануз бу сўзларни такрорлайди замонлар.

Мен нима ҳам дей олардим, бундай пайтларда тиниб,
Сўз айтмокка шошмай, ўйга ўйларимни улайман.
Бир-бир босиб минбар сари борарканман кимтиниб,
Боболарим шиддатидан бир чалимин тилайман.

Боболарим сўзи Сени юксалтирди куёшга,
Тўфонлардан кўнган гардни рухсорингдан сидириб,
Мен ҳам шундай ўтажакман Сени кўтариб бошга,
Шаънингга лойик бир сўзни умрим бўйи кидириб.

Ўзбекистон, бошгинангдан куёш абад нур тўкиб,
Дориламон кунда яша, бор экансан токи Сен.
Тонготарда тупрогингга эгиламан тиз букиб,
Сен куёшга кўли етган боболарим хокисан.
1974 йил 28 май

БОЛАЖОН, СЕН ОТАМ БЎЛГИН

Улугбекка

Болажон, сен отам бўлгин,
Килгин менга оталик.
Кечирмокка Хотам бўлгин,
Ўтса мендан хатолик.

Мен-ку Сенга онадирман,
Онамасман тўзимга.
Гох ўзимдан тонадирман,
Гох келурман ўзимга.

Йигламадим мен тўйганча,
Кўз ёшимни ютдим жим.
Билмам унда кулгу канча,
Куйиб борадир кўксим.

Сен кулардинг, кулардим тенг,
Гарчанд, гоҳ ёш ичардим.
Сен йигласанг кулгум менинг
Ўз-ўзидан ўчарди.

Шундай ўнгу тушлар билан
Кувонч-гамим катланди.
Кетайин деб кушлар билан
Неча кайта отландим.

Аммо кетолмадим учиб,
Боглангандинг худди ип.
Рахмат, болаганинг учун
Сен дунёда тугилиб.

Энди ўзинг хал кил, тушун,
Кечар экан хаётим.
Кўнглимдаги учкур кушим
Кокиб колса канотин.

Шўх куш бўлиб, солиб чах-чах
Чаманларга бўйлансам.
Гоҳо бевакт уриб ках-ках,
Гоҳо бевакт ўйлансам.

Бевакт сархуш, маъюс юриб,
Вакт кўшигин айтарман:
Кетажакман чаппар уриб,
Чаппар уриб кайтарман.

Сен тушунармикансан, о,
Мен гоҳ камон, гоҳи ўк.
Килганларимда илтижо,
Берганларимда буйрук.

Мен она бўлай деб хар дам,
Умрим ўтди излаб йўл.
Энди Сенга болалик хам,
Болакайим, кўп мушкул.

Сабру токат битса танда

Толдириб гох кайгу-шон,
Мен гўдакка айланганда
Оталик кил, болажон.
1975 йил 12 апрель

ХАЁТ БИЛАН СИРЛАШУВ

Кўгирчокдай килиб-ку яратган эдинг ўзинг,
Мунчок кошу кўзимга хавасларни келтириб.
Порлай бошлаганида кўзим — ёруг юддузим,
Нега энди ногоҳда унга армон тўлдириб,
Кўзларимнинг ўтини сўндираяпсан нечун,
Мени карз тўламокка кўндираяпсан нечун?

Хаёт, сендан ҳеч нарсасиз илтимос,
Ўзинг очик кўл билан бердинг ишк, ўт, калбу куч
Ёлгон-ёлгон деб юриб энди деганимда рост,
Йўкотган севгим мисол азобларга этиб дуч,
Ўзим билан андармон масрур, маъюс пайтларим,
Берганларинг сездирмай олмокдасан кайтариб.

Кулф урган кўкатлар йўк, кундуз кошим тўкилар
Изгиринлар совутар кизиётган танимни.
Нега, нега сарв қаддим савол бўлиб эгилар,
Унутиб қўйиб баъзан карз тўлаётганимни.
Нихон бериб олмокдан куйдирмокми мурудинг,
Авраб кузнинг либосин кийдирмокми мурудинг?

Йиллар оша сезилмай кенг келиб колар узук,
Беш-ўн кадам йўл юрмай юракда гурс-гулдурак,
Бундай пайтларда, хаёт, айтмаганинг ҳам тузук,
Ёрилиб кетиши бор сени севгувчи юрак.
Гарчанд, ичиб юрса ҳам қисмат шаробин тахир,
Сўқирга «кўрсан» десанг кўтаролмайди, ахир.

Майли, берганинг айтма, айтма олганингни ҳам,
Бир лаҳза яшасам ҳам, яшай сархуш, маст бўлиб,
Токи бир кун умримга кўз ташласа набирам,
Гуркираб кўринсин ул, ишк бўлиб, хавас бўлиб.
Йигар экан умримнинг шавкига кетган эсин —
«Сурур билан яшабди ўз умрин энам», десин.

Истайманки, авлодим яшасин билмай ҳадик —
Кўрар куни, келгуси равшан бўлур ойдан-да.
Ўз ўтмиши билан ҳам кўкрагини тутсин тик,
Ўз насаби билан ҳам гурурлансин майдонда.

Карз тўлаб, шу орзулар амалга ошгач дуркун,
Гуллаган ок олчага айланиб колгум бир кун.
1974 йил 27 май

МЕН ШУ ТУПРОК КУЙЧИСИМАН

Мен шу тупрок куйчисиман, ким айтар: «Тинар!
Кайси бир кун гуллаган шох мисоли синар».

Синсам агар, яратмокдан толса тафаккур,
Милт-милт ўча бошласа гар юрагимда кўр,

Калам тушса кўлларимдан етмай бардошим,
Фикрларнинг шиддатидан толикса бошим,

Бир «ох» тортиб ўзни яна кайта тиклайман,
Мен шундай, ха, синганда хам куйловчи найман!

Каламимни сўнг бор ўпиб, олурман кетмон,
Аммо ўлгунча ёзмокни бир он тарк этмам.

Гарчанд тафаккурни тугён чарчоги енгди,
Чинаками ер шоири бўларман энди.

Дафтар бўлар бир кун келиб жон сингар шу ер,
Дириллаган кўк майсалар — янги ёзган шеър.

Гарчанд, гох дам «синдимми», деб кўзим ёшлайман,
Учлик билан кетмонимда ёза бошлайман.

Езаман мен, ернинг охи тина боради,
Сочган уругларим кийгос уна боради.

Мен ёзаман, кота бошлар бошоклаган дон,
Бут ризки рўз суруридан ойдай балкар жон.

Уддабурро кўлларимдан мен тамом рози,
Кийналмасдан чалар улар, тутсам кай созни.

Мен ёзаман, кетмон билан бетин ёзаман,
Дашт, тепалик, кумга бирин-кетин ёзаман.

Ер юзида мен ёзмаган ер колмас балки,
Ва окибат, ёзувларим билан тенг балкиб,

Кадим ерда сўниш билмай порлаб кетгум мен,

Кай курулни ишлатсам хам ёзиб ўтгум мен.

Мен шу тупрок куйчисиман.

1974 йил 24 май

КИЗЛАР БИЛАН СУХБАТ

— Айтинг, кизлар, очиласиз гул бўлиб қачон,
Нима сизни талпинтирар азалдан-азал?

— Биров эшитмасин, билсанг, бизда қолмас жон
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал.

— Қачон сезилмас ҳаётнинг бутлиги, қами,
Кўлингизда ечилади осон ҳар чигал?

— Нима бўпти, бу сергавго дунёнинг қами,
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал.

— Кизгиш тортиб, ҳуснингизга кўшилиб қирой,
Шаддодликдан тийиласиз қайси пайтда қал?

— Майинлашиб биз бегуноҳ ой бўламиз, ой —
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал.

— Қачон нурли, рўё тушлар қелаверар қос,
Қор муаммо, ўз-ўзидан бўлаверар қос?

— Ишни қўйиб биз қуну қон қилганда қардоз,
Йигитнинг шўх кўзларида ўт ёнган маҳал.

— Қачон қуриган қилгадай қоласиз қиниб,
Қора қунда ёруғликка бўласиз қалтал?

— Йигит қини ардоқлашни қунутган қини,
Йигитнинг шўх кўзларида ўт сўнган маҳал.

— Қачон қазонрез қолларга қеласиз қириб,
Қўтара олмай қўқасиз қайгу қошини?

— Биз йигитни қополмасак қўрт ён қуриб,
Биз ёстикда қўрсак қини азиз қошини.

— Қачон қоп-қора қийимда ўлтирасиз қос,
Қидаб бўлмас сиз қўтарган қолаю қодга?

— Йигитнинг шўх кўзларига қўлганда қупрок,
Биз йигитни йўқотганда абад-абадга.

1975 йил 10 февраль

ҚЎЛ ҚАҚИДА

(қурушдан қўлсиз қайтган Қамир ақанинг шеърлари)

Сизда не бор, Сизни этмас лол,
Кўп бежирим кўлларингиз бор.
Мен ўтяпман, майлийди кўпол —
Бўлса хамки битта кўлга зор.

Одамларга сукланмай пастдан,
Кирмок бахт ўз эшигинг очиб.
Жангдан кайтгач, кўлим тегмасдан
Ок кор бўлди кампирим сочи.

Ой нурида шуълаланар барг,
«Силай», — дея дилим куйинар.
Дил куяру бу армон, бу дард
Томчи-томчи ерга куйилар.

Тушда биров менга кўл бермиш,
«Хайхот, шу кўл менгами», — десам,
Ёнда кўшним хўмрайиб дермиш:
«Умрингда кўл кўрмаганмисан?»

Мен дермишман: «Хаста юрагим,
Чида, чида, чикай чеккага.
Бу сўрокдан кололмайсан жим,
Факат бўлинмагин иккига».

... Кўл бор эди, кўлки баайни —
Гурзи, тошлар кукун кучидан.
Сув сотмасдим сендай, огайни, —
Соябонли катак ичида.

Ха, ха, менинг кўлим бор эди
Ойлар, йиллар битмас кадоги,
Кўлларимда кетмон тор эди,
Куйларди у ишлаган чоғим.

Гуллар эди умрим чамани,
Кўл кучимни тупрокка корса.
Сенинг эса кўлингдан, кани, —
Лоакал бир гиёҳ кўкарса.

У кўл шошкин, от кўйиб, суриб,
Бир тийиндан йигмас эди пул.
Майин-майин сахарлар туриб,
Ўтказардим майин-майин гул.

Бокма менга хайрон, ачиниб,

Кўзларимдан сачраса ўтлар.
Тўласин, — деб эркининг божини
Икки кўлим кесдилар итлар.

Керак пайти берганман борин —
Йўклигимдан килма киноя.
Сакламок юрт, онамнинг орин,
Шу бўлганди мендаги гоя!

Уйгондим-у тортдим сал хомуш,
Куёш хурсанд нур тўкарди мўл.
Мен туш кўрдим, кўлим бор эмиш,
Сизникидай ўктам, икки кўл.
1974 йил 12 февраль

ХАМКИШЛОКЛАРИМ

Сизни соғиняпман, кўзим кароклари,
Хамкишлокларим!
Сизга сиғиняпман, кўнглим чироклари,
Хамкишл окларим.
Сиз кетмасин десангиз мени
Тог мисол нураб,
Карокларим,
Тортмангиз хира!

Шу кароклар бўлди менга кўз,
Шу кароклар тил.
Карздормиз улардан бесўз,
Эй мастона дил!
Отларининг кулоклари орасидан шўх
Беҳишт шамоли
Эсган шамол мисол, чавандозларим,
Сиздан бир нафас ҳам айрилганим йўк,
Кахратонда ҳам
Кўнгли ёзларим!

Хамон кечкурунлар чангли кўчалар
Туёк дупурлари, мол билан тўлса,
Болалар чопарми кўтариб таёк...
Болакайлар таниш,
Шу йил ва ё шу ой тугилмаган бўлса
Уларни танийман бир кўришданок.
Бу Санамнинг кизи, бу Султонники,
Аралашиб чопар менинг ҳам ўғлим.
Уларнинг жовдирок кўзларига кўз тикиб,

Ёришиб кетади, ёришиб кўнглим!
Кўлин тизга уриб ках-ках отган чоги
Соколи селкиллаб кийкирган чоллар,
Мева тугаётган кийгос гул бутоги —
Кўхна боглардаги жажжи нихоллар...

Юзи кизгиш, олча гуллари тусида,
Хуркак кўзларида ийманиш, хадик —
Келинчак юради кайнота кўзига,
Кайнона кўзига карай олмай тик.

Козикда отамнинг сирдош, саман оти,
Отам кетгач у хам чўкаётгани,
Айвонда онамнинг хаёлларга ботиб,
Килич кокиб, ўрмак тўкиётгани;

Тагин енгил тортиб, илик кўкламги кун
Мен учун ўсмалар эккан дамлари,
Кўзойнагин такиб укам оти учун
Шошиб эгар жабдук тиккан дамлари...

Булар
Ўчмас тамга мисол дилимга босилган,
Парвона айланган она кишлокка.
Гўдаклик чогданок
Дилимда саноксиз кўшиklar ёзилган,
Энди кўчирияпман мен уни окка.
Сизни согиняпман, хамкишлокларим!
1974 йил 12 фераль

УЛУГБЕККА КЎЙЛАК ТИКДИМ

Улугбекка кўйлак тикдим, сахар туриб, суюниб,
Болам кийгач учиб-кўниб капалакка айланар.
Бошкача шарх этолмадим ўз кўнглимнинг куйини,
Дилим тинган пайтлар менинг кўлим куйга шайланар.

Кўрсин, дедим, бола ахир оламини билмас унча,
Кўрган кўпрок онасининг китоб титган чоғини.
Онасининг кўлларига ёзишдан хам, кўпинча
Пишик-пишик катим тортиб тикиш ярашмоғини.

Кўрсин дедим, нон ёпдим сўнг тонгги сутга йўгириб,
Сут, дон таъми, кўл таъмини туйсин дедим болажон.
Кўз ўнгимдан кетмас ахир, онам хар сахар туриб,
Биз тургунча тандиридан узганлари иссик нон.

Эгар-жабдук тикиб, кейин ўтказайин Гиркўкка,
Камчин тутай, бола ўзи эпласин сўнг у ёгин.
Учсин бола бобосини чикармай деса йўкка,
Гиркўк ахир асл отимиз — Гиротнинг бир туёги.

Отам-онам менга мерос ўргатган бўлса неки
Бирини ҳам унутмайин ўтказаман ўғлимга.
Отам асов отни кандай олар эдилар эгиб,
Онам кай ширин тил билан кирардилар кўнглимга.

Ўргатаман, аммо бу иш кўпам осон кўчмайди,
Аср тезкор, бир-бировни кувиб олдга чопамиз.
Тунлар ёзиб, тонгга қадар чирогимиз ўчмайди,
Кундузи иш, болакайлар кўнглин қачон топамиз?!

Сармаст кетиб борарканман куйлаш билан, иш билан
Шоша-пиша кўчираман шу сатрларни окка.
Қачон вақтим бўлар экан шу чулдурок қуш билан,
Вижир-вижир қалдирғочим билан сирдош бўлмоққа.

Отамдан узмаган қарзим қарчанд елкамдаги юк,
Болақайдан қарзларим ҳам оғирроқдир бу юкдан.
Суянч тоғим — отажоним, бормисиз дунёда тик,
Болақай — полапон қушим, бунчалар ҳам суюксан.

Жигарларим, мен сизга бу қарзларимни тўлайман —
Дилим билан, кўлим билан иш кўриб бор усулда.
Факат сиз бор бўлинг, сизнинг умрингизни тилайман
«Икки ёнимда бўлинг», деб мен кетаётган йўлда.

Улугбекка қўйлақ тикдим сахар туриб, суюниб...
1975 йил 1 февраль

СИЗНИ СЕВГАЧ

Сизни севгач, мен чаманлар, лолаларга учрагум,
Омад келгай, аълолардан аълоларга учрагум.
Билмадим, бу ишқ олами бахтмидур ё мусибат,
Қўрқаменким, тагин қанча балоларга учрагум.

Тосдай қора сочларимни қилиб тол-тол ўрдим мен,
Занжир-занжир тўлкинидан ўзим ҳам лол, ўрдим мен.
Болалигу балогатим тўкиган бу занжирни
Боглаб қолса, ногоҳ узиб қилманг увол, ўрдим мен.

Сиз ногоҳда дуч келсангиз дод айлагай минг санам,

Бир боксангиз ўз кўнглини шод айлагай минг санам.
Сиз кетурсиз, каршингизда ўзга кўча, сулувлар,
Бул кўчада бир умрга ёд айлагай минг санам.

Минг санамнинг додин тинглаб багрим менинг ўт бўлур,
Кўз ёшларим тошар дарё, охларим булут бўлур.
Минг санамнинг хар нигохи бир ўк отса багрима,
Ким айтади минг ўк еган багрим менинг бут бўлур.

Ох, кўркаман, ишким менинг рашку орға айланур,
Тўлкин урган занжир-занжир сочим дорға айланур.
Ва калбим ҳам, лолаларға учраган шу бахтли калб,
Ўз конига бўялар-у лолазорға айланур...

Сизни севгач, мен чаманлар, лолаларға учрагум.
1974 йил 19 август

ХАР ГАП ЎТСА МЕНДАН ЎТДИ

Х,ар гап ўтса мендан ўтди, сизда гуноҳ йўк, бегим,
Ўзим сизни отдим, ё раб, сўздан ясаб ўк, бегим.
Ўйладимки, Сизнинг бу ишк кулдай сўниб тўзгандир,
Бугун нечун юрагимда лахча-лахча чўғ, бегим.

Синадимми, тирнадимми, кўнглингизни билмадим,
Чорладингиз, тошдай котиб бирор кадам жилмадим,
Бунча сочдай ишлашмаса... гашлик, саркашлик билан
Ўйладим, бурилиб аммо Сизга назар килмадим.

Гарчанд қахрабо япрокдай авжи кўклам куйдингиз,
Аста-аста Сиз ҳам менга бурилмасдан кўйдингиз.
Ўйладимки, бул қадахни кўймагайсиз табакай,
Шунча талхми хажр шароби, мунча эрта тўйдингиз?!

Шунда ногоҳ англадим мен, сайрок кушдан айрилдим
Канотларин шитирлатиб учиб кетгач, кайрилдим.
Ўйладимки, Сизни севсам, хато бўлиб чикмасми,
Хато килмокликдан кўркиб хато килдим, тайрилдим.

Кўлларимдан учган кушим кайта кўнгайми бокка?
Кимга айтай сирларимни, кимни тутай сўрокка?!
Донини куш, кузгунга ем килган ношуд дехконман,
Бугдойини йигиб олмай келганда авж ўрокка.

Энди Сизнинг хотир билан инок суҳбат куриб ман,
Аччик, аммо умидли бир дoston айтиб юрибман.

Узун-узун бу бармоқлар куш қўнмаса на хожат,
Қўлларимни узатганча Сизни кутиб турибман.

Хар гап ўтса мёндан ўтди, Сизда гуноҳ йўқ, бегим...
1974 йил 19 август

БЎРОН

Тўлкинни тупроқдай суради бўрон,
Бўрон шудгор килар денгиз сатҳини.
Менинг юрагимда солишиб сурон,
Шеърларим куйлашар бўрон мадҳини.

Имиллаб оқарди денгиз, шов-шувлар,
Дунё гавгосига бефарқ, соков-қар,
Қирғоққа урмасди эринчок сувлар,
Шу тинмагур бўрон бўлмаса агар.

Сувда қўринмаса ҳаётдан бир из,
Қим унинг бўйига йўлни бошларди.
Бир танбал булутдай ястанган денгиз,
Қимнинг ҳаёлига каманд ташларди.

Сени дўстдан қўра дейишар рақиб,
Ё талқин қилишар ёвуз қучсимон.
Мен темир қўқсингга қизил гул тақиб,
Сурурли шиддатинг асирасиман.

Бўрон, ўз танига сигмаган шўх жон,
Ўзию ўзгага бермаган тиним.
Мен сени ўпаман, сени қучсин шон,
Гафлатга қун бермас, қурашқан иним.
1974 йил 13 апрель

УЗУҚ

Қўз олғувчи узугим маним
Атиргуллар ичра йўқолди.
Қўзимга тор бу қенг гулшаним,
Узугимни, айтинг, қим олди?

Ҳеч қимсага раво қўрмайин
Асрар эдим, гувоҳ еру қўқ.
Қай қуй чалар тақдирнинг найи,
Қимга насиб бўлғуси узук.

Богда чаппар урган шўх йигит
Хурсандлигин недир сабаби,
Нечун чакнар кўзларида ўт
Олтин топган девона каби.

Менинг каддим бундан эмас ёй,
Унга узук берсам айби йўк.
Мен кўркаман, кай бир пана жой —
Ўтлар аро йўколса узук.

Асрар эдим уни худди жон,
Ногох... додлай кимнинг дастидан.
Кабохат-ку шундай бенишон —
Занглаб кетса ўтлар остида.

Бир узукмас муддао, дардда
Умид бор хам йўкдай, топмокка,
Ўтлар қачон бўлмаган парда
Жавохирлар юзин ёпмокка.

Кўз олгувчи узугим маним
Атиргуллар ичра йўколди...
1974 йил 20 март

* * *

Хайр, дейман Сенга мен бу кеч,
Умр бўйи кайтарилмас хайр,
Кўзларимда сезиб бир ўтинч,
Ўз бағрига олади дайр.

Бир кемадай дайр денгизини
Тинчин бузиб сузиб кетаман.
Баликчадай сезиб ўзимни,
Тўлкинларни кувиб етаман.

Тўш урган куш — кувноклар билан
Ўйнашганим баъзан толдирар.
Жим-жит, жим-жит киргоклар билан
Сўзлашганим хайрон колдирар.

Хамма билан топишарман тил,
Хаммасига бўларман суюк.
Ўз суюгин топмас факат дил,
Кундан-кун зил юракдаги юк.

Сезиб туриб Сенсиз бахтим «хеч»,
«Хайр» дейман кўз юмиб бу кеч.
1974 йил 20 март

* * *

Сочимнинг бир тола кораси колмай,
Дилимдан армонлар кетган чоғларда,
Шўхчан шамол билан қувлаша олмай,
Тизимдан дармонлар кетган чоғларда

Бир дарахт мисоли япроқ тўксам мен,
Елларнинг ортидан бўлсам жон халак,
Юксала-юксала бир кун чўксам мен,
Битиб, кўлдан чикса мен тиккан палак;

Толиккан кўлимдан игна тушганда,
Умримнинг палагин тикмасам кайтиб;
Ок олма киёсли мен гарк пишганда,
Тезоб келганида узилмок пайтим;

Кайтадан гўдакка айланиб қолиб,
Онамга зор бўлиб чўмсам кайгуга,
Юртим, ўзинг иссик бағрингга олиб,
Аллалаб, йўллагил мангу уйкуга.
1974 йил 16 июль

БУРГУТ

Пастда кўклам очар эди барг,
Пастда кезинарди сур булут.
Пастга шўнгиб бўлди жувонмарг —
Учаётиб ўк еди бургут.

Фарзанд эди юксакликларга,
Не фалокат тортди уни паст.
Мадори йўк каддин тикларга,
Ўралишар энди хору хас.

Тиник осмон кулга айланди,
Осмон — энди — ўнганмас бир туш.
Хору хасга, кулга айланди
Мовий юртда султон бўлган куш.

Пастда дарё шовуллар тўлиб,
Бургут ётар бежон, аянч хол.

Яшай олмас султон кул бўлиб,
Унга аза тутгин, мажнунтол.
1974 йил 16 июль

СУЯНЧ ТОГЛАРИМ

Сўзламогим керак мен Сизни,
Сизламогим керак мен Сизни.
Кай богларда ёзаркансиз барг,
Изламогим керак мен Сизни.

Кезгунча умр кўшигин айтиб
Кўз толади, оёк чарчайди.
Бугун йўлга кирган жилгаман,
Шундан кўлдан кўймайман найни.

Синсин Сизни куйламаса най,
Бошингиздан нурдай тўкилай.
Бугун икки кўз чакнок, шукур,
Тўйиб-тўйиб Сизга тикилай.

То кўзларим тортгунча хира,
То тог мисол кетгунча нураб,
Она барин тутган боладай,
Ортингиздан колмасман сира.

Мангу колгандирман богланиб,
Заволга юз бурманг богларим.
Боболарим — юксак чўккилар,
Момоларим — суянч тогларим.
1974 йил 8 июль

ДАРАХТ

Хув баландда барг ёйиб турган
Кичик дарахт, билсанг ўша — мен.
Кушлар билан соз сухбат курган
Кичик дарахт, билсанг ўша — мен.

Боши узра куёш тўкса нур,
Тўлкин урса барглари — менман.
Кад тикласа бўронда базўр,
Титраб турса барглари — менман.

Кичикману, кувман салгина
Новдаларим чайир хам йирик.

Титраб-титраб мен беҳолгина
Тўфонлардан чиккан тирик.

Чайир таним ўрганган анча,
Куёш ёкмас, музлатмайди кор.
Сарв коматим адл тутганча
Хар янги тонг очаман рухсор.
1974 йил 8 июль

ДУГОНАГИНАМ

Мукамбарга

Кел, эй, кувлашганча келар сўнгги дам,
Университет йиллари колмокда ортда.
Ўрнига кўяйлик, дугонагинам,
Сўнгги шўхликларни бу эркин юртда.

Сокин дунёларга жўнаб кетаркан,
Биз ҳам колажакмиз куйилиб унда.
Бугун шўх, сергавго бизнинг бу Ватан —
Парпираб сузамиз асов тўлкинда.

Кел, ажралиш чогин килайлик унут,
Шодумон куйлайлик кўлга кўл бериб.
Гарчанд хар ганимат ўтгувчи минут
Бизнинг шох умрни борар емириб.

Булутсиз тонглардан бўларми кечиб,
Унут бўларми ҳеч яркираган кун?!
Биз истамай ёшлик либосин ечиб,
Балогат либосин киямиз бугун.

Олча ниҳолидай колдикми ўсиб,
Беш кайта олқишлаб кўкламни, кузни.
Курсдош Нормухаммад сўзлар йўл тўсиб
«Кўзларинг кародир ўлгур сен кизни».

Шоштириб кўйди-ку каро кўзлилар,
Кай бирин танлашни билмай колдинг сен.
Аросатда кўйиб кетмасин улар,
Йигит, сўнг ҳам сени севги сийласин.

Мукаш!

Сирли сухбатлардан огох ётоқда
Сўнгги сирлашувлар кўнгилни ёзсин.
Такдир оппок толе улашар чокда
Сенинг пешонангга мухрини боссин.

Эртанги хайрли ташвишлар, майли,
Безовта килмасин бугунча бизни.
Бугун ўйламайлик иш, турмуш зайлин
Ва қурилгуси уй, рўзгоримизни.

Кел, куйла, биринчи курслардагидай
Ўтли ишқдан, торинг сайратиб кўлда.
Гарчанд ундагидай чалолмаймиз най —
Гарчанд севолмаймиз бугун у хилда.

Якинлашиб борар киргочка кема,
Денгизда сайримиз бўлмоқда охир.
Юракка титроқлар солар бир нима,
Гарчанд титроқ билан куйламок огир.

Аммо куйламок шарт, куйлаш дард билан,
То бу кўшиқ умри топмасин завоқ.
Такдир учраштира син сени мард билан,
Сўнг ҳам эркин яша, талаба мисол.
1974 йил 9 август

* * *

Мен қор билан хайрлашдим бугун,
Зериктирган совуқ қор билан.
Аммо энди юрагим нечун
Тушаётир титроқка бирдан.

Билардим-қу қор абадиймас,
Билардим-қу эришин бир пайт.
Нечун бугун деёлмайман, бас,
Бўлолмаيمان не учун лоқайд.

Мен қияй-да иссиққина тўн,
Бир жунжиқиб қиш завқин сурай.
Сен учқунлаб кўз-қошимга қўн,
Гарч-гурч босиб мен ўйчан юрай.

Туёқса-да маъносиз сўзим,
Шўх қилғалар қилдираган он.

Кўмсайман, мен кизиган юзим
Кор сувида юваман қачон?!

Мана шундай кўмсайман сени,
Кордай маъюс, йирок кетган дўст.
Колганида чироклар сўниб
Излаб-излаб топмаганда кўз.

Олган ором, тинчимни маним
Ўзмаганим жавобсиз хатлар.
Ўз кўл силтаб ташлаб кетганим
Ўша сокин, ўтсиз сухбатлар.

Бўлиб колди бари бир тугун
Тушмай сенинг — ок, кор йўлига.
Гамнокрокман ундан-да бугун
Тушунмайин жилга тилига.

Мен кор билан хайрлашдим бугун..
1975 йил 8 март

* * *

Мен куёшнинг чикишини кузатганман,
Тепаликка чикиб олиб тонг махали.
Ол шафакка интилиб кўл узатганман,
Унинг чиндан мафтуниман хали-хали.

Меҳр кўйдим сенга ҳам шу шафак мисол,
Ва талпиндим унга талпинганимсимон.
Хамон кўлим узатилган, турибман лол,
Талпинаман, аммо етолмайман хамон.
1974 йил 17 февраль

ШУКУР, ТАГИН МАКТУБИНГИЗ...

Шукур, тагин мактубингиз бизни йўқлайдир,
Алхол, кўклам шамоллари кўнглим тўқлайди.
Ўзибсизки (кўнглим дардин сезмаяпсиз сиз,
Нахот, тоғ-тош уйгонганда юрак ухлайди.)

Сезмас бўлса бу юракка ўтлар тушсин, ўт,
Саратонда сахроларда чўкисин бургут,
Ризк косамни ярим килиб ичмок истамам,
Танхо юрак синик, ярим, бўлмагайдур бут.

Янги чиккан тилим-тилим ойлар кўлларим,
Бегим, ўтар йўлингизни бойлар кўлларим.
Мактубингиз баргдай титрок кўксимга босиб,
Согинчингиз юрагимга жойлар кўлларим.

Буни Сизга кандай айтай, ёзайин кандай,
Кўк куртаклар дилимда ҳам бўртаётгандай.
Бир зангори ўтлар билан тўладир багрим,
Бир зангори ўтлар дилим ўртаётгандай!

Бугун ўт билан ўйнашмоқ хаваси бошка,
Зангор дарё бўлиб тошмоқ хаваси бошка.
Умр бўйи шошилсак ҳам кайга, кимгадир,
Бугун Сизни кутиб шошмоқ хаваси бошка.

Шукур, тагин мактубингиз бизни йўклайдир...
1974 йил 17 февраль

* * *

Кутдим, кутдим, келмадинг бу кун,
Умид килдим эртанги кундан.
Эртанги кун топмокда якун,
Аммо ҳамон дарак йўк сендан.

Туни бўйи мижжа кокмайин,
Яна кутдим эртанги кунни.
Сипкорарлар кимлар ишк майин,
Кимлар чапдаст, тўкмокда уни.

Сендан эса на хабар, на хат,
Тун ё тонгда келмайди менга.
Тугаб борар мендаги токат,
Ўчми, надир олар аланга.

Нега, жимсан... Тоза ишк номин
Ўпиб мен кўз тиндиргим келди.
Нега жимсан, кайнок ишк жомин
Тошга отиб синдиргим келди.
Нега жимсан...
1974 йил 13 апрель

КЎЛЛАРИМГА ИШОНИБ...

Бугун кўлим хакида куйлагим келиб колди,
Шу хамир корадиган икки кўлим хакида.

Шу ўтин ёрадиган эркаги йўк чогида,
Икки кўлимга караб бугун хаёлга толдим.

Хаёлчан, кўлларимни аста ўпиб кўйдим мен,
Секинрок айтасизми унинг меҳнаткашлигин.
У бетиним ишлади, читу атлас кийдим мен,
У ишлади таркатиб дилдаги бор гашлигим.

Кичик арикчалардай томирларда окар кон,
Юзларчадир, эҳтимол, томирларимнинг сони.
Балки шулар заптидан танамга сигишмай жон,
Ишимга ошикаман, ол тонг билан уйғониб.

Кўклам сувлари окар менинг томирларимда,
Унда кушлар чугурлаб олар одам хушини.
Тонг. Куёш уйкусираб дарчамдан кирган дамда
Кўлларим уйғонади согиниб ўз ишини.

Кафтин кетмонсоп уриб, у уруг сочмас экан,
Ернинг кай бир парчаси йўкотмасми кўклигин?
Талпинчок болакайга у кучок очмас экан,
Оламни тор килмасми гўдакнинг ўксиклиги?

Бола кўз-кошин силаб юмшок, майин тортар ул,
Болакайим, кел, сени икки кўлим согинди.
У сочган уруглардан бугдой дони бўлди мўл,
Бугдой шопирмокликдан тинмайдиган чоғ энди.

Бир палак бошлагандим хали бола чоғдаёк,
Хдмон унга кўз нурим тўкиб бораётибман.
Хаёт гох бошим силаб, гох кифтга кўяр оёк,
Корли, куёшли кунни тикиб бораётибман.

Гар кувонч бош силаса, кўксимга босиб голиб,
Кўлим кўл келар менга, шукрона айтмок пайти.
Гам оёк кўйса агар елкадан чапдаст олиб,
Жарга иткитиб, кўлнинг ишга тушишин айтинг?!

Чакалок-ей, чакалок монанд бўлар куёшга,
Кўл «байрам», — дер гўдакка кўйлак тикар чоғини.
Аммо ёзиб бўларми, мусибат тошиб бошга,
Кафан ёпган чоғдаги икки кўл титроғини.

Тикиб бораётибман, узун олиб катимни,
Жафокаш кўл умри хам шундай узун бўлгуси.
Хамир, лой, конни бирдай корган кўл журъатини

Бугунгидан ҳам янғрок олқишлайди келгуси.

Кўлларим, учаётган икки учирма кушим,
Минглаб куш тўдасига кўшилдингиз тонг билан.
Минглаб куш парвозига бу тонг менинг олқишим,
Минглаб куш парвозининг сурони бўлар баланд.

«Мен ҳалол яшайман», — деб тамом комил иймоним,
Икки кўлим — учирган кушларимга инониб.
1974 йил 13 апрель

КЕКСА АЁЛ ЎЙЛАРИ

Деразамда олча гуллай бошлади оппок,
Дафтаримда турналардай тизилар харфлар.
Новдаларга сезилмайин бу сафоли чоғ
Ок гул бўлиб кўнаяпти кўкламги зарблар.

Юрагимнинг зарблари ҳам тезланди чоғи,
Ё кўкламги шаршаралар кирдимиз унга.
Сархуш-сархуш оҳангларга тўлар кучогим,
Кўксим торлик қилаяпти тошқин, тўлқинга.

Кўклам қайтди, қайтди юртга тўлқин, куртак, гул,
Мен ҳам бола чоғларимга бораман қайтиб.
Манглайдан ўп кўкламни, боладай кўнгил,
Қирларга чоп бегуборлик кўшигин айтиб.

Қим айтса ҳам бекор гап бу — чўқаётганим,
Бу тонг олча ёнида қад тикладим бўй-бўй.
Ёлгон, йиллар сочларимни тўқаётгани,
Бари ёлгон — сўнги йиллар қаритгани ўй.

Мен кўкламни дилим билан кўраман баҳам
Ва ўзимнинг кўклигимга қайта оламан.
Сочим олча гулидай ок оқарганда ҳам —
Кўклам чоғи шўх қизалок бўлиб қоламан.

Деразамда олча гуллай бошлади оппок...
1974 йил 24 май

УМРИМ – ЛАХЗА

Инсон умри гоят қисқадир,
Мангуликка қиёсан лахза.
Шу умрни қилай деб кадр,

Солгим келар кўнглимга ларза.

Англаб етгим келади жим, жим,
Менинг ўзим кимман, нимаман,
Жимирлатиб тўлкинни сим-сим,
Каёкка йўл олган кемаман?

Ўз-ўзимни таниб улгурай,
Тафаккурим кодирдир нега?
Ўз калбимни очиб мен кирай,
Ўз богимга бўлай мен эга.

Кидираркан ўзингни толиб,
Чопмок керак, толикмай чопмок.
Ишонч келар бунга кеч қолиб,
Бунча кийин ўзингни топмок?

Мен тугилиб яшабманки то,
Хил-хил оханг тинглаб турибман.
Куйим топсам янграгай дунё,
Шу куйимни излаб юрибман.

Умрим лахза, билмай тинимни
Гуррос солиб худди гулдурак,
Излаб, топиб, яратганимни
Шу лахзага жойлашим керак.
1975 йил 6 март

* * *

Окарган бошларида минг хаёл, минг хил режа,
Ўй суриб ўтказурлар тоғлар умрининг йилларин.
Бизнинг бобокалонлар тоғларга ўхшар, ажаб,
Кўзлари кўпни кўрган, сукут сакдар тиллари.

Ирмоччалар сўзлар ер, осмондаги юддуздан,
Кўрган-кўрмаганларин тўкиб худа-беҳуда.
Ирмочкин тинглаб туриб ўзни тияман сўздан,
Улар сўзамолликда бизларга ўхшар жуда.
1975 йил 7 май

- «БОБО КУЁШ» ТЎПЛАМИДАН -

(1977)

Сиздай содик дўстни алдамайман, йўк,
Ишонинг, бу йўллар тушмас бир изга.
Кўксимга қачондир текканди бир ўк,
Ярадор қалб билан бормайман Сизга.

* * *

Хавас, нафрат, орзу, умид қоришиб,
Югуртирар мени ёмғирда, дўлда.
Аста-аста осмон келар ёришиб,
Аста-аста қорлар эрийди йўлда.

Ва тупрокка сингар сувлар бенишон —
Биз сўз қолмас ёмғир ёзгани — хатдан.
Бу йўллардан ўтажакман мен, ишон,
Минг қоқилиб бўлса ҳамки, албатта.

Доим жамбил хидин уфурмас сабо,
Ғоҳо бўрон қулатай дер устунни.
Ёмғир, дўлда юрсам беҳол, шалаббо,
Қун нурида қуритаман устимни.

Яна хавас, яна нафрат қийнайди,
Қасдма-қасди кўксим тутиб мен қаланд
Қетажакман, қайғу-қувонч қўш қайди,
Қўш қўбизчи шундай қатар мен қилан.
1974 йил 13 май

* * *

Ишонинг, қўзимни то тупрок қосиб —
Қолгунча Сизники бўлмайман қесам.
Аммо Сиз ҳеч қимга қилмайсиз қасиб,
Ҳеч қимга қермайман, қиғанман қасам.

Сиз қенинг бошимда бўлмайсиз қанох,
Иқина олмайсиз қилим ўтидан.
Бошқа аёл деб ҳам қечолмайсиз «ох»,
Йўлга тушолмайсиз ўзга қетидан.

Оёқларингизда қанжир қорлиғи —
Қир қенга, қир Сизга аён ҳақиқат.
Қен тунда қимди деб қуйиб қорлиғим —
Тонгда ўзи қелса этганимдай рад.

Худди мен дунёда доим кимдир кам —
Беадог хижрондан юрсам-да безиб.
Кимдир чорлаганда босолмай кадам,
Занжирбанд эканим колгандай сезиб...
1976 йил 11 апрель

* * *

Эй, курашаётган йигит,
Кўзларингни мендан ол.
Юрагингда гурласин ўт,
Гурлаб сийласин икбол.

Аклсизлик килар юрак,
Хаёлингни бўлмагин.
Ракиб килмасин чирпирак,
Тирик туриб ўлмагин.

Сен алп бобом бир туёги —
Алпим рухи майдонда.
Елканг ерга теккан чоги
Киёматдир жахонда.

Сени кўргунча маглуб, хор,
Кўр килгум мен кўзимни.
Ясаб чилвир сочимдан дор
Осиб кўйгум ўзимни.

Бошка гапни ортикча бил,
Бўш келмагин, жон тўрам.
Голиб келсанг дилим-ку дил,
Келсанг, бергум, жон сўраб...
1974 йил 2 май

* * *

Окил ога , аклингизга
Бунча хам тан бермадим.
Сиз курашни кияпсиз-ку
Кўнглингизнинг эрмаги.

Нечун тенгни тенги билан
Туширмайсиз майдонга.
Кимни сийлаб пасту баланд,
Кимни кўйиб армонга.

Мурти энди сабза урган
Жовдираган шу полвон,
Тенгми наъра тортиб турган
Шу давангир, девсимон —

Пахлавонга. Чикарган от,
Лек билмас ор, номус не?
Болакайни йикитиб шод,
«Ракибимни енгдим», деб.

Бугун яшнар, эрта сўлиб
Бу хил полвон юзтубан.
Турмасангиз холис бўлиб,
Майдон аро — сиз тубан.
1974 йил 2 май

ФИКР

Инсоф билан айтсам, умр кўнгилли кечар,
Киш корлари ҳеч нарсани кетмади ёпиб.
Ишкми, уни мен тўсатдан йўкотдим кеча,
Ҳечкиси йўк, эрта биров олади топиб.

Оз бўлганми азал инсон йўкотмишлари,
Йўколганлар топилдиклар ўрнига ўтган.
Юлдузлар бу аждодларнинг ширин тушлари,
Чак-чак куёш кулгусидир бўғзида кетган.

Бу дунёга келиб менинг топганим ҳам мўл,
Мен сўз топдим, фикр топдим, бу ҳам балки бахт.
Нодиранинг хаёлидан кечган балки ул,
Балки Машраб айтаман деб тополмаган вакт.

Бу фикрга қурбон бўлай, бу фикрга кул,
Коним билан кўчирайин мен уни окка.
Нодиранинг хаёлидан кечган бўлса ул,
Машраб вакт топмаган бўлса уни айтмоқка...
1976 йил 13 май

МЕН ЎЗИМНИНГ КЎЗИМ БИЛАН КЎРМОК ИСТАЙМАН

Менсиз халк тўлик эмас.
А. Платонов.

Юзининг бир ёни кора, бир ёни оппок,
Дунё қувонч-хасратига юрагим тўлиб,

Качон унинг юзларида колмайди деб дог,
Яшаяпман унга гирдикапалак бўлиб.

Мен-ку каттик ишонаман, бўлар шундай хол —
Бутунича окаради дунёнинг юзи.
Энди ўн еттига кирган дуркун киз мисол
Сук киргудай тозаланар дунёнинг туси.

Мен-ку каттик ишонаман,
Аммо бу качон
Кандай кўллар оклашади рухсорин унинг.
Менинг замондошларимми шу, кийнашиб жон,
Кечиб, кесиб бораётган аччик тутунни.

Тушмаётган бўлса хамки бу оклаш осон —
Биз туташиб ёнаяпмиз гурлаган ўтда.
«Оклайман», — деб камоқларда одамлар бесон,
«Оклайман», — деб канча жонлар борар тобутда.

Оклаш учун хали кўп, о, бизлар учун иш —
Ёлғиз тўпдан, пулемётдан бизни отмаслар.
Тўплар тинган жойларда хам гохида гиш-гиш —
Кўз, сўз билан отиб юрар бадфеъл, бадмастлар.

Качон бу кенг дунёмизнинг тўрт бурчида хам,
Бирор етим кўлин чўзиб сўрамайди нон.
Качон мард ўғлоннинг бошин эгиб, килиб хам —
Севгилиси ташлаб кетмас, йиглатмас нолон.

Одамзодга качон келар шундай бахтли йил,
Ки лугатидан ўчирар «уруш» сўзини.
Ерда кайнок булок бўлар качон барча дил —
Качон бевакт курум босмас диллар кўзини.

Качон бир гули очилмай ох урмайди киз,
Яшар гуллар, кушлар билан инок, кувишиб?
Качон айрилик сўзини тушунмаймиз биз —
Ва «айрилдик», деб ёзмаймиз титрокка тушиб.

Мен-ку каттик ишонаман, келар шундай он,
Аммо качон, безовтаман колмаса деб кеч.
Унга кадар тиним билмас, мен-да кичик жон,
Унга кадар катта бахт хам бермайди туткич.

Мен ўз оч кўзларим билан кўрмоқ истайман,
Ардокламоқ истайман, балк, кўзларимда балк.

Мен кетганимдан сўнг келса у кунлар ок, шан —
Бир кишига камаяди уни севган халк.

Мен ўз оч кўзларим билан кўрмок истайман
Бутунича оппок бўлган дунё юзини...
1976 йил 30 май

ЎРТОКЛАРИМ

Кетсам олдин мен кетай.
Владимир Соколов.

Ўртоқларим, менинг ёшлик жигарбандларим,
Бугун ногох юрак уриб, «канисиз» дейман.
Ўтган хар кунимга туташ банду бандларим,
Сиз кайдасиз, бу кун сизнинг гамингиз ейман.

Ўртоқларим, бир даврага йигилайлик, бас,
Бир нафасга йигилайлик ҳеч бўлмаганда.
Бугун хатто юлдузларга етганида даст —
Шу юлдузлар суҳбатини биз килиб канда,

Бир нафас бир-биримизга ажратайлик вақт —
Бир нафасга тўйиб-тўйиб тикилишайлик.
Йиллар килиб кўймадими бизни кўр, қарахт —
Чиқиб олган чўққилардан бир дам тушайлик.

Пастни кузатар экансан, чўққидан туриб,
Чумолидай кўринади дуп-дуруст одам.
Бир нафасга сирлашайлик ёнма-ён юриб,
Тамом-тамом унутилсин сергавго олам.

Айтгил, Усмон, бахтинг сени сийлаётирми,
Муқаррама, сен дўстларни янги уйда кут.
Ўгил билан кутлаймизми бугун Ботирни?
Одил кани, Одил кани? Жавоб йўқ. Сукут.

Кани Одил, бошлар эгик, тортажакмиз «ух»,
Жингалак соч, қора кўзли шўх йигит кани?
Дўстлар, қорланг даврамизга кўшилсин у рух,
Бизлар билан қуйлагани, қах-ках отгани.

Давра нурай бошладими, йўқ-йўқ, нурамас,
Кани, қуйланг, билинмасин Одилнинг ўрни.
Сочимизга қор ёгса қар курак қурамас,
Шўр ёшимиз ўчиролмас изтироб, кўрни.

Бир дарахти куласа хам аламзада бог,
Бир дўстни йўкотиб биз хам «ох»лар урамиз.
Даврамизни тўлдира кол, кеч колган ўрток, —
Бир майизни киркка бўлиб бахам кўрамиз.

Ўртокларим, шодмон кўшик бошлайлик энди,
Шодмон кўшик сели ювсин диллар зангини.
Азал-абад гам-андухни шод кўшик енгди —
Мен чизайин чизиб бўлмас кувонч рангини.

Ўртокларим, бошингизда сўнмасин куёш,
Барчангизни толе суйсин, бахт колмасин кеч.
Бирингизнинг гамингизда кўзга олиб ёш —
Куяр дамга дуч келмайин, дуч келмайин ҳеч.

Ўртокларим, ҳар бирингиз мен суянган тоғ,
Дўст деганда жон бермокка фикрим мутлақдир.
Кетар бўлсам мен олдинрок кетайин, биров,
Дўстларимнинг кора кунин кўрсатма, тақдир.

Ўртокларим, менинг ёшлик жигарбандларим.
1976 йил 12 июнь

БОБО КУЁШ

Яшарканмиз, биз бировга жон бермокка шай,
Бировларга хайф кўрамиз хатто сомонни.
Биргина сен, бобогинам, куёшим, бирдай
Меҳринг билан иситасан яхши, ёмонни.

Хох кўклам сувидай тошкин, хохи бўлсин без,
Ҳеч кимсани четлатмасдан узатиб ёруг,
Хатто котил сўнг нафасда кўзин юмган кез
Чехрасидан нурларингни тутмайсан дариг.

Хаку ноҳак сендан бирдай кетарлар рози,
Балки шундан сендаги бу умрбокийлик.
Бунча меҳр кўтаролмас менинг тарозим,
Кечир, кўлимдан келмайди бу хил сахийлик.

Нураш, кураш, гавголардан кетмасдан тўйиб
Айланасан, ер кутулар зулмат, балодан.
Балки шундан сенга ўчмас ўт бериб кўйиб,
Маконингни яратмишлар арши аълода.

Сен аршингда куйлармишсан, яркираб, тўлиб,

«Нурим бирдай таксимлайман тупрокка, тошга.
Сен бировга бирни берсанг, кайтар ўн бўлиб»,
Йўк, куёшим, бунда сенинг йўригинг бошка.

Бобо, агар сен тахтингдан тушсанг эди бир,
Марду номард орасида яшаб кўрсайдинг,
Сен уларга баб-баробар улашмасдинг нур,
Балки газаб билан нулинг олардинг кайтиб.

Уларга шавк, орзу эмиш казимоклик чох
Ва дунёни бир коғоздай гижимлаб йиртмоқ.
Хатто сендай олтин бошга, бобожон, гоҳ-гоҳ,
«Зора илинса», — деб ташлаб туришар сиртмоқ.

Илож топса ердан тутун, куткуни йўллаб,
Саклардилар тўлин ойни бир умр доглик.
Йўлин топса ўз атомин ўзига кўллаб,
Эйнштейнни килардилар улар бир ёклик.

Хиросима шу кўлларда кул бўлди ахир,
Болалари кулда ўсди мажрух ва ўксик.
Важ топилса хатто сени олишиб «асир»,
Бобо куёш, соқолингдан қолмасди бир тук.

Ўки етса сени отиб биринчи галда,
Изгирдилар қаро тунда бўридай улиб.
Яхшиямки, ўк етмас сен — донишманд қолга,
Йўкса меҳринг қўшигини қўярди бўлиб.

Бундайларга бирни берсанг қилмай қаноат,
Ўйлай бошлар: «Иккисини ўзи олди-ёв».
Шундан, бобо, ўртачароқ бизларда тоқат,
Шундан, бобо, ердагилар сув билан олов.

Булар заминдаги баъзи хангома гаплар,
Батафсилроқ ёзсанг улар сигмайди шеърга.
Сен юксаксан, юксакда йўқ аччиқ алафлар,
Сен, бобожон, фақат меҳринг сочавер ерга.
1970 йил 8 март

* * *

Бир мактуб сингари хотирамни мен
Ўчириб-ўчириб яшаётиман.
Дилимни ўртаган армон, гамни мен
Қоғозга кўчириб яшаётиман.

...Сиримни яширмай тўқдим мен тунга,
Тун бўйи йиглаган бўлса ҳам байтим.
Кундуз ёниб-излаб келганда унга
«Вақтида айрилдик, яхши», деб айтдим.

Тун бўйи кўзимдан аччик ёш сизиб,
Безабон армондан ўкисам ҳам дарс,
Тонгда у келганда «Уйкумни бузиб...
Тагин Сиз!..» юзига эшик ёпдим карс.

«Барибир эшикни очолмас биров,
Келаман», — жимлик... сўнг йилларки мушкул.
Энди у келгунча сочимга киров —
Кор ёғар, сўнг таний олармикин ул...

Коплагани учун бир зум кўзни хоб —
Балки умрим бўйи берурман жавоб.
1975 йил 10 октябрь

* * *

Ким яшаган бўлса бўрон билан касдма-касд,
Кишнинг кахри, куюнига ўрганса тани,
Кўклам, боглар жимжитлиги унга татимас,
Сезмайди ҳам совук вужуд иссик ўтганин.

Жажжи кушим, сен ҳам бекор ўртайсан багир,
Куйинг ширин, аммо менга чучмалдир тотти.
Куйинг англаш менга унча ўнгаймас ахир,
Бу сохада кўпдан ўчган хату саводим.

Жажжи кушим, сен куйингни кушларга куйла,
Богдан чикмасларга куйла, йил — ўн икки ой.
Менга чопмок — тақдир, хаёт — айлана бўйлаб
Гох ўкдай тик, гох эгилиб бамисоли ёй.

Йўлга чикма, сен мен билан чопа олмассан,
Кола колгин, бўлма энди гирдикапалак,
Мендай бетинчликдан тинчлик топа олмассан,
Менга ўрток куюн сени килгуси халок.

Бу хаётда, кушгинам, биз кўшилмас зарра
Менга — абад чопмок, сенга — бог аро сайр,
Куйларингни кайта-кайта тинглаб минг карра
Бир сирингни англамадим, кушим, энди хайр!

Менинг куйим гоят аччик, тахирдир, ичма,
Сенинг куйинг ортик ширин, чучмалдир, чучмал!
1975 йил 17 декабрь

* * *

Ўз эгик бошимни кўтармай туриб,
Яшаркан эгилган бошларни силаб,
Бугун Сизга келдим ўзим бош уриб,
Бугун мен турибман меҳрингиз тилаб.

Минг дардимдан бирин сололсам хатга,
Бор шодон умримга тортади чизик.
Качонлардир менга зар бўлган бахтга
Бугун ўзим зормен, кўлларим чўзик...
1976 йил 5 май

* * *

Мен кетиб бораман, корамтир само,
Кувлашиб ўйноки шамоллар билан.
Такдиримда минги аралаш, аммо
Бири ечилмаган саволлар билан.

Мен кетиб бораман, ёришади кўк,
Ногахонда овоз... нега бўшашдим.
Чакирманг, ортимга кайтолмайман, йўк,
Чакирманг, йўк эса кайтгудай шашдим.

Мен Сиз чорлаган пайт ожизман, айтдим,
Кетсам ҳам кулогим, кўзим беркитиб,
Кайтмасам, юрганим йўлим унмайди.
Кайтсам, келолмайман Сизга ҳам етиб.

Гарчанд Сиз сизинган шохман, пирман мен,
Аро йўлда қолиб адодирман мен.
1976 йил 2 март

* * *

Мен Сизни алдашни кўрмайман раво,
Тушунинг, шу ўзи мен учун басдир.
Сезаман, мендаги бу дард — бедаво,
Истаганим билан бу ишк сўнмасдир.

Мен Сизни алдашни кўрмайман раво,

Эхтиёж сезмайман ортик тиракка,
Мен учун қачондир куйланган наво,
Эндиги наволар сигмас юракка.

Сиздай содик дўстни алдамайман, йўк,
Ишонинг, бу йўллар тушмас бир изга.
Кўксимга қачондир текканди бир ўк,
Ярадор қалб билан бормаيمان Сизга.
1976 йил 11 апрель

СУРАТ

Тан оламан, дил, кўлимдан кўп нарса кетди,
Мен ишонган тоғлар ҳам гоҳ кетдилар нураб.
Киш қорлари кўп изларни кўмди, беркитди,
Кўзларимдан кетмай қолди ёлғиз шу сурат.

Мана бу — Сиз, папиросни асабий эзиб,
Туриб қолган, кўзларида тўзгиган тўзим.
Буниси шўртак бир таъми лабида сезиб —
Маъюс, Сиздан кетаётган менман, мен — ўзим.
1976 йил 13 май

* * *

Ажралишдик, кўтар бошинг,
Кўзларингда нега гам?
Мардим, тўкма кўзинг ёшин,
Томчисига арзимам.

Не кун солдинг сен бошимга,
Бу қандай ишқ, қай фирок?
Арзимаёсан кўз ёшимга,
Мен ҳам йиглайман биров.
1976 йил 14 май

АЛВИДО ДЕНГ

Алвидо денг, алвидолар айтинг сўнгги бор,
Кўзингизни юмиб, кейин мендан буринг юз.
Токатим ток, богингиздан учаяпман, ёр,
Қарамангиз, богингизга қелар бўлди қуз.

Мен билмайман, тушган йўлим хатоми, хайрли,
Ростин ёзай тун зулмати ўраб қелган чок,
Қарчанд тушмаган бўлсам ҳам бир лахза айру,

Бир лахза хам яшамадим сиз билан биров.

Сабаб бўлдим багрингизга кўнган доғларга,
Бекор бўлди менга кўнгил кўйганларингиз.
Богингизда мени кўриб, ўзга боғларга
Битта-битта учиб кетди суйганларингиз.

Ўша пайтлар бу хол менга туюлганди шон,
Сароб экан, тутар-тутмай излаб қолдим мен.
Бу сатрлар куйиларкан бошга урар қон,
Сиздан совий-совий бугун музлаб қолдим мен!

Алвидо, ёр, тўкилмоқда тоқат деган жом,
Кетмоқ ишқи куйдирмоқда ўт бўлиб мани.
Алвидо, ёр, кўксингиздан ўчиринг тамом
Богингизга янглиш кўниб учган қушчани.
1976 йил 16 май

ТУГАТИНГ, БАС, — ДЕДИМ

— Тугатинг, бас, — дедим, — Сиз қилдингиз бас,
Ортиқ ишқ ҳақида очмадингиз гап.
Ишонинг, у сўзлар меники эмас,
Мен, ахир, юрибман ишқимни қорлаб.

«Қетган тўлкин албат ортга қайтади»,
Ўзимга берурман таскину тўзим.
«Ўзи келиб тагин ишқин айтади»,
Ўзи келиб, аммо, қелмайди ўзи...

Ишқ мени топганда бўлолмасман эл,
Сўнг ўзим топмасман, кўз ёшларим сел...
1976 йил 24 май

* * *

Қайларгадир ёзган эдим исмингни сенинг,
Қаерларга... кейин узок ўзим қидирдим.
Қўп тингладим жилгаларнинг шўх қулгусини,
Энди қуртак очаётган боғларга қирдим.

«Қор бургут-ей, шиддатингга шиддат улансин —
Сенга ёзганмидим», десам қилимни доғлаб.
У дер: «Йўқ, йўқ, эслолмайман, унинг номин сен
Қанотимга ёзганинг йўқ», — кетар узоклаб.

Толмабўйин оккушларни тутаман сўзга:
«Балки сизга ёзганман мен», — ахволим кўриб,
Оккушлар дер: «Эслаб кўргин, ёзмадинг бизга —
Кайга ёзсанг ёзгансан сен паришон туриб».

Дарёларга савол ташлаб худдики кармок
Ойлаб кутиб, жавоб олмай топмадим изин.
Ерга айтсам, ер айтдики: «Тишлама бармок —
Ўчмас килиб ёзганДингми номини ўзи?!»

Шунда-шунда сергак тортиб мен бўлдим тамом —
Ёгаётган сушт корларга ёзгандим сени.
Тўкилгудай чайкалганда кўнглимдаги жом,
Кўнглимдаги озорларга ёзгандим сени.

Ёзиб кетдим, йўл-йўлакай нигоҳим тушиб,
Ёт дилларнинг тасодифий ёр-ёрларига.
Бир бепарво шўхлик билан ёздим кизишиб
Бу дунёнинг ур-сур, гавжум бозорларига.

Энди, энди бари абас, берсам хамки тан —
Баъзан кўнгил тагин сени йўкласа бўзлаб,
Кори эриб кетган ердан излаб коламан —
Таркаб кетган бозорлардан коламан излаб...

Кайларгадир ёзган эдим исмингни сенинг.
1976 йил 7 апрель

ЎК ХАКИДА ОЛТИ ШЕЪР

I

Йўк, мен сог калб билан куйлаганим йўк,
Дарди йўк кўнгилнинг куйлаши кийин.
Кўксимга санчилди бир кун кизил ўк,
Мен алвон кўшиқлар куйладим кейин.

Юролмадим доим кимнидир суйнб —
Бу кўнгил гоҳи бут, гоҳ чил-чил синди.
Сарик ўқдан кўксим кетганди куйиб,
Хижрон кўшиқлари майсадай унди.

Кўзларимда ўтдай ёнмокда башар,
Гарчанд мен — бир ўтдай сўнар ўткинчи.
Бу ўқлардан колган кўшиқлар яшар —
Кўксим каро ўқдан колганда тинчиб.

II

Онам эгилиб нак камон,
Отди, айланиб ўкка —
Учяпман, билмам кай томон —
Тунгами ё ёрукка.

Билганим «тегади шу ўк»,
Онам ичгандир касам.
Унда ортик бошка ўк йўк,
Мен мўлжалга тегмасам.

III

Ошкор айтганларнинг кўкси бўлсин тоғ,
Ошкор айтганларга менинг хурматим.
Чорак аср яшаб номарднинг, бироқ,
Бир ошкор килмишин кўрмадим.

Мен шохона базмга бораман кириб,
Чарх уриб, шохона кўшиқлар тўкиб.
Йўлда отмаса гар яшриниб бири,
Йўлда ўлдирмаса номарднинг ўки.

IV

Ўзгаларга омад тилайман бу чок,
Ўзгалар синчиклаб отсин ўкини.
Овлаган кушидан кўнгли бўлиб тоғ,
Бошларида кўрай толе тугини.

Ўзим тан оламан юзга кон уриб,
Букилмас дилимни букиб, этиб ёй,
Арзимас кушларга ўк отиб юриб,
Умримнинг ярмини бериб кўйдим бой.

V

Алданган ишончдир сенга теккан ўк,
Ўк — бу ўз кадрили топмаган кадр.
Аччиқ ўк азобин бермасми тўлик —
Ёзганда юрагинг куймаган сатр.

Мен ҳам хоргин, голиб анча йўл юрдим,
Доим ҳам куйиниб куйламади тор.
Уч марта кўксимни синчиклаб кўрдим —

Ярадор, ярадор, тагин ярадор...

VI

Яна у кўксимга учар худди ўк,
Яна у мен учун далли-девона.
Унинг санчилмоги учун бўш жой йўк,
Бунга унга Сен айт, хаёт, эй Она!

Мен шеърга айтаман кўксимдаги сир,
Сонсиз яралардан сачраганда кон.
Кўксимга канча ўк сингиб кетгандир,
Кўксимда канча ўк бўлгандир курбон.
1976 йил 3 май

АЛЛАКАЧОН УНУТГАНМАН...

Аллакачон унутганман бари-барини,
«Аллакачон» алдайман мен ўзимни-ўзим.
Ортда колган мухаббатнинг кўшикларини
Эслама, деб ўз-ўзимга тилайман тўзим.

Эслаб колсам, токатларим — тўзиган бир пат,
Эгилган ёйга айланар бўй-бўй коматим.
Эсласам, бу ёруғ дунё — бўм-бўш бир хилкат,
Бир ггул бўлар эътиқодим, бахтим, омадим.

Кулгуларим кинояси зарра сезилмас,
«Аллакачон унутганман»... ках-ках ураман.
Хижроннинг талх шаробидан ортиқ сархуш, маст,
Бахтлилардан бахтиёрроқ яшнаб юраман.

Аллакачон унутганман, унутган маъкул.
1976 йил 11 апрель

* * *

Сизга ишким, Сизга қарғишим,
Ўзга излаб мендан топмас из,
Бу дунёда менинг бор ишим —
Сизга тушди, бир Сизга ёлғиз.

Адашдим-да ёлгонга йўйдим —
Ишкингизни, қўл силқдим, «бекор!»
Шошиб гурур гултожин кийдим,
Энди бошдан олиб қўймоқ ор.

Энди дунё ишин карангки,
Ишк ортидан кул бўлармиш шох.
«Унутдим», деб саргаяр рангим,
«Севмайман» деб жим чекаман ох.

Сиз деганда мен синмас торман
Кута-кута кўзим йўл ўйиб,
Умрим бўйи каргаб ўтарман —
Умрим бўйи жонимда суйиб.

Гарчанд хижрон талхдан-талх майдир,
Мен ичардим, бўлганда хам кон.
Каргишларим Сизни ургайдир,
Согинчларим саклайдир омон.
1976 йил 24 май

* * *

Кайдан хам йўлимда келгандингиз дуч,
Айкаш-уйкаш килиб ўнгу рўёни.
Топдим, Сиз, ёлғиз Сиз, колган дунё пуч,
Йўкотдим, кайтадан кўрдим дунёни.

Кайта кўрсам кўзим куйиб кетар, чин,
Армон тўлкинлари кетгайдир кўмиб.
Кайта Сизни кўриб колмаслик учун
Кетяпман умрбод кўзимни юмиб...
1976 йил 20 май

КЕЧИРИНГ...

Мен Сиздан сўрайман бу кеч кечирим,
Хижрон бўлганим-чун бўлмайин висол.
Гарчанд умрингизни тонги, кечини —
Аралаш килдим мен карталар мисол.

Ўйлайсизми, мени килди деб атай,
Сизга бурилмасдан кетганим-чун тик.
Мен дардли кўксимни ёриб кўрсатай —
Борми унда Сизга зарра ёмонлик.

Гарчанд, оклай олмас ўзин айбдор дил,
Ишонинг, сезмасдан колдим мен у чок
Табиб бўлайин деб бўлганим котил,
Малхам бўлайин деб урганим пичок.

Беаёв ишкингиз ўтин ўчирдим.
Кечира олсангиз агар, кечиринг.
1976 йил 20 май

КЕЧАГИ КУН

Тинчлан, кўнгил, бўлма дилхун,
Ором топмадинг сира.
Майли, гарчанд кечаги кун
Бугунни килар хира.

Бошка эди кечаги кун,
Сен уними йўклайсан.
Чакирганда бермадинг ун,
Энди нечун йиглайсан?

Кечаги кун куёш бошка,
Бошка эди тун, майса.
Бугун бошинг уриб тошга,
Самар топмай излайсан.

Бу тунги ой ортик маъюс,
Кундуз куёш ортик шўх.
Гуллари хам бошқарок тус —
Кечагидай тортмас, йўк.

Ўтган ўтди, дил таскин топ,
Бўлса хамки худди туш.
Кечаги чекилган азоб,
Бугунги кувончдан хуш.

Дил, бугунги богларга кўн,
Бўлолсанг, бўл асира.
Гарчанд, дилда кечаги кун
Бугунни килар хира.
1976 йил 20 май

* * *

Икки куш бор, кувонч, гам куши,
Яшолмайман юзим ўгириб.
Келар бир-бировин кувишиб,
Бирин ташлаб учади бири.

Гам кушининг ранги коп-кора,
Каро тун хам илгаб титрайман.
Учиб келар туманлар аро
Кувонч куши, яйраб потрайман.

Мен бир овчи, ношуддан-ношуд,
Бу икки куш хам бахт, хам шўрим.
Отдим, каро куш бўлмас нобуд,
Оппок кушни тутолмас тўрим...
1974 йил 14 май

* * *

Абад сўлмас мухаббатга фидо бўлиб ўтяпман,
Ўнглаб бўлмас мухаббатга фидо бўлиб ўтяпман,
Сўнг нафаси келар бир кун — не тирик жон тугилди,
Мен ҳеч ўлмас мухаббатга фидо бўлиб ўтяпман.
1974 йил 14 май

ОНАМГА АЙТИНГ...

Майлига, бошимни хам килсин кадар,
Кабохат тошлари тўлсин хонамга.
Биргина одамга етмасин хабар —
Айтмангиз бу холни ёлғиз онамга.

Бахт, омадим келса галма-гал окиб
Даврон мени бошда кўтарган пайти.
Майли, ҳеч ким ундан бўлмасин вокиф,
Сиз уни ёлғизим, онамга айтинг.

Гамим эшитган кун надоматга кул,
Кабохат тошларин териб юради.
Кувончим эшитса ўз уйида ул —
Даврон кўтаргандай давр суради.
1976 йил 22 май Сайланма.

- «ИССИК КОР» ТЎПЛАМИДАН -
(1979)

Ишк, армон гул очиб, сўлса жонимда,
Йиллар олиб кетса беркитиб, ўраб,

Жилва дардин берманг кахратонимда,
Умримнинг сўнгида келмангиз сўраб.

СОГИНИШ

Келмокдадир она-Ернинг сафо дами, кўк дами,
Салом Сенга, тугишганим, Ўзбекистон кўклами.
Айланайин, она-Ер-эй, бир бошогинг бўлайин,
Бир бошок не, сен суянсанг суянч тогинг бўлайин.
Шилдир-шилдир шувокларга сиргам тушиб кетгач мен,
Сендан йирок-йирокларга бирдан тушиб кетгач мен,
Жигаргўшам, Сени кўмсаб, жигарларим силинди,
Ойлаб офтоб кўрмаганда офтоб ўрни билинди.
Боболарим бирин-кетин суяк суриб ўтган Ер,
Момоларим сочларини киркта ўриб ўтган Ер.
Гиротларнинг изи колган дала-даштни согиндим,
Менам сочим сахар ювиб майдалашни согиндим.
Бу ўзимми, мен ўзим ҳам ўнгимми, йўк, туш бўлай,
Айланайин, тугишган Ер, канот бер, оккуш бўлай.
Хеч бўлмаса енгилгина сузиб юрган ок булут.
Булут бўлиб кўриб келай, хар бир гиёҳ, хар бир ўт,
Ўтдан тортиб хар одамни кўзларимга жойлайин,
Менинг умрим нима ахир, шошиб оккан сойдайн.
Токи куриб колгунимча югурик сой сингари.
Она-Ер-ай, мен багрингта томчи-томчи сингайн.
Момоларим пойин ўпган бунда бўртган хар чечак,
Мен ўтгач хам сени йўклаб кўклам келаверажак.
Мен ўткинчи, ўткинчига ганимат дийдормисан,
Кани, кучоклашайлик бир, она-Ерим, бормисан!
Келмокдадир она-Ернинг сафо дам, кўк дами,
Салом Сенга, тугишганим, Ўзбекистон кўклами!
1977 йил 14 март

БОЛА, ОЙИНГ ОЛИМ ЭДИ...

Улугбекка

Агар кетсам, агар кетсам,
Бу дунёдан кетсам мен,
Гуллаган чог, кутмаган дам,
Оламни тарк этсам мен,

Унда мени сен кай холда
Этажаксан тасаввур?

Мендан сенга нима колди —
Болажоним, эслаб кўр:

Излаб онажонинг хидин
Сен уйгонсанг сахарда,
Ўз ўрнимда мен йўк эдим,
Чопар эдим шахарга.

Вижир-вижир кўшнларга
Сўзлар экансан доим,
«Ойим менинг узокларда,
Олим бўлади ойим».

Ўз юзингда хидим туйиб,
Менинг кўлим сезмайсан.
Она деса мени кўйиб,
Энажонинг эслайсан.

Ойинг бу кун олим бўлди,
Олам унга айтди шон,
Аммо дилга хасрат тўлди
Ушбу дамда, болажон.

Агар ногох чалса бир тош,
Ўлим тутса, солиб тўр:
Кўзларингга тўлдириб ёш,
Кай хислатим кўринур?

Кай хислатим эслаганда,
Чидолмай дод айларсан?
Кай хислатдан гаминг канда,
Кўнглингни шод айларсан.

Хеч бир... ўйлаб-ўйлаб зимдан,
Тополмайман кидириб,
Ташлолмайман ўз юзимдан
Уят, орни сидириб.

Мен узиб ўлимнинг тўрин,
Сен деб келаман кайтиб.
Минг карзидан узмай бирин
Одам ўла олмайди.

Кел хонамга, келгин кириб,
Турма тишда мўралаб,
Ёгоч отда ўт кийкириб

Ёзувларим оралаб

Ўтгин, жоним кўзим, дедим,
Кўкрагимда ўсди гул.
Бола, ойинг олим эди,
Энди она бўлар ул.
1977 йил 3 май

БИР ЛАХЗА...

Кел, эй, ўз пайтида кел, байтим,
Бир лахза илгари, илгари.
Келмагин юзимни саргайтиб,
Кечиккан офтоб сингари.

Кел, эй бог, гуркираб барг ёйиб,
Бир лахза илгари гулга кир.
Гўдагим, кўйгин бир жилмайиб,
Бир лахза эртарок тилга кир.

Эртарок шовкин сол, шаршара,
Юз ювай мен зилол булокда.
Уринчок тойчогим, каркара,
Каркара саман бўл, улокда.

Бир лахза мушкулни тезрок еч,
Юмалаб кетмасин ул сокка!
Табибим, колма кеч, колма кеч,
Бир лахза кифоя ўлмокка.

Ўглон, сен кўлим тут, кўлим тут,
Кўп совук кутишнинг шамоли.
Эртарок ечиб ол, бир минут,
Хджроннинг корамтир рўмолин.

Етиб кел, туташдим мен ўтга,
Бир лахза гуллаш ё ажалим,
Бир умр кутдим, бир лахзага
Етмайдир бу сафар мажолим.

Бир лахза илгари, илгари...
1976 йил 3 март

ЯНГИ УНГАН МАЙСА

Янги униб чиккан майсани кўриб,
Юрагимга янги тугёнлар кирди.
Бошида колдим мен хаёллар суриб,
Бошида бошимда минг ўй чарх урди.

Янги унган майса! Турардим туйиб
Дилимнинг кувончу титрокларини.
Чакалок онаси янглиг мен суйиб —
Ўпдим унинг мургак киекларини.

Унга ҳам кувонч, гам дўллари ёгур —
Дуч этиб юсаклик, гохо пастликка.
Гохо танитай ҳам очарлар багир —
Гох таниб, оларлар танимасликка.

Бизлар танимокни истамасак гар,
Шуъла эмас, доғлар кўрамиз ойда.
Кўнглимизда ётган сўкир сезгилар
Фарқ эта билмайди гавхарни лойдан.

Ўз майда ташвишлар билан доим банд —
Илгай олмаймиз гох чакнаган нурни.
Бир пайт эски, локайд нигохлар билан
Йўкотиб кўямиз янги сурурни.

Дарвоқе, бу майса, ха, янги майса, —
Куёш, уни ўзинг ардогингга ол.
Дейман бу гўдакнинг умри узайсин, —
Гуркираб ўссин у, билмайин завол.

Эй, Сиз, чакнок кўзлар, тортмангиз хира,
У сўзлар янги бир дунё эртагин.
Таний олинг кандай тоза, бокира —
Бу таниш — кўклатсин майсани тагин.

Бир зум суронларин тиндирсин-да жим,
«Хуш келдинг», деб унга эгилсин олам.
Энди тетапоя бўлган гўдагим,
Янги унган майса — болажон, салом!
1976 йил 7 март

* * *

Албат етажакман порлок кунга мен,
Етарман манглайи яркирок бахтга,

Шу сўзларни ёздим каро тунга мен,
Шу сўзни ёздим хар ўткинчи вақтга.

Палагимга кўшиб тикаётгандим —
Тасодифми, ха-ха, бахтсиз тасодиф.
Бузилди тикканим — нусха гул банди,
Хамда етмай колди ўша рангли ип.

Кайсики мавжланган тўлкинга ёздим,
Бул тўлкинни сурди ортидагиси.
Кай майсага мухрдай бу сўзни босдим,
У сўлиб бошкаси чайкалди ўсиб.

Ёзсам сафо билан бир зум олмай тин
Богнинг кўм-кўк, бўй-бўй ниҳолларига.
Фасл айланмай улар тўқдилар баргин —
Дош беролмай кузак шамолларига.

Асов от ёлига ёзмок кўп кийин —
Минг бир азоб билан ёзсам беҳато.
Отимнинг оёғи оксади кейин,
Кейин кўрмай колди кўзлари хатто.

Бу ҳам тасодифми, ўртанса-да тан —
Аччик-аччик кулдим, «Тасодиф бари!»
Бекорга дилимни кон килмаяпман —
Кизгиш рангда учар хали куйларим.

Мен темир бўлсам ҳам бу йўқотишлар —
Бўгин-бўгинимда колдирмасди жон.
Аммо кўклам, тагин кайтмокда кушлар —
Менинг кўнглимга ҳам инмокда дармон.

Темирдан-да каттик бўлиб яшайман,
Ўт, журъатим голиб келяпти яна.
Мана тагин, тагин ёзмокка шайман,
Бу калам бир куни килар тантана.

Ёзарман, ёзарман келгунча сўнг он,
Хоинлик килмасдан ўз касам — ахдга,
Ўжар журъат бир кун келтиргайдир шон,
Етарман манглайи яркирок бахтга.
1974 йил 10 март

ЁЛГИЗ БОШНИ...

Минг хил чикит кўшилмоқда оқар сувларга,
Саёз тортиб куринмоқда Оролнинг куми.
Мен кўркаман кўшилишиб дили кувларга
Юракларга чикит-кувлиқ кирмаяптими?

Ёмгирлар-ку, япроқларни кетмоқда ювиб,
Бизлар уни тупроқ билан кормаяпмизми?
Биз кундалиқ «ур, хо-ур»нинг кетидан кувиб,
Меҳран тугаб, калбан тугаб бормаяпмизми?

Дил тубидан туйгуларни оларкан кириб,
Бир кун тақир йўлга ўхшаб қолмасмиканмиз;
Бу талотўп, «кув-кув», «чоп-чоп» қолдан тойдириб,
Бир кун бўм-бўш уйдайд бўшаб қолмасмиканмиз?

Бу шошйинч, бу тезликда кўрмай ҳосият,
Мен кўркаман, ноаниқ бир ҳислар кемирад.
Мен ойларки, ўз онамни кўрмадим, уят,
Мана, шундай пайдо бўла бошлар темирлар.

Ойларки, мен ўз онамни кўролмай қарахт,
Демак, болам йиллаб яшар мени унутиб,
Мунча тансиқ тортиб қолди дийдор деган бахт,
Юткизиклар қўп, нимани оляпмиз ютиб?

Айтолмайсиз, айтолмайман менам бошим ҳам,
Аммо биламанки, нафас ростламоқ дарқор,
Билмоқ керак, ёнди қимнинг юрагида шам,
Билмоқ керак, ёғди қимнинг юрагига қор?

Йўкса, бизнинг ҳар биримиз бир улоқчи, ёт,
Шериғи йўқ, йўқдир битта узанғидоши.
Азал-абад қўпқарида тоқ қавандоз мот,
От остида қолиши бор ёлғизнинг боши.

Кечикяпмиз, бу гал аммо, Сиз шошиб келинг,
Қўзлар тўлсин ишқнинг рангин бўёқларига.
Хой одамлар, имилламай жипслашиб келинг,
Ёлғиз бошни бермайлик от туюқларига.
1975 йил 21 март

* * *

Қуёш жуда эрта ботди, қилади алам,
Намозшом гулидай сўнди тез бугунги кун.

Касдма-касди тунга кириб дейман «ассалом» —
Дўстлашаман куёш эрта кетгани учун.

Мен куёшга килмайдирман гарчанд хиёнат —
Аммо усиз яшамокка етар бардошим.
«Бунча эрта йўкотдим?» — деб ёзар бўлсам хат,
«Кайтарми», — деб йўлларида тўкилса ёшим,

Кўз ёшимни шамолларда куритиб олиб,
Ёзганимни йиртиб-йиртиб четга отурман.
Куйим билан хатто тунга гулгула солиб,
Унинг тундай юрагини боғлаётирман.

Туннинг сукутини бузиб, алёрлар айтиб,
Куйлатаман унинг хар бир хоргин онини.
Куёш мени кайта топмас келганда кайтиб,
Кўз ёш тўкар эслаб мени йўкотганини.

Мен тик, ўжар гурур хакки, кўтараман жом,
Ўчлик билан яшаганга тилайман барор.
Энди куёш куёш эмас, мен учун тамом,
Уни тунга алмаштирдим — шу бўлди карор.
1975 йил 22 август

ГОХ КУНЛАР ГАРОЙИБ

Гох кунлар гаройиб, шархига йўк сўз,
Таъми талх шаробдай жоминг тўлдирар.
Дуэлга чикарди аввал юзма-юз,
Энди бир-бирини зимдан ўлдирар.

Аввалги ошиклар кўзларида кон
Ишки учун жонин кўярди гаров.
Эндиги ошик гох чамалар имкон,
Кийинрокми, йўлдан кайтади дарров.

Аввалги ошиклар кўкрагида ох,
Майдонга кирганлар гурур, шон учун —
Бугунги ошиклар туюлади гох
От солаётгандай мансаб, нон учун.

Тагин энг кизиги, факат пардали,
Пардали суярлар, пардада юрар.
Кўнглидаги кахрни ҳеч ким зардали,
Кахр билан айтмайди, пардага ўрар.

Парда орасида кетяпмиз хориб
Йўл солаолмасдан ошкор бир ёкка.
Журъат тарк этмокда бизларни, бориб
Дўстга «Мен согиндим Сени» демокка.

Журъат тарк этмокда бизларни гохо,
«Пичок кесар, ўткир бўлса дами» деб.
Бировга бермаймиз муносиб бахо,
Бошкаси аразлаб коладими, деб.

Журъат тарк этмокда бизларни баъзан,
Гарчанд гоҳ меҳрдан кўнгил ёшланар,
Сор бургут мадад сўз кутмокда биздан,
Улуг парвоз балки шундан бошланар.

Мадад сўзсиз бургут учса-ку учди,
Гоҳ бургут кексаяр шу сўзни кутиб.
Ожизмиз, биз кўллай билмадик кушни,
Аянчмиз, «йилт» этган нур кетди ўтиб.

Мен хаммага аввал журъат тилайман,
Муқим журъат олган калбни, калъани.
Душман душманлигин ошкор олсин тан,
Дўстим ошкор бўлсин кўнглим малхами.

Журъат нима, журъат ўзи асли ўк,
Нишонни урмасдан кўймас отган дам,
Кўп раҳмим келади ошкор фикри йўк,
«Пардали» шеър ёзган шоирларга хам.

Гоҳ кунлар гаройиб, шарҳига йўк сўз...
1977 йил 12 май

ГУНОХ

Ким у бизни кушдай бегунох деган,
Гунох бизнинг бошдан-оёккача то.
Ерда инсон кўзга ёш олар экан,
Бу хали гунохдир, бу хали хато.

То ерда яшаркан юраги куюк,
Хали окланганмас Инсоннинг йўли.
Хали елкамиздан босади бу юк,
Хали куёш бизга бермайди кўлин.

То ерда яшаркан биз билан, ўрток,
Гох-гох бош кўтариб макру кабохат,
Ўқдан сачраган кон юзимизда дог,
Нон тиланган етим — бизнинг жарохат

Камок жазосида мингу миллион
Озодлик нуруни кутаркан толиб,
Улар кўксимизда кўтарар исён —
Тандан ором, кўздан уйқуни олиб.

Онанинг сочиға барвакт кўнса ок,
Боланинг кўнглига бевакт чўкса тош,
Бу бизнинг ўзимиз сезмаган гуноҳ,
Бу айб бизникидир мутлак, замондош.

Мен ювмок истайман ўз гуноҳимни,
Биз ювамиз барча гуноҳларни ок.
Бир кун гул коплайдир дунё боғини,
Бир кун хазонларни унутади бог.

Ерда Инсон кўзга олар экан ёш,
Хали биз юлмаган айб бу, замондош!
1972 йил 6 февраль

ТАНХОЛИҚДА

Тўлкинлар: «Киргоада локайд турмагин», —
Чорладилар шўх.
Мен шўхчан дарёга ўзим урмадим,
Мен борганим йўк.

Тепамда турналар аргимчок солди,
Осил, кенг, — деб, — кўк.
Мен икки кулогим бекитиб олдим,
Мен борганим йўк.

Чавандоз от кўйиб нак шамол сиёк
Кичкирди: «Учайлик, кел, эй, худди ўк».
Узангига кўйиб кўрмадим оёк,
Мен борганим йўк.

Тўлкинда, кўк, ерда бўлмай сархуш, маст,
Бул кун ўлтирибман кетиб пинакка.
Бул кун бор чакирик бўлгандир абас,
Колганман якка.

1977 йил 20 май

* * *

Ўт билан ўйнашиб корда, ёмгирда,
Яшаяпман унга бергим келмай тан.
Аммо ўйнай-ўйнай бирдамас-бирда
Куйиб кетмасам деб кўркаман...

Яшаяпман... билмай кай рангда сукут,
Бетокат токатга тўлдир жомимни.
Ўлсам ҳам... қачондир ўлдиради ўт —
Хаяжон олади жонимни...
1975 йил 3 январь

ИССИК КОР

Чиллада иссик кор каердан пайдо —
Бул кадар иликлик, топ-тоза хусн.
Мен тиник хаёллар чарх урган жойда
Йўкотиб кўяман дунёнинг тусин.

Кўқарар кўксимда баргин тўккан бог,
Ўтолмас дарёда кўраман кечик.
Ўзини йўкотиб топмок, чарх урмок
Кўклам жилгасининг иши, хар нечук.

Ишк, армон гул очиб, сўлса жонимда,
Йиллар олиб кетса беркитиб, ўраб,
Жилга дардин берманг кахратонимда,
Умримнинг сўнгида келмангиз сўраб.
1975 йил 3 январь

ЯНГИ ЙИЛ КЕЧАСИДАГИ ЖОМСЎЗ

Хар янги йил кирар экан, жомсўз айтгали
Кадахига хар ким махзун бир зум тикилар.
Жомсўз асли бир бахона, ортга кайтгали
Шу лахзада юрак эзгин, юрак тўкилар.

Бир йил ўтди базм янглиг киска умрдан,
Тагин бир кур баргларини ерга берди бог.
Йил ўтибди... сергак тортиб коламан бирдан:

Мен йил бўйи яшадимми ишк билан инок?

Ўйлаяпман... гохо боис турли сабаб, сас,
Унинг менга, менинг унга махтал кунимиз.
Узокмикан... ахир икков бир кунда кетмас,
Иккимизнинг сўнг кунимиз, махшар кунимиз.

Сиз-чи, айтинг, ул эшикдан учиб кирган он
Учиб-кўниб кучогига отилдингизми?!
«Келдингизми?» шу бир сўзни титрокларда жон
Хайрат билан айгмокликка ботиндингизми?

Келдингизми, шу бир сўздан багри бут бўлиб
Кўш жилгадай ул шошдими, Сиз шошдингизми?
«Келдим, келдим», ул кирганда ёниб, ўт бўлиб,
Бир ўт каби Сизам унга туташдингизми?

Шул туташув онларида жомдай тўлай денг,
Тўкилай денг, тўкилмаслик, тўлмаслик гунох.
Панох бўл денг, мен бир умр карам бўлай денг,
Ишкка карам шу лахзани яшаганлар — шох.

Хаёлингни оппок корлар ўраган тунда,
Йўк, хавойи хавасларга ичар вақт эмас.
Минг, миллионлар яшаётган бу кенг заминда
Ул кидириб Сизни топди, бу кам бахт эмас.

Энди эса... тагин кўп гап айтар корли тун
Бу бирликнинг кипригига кўнмасин деб гард.
Ораликдан хижрон ўсиб чикмасин учун
Сиз узлуксиз туташ яшаб бормогингиз шарт.

Чегарада соддатлармас, мен ўйлаган дам
Чегарада эркак-аёл кад тиклаб турар.
Улар тутшиб турсалар, кучишиб махкам
Ёв бу юртга кай томондан йўл топиб кирар?

Улар тутшиб турсалар, кучишиб махкам
Шамолидан бахра олиб ўсар гўдак, бог.
Шу бирлик тик турганида гамми — колган гам,
Бу бирлик уй, юртни ёвдан тўсар юксак тоғ.

Бу янги йил туни, йилнинг энг илк ишк фасли,
Инсон буюк — ишкнинг буюк сирлиги учун.
Бу дунёни тутиб турган шу бирлик асли,
Кўтарингиз эркак-аёл бирлиги учун!

1977 йил 27 декабрь

НАТАЛЬЯ ГОНЧАРОВАГА

Билмам, Пушкинни севмок бахтсизликми ёки бахт,
Хоним, Сизга ҳам яшаш тушмагандир осонга.
Аммо, битта туйгуга инонганман ҳамма вақт,
Сизни Хумо кушидай ул кўтарган осмонга.

Наталья! Ким яратган Сизни кўл билан чизиб,
Сиз илохий хуснда шоирни этганда ром,
Улкан фикр дарёсин киргокларини бузиб
Офтоб келди Сиз билан, ҳам ёнма-ён келди шом.

Сизни иситмадими бериб бор дил чўгини,
Энг кайнок туйгуларин бахш этмадими Сизга.
Порлок шон-нгухратини, канотли довругини
Сочмадими гуллардай пойи кадамингизга.

Турли иллат, гамдан гох куйласа ҳам ўксиниб,
Сизгача шоир хатто ёкарди-ку аёзни.
Нечун Сизни севгач гох рухин каноти синиб,
«...Шеър йўк. Кунлар ўтяпти. Шеър келмайди...» деб ёзди.

Майли, не ўтса ўтган, ўртада бир аср бор,
Дейман-у, бу фикрга этолмайман ўзни жалб,
Кечиринг, шу жумладан туюласиз гунохкор,
Балки Сиз сабаб совий бошлагандир дахо калб.

Кандок нафас олгансиз устун келиб бўхтон, кин,
Ортдан шоир номусин сотаётган пайтларда.
Ёвуз ракиб мўлжаллаб, унинг дурдай юрагин,
Хатто кўли килт этмай... отаётган пайтларда.

Ох, аёл, биз аёллар ширин сўзга бунча ўч,
Гох бор хушомадгўйнинг бўламиз кўнглин олмок.
Балки ўша лахзада ёлғиз севгилимизнинг
Кўкрагида биз учун бошланади йўколмок.

Кейин, худди Сиз каби гурур, ишқдан олисда
Охлар уриб чорлармиз, етим колган ишқ, сирни,
Бир лутфига арзирми Дантес деган олифта,
Хатто Сиздек париваш бир шеърига арзирми?

Ул-ку хуснингиз куйлаб ёндирди оломонни,

Халок бўлди тождор эрк, ишкка туширмай соя,
Ул худодай сигиниб Сизга, ишкка инонди,
Сўнг машъум он не учун ишк килмади химоя?!

Ўйласанг... келаверар шу хил турфа туйгулар,
Асли бугун Сизни ҳам олқишлаймиз туриб тик.
Ахир юз йил, минг йилда Пушкин битта тугилар,
Бахт эмасми шу улкан Дахога ёстикдошлик!

Сиз хуснин овозаси юз йиллар оша кетган
Кибор рус оламининг санамларин бирисиз.
Йўк, йўк, Сизни уларга тенг қўйсам хато кетгум,
Сиз Пушкиндай инсоннинг севгиси, тақдирисиз!

Юз йилда бу тупрокдан юз минг санамлар ўтган,
Беҳишт боглари аро сим-сим саболар каби.
Нозик, сарв кадларин бул кун тупрок беркитган,
Бул кун кимлиги унут, унут наслу насаби.

Аммо Сиз-чи, тирик ўт бор экан то конида
Одамзод Пушкин билан тоабад айлар висол.
Демак, Сиз ҳам то абад ўлмас Пушкин ёнида
Порлаб келаверасиз, тоза, харир гул мисол!
Билмам, Пушкинни севмок бахтсизликми ёки бахт.
1977 йил 12 май

БИР ДЎСТ ХОТИРАСИГА

I

Кўзимга кўринар тошлок йўл, узун,
Сен йўлда бош яланг келяпсан, шошиб.
Сен эса, ох, сен-эй, кечиргил ўзинг,
Ўзинг кетмадингми ерга тутшиб?

Калин, гайир сочни шамол ўйнайди,
Чарос кўз нуридан таркалар туман.
Сен ўзинг кайларга кетдинг, сен дайдим,
Кечда кайтасанми аввалгисимон?

Бу кеч шафак ранги сенсиз бўлар ол,
Сенсиз ботар бу кеч олам куёши.
Эллик ёшли чолдай уканг кадди дол,
Кабрингга томчилар чарос кўз ёши.

Менам юрагим кон, кўтармасдан бош,
Янги кабр ёнида йигларканман жим,
Кай туманда колиб йигирма беш ёш,
Каддим камон бўлиб элликка кирдим?!

Йўк, бу бари рўё, яна тошлок йўл...
Ўзингмасми, ахир, йўл бошидаги?
Муаллак коляпти мен узатсам кўл,
Чакираман, аммо жавоб йўк тагин!
Кўзимга кўринар тошлок йўл, узун...
1977 йил 19 январь

II

Энди юмук кўзларинг сенинг,
У кўзлардан кочмайман энди.
Бу кун магрур иродам синиб,
Багрим менинг тупрокка тенгдир.

Армон бўлдим тириклигингда,
Аччик дудга тўлмокда кўксим.
Бир умрлик тириклигингга
Мени ноҳак ишонтирди ким?

Бахт ошёнин сенга деб куриб
Доим интик кутар деди ким?
Умринг кадар ортингдан юриб
Фидо бўлиб ўтар деди ким?

Йиглаб ёзмок менгами хавас
Эрка гурур бўлгач поймол, пуч.
Ёки килмишимга касдма-касд
Ўлиб олмок бўлдингми сен ўч?

Номард, кайга учдинг сен кушдай,
Ишк гул очмай колдими сўлиб.
Висол базмин курамиз тушда
Ўнгдагидан инокрок бўлиб.

Кимга тегди ўлим отган ўк,
Гул холича дув тўкилди ким?
Энди сенинг кўзларинг юмук,
Оламда йўк менинг интигим.
1977 йил 20 январь

МЕН ОЛМАМАН...

Бир олма келади тўлкинда окиб.
Саида Зуннунова.

Мен олмаман, тўлкин билан ўйнаб окиб боряпман
Кимларнидир кўзларини ёкиб, окиб боряпман.
Кимлар менга маъюс бокар, раҳми келгандай афти,
Кимлар кўлин узатганча етолмай колаяпти.
Мен ўйноки тўлкин билан ўйнаб, окиб боряпман.
Ногох, шохдан узилдим-у дарё бўлди тушганим,
Тиними йўк ошкин-тошкин дунё бўлди тушганим,
Ўчгани йўк рангимнинг ҳам тарам-тарам кизили,
Ох, ва лекин толдирмоқда тўлкинларнинг хазили.
Ногох шохдан узилдим-у дарё бўлди тушганим.
Сувлар кувлашмачок ўйнар, менга тиним бермаслар,
Бу ўйиннинг шавки билан, улар тун-кун шўх, мастлар.
Тўлкинларни эрмак килиб мен ҳам кочиб келяпман,
Орзулардан бағрим тўлиб, чехра очиб келяпман.
Сувлар кувлашмачок ўйнар, менга тиним бермаслар.
Узун, яна кучли бир қўл олдда кутади мени,
Эртами, кеч шиддат билан у қўл тутади мени,
Ва кетаркан шўх тўлкинлар кучогидан айириб,
Танҳо эзилсам ҳам ортга бокмагайман кайрилиб.
Узун, яна кучли бир қўл олдда кутади мени,
Шунда дейман тўлкинларга, шўх тойларим, хайр энди,
Сўнгига ҳам етди, мана кувлашмачок, сайр энди,
Чулдираманг: «Биздан кечиб кетмоқдасан нега сен?»
Коча-коча шўх олмангиз топди бугун эгасин,
Шул сабабдан, ранжимангиз, шўх тойларим, хайр энди.
Мен олмаман, тўлкин билан ўйнаб окиб боряпман...
1974 йил 4 июль

ТОНГ

Кўзим ичга ботиб кетар,
Кимирлашга йўк холим.
Кушларни уйготиб кетар
Ўйноки тонг шамоли.

Яна ок тонг отмоқдадир
Сурма ранг тун охирлаб.
Ухламадим, уйку надир,
Жон учгандай багирдан.

Туни бўйи бағрим куйди,
Куйиб кетди коғозлар.
Унга бағрим борин куйди,
Жаранги йўк овозда.

Азобларим, куйманишлар,
Зулмат ҳоким, мен якка.
Бир юракни ўйланишлар
Бўлди минг бир бўлакка.

Ўзундир тун, куйиб-куйиб,
Мана, енгил тортдим ман.
Дардларимни бир-бир куйиб,
Коғозларга ортдим ман.

Тонг. Ҳаммасини унутиб,
Чарх ураман энди шан.
Тонг, коғозларимни титиб,
Куйганлардан куламан.
1974 йил 8 июль

АФСОНА

Сочим менинг каро-каро —
Коп-кародир кипригим.
Солинибдир дарё аро
Муҳаббатнинг кўприги.

Бу кўприкни ким курган-ей,
Синар, синар, кўркаман.
Сувлар мунча югурган-ей,
Кўзим тинар, кўркаман.

Бахтим менинг киргоқдамиш,
Ўтмок кийин — қахатдай.
Учай десам дил худди куш —
Учмай десам лахатдай.

Бир нафасга, бир нафасга
Балик бўлсам нетарди?
Кўринмай ҳеч хору хасга
Сув остидан кетардим.

Ўзинг кўлла, иложим йўк...
Кўприкка кўяр оёк.
Солланар-у кулар кўприк —

Киз ярмига етган чок.

Соч ва рўмол, бир нафасга...
Сўнг хаммаси гум бўлур.
Кўринмай ҳеч хору хасга —
Киз баликка ем бўлур.
1978 йил 14 декабрь

БЎЗ ТЎРГАЙДАЙ БЎЗЛАСАНГ...

Бўз тўргайдай бўзласанг, бўзла-бўзла, тўргайим,
Интик согинчларингни сўзла-сўзла, тўргайим.
Чаппар уриб изласанг, изла-изла, тўргайим,
Умрим тонготарида.

Аммо, сен куйламасдан узун кунни килсанг кеч,
Кечда бош эгиб келиб, дема «Ўзинг хал кил, еч».
Умид ипларин уздим, унда, дўстим, келма ҳеч,
Умрим кунботарида.
1975 йил 15 май

ЮЛДУЗИМ

Гўёки дунёда ҳеч шоир зоти
Уларга ўхшатиш топмаган.
Кайсин Кулиев.

Юлдузга қачондир, кимдир ёлборган,
Кимдир кўзга илмай ўгиргандир юз;
Кимдир тухматларнинг чангига корган,
Каро ниятларда ортдан айтган сўз.
Кўзларига куюн, тўфонлар урган —
Ким айтар, юлдузни солмаган деб дод.
У кўз ёши билан тикилиб турган
Доно мунажжимин сўйганда жаллод.
Аммо, кўрганмисиз акалли бир бор
Сизга кечмишларин сўзлаганини,
Нурин сочмай кўйиб қай бир тун абгор —
Сирларин бой бериб бўзлаганини.
Юлдузим, юксакда турганим порлаб —
Суянчим, «сўнмас» деб кўзим тикканим,
Фиску фасодларга бериб кетиб чап,
Булутлар чоҳидан омон чикканим,
Порлайсан, ҳеч нарса кўрмаган мисол
Балогатга етиб-етмаган киздай.

Кўзларинг жовдираб истайди висол —
Мен бундай саботни каердан излай?!
Илтижо киламан, мен сенга бокиб,
«Менга иродангдан бер», деб айтаман.
Устимга кўнган гард, чангларни кокиб —
Порлайверажакман кайта-кайта ман.
1977 йил 20 октябрь

СИЗГА ИШОНАРДИМ

Сизга ишонардим болаларимни,
Дилимдаги нихон нолаларимни,
Кўзимдан оккувчи жолаларимни, —
Сизга ишонардим,
Энди кайтаман?!

Менам онаман-ку, ойларим чўкса,
Болалар гох келиб гамларин тўкса,
Бу юклар азоби каддимни букса, —
Кимга тўкиламан,
Кимга айтаман?!

Йўк экан-ку Сиздай
Сир саклагич тоғ,
Сиз ўзи мени ким килиб кетдингиз?
Ёлғиз-ёлғиз килиб,
Дунёда кандог
Сирини тўкмас хум килиб кетдингиз
Онам-Онам-а?!
Сизга ишонардим болаларимни.

- «САДОКАТ» ТЎПЛАМИДАН -
(1983)

Вожаб, бул кадар ёлғизлик нега,
Гаройиб бу хаёт — биз ўтар йўлак.
Хеч ким, хеч нарсага мен бўлмам эга,
Севгилим, Сизга ўз ишкимдан бўлак.

* * *

Асли кўклам сўрганди кўлим,
Унга кўлим берсам бўларкан.
Топмас экан ўзгадан ўлим,
Ишк ўз кўлларингда ўларкан.

Тушунмай ҳам кўклам сирини
Йўлларимдан тўсиб чикди ёз.
Ёзнинг багри иссик кўриниб,
Сўнг ўзим ҳам талпинганим рост.

Сўнг ёз севди сершиддат, кизгин —
Сўнг ёз мени ўтларга солди.
Гох севгиси кайнок, бетизгин —
Гох ўт рашки жонимни олди.

Биламанки, ишки эмас оз,
Яшасам ҳам суйиб, шўху шан.
Энди гоҳо ишк тутганда ёз
Куйиб кетмасам деб кўркаман.

Гарчанд бахтим таратар хушбўй,
Тушмаса ҳам ўзга ён йўлим,
Гох кўксимда чарх урар шу ўй —
«Асли кўклам сўрганди кўлим».
1977 йил 13 ноябрь

КИЗИНИ УЗАТАЁТГАН ОНА ЎЙЛАРИ

Мен Сени ер-кўкка ишонардимми,
Кизнинг чин бахти бу, тақдир иши бу.
Майли, юрагингга кирган мардингнинг —
Бошга кўнган, кетмас Хумо куши бўл.

Не дейин, не дейин, мен не ҳам дейин,
Кизим остонамдан оёк узар чоғ.
Хонадон хувиллаб колгандан кейин,
Кушини учириб юбораркан бог.

Хатодай туюлар менга ушбу хат,
Ушбу тақдир, калбга санчма тигингни.
Мен ҳеч ўйлабмидим шундай оз фурсат,
Кизим, ўз онангга меҳмонлигингни.

Ёшлигинг ўтдими шўх, хандон отиб,
Мургак юраккинанг озор чекмайин.
Олмадай бировга узатаётиб,
Не учун кўзимдан ёшлар тўкмайин.

Ўйларинг йўкмиди мендан яширин,
Туйгуларинг гамдан ёнмаганмиди...
Тушунтира олмай менга гоҳ сиринг,
Ёстикка кўз ёшинг томмаганмиди?

Бўлмаганми, айтгин, Сен норизо пайт,
Багримизда кечган кувонч, мунглардан.
Сен айт, болажоним, розимисан, айт,
Отанг уйидаги ўтган кунлардан.

Тинаётган кўзим Сенга тикаман,
Кучогимдан Сени олди-ку такдир.
Бу такдирга кандок мен кўникаман,
Билмам, куним сенсиз кандок ўтадир?!

Маили, Сен борар бог энди кўрмай кам,
Толе менинг меҳрим шу бокка солсин.
Мен ола билдимми кўнглингни, билмам,
Болам, борар жойинг кўнглингни олсин.

Мен сени ер-кўкка ишонардимми?!
1982 йил 26 июнь

УЗАТИЛАЁТГАН КИЗ ЎЙЛАРИ

Хуш кол, райхон мисол илк ёзганим барг —
Илк очиб, ёпганим эшик, яхши кол.
Тарк этиб кетяпман, этолмасдан тарк,
Онам бағридаги бешик, яхши кол.

Жовдирашлар кандок тинч кўйсин мани,
Гўдак сингилларим — чиннигулларим.
Волидам кўлидан ипни, игнани,
Сиз қачон олурсиз, чучук тилларим.

Акалар, тўфонни тўсар тоғларим,
Нур тушсин десангиз менинг роҳимга,
Юмшагайсиз, Сизга умид боғладим,
Озор бермагайсиз киблагоҳимга.

Хаёт бу, гоҳ хазон, гоҳо кўкариб,

Яшаб кетгайсизми бут килиб камни...
Кетолармикансиз бошда кўтариб,
Кекса, гўдак бўлиб колган отамни.

Яна онам, яшаш, уй ташвишлари,
Ўзи эгик каддин кўймасми эгиб?
Чакнаб юргаймикин мунглардан нари,
Тетик кадамлари кувончга тегиб?!

Кизга ота йўли — энг киска йўлдир,
Мен-ку хол сўрмока учгайман хар вақт.
Тунлар дуодай ёд тилагим шулдир,
Ота уйим, сендан юз бурмасин бахт.
1982 йил 26 июнь

КЕЛИН ТУШИРГАН ОКШОМДА КАЙНОНА ЎЙЛАРИ

Богимда бировнинг булбулгинаси,
Богимда чорланган дўсту ёр жами.
Кўзимнинг устига узри, гинаси,
Кўзимнинг устига пойи кадами.

Бировнинг булбулин дийдаси ёшли,
Ўксиманг, дийдангиз артарман, болам.
Кайнона эшигин демангиз «тошли»,
Мунгайсангиз маъюс тортарман, болам.

Менда ҳам оч кўзда кўрган бир булбул,
Мен уни топганман канча ёш тўкиб.
Шод кўрсам, бир қарич ўсган куним шул,
Йиглаган кунингиз қолгайман чўкиб.

Ёлғизим кўш бўлди, менинг бағрим бут,
Кўксим тоғ, тенгига кўшдим деб тенгни.
Ўғлим, жуфт-халолнинг кўнглин овлаб ўт,
Келин овлаб ўтсин Сенинг кўнглингни.

Мен эсам ўртада куюнчақ бир жон,
Мен учун ҳам севинг бир-бирингизни.
Кўзимга тўлмасин десангиз армон,
Кўздай авайлангиз ишқ, сирингизни.

Ўстирдим, бургутдай авж учар чоғда,
Сизга бердим, дарду ғам солмасин чанг.
Мен-ку асрагайман Сизни қароғда,

Жон келин, Сиз менинг кўзимни асранг.
1982 йил 26 июнь

ЭНГ ТОЗА МЕВА

Бир келинчак тўрт ойлик хаста чакалогини кайтиб олмаслик шарти билан касалхонага ташлаб кетди.

Гунох махсулидир балки жахонда,
Дунёга келтирмиш балки хатолар
Ва лекин хамма вақт, ҳар қандай онда
Гўдақлар энг тоза мева аталар.

Мевам, қайси богда бунёд бўлдинг Сен,
Қай ношуд богбон у мевасин отган.
Қай бир қондан бино, зурёд бўлдинг Сен,
Онам деб ҳар қимга жовдираб ётган.

Балки отанг бордир, туйгуси кўлмак,
Аммо амали бор, бергувчи фармон.
Мушкулмас, онангининг холини билмок,
Унинг Сени ташлаб тогани армон.

Ўзи ташлаб ўзи дараклаб, сўраб
Юрар тангиб сутли кўкрақларини.
Ажаб, сени оппок чойшабга ўраб,
Дазмоллаб кетибди кўйлақларингни.

Мухаббат, севардим Сени жон қадар,
Сен бунда ишқмас, йўқ сўқирсан, мастсан.
Она, Сен ҳам энди кетарсан бадар,
Қайтиб бу кўйлақни дазмолламассан.

Билмайман, қим бунда ўтар солиб дод,
Қимдан оз, ё қимдан кўпроқ айб ўтди.
Билганим — кўрнамак, нопок икки зот
Бир тоза мевани поймоллаб ўтди.

Бировлар қаргайди қуйиниб, бўзлаб,
Биров кўз ёшини артар панада,
Ҳар кўкрақдан она исини излаб,
Чакалок чирқирар касалхонада.
1980 йил 20 октябрь

ЁЛГИЗ АЁЛ ХАТИ

Сен, севиб бахтимга бўлгандинг зомин,
Сен, севиб бахтимни кетгандинг юлиб,
Айтгил, ёлгизликнинг аччиқ аламин
Икков баб-баробар оддикми бўлиб.

Эшигингни, балки учиб худди ўк
Бахт очар, багрингда тўлганар сочлар.
Менинг эшигимни гезарган, совук —
Бир-бир босиб келиб ЁЛГИЗЛИК очар.

Сен эшикдан кирсанг ёник дил билан
Балки бахт отилар кучогингга тик.
Мен эшикдан кирсам муздай кўл билан
Белларимдан махкам кучар ЁЛГИЗЛИК.

Бахт Сени жон билан севар бетокат
Кўзингда хис этиб ишқ зарбларини.
Мени ҳам кўзимга севиб, ютокиб
ЁЛГИЗЛИК босади муз лабларини.

Тушда висолларга кетдим кўникиб,
Тушдаги тонгларим чаракдаб отар.
Тошдай ёстигимнинг ярми меники,
Ярмида ЁЛГИЗЛИК — бош кўйиб ётар.

Факат тонг отлансам, кололмас ушлаб,
Ярим тун кайтсам ҳам, рашк, газаб йўк, шан.
Барин ичга ютиб, кўксимга муштлаб
Мен ёниб кетяпман, ёниб кетяпман.

Суйиб, балки мендек куйиб худди шам
Яшаяпсан, фарк йўк, кандай ўтдинг Сен.
Факат айт, ўз кўлинг билан кандогам
Мени ёлгизликка кўшиб кетдинг Сен.
1982 йил 7 июль

ХИСОБ-КИТОБ ХАКИДА

Баъзан мен тунлари ишлаган кезде
Ўй суриб кетаман унутиб шеърим,
Баъзи саволларни сўрайман Сиздан,
Тахминан бўлса ҳам хисоблаб беринг.

Дейлик, бир бут дилга сачраб кетди кон,

Бир кўнгил ўтларда коврилар, тутар —
Айтинг, малхам кайда, келар у қачон,
Бир кўнгил яраси канчада битар.
Менга мана шунинг ҳисоби керак,
Тагин изи қолмай битарми юрак?

Диккат қилинг: қузғи ҳазон дилхаста,
Ҳар лаҳза сезилмай саргайиб борар.
Дарахт тўкилади аста ва аста,
Бирдан тўкилса-чи, юракни ёрар.
Дарахт қанча вақтда саргайди, ёнди,
Қайғу қанча вақтда тўқар Инсонни?

Ишқли кўнгиллар-қу пардан енгилдай,
Ишқсиз қалбга қанча тош тўлди, айтинг.
Лаҳза... ишқ тугилди қанча кўнгилда
Лаҳза... қанча дилда ишқ ўлди, айтинг.
Ҳисобин чиқариб беринг-чи, қани,
Ўлгани ортиқми ё тугилгани?!

Номард қолиб қелса мард қилтанғу зор
Бош эгиб турганда қанча қуч сарфлар.
«Айрилиқ» сўзини қанчадан ёзар
Майишиб, чаплашиб қетмасдан ҳарфлар.
Айтинг, яна неча аср қолиб из
Бу дўзахий сўздан қуяр қилимиз?!

Сиз, эй, бу дунёнинг ҳисобдонлари,
Тахминан бўлса ҳам қилинғиз ҳисоб:
Қанчалиқ умри бор сунъий шонларнинг;
Сунъий кўрк қанчада бўлғуси ҳароб;
Қанча қаволанғач қаст тўшиб ҳар қас
Ўзин алломай қамон қанамас.

Усиз ҳам қўт ташлаб ишқан, қох қарахт,
Қинмайсиз миллионни миллионга қуриб.
Бир лаҳза шуларга ажратинг Сиз вақт —
Шуларнинг ҳисобин қилинг ўй қуриб.
Қополсак шуларга қетар вақтни биз,
Қуқуррок қуярдиқ қалқи бахтни биз.

Мен баъзан қунлари ишлаган қезда
Ўй қуриб қетаман, қутиб шеърни...
1980 йил 18 февраль

КУМУШНИНГ ЎЛИМИ

Отабекнинг Зайнабга айтган «талок» сўзини эшитганда жон талвасасида ётган Кумуш «ярк...»

кўзини очди ва кайта юмди...

Абдулла Кодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан.

Узун кабохат кўли юлди сарву суманни,
Захарга кўшиб корди оташ ширин суханни,
Келган жойи шу бўлди ишк деб йўлга чикканни,
Кумуш, кўзларинг кайта юмилмаса бўлмасми?!
Шундай сарв тупрокка кўмилмаса бўлмасми?!

Ох, аёл, биз аёллар ишкка гирдикапалак,
Шу ишк ортидан куйиб бўлдик доимо халок.
Ойдай Кумуш «Бегим...» лаб ўлиб бораётган чоғ,
«Ойи...», «Дада...», ул икки меҳрибондан йирокда,
Гўдаклиги гувранган Маргилондан йирокда.

Гарчанд Отабек билан яйраса ҳам барк уриб,
Ул кундошли тунларни ўтказди миҳда юриб,
Ахир сочидан хушбўй райхон хидин уфуриб,
Ёстигига ёлғиз бош кўймокка махкум эди,
Отабекдай бегидан кун ора махрум эди.

Аммо ишкнинг голиблик куни якинлашарди,
Сезган сайин икки дил туйгулари тошарди.
Сезган сайин Зайнаб ҳам ортиб бораркан дарди,
Ўзди, яшноқ вужудни жохил кўл билан ўзди,
Икки шаън шеър сатрини чизди, устидан чизди!

«Гулим», ёнар Отабек, ичдан кулаб кетган тоғ:
— Зайнаб! Сенга минг лаънат, талоксан Сен, кет, талок.
Кумуш ярк кўзин очди бу сўзни эшитган чок,
Кайта юмди... Ё раббий, шу сўзмиди бор илинж?!
Сўнг Отабек кўксига бош кўйиб жон берди тинч.

Кулимсираб худдики уялгандай жон берди,
Шу сўз балки докадек юзга кайта кон берди,
Шу сўз балки шу хилда ўлмакка имкон берди!
Тирикликда бу сўзни эшитсайди бирор кун,
Билмам, яшолармиди кўтариб бу бахт юкин?!

Энди ишкмас, тобутни Отабек кон кўтаргай,
Бу ишк шархин Кодирий, ўртанган жон кўтаргай,

Хали-хануз ишк дардин дардкаш инсон кўтаргай,
Кай аёлки ох уриб ишкин айтиб келадир,
Хаёлимда у билан Кумуш кайтиб келадир.

Сиз бугунги Кумушлар, аёл зотин сараси,
Сочингизни то абад ишк кўллари тарасин,
Отабеклар топса хам ковушмоқлик чорасин,
Осон эмас экан-ку абад асрамок, суймок,
Осон экан-ку ахир Сизни бой бериб кўймок.

Узун кабохат кўли юлди сарву суманни...
1982 йил 4 июнь

МЕНГА АЙТ...

Сен ойга кўлингни чўзиб толмагил,
Ой — ой-да, ўрганган, ёлғиз хол, кетар.
Куёшга дардингни тўкиб солмагил,
Картайган куёш хам холсиз чол, кетар.

Сен токка килганинг билан арзи-дод,
Тог — тоғ-да, сир бермай тургани турган.
Чўккидан кутмагил бирор-бир имдод,
Эгилган чўккини, айтгил, ким кўрган?

Жилгага сир айтсанг токатинг битиб
Чулдираб, шўх ках-ках отиб кетади.
Тош, харсанг оралаб, паналаб ўтиб
Кимгадир сиригни сотиб кетади.

Менга айт, менинг бир калъам бор тинч, кенг,
Бу юрак, мен уни чукур ўяман.
Ва Сенинг сиригни ўшал калъанинг
Энг хавфсиз ерига кўмиб кўяман.

Менга айт...
1981 йил 4 ноябрь

* * *

Уйимизда сукунат огир,
Тошкин денгиз шовкини тинди,
Бу сукутдан туйгулар огир,
Энди кандай яшаймиз, энди?

Дарахт япрок тўкаётган кез
Жунжиккан ел кўксимга кирар,
Иягига кўлин тираб куз
Рўпарамда маъюс ўлтирар.

Ёрилгудай юрагим, йўк, йўк,
Денгиз кетди, келгил кайтариб,
Йўкса сўзлар санчилгучи ўк,
Кўринишлар ярадор, гариб.

Денгиз кетди, кетди иноклик,
Икки кўнгил икки ёнда хун.
Менинг умрим денгизга боглик,
Сен гирён у кетгани учун.

Тўлкинлари киргокни ювиб
Ул чайкалиб топар-ку бизни,
Аммо қачон сукутни кувиб
Кайтарамиз уйга денгизни.

Уйимизда сукунат, огир...
1981 йил 4 ноябрь

ШОИР ЯШАЙ БИЛМАС...

Шоир яшай билмас тилини тишлаб,
Кўриб, кўрмасликка солиб ўзини.
Номард кетар экан вақтини хушлаб,
Мушфик тасалли деб билса тўзимни,
Шоир яшай билмас.

Тинч қарай билмас у тоғу тош қолиб,
Инсоннинг юраги қулар чоғларга,
Осмоннинг ўрнига инсонни олиб,
Кўнглин тўлдирсалар қаддирикларга,
Шоир яшай билмас.

Яшолмайдир ермас, дил қолса музлаб,
Кўриб пайхон бўлган ишқ икболини.
Боларига гулмас, инсон бўлса даф,
Сўриб тугатсалар шира болини,
Шоир яшай билмас.

Яшай билмас қай бир фаҳми кўру қар,
Тарокни сочгамас фикрга урса,

Четлаб шўх, кийкирик нафасли кушлар,
Тўти савлат тўкиб богларда юрса,
Шоир яшай билмас.

У яшай билмайдир ўтмас, кай бир он,
Ок-ойдин туйгулар кетса ўрилиб.
Шилликкурт мисоли сип-силлик ёлгон
Хакикат ёнида турса керилиб,
Шоир яшай билмас!

Тугён кўтарар ул бўлиб багри кон, —
Майли, усиз ҳам мўл бегамлар, гўллар,
Ишкилиб, узунрок умр кўр, исён,
Тугён тугаган кун шоир ҳам ўлар.
1970 йил 2 май

БУ ФАСЛ

Тагин кийгир, кумри ўнгир, киёда,
Тагин бургут юксак ўрлар зиёда.
Тогларга етдингиз пойи пиёда,
Ота, оппок тоглар фасли бу фасл.
Дерсиз «кўп гапириб ёкмасман Сизга»,
Ўгитингиз нури — тўтиё бизга.
Саркаш фарзандларни солингиз изга,
Она, кўнгироклар фасли бу фасл.
Гиркўк ёли бўрон янглиг учарак,
Кўзларида ўт, шон янглиг учарак,
Омаддан бир нишон янглиг учарак,
Ака, учар чоғлар фасли бу фасл.
Сева-сева севилмогинг оширдинг,
Бекам, ўзни кай ўғлонга топширдинг.
У не тутди, кўксинг аро яширдинг,
Синглим, юзда доғлар фасли бу фасл.
Ишк — киргокдир, асли топса жойини,
Кетмокликка кўймас Сизни ёйилиб,
Хар ўтганга кўз солмассиз кайрилиб,
Ука, ишк-киргоклар фасли бу фасл.
Унда-мунда ухлаб колган гўдак сахт —
Чимга накш олмалар тўкибди дарахт.
Гўдакларни ердан кўтарадир бахт,
Юртим, тўкин боглар фасли бу фасл.
Согмисан, ишк билан, бахт билан огри,

Не тонг бу, кўзимга юлдузлар ёғди.
Бу фасл шоирмас, кимики согдир,
Шоирлар, носоглар фасли бу фасл.
1982 йил 5 сентябрь

НИХОЛ

Уругини бошка одам экканди асли,
Бошка бири бўлди унга бахт багишлаган.
У куртакка айланганда илк бахор фасли,
Ундан йирок кетган эди уруг ташлаган.

Хар зарбага тоб беролмас хар кандайин тош,
Экмокка-ку экди орзу-ўйларга чўмиб
Аммо аччик меҳнатига беролмади дош,
Аммо кийин меҳнатидан кетди кўз юмиб.

Бошка бири калкон бўлиб селга, яшинга,
Ўстирди сувга кондириб, бўғзини чопиб,
Гох хосилга кираркансан, кавму хешингга
Гоят азиз бўласан сен, келарлар топиб.

Худди шундай, нихолнинг хам «эгаси» чикди
«Ўзи айтсин, мен экканман, гувоҳ еру кўк».
Нихол харчанд таниш учун кўзларин тикди,
Танимади, танимади, танимади, йўк...

Танимайди! Бу бешафкат конуний касос,
Асосида «бемехрлик» деган нақд асос.
1982 йил 11 март

САДОКАТ

Отани махзун гам, хасталик ютди,
Фарзанд юксак-юксак авж учар фасли
Учмай, ташвишларга кўмилиб ўтди,
Бу отага юксак садокат асли.

Майли, ишк хакида чекмаса хам ох,
Балки бу хам сўзсиз ишк токатидир.
Аммо ўзин унга санарми панох,
Бу эрнинг аёлга садокатидир.

Юраги хакида очиб юрманг фол,

Буни текширмасдан, хис этган маъкул.
Силаб, кўйлагига урдими дазмол,
Аёлнинг эркакка садокати шул.

Бошга кўтарингиз, тортмасдан хадик,
Чидаб танбехларин кўпу озига
Келин боколмасми кўзларига тик,
Садокати шулдир кайнонасига.

Шундай, садокатга ўлчов борми, бас,
Инсонни ҳам инсон килган шу хис, куч.
Инон, бахт кушининг каноти синмас
Бу хил белгиларга келиб турсак дуч.
1982 йил 15 март

ШАХИДЛАР

Шахидлар, кирк йиллар йирокда юриб,
Унутмайсиз, ишкнинг хуш чокларини.
Тунлар иситасиз тушига кириб,
Бева аёлингиз кучокларини.

У кайта яшариб, ўртаниб суяр,
Бахт куши гуссасин аритганида,
Аммо у кушини учириб кўяр
Тонгги нур уйини ёритганида.

Тонглар тушдан чикиб, айтиб алвидо,
Мангулик маконга ётурсиз бориб.
Курашиб ётурсиз хануз жон фидо,
Гулдай танингизни тупрокка кориб.

Асли Сизнинг кудрат ёвларни енгди,
Куладингиз катор, зич бўлиб туриб.
Душман биз томонга ўтолмас энди
Йигирма миллион шахид устидан юриб.
1982 йил 21 март

БОБУР

Урушдан ҳеч ким ҳеч нарса ютолмаган ҳеч қачон,
Ютказгани кўп бўлгандир аммо ундан инсоннинг.
Битта мисол: Бобуршоҳ авж гуллаган чоғ беомон —
Кўшин тортиб босиб олди дейлик ярим жахонни,

Жанггохларда, курашлардан топса умрбокий шон,
Кезмас эди вужудан шох, калбан парчин ер бўлиб;
Машварату маишатлар забт этганда бегумон,
Устувор калб кайтгач махзун тўкилмасди шеър бўлиб:

«Толе йўки жонима бололиг бўлди,
Не ишиники айладим хатолиг бўлди
Ўз юртни кўйиб Хинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин не юз каролиг бўлди».

Гарчанд, суюк, буюк инсон, гарчанд собит ирода,
Ўз юрти деб ўртанмаган бирор они бўлмади,
Бу холатни кайси тақдир ортик килур ифода,
Ярим кўнгил хатто ярим жахон билан тўлмади.

Тожу тахтлар куткармади кийноқдан митти жонни,
Ўз кўнглида туйиб ўтди жахоннинг бор фирогин
Гарчанд акли ёритса ҳам ярим рўйи жахонни
Ёколмасдан ўтган каби ўз кулбасин чирогин.
1982 йил 21 март

* * *

Эй сен, бўйин эгмас гурур боласи,
Ким тўктирди кўздан ишкинг жоласин,
Бўйинингга ўрадинг сочим толасин,
Сенинг мендан ўзга бўлмас якининг.

Тоглардан гап очма, тог сенга йирок.
Боглар ҳам, гарчандки гулга кирган ок,
Улар сенинг кўнглинг гуллатмас биров,
Сенинг мендан ўзга бўлмас якининг.

Умрингга бахт келсин атир уфуриб,
Ё гам келсин кора кийимда кириб.
Мен борман, сен гамда колмассан куриб,
Сенинг мендан ўзга бўлмас якининг.

Ёнингдаман, ризк-рўз ортик-камда ҳам,
Танхо, ё дўст-ёрон жамулжамда ҳам,
Бу дунёга видо айтар дамда ҳам
Сенинг мендан ўзга бўлмас якининг.

Олдин кетсам, рухим бошинг тутадир,
Ортада колсам кўнглим сен-ла кетадир.

Хар икки дунёга ишким етадир —
Сенинг мендан ўзга бўлмас якининг
1982 йил 4 март

* * *

Бу ўгил меники эмас аслида,
Гарчанд энг сўнгги дам кўзларим ёпар.
Мен уни топгандим ишким фаслида,
Ишк фаслида у ҳам ўзгани топар.

Бу киз ҳам бировга кетадиган гул,
Ушлаб кололмагай на зар, на тилло.
Мендан-да меҳрибон кимса бўлар ул —
Мендан-да вафодор чикар ул илло.

Бу шеърми, шеърни ҳам ўзгалар олди,
Рашку гумондан гоҳ рангларим сомон,
Шеърки бу, бошимга минг гавго солди,
Келиб — келолмайман ўзимга хамон.

Вожаб, бул кадар ёлғизлик нега,
Гаройиб бу хаёт — биз ўтар йўлак.
Хеч ким, хеч нарсаса мен бўлмам эга,
Севгилим, Сизга ўз ишкимдан бўлак.
1981 йил 5 декабрь

* * *

Саволларга мени ўрама
Бу йўллардан ўтар чогимда.
Ким учун келдинг деб сўрама
Ёниб сенга етар чогимда.

Кўзларимдан кетаркан тумон,
Гуллар ўсса кўнгил богимда,
Ким учун деб килмагил гумон,
Ишкий шеърлар битар чогимда.

Ошик — ўзин ўтга урган жон,
Ишк — кувончим, ишк — дил догим-да,
Ким учун — деб бўлмагил хайрон,
Ишк деб куйиб-йитар чогимда.

Ишк кийик-ку, килиб бўлмас ов,
Сайёд юрмас кўнгил тогимда.
Ким учун деб бокмагил синчков
Талх зардоблар ютар чогимда.

Кўзларимда «алвидо» калкиб,
Бир тумонат сўлу согимда.
«Сен учун» деб айтарман балки,
Сўнгги йўлга кетар чогимда.
1981 йил 9 декабрь

КУЗГИ БОГ

Кўнглим маъюс тортади кузги богдаги холдан —
Кушлар мунгли, излашар хайрлашмок чорасини,
Рангпар дарахтлар мунис солланишиб шамолда,
Бош чайкашиб киларлар «йўк, йўк» ишорасини.

Сўнгги келади бир кун хар базмнинг, хуш вақтнинг,
Ботар пайтинг келгунча, куёш, нулинг кўпрок соч.
Кушлар кетгач ранглари сомон бўлар дарахтнинг,
Афтода япрокларин тўкиб колар ялангоч.

Кийин бўлар ажралмок бири-бирини суйса —
Кийин ажралганларнинг заволини кўргайсан.
Куш, дарахтки шунчалар бир-бири учун куйса,
Ёраб, кузда Инсонга ўзинг токат бергайсан.
1981 йил 6 октябрь

ХАЙРАТ

Кайдасан, сен кўйдинг йўкламай,
Менда ҳам бу кўнгил тўк энди.
Олдинги узун тун ухламай,
Жон чекиб ёзишлар йўк энди.

Сен йўксан, кўнглимда халоват,
Илгари у эди душманам.
Йўк энди олдинги тиловат
Бахт бор-у, бордай ҳам пушмоним.

Йўкотиб кўйдим бор дардимни,
Мен энди нимага ярайман?
Ёнимда суянчим, мардимнинг

Кўзига бепарво карайман.

Бўлди бас, кўп чукур бу гунох,
Ким менинг кўнглимни совутди.
Хайрат, сен кайдасан, бўл панох...
Локайдлик ёмгири ивитди.

Хайрат, кел, кўксимда кўтар кад,
Мен ёлғиз сеники бўларман.
Кун келиб ўлсам хам мен факат
Хайратнинг кўлида ўларман.
1980 йил 2 сентябрь

ИКРОРЛИК

Биламан, йўк, сенга шак келтирмам, йўк,
Бу кутмас замонда сен канча кутдинг?
Неча бор кўксимга отилганда ўк,
Мени четга суриб ўзингни тутдинг.

Биламан, пойимга йиқилди само,
Кўзингга сингганим — лахзадан бошлаб.
Бугун-чи калтираб турибман, аммо,
Самовий топ-тоза юракни гашлаб.

Нахот сор бургутни шубхалар енгди,
Нечун карашингда азоб сурати.
Не учун кўзингда гохи гоҳ энди
Мен уқиб етмаган тўфон туради.

Аминман, шу юрак бермаса фириб,
Кўксимга тамгасин босмаса армон,
Ўтарман шу ишкка посбон туриб,
Унга фидо бўлиб ўтарман.

Яшаб ўтарканмиз бу олам аро
Оптимиздан севги отмас тоши — нард.
Севгилим, кўнглингни килмагил каро,
Мен сенинг ишкинга кўндирмасман гард.
1980 йил 11 сентябрь

ФЕРУЗАНИНГ ДАРДИ

Максуд Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» драмасини кўриб...

Ер коп-каро, осмон хам каро,
Улар кисиб келмокда жонни.
Мен йўкотдим бу зулмат аро
Улугбекдай улуг Инсонни.

Мен Феруза, Феруза шўрлик,
Бу дунёда бир илинжи йўк.
Манглайида битилган хўрлик,
Манглайида шубха отган ўк.

Карвон мени кетадир олиб,
Бегим сўнг бор эгадир бошин,
Хайхот, рўё келди-ку голиб,
Сўндирди-ку толе куёшин.

Мен бу рўё дунёдан безиб
Энди ўнганмас туш бўламан.
Бу дунёни кахратон сезиб,
Толмабўйин оккуш бўламан.

Кейин учиб кетаман, кейин
Бу муз, корни оралаб юрмай.
Видолашув бўлмади кийин —
Кетгум бир бор юзимни бурмай.

Ўнг эдим-ку бўлиб колдим туш,
Дунё, сени тутадир хуним.
Одамлардан безиб бўлдим куш —
Улугбекдан айрилган куним.

Энди такдир эмасдир такдир.
Тупрок дейман дунёни, шонни.
Мен йўкотдим дунёда, ахир,
Улугбекдай улуг Инсонни!
1980 йил 11 сентябрь

ЙИЛ БОШИ ИСТАКЛАРИ

Тишда дов-дарахтлар бурканар окка,
Корга лаб босадир ўйларим маним.
Кадрдон каламим оппок варакка
Пичирлаб тўкадир куйган-суйганим.

Куйдирган, суйдирган дўстларим, салом,
Бул кун барчангизни чорлайман бир-бир.

Бул кун окаради куррайи олам,
Мурувват кўлини чўзади такдир.

Тишда кор бўралар, давра кизийди.
Сухбат кетаётир нари-беридан.
Ким шухрат тожини эртарок кийди,
Ким силжигани йўк турган еридан.

Тож кийган кўймасин тожин тушириб,
Тож остида бошни асрасин кўпрок.
Туриб колган кетсин чопиб, чарх уриб,
Куласин елкадан босиб турган тоғ.

Ким айтмади битта сўзни ийманиб,
Шу сўз учун унга тилайман журъат.
Куйманган кетмасин доим куйманиб,
Енгил нафас олсин тиклай-тиклай кад.

Кимки фарзандсизлик догида юрса
Рўшнолик келсин-у, етиб куну ой
Биби Фотимадай кўш ўгил кўрсин,
Кўш бешик ўртаси бўлсин унга жой.

Ўксинган гўдакка кўзим тушган чок
Садокати буюк йил келсин дейман.
Кай бир иттифокка солсалар нифок,
Сиёсати буюк йил келсин дейман.

Хаёллар чарх урар бошимда маним —
Эрта кун колмас деб ерда догли зог.
Эрта бажо бўлар менинг айтганим,
Сергавго дунё хам тортар сокин, сог.

Кун келиб бу дунё бўлгай деб беҳишт,
Жимжитгина боглар килар ишора.
Бу кор хам шуларни айтмокда, эшит.
Бу кор хам шундай деб килар башорат.

Мен беҳишт шамолин яшириб сўзга,
Сўзладим, сўзларим ўпсин Ер шарин.
Пири-бадавлатлик, ОТАЛАР, Сизга,
Хотиржам бахт Сизга, ОНАЖОНЛАРИМ.

Жаннат жилгалари богларда чопсин.
Йигитлар бўлсин деб Гўрўгли келбат,
Кимки танхо, бу йил бахтини топсин,

Бемор дўст согайиб кетсин, — деб албат.

Янги йил, бу ок кор сўзлаган тунда
Базм суронларин кузатаркан жим,
Бегам ўтсин дейман,
Бедард ўтсин дейман йилингиз шундай,
Куйдирган, суйдирган дўст-ёронларим.
1980 йил 29 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН ДАЛАСИ

Жоним туташ бўлик ер, Ўзбекистон даласи,
Авжи саратонида, ё кишининг чилласи,
Унинг бағридан қачон, келса ниманинг саси
Мухрладим хотирга.

Бир-бирини суяган Ўзбекистон тоғлари,
Не тоғ, тик чўккилардан ошса аргумоклари,
Аргумоклар ёлида бўрон турган чоклари
Кимиз тутдим ботирга.

Гўдақларини ўпдим баҳордан энчилар деб,
Жаннатдан келган жажжи, бахт элтар элчилар деб,
Бу элчилар шу ерда униб, ўсиб гуллар деб,
Ўчмас килиб битдим хат.

Дўстлари, мен боримни унинг дўстига қўйдим,
Пойи кадамларини қўзим устига қўйдим.
Дўстликнинг жавхарини тилим остига қўйдим,
Йўқотмайин деб абад!

Бир кун келиб теграмда тиниб хаёт қарсағи,
Менга ҳам етиб келар йўлнинг сўнгги фарсаҳи.
Ковушмок фурсати ҳам етибди, қарсақки,
Хотиржам, қўксинг аро қўядирман юзимни.

Шу тонг оппок бир эзгу қор тушадир тупрокка,
Оёқ-қўлим томирдай қоришадир тупрокка
Ва бу дунё айланар оқ қор, оқ гулга, оққа,
Мен шу тахлитда Сенга бағишлайман ўзимни.

Ўзбекистон даласи, Ўзбекистон даласи...
1982 йил 12 сентябрь

ТУРНАЛАР

Сув тинди, гуллар хазон, турналар айтар видо,
Кеч кузнинг сурати бу, кўникиш хам керак-да,
Не учун бу юракда сўнгсиз дард, сўнгсиз нидо,
Куз келмай учиб кетган турналар бор юракда.

Кўзимнинг киргогига аччик ёш бўлиб келар,
Зангор ишк беҳиштига кирмаган турналарим.
Тушимда чаппар уриб богларга тўлиб келар,
Ўнгимда кўзим тўйиб кўрмаган турналарим.

Кай юртда макон топди кай бирининг тупроги,
Ким билар кай денгизда кай бири чўкиб кетди.
Кеч кузда, хусусан, шу турналар учган чоги,
Кайтмаган турналарим кўнглимни сўкиб кетди.

Кайтгани, кайтганига карайман, тўкиламан,
Бирида бир канот йўк, бирида эса бир кўз.
Ярим жон... мен титрокда бисотим титкилайман
Каддини кўтармокка бўлай деб бир тирак, сўз.

Кайтганлар, кайтганлар хам сийраклашар кундан-кун,
Хув корда оксокланган уч-тўрт турнани каранг,
Кузатаркан кўнглингни тўлдирмасми касос, хун,
Асабларинг тортмасми чолгу симидай таранг.

Хеч йўкса шулар хакки, локайд яшаш исноддир,
Яшашми, енгиб яшаш... Бошкаси ортикча гап.
Хар лахза таранг тортиб яшаш бизга кисматдир —
Яшашимиз шарт бизнинг ханжар каби жаранглаб.

Улар-ку касд килдилар бизга фидо ўтмокка,
Бобо мерос кутлуг кон кандок тинч кўйсин бизни?!
Хаккимиз борми, айтинг, одамлар, унутмокка,
Кайтган, кайтмаган оппок, ок турналаримизни.

Сув тинди, гуллар хазон, турналар айтар видо...
1982 йил 12 сентябрь

ЁШЛИККА ЁЗГАНЛАРИМ

Бу сенми, эй кўзимнинг тиник оку кораси,
Кунгай ерда барк урган менинг кўк палаккинам,
Бир жони кўкда, излар ойда яшаш чорасин,
Бири сахро-даштарда, тинмас жон, халаккинам.

Там-там меваларини хам севиб, хам этиб рашк,
Йигирма ёшлиларнинг боғларидан бўйлайман.
Бугун ўттизда туриб, ўттиз армон аралаш,
Йигирма ёшимдаги имконларни ўйлайман.

Олис водийда бир гул ўсарди мен ёш пайтим,
У икбол гули эди, чопдим тишга кўйиб тиш,
Етай-етай деганда аммо ортимга кайтдим,
Балки журъат етмаган, балки сусайган хоши.

Инсоф билан айтганда, толеим келганди ок,
Бир гавхарим бор эди, хавас хаттоки ёвга.
Мен ўша гавхаримни асрай олмадим бироқ,
Билмам, қайси гофил кун бериб кўйдим бировга.

Мана, бул кун бошингда минг бир хил хаёл сузиб,
Сен чарх уриб турибсан, чарх ур, колмагил тиниб,
Сен голиб кайтажаксан икбол гулини узиб,
Калб катингда сакларсан гавхар тошингни, иним.

Кай манзилда мадорим етмаган от сурмокка,
Сен шамолдай ошгайсан у манзиддан, чопкирим.
Қайси токка чикмадим эриниб от бурмокка,
Хазиначар топгайсан сен у тогдан, топкирим.

Сен зорингу борингни ошкор қуйлар бир найсан,
Мен ҳар вақт ҳам айтмадим сирларимни кўш симга,
Мен илгамай ўтганни топиб авайлагайсан,
Хавасим келар Сенга, хавасим келар Сенга!

Ўдак эдим, манглайдан ўпиб кўярди ойим,
Янги ойни кўрганда ўчиб-кўниб югурсак.
Мен сенинг пешонангдан, ёшлик, ўпиб кўяйин,
Шояд, шояд қудратинг менга ҳам ўтиб турса.

Шояд, завким, ҳисларим келсалар лашкар тортиб,
Отганимда мўлжалга уролсам бир зарб билан.
Икки ўдак ўғлимнинг ҳархашасидан ортиб,
Ёнсам, кунни ўтказсам ёниб турган калб билан.

Ёшлик, шундай мен сени кўтаражакман бошга,
Соғиниб кўтараман,
Ўтказай деб юсакда сизинганим қуёшга,
Сизиниб кўтараман, соғиниб кўтараман!
1979 йил 20 сентябрь

УРУШ — БУ БИР КОРА СЎЗДИР

Уруш, бул коп-каро сўзни кўчираркан мен окка,
Дейман уруш, бу мажрух дил, бу хато йўл, поймол шан.
Шом куйилар, бобосини гўдак тутар сўрокка,
«Бобо, нега кўлингиз йўк, оёгингиз ёгочдан?»

Во дариго! Ўйга толар, умр кайта яшалар,
Баргдай титраб ўтмишини кайта ўтаркан босиб,
Кечагидай кўриб турар: Вокзал, жигаргўшалар —
Хотинининг «кўришмаймиз» деб, кўтарган уввоси.

Улар кайта кўришмади, тўгри чикди мудхиш фол —
Ўлимлардан ўлмай кайтиб ўз уйида музлади.
«Бандалик — бу, метин бўлгин» тўзим тилаб кўшни чол —
Хотинининг туголмасдан ўлганини сўзлади.

У биларди, калб остида хотини не яширган —
Хайхот, хаёлида униб бекор аяб юрдими.
Тург йил ёшли кўзларини ўзи билан таширган —
«Улмагин», деб ўлган кўзлар уни суяб юрдими?

Кейин эса... ох, кейинги хаётида не маъни,
Она сутин тотмаган шу гўдагини ўстирди.
Факат уни кўтармокка кўл йўк эди тутгани —
Сўнг илдиздай чириётган оёкни хам кестирди.

Кейин эса, кейинини айтиб хам не килади —
Уруш унинг тик каддини ўтди-ку босиб-янчиб.
Унинг тўфонлари аро умид тоғи кулади,
У тулаган одам эди, бўлмаса шу юпанчи.

Унутмокка уринади кўзларига тер тушиб,
«Во дариг», дер, артмокка бир кўл йўк, фалак иши-да.
Унутмокка уринади конларига коришиб,
Тунлар танк тагида колиб, кичкирмаса тушида.

Тушларида хотиниюгаг нозларидан кўп куйди,
Тушларида ул богларда ўйнар гамлардан холи —
Чорлаб кочар, кувай деса оёк ёгоч, огрийди,
Кучогига тортай деса кўл йўк, курир мажоли...

Уруш — етим чакалок у, поймол одам, поймол шаън,
Мен бу каро дардни кандок ок когозга куяман...
1982 йил 5 ноябрь

БУГУННИНГ БУ САВОЛИ

Урушга кетган хар юз одамдан тўксон еттитаси жанг майдонида халок бўлди.
Газетадан.

Жангга кетган хар юзтадан ўлди тўксон еттиси...
Хар бир уйда сочларини тараб колди етим мох.
Бу уйлардан абад кетди эркак иси, бахт иси,
Бу уйларга абад келди бўйдор хижрон, бўйдор ох.

Бул кун тўксон етти уйнинг етимлари етилди,
Не кунларни кўриб босдик, кирк йиллик йўл, орани.
Балки дерсиз, «кора кунлар ортда колди, ўтилди»,
Дерсиз, «энди учратмасмиз етимни, бечорани».

Мен ҳам шунга ишонардим, ишонардим жон билан,
Гох хаётда ўйларимнинг тескарисин кўрмасам.
Шеър ҳам ёзаверармидим карсак билан, шон билан,
Анор гули янглиг кизнинг хасратини сўрмасам.

Мен эшитдим киз-йигитнинг номин килганлар каро,
«Ошик-маъшук»ликда айблаб мактабдан четлатишган.
Муаллимлар сўнгти синфда, сўрок, тўполон аро,
Бу иккисин ўқитмоклик бахридан ҳам ўтишган.

...«Биз еттинчи синфда эдик», кўзларида хасрат, дуд,
Киз бошларкан хикоясин, маъюс, хотиржам эди.
Синфда олти ўқувчида ота-она эди бут,
Колган барча-барчамизда кимдир, недир кам эди.

Биров ота, биров эса онадан сўз очмасди,
Кай бировда икков ҳам йўк, демак сўз йўк, холи танг.
Факат шу олти ўқувчи кўзин олиб кочмасди,
«Отанг, онанг?» зил саволлар келганда зич, кўндаланг.

Олтовида гуркирарди болаликнинг бахт ёзи,
Улар шодон кийкирганда бу дунёга сигмасди.
Колган барча-барчамиз ҳам кимлардандир норози,
Барчамиздан узун эди шу олтовининг дасти.

Шундан бошлаб мен ўзимга бир лойик жуфт ахтардим.
Кечирингиз, туйгуларим Сизга айтдим яширмай.
Чунки огирлик киларди бир ўзимга бор дардим,
Саклаб колмок бўлдим ўзни тушкунликка топширмай.

Тезрок эрга тегсам дедим, топсам бир мард лочинни,

Дуркун болалар ўстирсам ишк майсаси кўкариб.
Ўзун тунлар хидлаб чиксам гўдақларим сочини,
Тонг, отаси олиб кетса богчасига кўтариб...

Шундай бўлди, синфдошимга тегдим жон билан суйиб,
Бу менга бахт, майли кимга гийбат, кимга панд бўлган.
Мен отамнинг юз-кўзини эслай олмайман тўйиб,
Масъул онам ҳам доим ўз иши билан банд бўлган.

Ўкимасам-ўкимасман, мен меҳрга оч инсонман,
Умрим бўйи бирор марта бахт ёзиб қулочимни
Отасининг елкасида ўйнамаган бир жонман,
Онам ўз ишидан ортиб хидламаган сочимни.

Йўк, мен бундай яшамасман, умрим қуяр шам қилмай,
Бахтим дил сўраса унга мен жонимни тутгайман.
Мен гўдақлар ўстирарман бир кўзини кам қилмай,
Улар боис не юк келса, елка тутиб ўтгайман...»

Жангга кетган ҳар юзтадан ўлди тўксон еттиси,
Нак қирк йиллик деворларнинг ортида-қу ул тунлар.
Бул кун нечун хонадонда қамаймоқда бахт иси,
Қайдан пайдо бўлмоқдадир бул кун тирик етимлар?!

Айтинг, бул кун бунчалик мўрт хонадонда устунлар,
Бунча мискин сўнг уларга суянолмай қолғувчи.
Бул нимадир кўкраклардан ўрлаётган тутунлар,
Бул сабаблар, тақдирларни турли йўлга қолғувчи...

Унда, урушга юкладик бор етимнинг уволин,
Бугун кимга юқлармиз бахт бекорлигин бугуннинг.
Нак бўғизга келиб қолган бугуннинг бу саволин,
Бугуннинг бу мажруҳ дардин, беморлигин бугуннинг?!

Жангга кетган ҳар юзтадан ўлди тўксон еттиси...
1982 йил 5 сентябрь

РЎМОЛЧА
(баллада)

Онам Шарофат Хонназар кизининг ёркин хотирасига

Умримиз-қу абадиймас,
Ногоҳ қелса нияти,
Бир кун қилиб жонимга қасд,
Ўлим соларқан соя.

Шунда мени ул уммонга
Кайтаркансан топшириб,
Икков яшаган маконга
Кандок келасан кириб?

Кай тарз эшик итарасан,
Калтирамай бефарёд?
Каддинг кандок кўтарасан,
Кўкрагингдан босса дод!

«Энди она деймиз кимни?»
Ўглим боши хам келса:
Кизчам хидлаб кўйлагимни,
Урён солар дам келса?

Согинишлар килмасми соб,
Биров килса таърифим,
Бу гамларга кандогам тоб
Берадурсан, гарибим?

*

Гарчанд сенинг мен хиёнат,
Ахдсизлигинг истамам.
Аммо инон, то киёмат
Бахтсизлигинг истамам.

Мен-ку Сенга абад толмай,
Бахт бўлмокка уриндим.
Кечир, сўзим оклай олмай,
Аро йўлда сурундим.

Аро йўлда отинг ёлин
Силамадим, кечиргин.
Аро йўлда колдинг, толе
Тиламадим, кечиргин.

Энди эрир тоғлар кори,
Бизнинг боглар гулламас.
Сочинг оппок окарар-у
Биров севиб, силамас...

*

Йўк, йўк, нега энди, ахир...
Яшашинг шарт устивор.

Тирикка хам яшаш огир,
Душмани бор, дўсти бор.

Йўк, бошингни солма куйи,
Мен бошингни эгмовдим.
Бу дунёдан шундай куйиб
Ўтарсан деб тегмовдим.

Бу не холат, мудом ўйда,
Гамни тахлаб юрмогинг.
Ганимат-ку кўча-кўйда
Бахт етаклаб юрмогинг.

Мен розиман, дўзахий хол,
Токай огу ютарсан?
Истар эсанг бирор аёл,
Майли, кўнглинг кўтарса...
Мен розиман!!!

Аммо мендек холи тангнинг
Колмай десанг жабримга,
Шул кора тонг рўмолчангни
Келтириб кўй кабримга.

Рўмолчаки тикиб шоён
Ишкдай совга килганим,
Шул тонг балки бўлгай аён,
Япрокдай тўкилганим.

Ўлганимни шул кора тонг
Илк бор балки сездирар.
Тириклардан, ўликлардан
Илк бор балки бездирар.

Илк бор ёғар бошимда кор,
Кабрим билан чўкарман.
Рўмолчага шул тонг илк бор,
Сўнг бор ёшим тўкарман.
1981 йил 25 сентябрь

ТЎРАКЎРГОН ТУМАНИДА

Туманда уруш курбонлари шарафига ўрнатилган ёдгорлик олдида мингта кизил гул ўтказилган. Хар бир кизил гул тупи олдида сафимизга кайтмаган кахрамонларнинг номлари битилган.

Тохир ўлди, ерга кирди тириклайин сор бургут,
Зухро ўлди, ерга кирди шамшод сарву сановбар.
Кора тўфонга дуч келиб бирдай ўчди икки ўт,
Кетса кетган маъкул экан иккиси ҳам баробар.

Мен кўрганман кетган Тохир, кетолмаган Зухрони,
Ана бири... тек ўлтирар кўзларида котган муз.
Мажнун кетиб Лайли колса ўт оларди сахрони,
Бул Зухро шул ўт ичида кун кўради то хануз.

Ох, бу уруш... тина бошлар кайтадан кўзим олди,
Ёнган ўтинмас, одамнинг кул тушиб кўнгилга.
Тасаввур кил, бир ёш йигит гулга айланиб колди,
Биз бир тирик жондан айру, эга бўлдик бир гулга.

Тўракўргон туманида мингга кизил гул ётар,
Мингта шункор йигит рамзи, кўнгил фарёд солма, бас,
Оппок-оппок тонглар отар, кирмиз-кирмиз кун ботар,
Бул йигитлар каттик ухлар, Зухроларни эсламас...

Айриликнинг азоблари шунча талхми, тахирми —
Ошик бошин кўтармасми маъшукага эмраниб.
Зухрожон, сен келгандинг-ку уйготай деб Тохирни, —
Йўк, Тохир йўк, қабр устида бир гул турар тебраниб.

Шу манзилга катнай-катнай не Зухролар ўтди ток,
Мен билмайман улар гамин замин кандай кўтарган.
Ох, Тохирлар, бевафолар ташлаб кетдингиз кандок,
Тохиридан айру Зухро қачон гуллаб, кўкарган?!

Сўнг хаёлча шун бугунги Тохирларни топаман,
Табиат-ку уларни ризк-мухаббатдан кисмади.
Сўнг сингиллар — Зухроларнинг манглайдан ўпаман
Бошингизга тушмасин деб ул Зухролар кисмати.

Зухроларки хар лахза шай ишкка қурбон бўлмокка,
Улар сўлиш билмай яшар Сизни суйиб, толдириб,
Хеч бўлмаса, Зухро учун ҳақкингиз йўк ўлмокка,
Ўлдирмокка ҳақкингиз йўк, ортда тирик колдириб.

Минг Тохир-ку мангу ухлар шухратларга кўмилиб,
Минг Зухронинг узун умри ҳазон, гулга термулиб...
1981 йил 2 сентябрь

АЁЛ МОНОЛОГИ

Америка нейтрон бомбасининг ихтирочиси: «Хамма одамлар ёвуз», дейди...

Ренуар мени нурдан чизиб чиккан, биласиз,
Петрарка «илохам» деб кўзин тиккан, биласиз,
Навоий узун умрин, ўзин тиккан, биласиз,
Биласиз кай куч билан банд этгайман хаёлни,
Нахот ёвуз атайсиз Сиз хаттоки аёлни!

Чекинмасми каро тун мен кўтарсам киприкни,
Айтинг, ким буза олур солсам ишкий кўприкни,
Кайси эркак унутмас мени кўргач, ўк, тигни,
Ишк олдида нима у, уруш, хасад, сийму зар,
Сиз ҳеч аёл ишкига бўлганмисиз муяссар?

Дарвоқе, ишк, ишк билан Сиз чикиша олмайсиз,
Ишк бир беҳишт, унга Сиз абад туша олмайсиз,
Сиз муз бўлиб кетгансиз, эриб, жўша олмайсиз,
Аёл борки бу музга тегиб колса мунгланиб,
Дуоибад килурки ололмассиз ўнгланиб.

Эътироф этаманки, Сизда чуқур фикрат бор,
Аммо максад корадир, максадда кўп иллат бор,
Ер юзида ризк терган не давлат, не миллат бор,
Хар бирида Сиз каби не-не акли даҳолар,
Улар одамни Сиздан бошқачарок баҳолар!

Эркак яратувчи зот, Сиз-чи, куритмокчисиз,
Борки тирик жонзотни лаҳзада ютмокчисиз,
Гўдак, кушни кул килиб устидан ўтмокчисиз,
Кайдан Сизда бул кадар ёвуз кўнгил, ёвуз ўт,
Ахир Сизга ҳам аёл она бўлиб берган сут.

Кечаги урушдан-ку диллар хануз доғликдир,
Сиз бир коғозсиз, унда мудҳиш ўт ўроғликдир,
Балки туб илдизингиз Гитлер билан боғликдир,
Шундай, халқдан даҳолар билан иблис ҳам чиккан —
Менга сингишмас туйғу — Сизни ҳам аёл туккан.

Агар онангиз бўлса у ўтга отган ўзни,
Виждон хотинингиздай ташлаб кетгандир Сизни.
Йирок-йирокда туриб мухтасар килсам сўзни,
Она, Аёлки Сиздан юз ўғирдими рўй-рост,
Демак, ҳаётингизда инкироздир, инкироз!

Ренуар мени нурдан чизиб чиккан, биласиз...
1981 йил 4 сентябрь

ЮРТИМГА

Ўз юрагим кенглигига хайронман ўзим —
Хуркиб кочган оху унда, ундадир ўк-ёй.
Порлаб кетди юрагимни кўраркан кўзим —
Ўзбекистон борлиги-ла ундан олмиш жой.

Мен сезмабман, яшабманки то шу чоккача —
Бутун холда ўзни сенга топширганимни.
Ўзни сенга, сени эса олтин соккадай —
Ўз кичкина юрагимга яширганимни.

Она бўлиб, мен эгилсам силадинг бошни,
Борарканман бу меҳрли кўлга ўрганиб.
Ўз кичкина юрагимга кирган куёшни —
Катта юртни — юртим, сени колдим-ку таниб.

Олма янглиг шу юракни авайламок шарт,
Унда сен бор, ахир, абад билма сен завол.
Яшай дейман сенга зарра юктирмайин гард —
Кўклаётган кўк баргингга тегдирмай шамол.

Унда гужгон калдиргочлар бошлашар ўйин,
Калдиргочларга кўшилиб куйлайин зап ман.
Кўкрагимда кад кўтарган хирмонлар бўйин —
Оппок пахта хирмонларин авайлаяпман.

Бир бурчида чавандозлар ўйнатадир от,
Бокиб туриб ўз отамни, отни ёдладим.
Чавандоздай учмокда-ку от суриб хаёт —
Кокилмасин кўксимдаги учкур отларим.

Бир томонда шафтолизор, ёйилади нур,
Куртаклар нак куш тумшуги — чокларин сўкиб.
Улар кўшик айтмок учун лаб очар хозир,
Хозир куйлаб юборади улар энтикиб.

Москвининг киши илик, яйраркан тўйиб —
Гарч-гурч босиб борарканман топ-тоза корда,
Бола янглиг бир зум ўзни унутиб кўйиб,
Югураман кўксимдаги шафтолизорда.

Оппок гулга кирган олча тагида кейин —
Ўлтираман чиройингга кўзим тўймай, тўрт.
Аклим танигандан тортиб то тобут куйин —
Тинглагунча кўкрагимда яшайсан, сен юрт!

1980 йил 22 апрель

КЎКЛАМ ЭРИТАЁТИР...

Кўклам эритаётир дарёдаги музларни,
Осмон ёзиб-ўчирар чакмок айтган сўзларни.
Ковул-каврак копламиш тагин тоғу тузларни,
Чулдираган ирмоқлар бир-бирини «сизларми»,
Кўклам, кўклам келибдир тагин йўклаб бизларни.

На хуш-эй, на аломат рўзи равшан фасл бу,
Токат билмаган токат, бир шўх, бир шан фасл бу,
Ўтган гамлар ёнар хат, ёнар гулхан фасл бу,
Наинки бир табиат, кўнгил кулган фасл бу,
Кўк майсалар беркитар кишдан колган изларни.

Киш корларин оралаб, билмам, кайси он севдим,
Ишк гулига босдим лаб, кўкламдан нишон севдим,
«Севдим» — бу шунчаки гап, чиккундайин жон севдим
Ул дедики: «Ростми шул», — мен дедим, ишон, севдим,
Ул дедики: «Севгиси омонатдир кизларни».

Омонат бўлса уни омонатда осурлар,
Хиёнатни кечикмай хиёнатда осурлар,
«Ишкни осган нонкўр», деб тумонатда осурлар,
Бу кўклам, бу беҳиштмас, киёматда осурлар,
Ерга туширманг, бегим, кўкдаги юлдузларни.

Омонатни ишк, хакка содик наво ўлдиргай,
Ерни босиб юрмакка кўрмай раво, ўлдиргай,
Зурриёдин катлига ўзга эмас, ўзи шай,
Одам Атога содик Момо Хавво ўлдиргай,
Ўзи яратиб ўзи сўндиргайдир кўзларни.

Майли, шабу рўзида нур, йўл бўлсун бу олам,
Чавандознинг кўзида Дулдул бўлсун бу олам,
Назмгўйнинг сўзида бир гул бўлсун бу олам,
Лек ишк омонат бўлса кул-кул бўлсин бу олам,
Чорак аср мен нахот омонатни изладим.

Басе, бас, кўк фаслда мундин ортиги ортик,
Ишк омонат эмас, йўк, ишк ганимат бир тортик.
Ишк гул эмас, кўкракка бешафкат санчилган тиг,
Ё ўлдиргай, ё эса куёшга кўтаргай тик.
Куёш ўtimi якин, алвон букун юзларим.

Ишксиз бўлса хамрохга шавким, додим йўк менинг,
Юлдузим тушгай чохга, давоматим йўк менинг,
Ерни буркарман «ох»га, халоватим йўк менинг,
Ишкдин ўзга Оллохга тиловатим йўк менинг.
Шул сабабким севгини аршга кўйиб «Сиз»ладим.

Бас, бу фаровон наврўз, куёш якинрок келгай,
Осмон тошар, ер эса сабзи сўлу сог келгай,
Кўклам булбул, зогларин кўкраги бедог келгай,
Шунчалар инондим мен, бу тонг албат ок келгай,

Куёшга элтар йўлда колгай менинг изларим.
Кўклам эритаётир дарёдаги музларни...
1980 йил 16 март

БУ БАЙРАМ ОКШОМИ

Бургутдайин ўгил, гилосдай кизнинг
Бошида новдадай эгиладир жон.
Бир минг тўккиз юзу етмиш тўккизни —
«Болалар йили», деб килдилар эълон.
Юраклардан кетмас бир зарб, бир сас бу,
Беҳишт боғларидан келган нафас бу.

Бу йилги ер шархи сигмайдир сўзга,
Тер билан, кон билан бўлмиш омукта.
Тагин минг тўккиз юз етмиш тўккизга
Тўкинлик йили, деб кўйдилар нукта.
Нон билан, дон билан тўлган дала-кир,
Балким гўдакларнинг насибасидир.

Уч куш сенга кайдан келди-ю, кўнди? —
Деманг, уч гўдакка мен тахисам бол.
Бу уч куш кўлимга бирма-бир кўнди,
Мухаббат богида мен турсам беҳол.
Сўнг мен учун юлдуз, ойланди улар,
Кўзим карогига жойланди улар.

Сатрларим менинг атирлар сочмай
Турибди, бўш бағрим тўлдира қолинг.
Эшигимдан аста бош сукиб қочмай,
Чугурлаб хонамга тез қира қолинг.
Тутолмай қоламан бирининг барин,
Ўйнаб кетиб қолар қорачикларим.

Пушкин қушча бўлган тугилган маҳал,

Нихол яширади улкан дарахтни.
Кандай мушкулларни кила олур хал,
Улар ким бўларкан улгайган вакти?!
Карогимдан чикиб кетса хам каён,
Шоён бўлсин дейман, манзили шоён.

Барча кушчаларга шуни тиладим,
Бири дуч келмасин тўфон, куюнга.
Баъзан тун кувлик-ла бошин силайди —
Тонгми деб ўзини урмасин тунга.
То йўлда юзтубан чалмасдан бир дард,
Жажжи куш Пушкинга айланмоги шарт.

Азиз дўст, сенга хам боглик, бу якун
На ўнгдир, ёругрок бўлсин хатто туш.
То бирор кун келиб, куш богингда хун,
«Янглиш кўндимми», деб бўлмасин хомуш.
Ўглон бу — инсоннинг жонимиш, ахир,
Киз деган юракнинг конимиш, ахир.

Дўстларим, бир лахза оёкка калкинг,
Бу байрам окшоми порлоқдан-порлоқ.
Келажаги учун шу голиб халкнинг
Кўллардаги жомни ок урамиз, ок.
Жайрон йигит-кизнинг кахкахи билан,
Беҳишт кушларининг чах-чахи билан.
1982 йил 26 декабрь

* * *

Такикласам, айтар сўзинг айтмаганингда,
Кет десам Сен кетиб, ортга кайтмаганингда.
Жиндаккина кўркар эсанг обрў-шаънингдан,
Итоат сен билан қолиб, мен кетар эдим.

Кўриб колсам бир ожизга учраганимни,
Лахза-лахза чўкканингни, кичрайганингни,
Пучлигини кўриб колсам магзинг, маънингни,
Кўрмайин деб кўзларимни беркитар эдим.

Унда ашким ёмгир янглиг сероб бўларди,
«Бахт» деб баридан тутганим сароб бўларди.
Кўшли тахтим нурай-нурай хароб бўларди,
Икки кўлим битта тепа, ток ўтар эдим.

Такикласам, айтар сўзинг айтмаганингда...
1981 йил 5 май

ТҲЙ КЕЧАСИДА КҲНГЛИМДАН КЕЧИРГАНЛАРИМ

Синглим Гулнорага

Устоз Гафур хакимона башорат кила билган —
Калб конидан бўлмоқлигин киз деганнинг барини.
Одам Ато йигит чокда киз бола деб қувилган,
Ўқинмасдан ташлаб кетган беҳиштнинг богларини.

Сиз эҳтиёт бўлинг, куёв, кўлларидан тутмокка,
Мен беҳуда киз боладан бошламадим сўзимни.
Мен ҳам келин бўлмоқлигин эслаб тушдим титрокка,
Хали бир ёшга етмаган ёлғизгина кизимни.

Сиз эҳтиёт бўлинг, куёв, кўлларидан тутмокка,
Ўн саккиз йил сакладик биз уни эҳтиёт килиб.
Сўз бормикин бу кечдаги хисларимиз битмокка,
На хислар, бор вужудимиз кетмокда-ку тўкилиб.

Юрагингнинг бир четини юлиб кетар экан киз,
Севмок — асли бу дунёда кийнокдаги жон экан.
Кўкракдаги юракнинг бир бўлагини беряпмиз,
Сиз юракнинг шу кисмини асрай олинг, жон укам.

Гул сувида Гулноранинг сочин ювмиш онаси,
Кумуш янглиг тоза гул бу, гуллингча кол, денг Сиз.
Айтинг, куёв, иболанмай келганида хонаси, —
Сиз бу арkning танхо гулин қачон кўриб колдингиз?

Биз тўйга Отабекни ҳам хотир ёнган дам айтдик,
Кумушнинг рухи олдида бошларимиз ҳам, айтдик,
Кўш олчадай бу куёв, бу келинчакни кўрсин, деб,
Суюнсин, деб жаннатмакон Кодирийни ҳам айтдик.

Бул даврада, бул замонда бахт бўлса ҳам тилда ёд,
Яшасак ҳам ҳаётнинг шан шаробидан сипкариб,
Кандок титраб тўлгонмасин, тўкилмасин одамзод —
Юрагининг бир бўлагин берар экан чиқариб.

Биз Сизга юрагимизнинг бир бўлагин беряпмиз...
1981 йил 26 август

КУЗГИ ДАРАХТ

Буток, япрогида куз тафти,
Шовуллаб турибди бир дарахт.
Хазонлар танасин ўрабди,
Ловуллаб турибди бир дарахт.

Бўронлар буколмай шохларин —
Багрида сайратди кумрини.
Эшитган йўк унинг охларин
Ох тортмай ўтказди умрини.

Хали ҳам кетган йўк мадори,
Хали соз созларга ўхшайдир.
Бахордан ёш эди бахори —
Кузи ҳам ёзларга ўхшайдир.

Тун бўйи, умр бўйи ўчириб,
Ёзиб топай улкан бахтни,
Ўтказай умримга кўчириб
Ловуллаб турган шу дарахтни.
1981 йил 2 сентябрь

БАХТ

Сен келдинг шамолдай шайланиб,
Деразалар ёпилди дархол.
Сўнг келдинг ёмгирга айланиб,
Деразани ёпдилар. Увол.

Сўнг кор бўлиб келдинг, кўзларин
Деразанинг зичлаб ёпдилар.
Кайтмас бўлиб кетдинг. Ўзлари —
Сени излаб ортдан чопдилар.

Ўнг келардинг, мен дердим: «Бу — туш», —
Шундай ўтди гул йиллар урён.
Аввал кувиб канча вақт сархуш —
Кейин излаб канча вақт гирён.
1981 йил 16 ноябрь

ОНАЛАР ХАКИДА

«...Энажон, учайми Сизга худди ўк,

Энажон, йўл караб кўзларим толди».
— Гўдагим, шахарга боролмайман, йўк,
Тогангнинг хотини кўзилаб колди.

...Ўглиму онамнинг ёзган хатларин
Ногох ўкиб колиб ёндим, кизардим.
Бу бизнинг айбимиз — турган катланиб,
Бу менинг ҳеч кимга айтмаган дардим.

Умр-ку ўтди, босиб уруш деган тоғ,
Хануз ўртар бевакт хижрон солган из.
Нечун шу кексалик чоғлари хатто
Унга беташвиш бахт беролмаймиз биз.

Сўзда-ку юсакдан юсакка олиб,
Чикариб кўямиз аршга улуглаб.
Ахвол танг келганда биз четда колиб,
Энг мушкул холларда нега улар даф?

Беллари букилиб, кўтараркан даст,
Эзгу умидларга йўғрилган чокда;
Мунаввар келажак ота-онамас,
Бувилар кўлида йўлга кирмокда.

Майлига,
Ва лекин, дўстларим,
Толгин чехраларга куйилсин нурлар.
Гўдаклар бир нафас Сизларга ўтсин,
Бир лахза бор кир-чир, супур-сидирлар —
Таманно келинлар, кизларга ўтсин.

Бизлар ҳам тўхтатиб пойгани, отни
Уни авайлайлик бир ганимат он.
Бор умрини бизга бахш этган зотни
Бир лахза севмокка топайлик имкон.

Бир лахза «чоп-чоп»у, «кув-кув»дан бўшаб,
Эрк берайлик беҳол, шавк, охимизга.
Бир лахза яшайлик фарзандга ўхшаб,
Онамизни олиб панохимизга.

Йўкса бу нораства нидо кўймас йўк,
«...Энажон, учайми Сизга худди ўк...»
1981 йил 16 сентябрь

- «МУКАДДАС АЁЛ» ТЎПЛАМИДАН -
(1987)

Бекор жангу-хунлар учун аза очинг,
Ёлғиз ўтган тунлар учун аза очинг.
Хатто тоғнинг айиклари жуфт ахтарар,
Сиз, сўккабош кунлар учун аза очинг!

ОНА САДОКАТИ ВА ЎГИЛ АРМОНИ КИССАСИ
(бахшиёналар)

Уруш битди. Келган келди, келмаган йирокларда колди. Кўнгли ярим келинлар
козонларини сувга солди. Кўксини ерга бериб совунган ким, йиглаб боласига алла
айтиб овунган ким. Юраклари узилиб, саргайган ой юзидан кўз ёшлари сизилиб,
гўдагини аллалаб ўтирган Сайрам келин бир вақтлардаги гум-гурсдай кайнонасини
эшикдан шарпадайгина кириб келаётгани, жия-жияси куриб келаётганини пайкади.
«Ах, ёмон куни курсин-а, энам шўрли Равшанимни отаси урушга кетмаган пайтлар бир
силтаниб уйимга кирса, фармонбардор овози гуриллаб, тахмонимдаги
кўрпа-тўшагимгача зириллаб кетмасмиди?! Бугун эса... бугунги кунимга у айбдордай,
нимага кўзимга тик караёлмайди?!» Шу аснода бўғилиб, Сайрам келиннинг нафаси
кайтди, кайнонаси кийналиб, айтолмай юрган гапини айтди:

Аввал ўти куюшмаса деб куйиб юрдим,
Кейин кулуним кўш бўлди, деб суйиб юрдим.
Отинг ўчгур бу урушам бир илинж эди,
Бўталогимни тушда кўриб, ийиб юрдим.
Онанг ўлсин, куйганимиз рост бўлди-ёв,
Болам, кора кийганимиз рост бўлди-ёв.

Кулунимни каерлардан топай энди,
Кулунига кора бахмал ёпай энди.
Ёлғизимдан ёдгоримни менга бер-да,
Ит бўл, куш бўл, сен кўпайгин, кўпай энди.
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,
Какшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Келин эмас, шўрли болам, болам бўлдинг
Жон чиккунча кўксимдаги нолам бўлдинг.
Шу гапларни айтган тилим киркилса-чи,
Кандок узай, жонга боглик толам бўлдинг.
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,
Кашкаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Шамолман, мен, уни елпиб, эсмок учун,
Беланчакман, ётмогига осмок учун.

Онанг ўлсин, ёдгоримни ташлаб кетгин,
Кўксимдаги жарохатга босмок учун.
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,
Какшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Бугдой чочсин, тарик чочсин гул келиним,
Йўлларида ёвлар кочсин, гул келиним,
Бу шўру тор пешонамга сигмадинг-ку,
Пешонангни олло очсин, гул келиним,
Тилим тишлаб тош бўлайин, кузатайин,
Какшаб, ўзим бош бўлайин, узатайин.

Сайрам келин бу сўзларни тинглаб ич-ичидан инграб, «Хах, тўрамнинг ўлгани, бу хонадонга ортикчалигим сезилибди-да», деб унсиз фигон чекиб бу рўзгорга келин бўлиб тушганидан бери биринчи маротаба кайнонасига тик караб бу сўзларни сўзлайверди:

Ох, энажон-ей, болам дейсиз-у алдайсиз —
Ёки ўлсанг ҳам мендан йирокроқда ўл дейсиз.
Равшаннинг отаси ўзингизники эмасмиди,
Кайси тил билан «ўзгага хотин бўл», дейсиз.
Тўрамнинг ўлгани ўнг кўриндимми, энажоним-а,
Кўзингизга дўнг кўриндимми, энажоним-а.

Ботса берманг егани бир тишлам нонимни,
Тинч кўйинг, эна, тўнкармасдан осмонимни.
Бунда ёдгорим, бунда-ку ёруг жони-жахоним.
Кандок кетайин мен опкочиб ёлгиз жонимни?!
Хдр тун тўрамни туш кўради-ку бу ёстиклар,
Ўзга бош тегса чинкиради-ку бу ёстиклар.

Майли, умрим — киш, кураганим кор бўлсин — денг.
Факат ўзга эр номус бўлсин денг, ор бўлсин — денг.
Бегона эркак тўшагимни босган куни
Чилвир сочларим узун бўйнима дор бўлсин — денг.
Какшаб, ўзингиз ўтказмасдан тўйим, Эна,
Ўз кўлингиз билан мени кабрга кўйинг, Эна!

Ана шунда кайнонанинг кўзлари «ярк» этиб очилгандай бўлди. Хаёлида: «Ох, шўрлик болам-а, сенинг хаёлинг бошка экан-ку, не хадикда юриб эдим, бугунми, эртами барибир кетади, ёш нарсаси, неварамниям олиб кетади, ўт кетди, хонумонимга ўт кетди, деб, титроқларда туриб эдим», — каби ўй-хаёлларини ўзича пичирлаб Сайрам келинни бағрига босди. Келиннинг билаклари ҳам ток новдаларидай унга чирмашди. Иккаласининг ҳам кўз ёшлари шашкатор. Бирок бу гам ёшими, кувонч ёшими илгаш кийин эди...

Кунлар ўтаверди. Умр кетаверди. Казоси етиб кайнона кўзини юмди. Сайрам келин бир фарзанддай кайнонасини иззатини жойига кўйиб кўмди. Равшан кирчиллама йигитмисан йигит бўлиб вояга етди. Бутун орзу-армонини шу ёлғиз боласида кўрган она унга кишлокнинг олд кизини олиб берди. Хою хавас билан уйлантирди. Энди Сайрам келин илгариги пайтлардагидай инграниб нола килмай кўйди. Вакти ҳам бўлмай колди, шекилли. Ўзиям келини хар йили кўзиладими-ей... Олтинчи фарзанди дунёга келганда Равшанбек огир дардга чалиниб тўшак тортиб ётиб колди. Сайрам келин тагин узун тунлар тўшакка михланиб ётган Рустами дostonдай бемор ўгли бошида инграниб нолами, аллами айтиб ўтирадиган бўлди.

Беморнинг ахволи кундан-кун огирлашаверди. Бир кеча холдан кетиб бораётганини сезган Равшанбек хотини-болалари билан тинчгина видолашди. Рози-ризолик тилади. Онаси билан, якин кариндошлар билан ҳам. Кейин, бир силтанди-ю, равон тилга кирди. Унинг кўзи юмук, алахсираётганга ўхшар, аммо бу тиник, шиддатли сўзлар, ўлим олди алахсираши эмаслиги, бутун умр ўйланган, аммо айтилмаган, юракда сакланган дардлар эканлиги билан онани, ўтирганларни кўнглини алгов-далгов килиб юборди. Мана бу ўша лахзадаги Равшанбекнинг айтганлари:

Энам, Сен энадан эдинг ёлғиз киз,
Не учун меням ёлғиз ўстирдинг.
Бировга суянаолмадим, эсиз
Сениям хамиша гамбода кўрдим.
Укам деб бировга беролмадим юк,
Синглим деб бировга айтолмадим сир.
Энам-а, энажон, Сендай эна йўк —
Кийналиб яшадим, менам барибир.
Одам кизик экан, опанг бўлса кеб
Бошинг силаб, дардга дармон бўларкан.
Эркаланиб «ака, акажоним» деб
Бировга осилмок армон бўларкан.
Мен-ку, майли, кетиб боряпман, мана,
Кўксимни мўлжалга олмокда дард, ўк.
Энам-а, энажон, бу эмас таъна,
Факат энди мендай гамгусоринг йўк.
Тойлар от бўлгунча юрак бўлар лат,
Менинг гўдакларим ўсганга кадар,
Энажон, энам-а, тўкилма факат,
Унгача енгмасин Сени гам, кадар.
Энажон, не учун тегмадинг эрга,
Бир ўгил, хеч йўкса бир киз бўлсайди.
Отамни-ку, ахир, бергандинг ерга
Огам деб йиглашга бир кўз бўлсайди...
Бир елка бўлсайди суянмогингга,
Мен кетгач эгилиб колмогинг тайин.
Мен кандок чидайин Сенинг догингга
Ёлғиз колмогингга кандок чидайин?!
.....

Сўнг сўзни кайтарди тушиб жик терга,
«Энажон, не учун... тегмадинг эрга?!»

Ў, жигарларим-а, ўзи бу дунё ўйласанг ўтириб ўйлайдиган, тўрт томонидан бўйлайдиган дунё. Аммо, манави холда мениям ўйим битмай, ким хаклигига кўзим етмай колди-ку. Кўпдан кўп гап, кўп акл чикади. Шуни ўйлаб бу бовурларимнинг хаётини кандай бўлса шундайича Сизга айтиб беришни лозим топдим.

1984 йил 20 июль

ТУГИЛИШ

Ашурбекка

Кечки мажлисни кизгин олиб бораётган Бобожон раис бирдан дудукланди. Тилдан колди.

Кўнгли беҳузур бўлиб, жонсизланаётганини хис килди-ю, стулга чўкди...

Оёк-кўли ишламай колган раисни кўтар-кўтар килиб уйига олиб бориб ёткизаётганларида, кўшни хонада хотинини тўлгоқ тутарди. Хотини жон аччигида инграр, хар инграганда Бобожон раис кўзгалмокчи бўлиб интилар, катта-кичик болаларига «Онангга каранглар» ишорасини килиб имларди.

Вакти-соати етиб хотинининг кўзи ёриди. Ўгил тугилди. Во дариг! — ўйлади Бобожон раис шифтга тикилиб ётиб, тўкилиш, тугилиш... бир лахзанинг ичида.

«Суюнчи бейинг, суюнчи бейинг», — доя кампир оппок ўралган чакалокни «гапиртириб» отасига кўрсатгани олиб чикди. Бобожон раис чакалокнинг ўзиникига ўхшаш кирра бурни, чўзинчок юзи, киприксиз кўзларига тикиларкан, нимадир айтмокчи бўлиб тутилиб колди. Кўзи жикка ёшга тўлди. Унинг интигу зор йиглаган кўзларидан мана бу гапларни укиш мумкин эди:

Эркакка йўл керак, болам,
Эркак йўлга йўл кўшар.
Бу йўлларга биров чечак,
Биров хору хас тўшар.

Бу йўлларга биров сергак,
Биров гангиб, маст тушар.
Отанг йўлдан колган куни
Йўли бўлиб келдингми?

Эркакка эл керак, болам,
Сени куршаб эл юрсин.
Яхши-ёмон кунингда эл
Сириб боглаб бел, юрсин.

Энди мен юролмасамам
Элни алкаб ел юрсин.
Отанг элдан колган куни

Эли бўлиб келдингми?

Эркакка тил керак, болам,
Тили билан тил олар,
Умри бўйи кўшин тортиб,
Канча-канча дил олар.

Аёл олар, кўнглин топиб,
Катор кизу ул олар.
Отанг тилдан колган куни
Тили бўлиб келдингми?
1984 йил 20 июль

БАХШИНИНГ ТҶЙДАГИ КУРАШДА АЙТГАНЛАРИ

Маматкул бахши бир тўйда дўмбирасини четга кўйиб, полвонларга жони ийиб, мункиганни елкаси корда, зап одатларимиз бор-да, деб кураш томоша килаётган эди. Даврабошининг кўзи бахшига тушиб қолиб тавозе билан илтимос килди: «Маматкулбой, мен полвонларни шайлагунимча ўзингиз халойикка бир нарса айтиб тулинг». Бундай тасодиф таклифни кутмаган Маматкул бахши бир зум жим колди. Аммо лахза ўтмай халкка ўз дардини тўкиб солди. Ў, жигарларим-а, хар кимниям тўйдами, азадами одамларга айтадиган гапи бўлсин экан-да...

Кураш дегани ўзи нима,
Асов денгизда талош кема,
Гарк бўламан-ов, гарк дема.
Зотинг полвонма, курашгин.

Бировни ортидан отганлар,
Бировни ортидан сотганлар,
У шўрлилар-ку ер катрига
Гафлат уйкусида ботганлар.

Шуларни боласи болами,
Курашсиз кечса олами,
Кўксига ўт кўйиб турмаса
Бобосининг касос, алами,
Зотинг полвонма, курашгин.

Сенгачаям танг, торда курашган,
Чирсиллок киш, корда курашган.
Оёклари хавода саланглаб,
Осилиб дорда, курашган.

Ёнма-ён калашиб яшаса,

Мингиллаб, талашиб яшаса,
Эл куймайдими шуни боласи
Ёв билан ялашиб яшаса —
Зотинг полвонма, курашгин.

Бугунам паст, тўрда курашар,
Бирови кир, ўрда курашар,
Айтган сўз — кескир киличи билан,
Бирови гўрда курашар.

Дорларда котганлар курашса,
Гўрларда ётганлар курашса,
Сен курашмасанг ўлим-ку, болам,
Жонидан ўтганлар курашса!
Зотинг полвонма, курашгин.

Кун бўлар, ишк жилпанглайди,
Ой деганинг ерга тенглайди.
«Такдир», — деб урмай манглайди,
Отинг полвонма, курашгин —
Ёдинг полвонма, курашгин —
Зотинг полвонма, курашгин.
1984 йил 21 июль

КАСАМ

Кимматчилик, кахатчилик йиллари...

Кўзи кўр такдирга ўт кетсин-а, бўлмаса Ойсулувдай сулув жувон бир каззоб, ўгрига дуч келиб колармиди. Тун яримлаб колди, эрдан дарак йўк. Йўк, бирдан огил тарафда тапир-тупир, шивир-шивир, сигирнинг мўнграши, хиркираши аралаш-куралаш бўлиб кетди. Кейин узок жимлик. Эри хадеганда келавермади. Ойсулув ой-куни етиб, шикирлаб ўтирганидан тўшакдан аранг кўзгалиб огил тарафга ўтди. Ўтди-ю, донг котиб колди. Огилнинг ичи оппок сут... Уйинг куйгур эр ўзининг бир хамтовоги билан бировнинг эндигона бўшанган сигирини ўгирлаб келиб, сўйибди. Гўштини нимталаб, эртага бозорга олиб чикишга тайёрлаб кўйибди... Эр чагир кўзларини ўйнатиб бурчакдан бир бўхча олиб хотинига отди. — Ма, ийнимга иларим йўк, — деб кулокни кокиб кўлимга бердинг, хохлаганингча кий. Ўзиям эртага тўйи бўладиган кизди сепидан, тахмонидан тинчитдик. Ойсулув бўздай окариб, бор кучини тўплаб бўхчани ховлига улоктирганини билади, шараклаб тушган тарсакининг зарбидан деворга бориб урилди-да, илдизидан кўпорилган дарахтдай кулаб, чўзилиб колди. Мана бу унинг ўзига келиб эрига айтганлари:

Бўримидинг, тулкимидинг, эрмидинг,
Шўрим котмаса мен сени дермидим.
Кўзим чиксин, кўрмидим — эй, кўрмидим,

Дунёсида энди тирик юрмайман.

Харом есам, тагин харом кийдирсанг,
Тириклайин ўтга солиб куйдирсанг.
Шулардан сўнг тагин ўзни суйдирсанг,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Аро йўлда ўтириппан мунгланиб,
Кўнглим сезар, ололмасман ўнгланиб.
Харом-хариш, кора ерга тенгланиб,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Сеп-умрлик ўй-армондан йигилар,
Томчи тердан, томчи кондан йигилар,
Кўкрагимни ўяр қаргиш, йигилар,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Аро йўлнинг аёнлари бўйнимда,
Илонлари, чаёнлари бўйнимда,
Ўғирлик — юк, чўянлари бўйнимда,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Ох, умрим-эй, энди унда абад шом,
Болам «ўғри боласи» деб олмас ном,
Увуз сутим эмизмайман, у — харом,
Дунёсида энди тирик юрмайман.

Эр, сен кашкир тўшагига увлаб кир,
Кодир эгам, агар бўлсанг, кўр тадбир,
У кибламни бу кибламга айлантир!
Дунёсида энди тирик юрмайман...

...Эрталаб кун чошгохга келиб ёйилиб кетдям, Ойсулув жойидан кўзголмади.
«Боламнинг бундай кундуз ётадиган одати йўқ эди-ку», — деб хавотир олган кекса онаси ундан хабар олгани уйга кирди...
Во дариг, Ойсулув ўзи кўрган ранжу аламлардан хайратлангандай катта-катта кўзлари очиклигича баданлари музлаб қолган эди...
— Вох, боле-ем, кирчинидан киркилиб қуриган, болеем! Харомнинг касофати урган боле-ем! — Кампирнинг аччиқ фарёди кишлокни ларзага солар, Ойсулув эса ўзининг ёмон касами, у кибласини бу кибласига айланганидан минг марта розидай тинчгина абадиёт уйқусига кетган эди.
1984 йил 21 июль

КЎЗИ БОРЛАР ТЎҒРИ ЙЎЛДАН ЮРМАСА...

Тагин ўша кимматчилик, кахатчилик йиллари...

Тангрикул бахшининг укаси Ўролбой муросаси келишмай, ўзининг енгилеёк хотини Кирмизнинг жавобини берди. Янги уйланган хотини Окбилак тезгина иккикат бўлиб, ойпарчадай киз тугиб берди. Тугиш — ўлим билан баробар эмиш. Хотини кийналиб тугиб ётар экан, Ўролбойнинг кўнгли олдинги эчкидай ўйноклаб юрадиган шўх хотинини тусаб колди. Кечалари уни олиб келиб кўшни хонада айшу ишрат, ўйин-кулгу киладиган одат чикарди.

Ўлар бўлсам Сенгина деб ўлойин,
Сарвдай коматингни кули бўлойин.
Гулим, тўлдир кучогимни, кўйнимни,
Чилвир сочинг дори бўлсин бўйнимни.

Эрининг ширакайф, ширали овозда бошлаган ошикона кўшиги, Кирмизнинг кикир-кикирлари эшитилмасин деб Окбилак нгўрлик уйининг тиркишларигача беркитиб ўтирадиган бўлди...

Кирмизнинг Ўролбойга елимдай ёпишувининг тагин бир сабаби бор эди. Кахатчилик эмасми, Ўролбой колхоз омборида ишлар, ишдан кайтишда бир сиким, икки сиким дегандай бугдой ўгирлаб уйига олиб келар ва бундан албатта Кирмизам бенасиб колмасди. Бир кеч, Окбилакнинг ташкарига чикканидан фойдаланиб, Ўролбой чакалок кизчасини олиб чикиб Кирмизга кўз-кўз килди.

— Кирмиз, Кирмиз, кизимни кўр, ўзиям ўлмаса бир киз бўлади-да!

Кирмизнинг ранги бўздай окарди. «Шошма, хали менга кизини кўз-кўз кделадиган...»

...Эртаси куни Ўролбойнинг пешонасига «бугдой ўгриси» тамгасини босиб камокка олиб кетишди.

Мана, бу сўкир Тангрикул бахшининг ўша кунлардаги чеккан нолаларидан:

Бир отанинг, бир онанинг боласи,
Бири каззоб, бири дарё ноласи.
Ў, битмас-ей бу дунёнинг чаласи,
Кўзи борлар тўгри йўлдан юрмаса.

Халол колар бир чеккада мунгайиб,
Харом ўйнар кулочларин бахт ёйиб.
Харом ўсар ягринлари кенгайиб,
Кўзи борлар тўгри йўлдан юрмаса.

Ини аввал суянчигинг бўларкан,
Сўнг — огригинг, дил санчигинг бўларкан,
Хатто Сендай кўрга чиким бўларкан,
Кўзи борлар тўгри йўлдан юрмаса.

Кизни асли осмондаги ой денглар,
Кайгу юки босса кадди ёй денглар,
Кайгу балчигида ой хам лой денглар,
Кўзи борлар тўгри йўлдан юрмаса.

Кўр кўзимдан ситилиб гам йиглайди,
Толеимда ёнмаган шам йиглайди,
Аёл, гўдак, бани одам йиглайди,
Кўзи борлар тўгри йўлдан юрмаса.
1984 йил 21 июль

КУШ ТИЛИГА ЁВУК КЕЛСА КУШ ТИЛИ...

«Азбархўжа карвонбоши айтди: «Эй дўстим, хамрохинг аёл экан-ку, аёлни жўрам йўк десам ҳам бўлади. Шуйтиб айтмаган экансан-да».
«Кунтугмиш» достонидан.

Сўз экилган элнинг дала-тузига,
Хар ким танлар маъкулини ўзига,
Кўзим тушиб манов сарбон сўзига,
Ич-ичимдан тахкирланган ор келди.

Тўраларга шойи кўрпа тўшайик,
Тўраларга дарё ёйик, кун ёйик,
Айтинг, айтинг, кулли ўтган машойих,
Нечук аёл юрар йўли кор келди.

Асли эркак, аёл бирдай йўл излар,
Дониш акл, уддабуррон кўл излар,
Айтинг, айтинг, кулли ўтган азиизлар,
Нечук аёл кўнгли доим зор келди.

Баланд тоғлар билмас ором, билмас хоб,
Пинхон-пинхон тўкаверар кўздан об,
Нечук Одам Атони деб бўлган соб,
Момо Хаввога бу дунё тор келди.

Азбархўжа тугилмаган онадан,
Балки уни топгандирлар ёнадан,
«Она» дер-ку, дард ўтганда жонидан,
Нечук аёл шу номардга хор келди.

Майса коплар кир, киялар устини,
Куш тилига ёвук келса куш тили.
Биттага ҳам кўпайтмасин пуштини,
Шунинг ўзи Азбар учун дор келди.
1984 йил 24 июль

ЙЎКЛОВ

Ўртогим Халима Хасанованинг хотирасига

Ой деса дегулик Ойхуморнинг сулувлиги таърифи етти иклимга кетган эди. Аммо кексайиб колган онаси уни ўзи айтган одамга бермади. Беролмади. Шу сабабми, бошками, киз овлок пайт топиб ўзини осди. Нима иш биландир огилга кирган укасининг кўзи унинг саланглаб турган оёқларига тушди. Киёмат кўпти. Мана, бу Ойхуморнинг онасини ўз кизи жасади устида бетини кон жўшатиб айтганлари:

«...Жоним болам, кўзи чарос, коши ўк,
Дарё сочин киркта килиб ўрардим.
Шуни ўзим тукканманми ёки йўк,
Бир ишониб, бир ишонмай юрардим.
Тукканимам энди ёлгон шўрлиман,
Ўтда колган, ангда колган шўрлиман.

Кийикмиди, хуркак-хуркак кароши,
Хуркиб кетиб сиртмоқларга илинди.
Гангитдими мингни келиб сўроши,
Мингиниям суймаслиги билинди.
Киркин кизга сардор бўлган, вох боле-ем,
Талош, бардор-бардор бўлган, вох боле-ем.

Минг бўз бола, тенгларини тенг кўрмай,
Кўзларини парда тўсган болам-ов.
Уйинг куйгур раис сенга тенгкурма,
Кизи билан ўйнаб-ўсган болам-ов.
Раис ана, болалари кўйнида,
Икки кўлим энди унинг бўйнида!

Кўйлак кийдим, тутунлардан корайди,
Кора бўлди гулдай болам ёзуги.
Энди менинг кунимга ким ярайди,
Болам бўлди бир кашкирнинг озиги.
Ордан ўлим авло, — деган, вох боле-ем!
Гўдаклигин кашкир еган, вох боле-ем!

Тирилтириб бермасин-чи, кўяман,
Энди ишим бу юртлардан кўч бўлар.
Сиртлон бўлиб менам кўзин ўяман,
Энди онанг она эмас, ўч бўлар.
Аммо бундан бўлса бир наф, болам-ов,
Яшатардим уни «увлаб», болам-ов!

Бу кунингдан бешбадтар бўл!

Йиги-сиги, кий-чув бир зум тўхтади. Эшикдан раиснинг хотини шаллакилик килиб кириб

келаётган эди.

— Бечора эримни ёмонотлиг килгунча суюкоёк кизингни тийиб ол эди, каришакшак!

Олазарак бўлиб раисни кидираётган оломон унинг хотини устига ёпирилди...

Эшитишимча, ўша кундан бери раиснинг хотини тўшак тортиб ётиб колганмиш. Раис ҳам у атрофлардан кетибди. Таажжубли жойи шундаки, у хизмат пиллапоясида юкорилабди.

Чекка бир районда совхоз директори бўлиб ишлаётганмиш...

1984 йил 24 июль

КИРГОК

Дарё янглиг олдга чопаман

Ёйиб ташлаб кирк кокилимни.

Ёник-ёник суюб ўпаман

Сохилимни, сен — сохилимни.

Каётимга кайси бир дамда

Киргок бўлиб келдинг, чамамда.

Мен-ку сенга берганман изн,

Икки ёним киргок — махкам, банд.

Мен окмайман киргокни бузиб,

Асов шиддат бермас сенга панд.

Сен ҳам озод шиддат бер сувга,

Шубха билан олмай сикувга.

Киргок сирдош, киргок — суянч тоғ,

Дарё окар унга бош уриб.

Бир кун сочинг окарар оппок

Шул дарёни кўриклаб юриб.

Окар чоғ ҳам мангулик ёкка,

Лаб босгум сен — метин киргокка.

1984 йил

* * *

Бир вақтлар кетардик баҳорлар томон,

На баҳор, гуркираб викорлар томон.

Энди темир бўлгин, энди мунгайма,

Энди йўлларимиз кор, корлар томон.

Баҳорлар кўрсатдик шавк, мастлик кучин

Викоримиз тогдан тикрок келди чин.

Энди йўлларимиз кор томон экан,
Кўлингни бер, тойиб кетмаслик учун.

Фикр этсам, кўрмаган, кўрган эканман,
Умр ўтса-да йўлу уй тиклайман деб.
Сездим, хаётингта кирган эканман,
Сени корли кунда кўлтиклайман деб.
1984 йил 8 февраль

* * *

Билмам, адашдимми ё тўғри килдим,
Бағрингта япроқдай тўкилдим.
Аслида бу байтни мен ёзганим йўк,
Менинг умрим — мўлжал сари кетган ўк.

Вақтида келдим ё бевакт, анча кеч,
Афсус айтганимни эшитмадим ҳеч.
Бўлмасни бўлдиргум деб киламан касд,
Мен яшаш сурурин шундай деб билдим.

Аросат, бу сатр меники эмас:
«Билмам, адашдимми ё тўғри килдим».
Камон эгилди-ю отди — учяпман,
Йўк, иккиланиш ё бир сўз айтиш йўк.

Майли, шароб ёки зардоб ичяпман,
Мен отилган ўкман, ўкка — кайтиш йўк.
1984 йил 12 май

СУРУР КЎНГИРОГИ

(Халима Носированинг 70 йиллиги муносабати билан)

Аввал мен ўзим суйиб кўзимнинг каросидай,
Арзир сўнгра бу залга, десам «оёкка калкинг».
Хумо кушдай чарх уриб курашлар орасида
То абад кўли баланд, кўкраги баланд халкнинг
Гурурининг боиси — шан ўти бори келди,
Ўзбекистон санъатин бир байроқдори келди!

Азал тоза инжулар тўрт тарафга сочилган,

Андижонга тушгани балки Сизга теккандир.
Шундан кўксингизда эрк, кураш гули очилган,
Шундан юрак тикланиш азобларин чеккандир.
Сиз майдонга чиккансиз кувонч — догингиз билан,
Бўгзингизда яшинин, кўнгирогингиз билан.

Ёраб, кўнгирокларни кўп оддилар нишонга,
Гойиб бўлди майдондан ким севса ўз жонини.
Сиз ўз кўзингиз билан кўриб тўлдингиз конга
Турсунойнинг мукаддас «эрк» деб тўккан конини.
Айтинг, қандай куч Сизнинг қаддингизни эгмади,
Кўксингизни кўзлаган ўк неча бор тегмади?

Нурхон, Турсуной тушди кетма-кет тузок-тузга,
Ким айтди учинчи кун Сизнинг ўлмасингизни.
Ўн беш-ўн олти ёшда ким шивирлади Сизга
Осонликча бу йўлда қурбон бўлмасингизни.
«Олга» деган сўз ҳар бир хужайрангизга сингиб,
Кетиб бораётибсиз бу йўлда ҳамон енгиб.

Шундай байроқларимиз гох қонларга ботибди,
Аммо қуламагани олдга нигоҳ тикканлар.
Бу кеч кўзим олдидан бир-бир ўтаётибди,
Бу сахнага ўртада ЖОНни қўйиб чикканлар.
Бу сахна абад Сизнинг, бу шон абад Сизнингдир,
Халқ ишқидан қуйилган нишон абад Сизнингдир.

Муқаррама, Тамара, Лутфихон, қай чоғлари
Сорахоним келадир Сиз билан пичирлашиб.
Хассос она халқимнинг сурур кўнгироклари,
Бул табарруқ сахнадан янграгансиз бирлашиб.
Бул кўнгироклар ҳали уйғотар кўп юракни,
Кўнгилларда қакнаиб орому гулдиракни.

«Шогирдларим кўп», дейсиз гўдақдай қувонч билан,
Бари ўт, аммо Сиздек ўт бори учрамағай.
Баланд, гарчанд шогирдлар парвози бугун баланд,
Аммо халқ Халимасин такрори учрамағай.
Дўстлар, оёққа қалқинг шу ўт борлиги учун —
Ўзбек халқини санъатин байроқдорлиги учун.
1984 йил 8 феврал

УСМОН НОСИРГА

(Шоирнинг юбилей кечасида ўқилган)

Мен ўйловдим етмиш ёшда куйиласиз,
Етмиш йилнинг етмиш ўйи ахир бошда.
Сиз-чи бу кеч ўша Усмон туюласиз,
Йигирма беш, ё йигирма олти ёшда.

Аклан айтса Сизни бобо демак керак,
Аммо бобо сўзи эриш туюлмасми?
Усмон Носир деганингда ўйнаб юрак,
Унга ишкий шалолалар куйилмасми?

Усмон Носир деганингда гуллар сўраб,
Ишк келмасми, кимтиб хассос лабларини.
У айтмасми кўзи билан чирмаб, ўраб,
Бир ишкибоз йигитнинг шўх гапларини.

Усмон Носир деганингда шарт кесилган —
Бошдай куёш «ерга кулаб» кетмайдими
Ва бир юрак, хар бурчини туйгу тилган —
Конлар сиркиб кўз олдингдан ўтмайдими?

То тириксан, дилим, боглан шул юракка,
Фидоликда топилмагай унга тараф —
Усмон, шараф Сендек оний гулдиракка,
Она халким, Усмон учун Сенга шараф!

«Олти-етти йил ёзди» деб кўрсатмишлар,
Кай буюк куч бул юракдан олганди жой.
Биз-чи етти йилни баъзан кўнгил хушлаб,
Етти дона шеър ёзмасдан берурмиз бой.

«Олти-етти йил ёзди» деб этурлар кайд,
Етмиш йиллик меҳнат-ку бу, аклу хуш лол.
Сезганмикан тун сафосин, окшомги пайт,
Сезганмикин, тонг, кай ёндан эсар шамол.

Ўйк, сезмаган, сезганида муқим туриб,
Ўлимларни хар лахзада ўлдирмасди.
Бешафкат ўз юрагига ханжар уриб,
Соб бўлгунча хар лахзада тилдирмасди.

Ўйк, сезмаган, сезмаганлар бўлсин омон —
Бу телбалик, телбаларча суйиб ўтмок.
Бу етуклик, унга бўлсин то абад шон,
Бу етуклик — сўнг он кадар куйиб ўтмок!

Куйиб, суйиб елда ўйнаб тимкора соч,

Бу кеч чакнаб ўлганидан тониб келди.
Она халким, ичиккансан, багрингни оч,
Усмон деган ўтинг кайта ёниб келди!

Мен ўйловдим етмиш ёшда куйиласиз...
1984 йил 14 март

ОКАР ДАРЁ

Гафур Гулом хотирасига

Шахрим, Сендан бир дарё оккан эди арслонвор,
Билмам, қачон шиддатдан, шижоатдан толди ул.
Шахрим, бу кеч мен Сендан сўрайдиган сўзим бор,
Айт, қачон, қай бурчингда мангу ухлаб қолди ул.

Балки ухлагани йўқ, ёдлаётир «Ёдгор»ин,
«Ўгригина бола»си балки шу том устида.
«Киз қиликли бўлар» деб тўкиб ишкининг борин,
Балки ҳамон калами авжи илхом устида.

Навбахор, атир бўйлар урилмоқда димокка,
Ё қай чаманда нixon, шеър ёзар ими-жими...
Ё кўшни киз богидан ўрик ўғирламоқка
Ҳамид Олимжон билан девор ошиб кетдими?

Балки, балки минбарда фашистга ўлим тилаб
Гулдираган шеърлари қайта ўқилаётир.
«Сен етим эмассан» деб ўзгалар бошин силаб,
Ўз Жўрасин гамидан тутдай тўқилаётир.

Кандок фиғон тортмади, лаб босиб туриб чўкка,
Кандок тиклолди етти ердан синган жонини.
Ким етти буқилмайди ногох учирса ўкка
«Бўйлариға гул ўлчаб ўстирган» ўғлонини.

Балки қарвон йўлида «етим бўта»дек бўзлаб,
Меросий согинч — сўзга сўзни улаётибди.
Информбюромизнинг башоратидан сўзлаб,
Балки голиб, ялангтўш «Шарқдан келаётибди».

Балки мендан сўнг ҳам Сен болаларга бўл деб бош,
Учирма қушларимни етказгил деб вояга,
Илк қўклам чечагини, кипригида қалқиб ёш
Қўшқўллаб узатмоқда Мухаррамхон аяга.

Балки «червонец» олиб белидаги чорсидан
«Киз юракнинг кони» деб кўйиб ишку биносин,
Бугун катта тўй, тонг-ла келтиргандир Чорсудан
Суюк Олмос опанинг кўлидаги хиносин.

Гарчанд бу кеч согинчдан кўзимизга дунё тор,
Гарчанд бу кеч согинчдан бўғзимизда шўру талх.
Айтинг, шундай отани кайси фарзанд унутар,
Шундай содик ўғлондан кўнглин узар кайси халк?!

Ўзбекни ўз-ўзига бек деган Гафур Гулом,
Шеърлар хар хонадонга окар экан тонг билан,
Халким, бу кеч мен Сени кутлайин айтиб калом,
Гафурдай мангу окар, арслонвор дарёнг билан.
1985 йил 15 май

БИР ЗИНАДАЙ КОЛУРМАН

Мен кетаман, мен кетаман
Кай бир кеч ё эртада.
Менинг куйим бўлар тамом,
Кимдир тушар ўртага.
Шул, ўртага тушувчига
Калам тутиб ўргатай,
Гох ошкор-у гох ичимга
Дардим ютиб ўргатай.
Ўргатайин, мушкул хаёт
Кўймасин деб тиндириб,
Четга тортиб кай жохил зот
Бир чўпдайин синдириб.
Ўзига йўл очиб олиб
Тўпга ўзин урмасин.
Тўпга зўрлар кирсин голиб,
Зўравонлар кирмасин.
Шу ўй билан шул гўдакни
Ўз елкамда опичиб,
Ўрталikka кираяпман
Шон кечиb, гох кон кечиb.
Етгунимча умр кетади,
Сочим бўялар окка,
Аммо... гўдак эр етади,
Гўдак турар оёкка.
Урталикда... шод бўларман
Бонг урса ул ёвкур, мард.
Балки шул кун... мен ўларман

Кетиб армон, кетиб дард.
Ва... жон бериб кўлида мен
Тупрокдан жой олурман.
Ул юксалар, йўлида мен
Бир зинадай колурман.
1984 йил 7 октябрь

ДАРАХТ ЎЗ ЖОЙИДА

Дарахтлар доим ўз жойида муқим,
Ўйламай бир кадам ташламас хато.
Дарахтлар кўтарар доим ўз юкин,
Бир мевасин ортмас бировга хатто.

Яхшиям, дарахтга битмаган оёк,
Тил йўк, миннат килмас, саклайди тўзим
Воҳ, бу дарахтлар-ку тушунар, бироқ,
Гоҳ бу одамларга ўтмайди сўзим.

Ёраб, дарахтга ҳам оёк битса шан,
Нахот инсон кайтган жойдан кайтадир,
Кайда Она қолиб, кайдадир фарзанд,
Ўзи ўйнаб юрар кайдадир?!
1984 йил 3 май

ЎРТАЛИК

Хўп юксалмок — кетмоклик тубан,
Хўп юксалмок — ерга кирмокдир.
Омад канча сийламасин шан —
Такдиримиз ерда юрмокдир.

Кўкрагимиз хоҳ ер, хоҳи тоғ,
Узилмаган ердан пойимиз.
Ер каттигу осмон кўп йирок,
Ўрталиқдир бизнинг жойимиз.

Мунгаймагин, гап даромади,
Шўрлик, ерга кетмассан кириб.
Хаволанма, сен ҳам омадли,
Кўкка бошинг олмассан уриб.
1984 йил 3 май

* * *

Минги келса кошик кўтариб,
Битта-битта олганида хам,
Таги кўринади козоннинг.
Еб битиришмадими Сизни,
Бугун элга урф бўлган шоир,
Синчков каранг бисотингизга —
Колган бўлса бирор бутун шеър.
Бу минг олгир каттик ишлади,
Ўзлаштирмок, хазм килмок фасли.
...Бу шеърни хам бир чети кемтик,
Кошик теккан унга хам асли.

1984 йил 11 ноябрь

186

* * *

Хаётнинг кўзидан ўпиб, суюниб,
Уни «Ў, хаёт!» деб ёзганлар ўтди.
Илк тун, у келиндай оппок кийиниб
Кирганда, багрига босганлар ўтди.
Шундайлар ўтдики... ўтиши енгди,
Ўтгандай бог томон, ўтлокка томон.
Шундайлар ўтдики... колганлар энди
Мардрок бўлиб қарар... ўтмокка томон.
1984 йил 11 ноябрь

ИЛК ХАТО

Кимдандир айб ўтди, хато сўз айтди,
Айтишдик, сўнг хато кетди калашиб.
Биз йўлнинг ярмида айрилдик, қайтдик,
Қайтдик йўк нарсалар учун талашиб.

Кимдир хато килди, эрми ё хотин —
Сўнг кўшилаверди хатолар қўш-қўш.
Сўнг хувиллаб колди хонадон бир тун —
Икки юрак колди хувиллаб, бўм-бўш.

Кимдир хато килди, сўнг бошланди жанг.
Кейин ўликлардан кўтарилди тоғ.
Жахон урушин хам аслин сўрасанг,
Кимдир ўйламасдан йўл қўйган хато.

Мухими илк хато, кейин касдма-касд,
Кураш мушкул уст-уст уруш корини,

Йигирма миллион шахид, хамма хам билмас
Урушнинг дастлабки сабабкорини.

Илк хато, сўнг келар хижрон, ўлим тиг,
Бевакт бебахт колар не бегунох жон.
Балки бу дунёда улугдан-улуг
Ўзин илк хатодан тиёлган инсон.
1985 йил 24 ноябрь

ИЛИНЖ
(баллада)

Фарзандларингни кабринг
устида йиглашлари учун
уларни тириклигингда йиглатма.
Пифагор.

I

Жанг бошланар, каттол жанг,
Отланар ёшу кари.
Эри-чи, аланг-жаланг,
Билмасди не киларин.
Кўп тансик хаёт нури
Чалгитдими гумрохни.
Дер, йўк, елкам чуқури —
Кўрсин дўзах, жанггохни.
Хар холда ўлмас, дардга,
Огрикка килар токат.
Кетганлар кетди, ортга
Кайтмокда-ку корахат.
Жон ширин кўринди, хун,
Кўркувга, ўйга ботди.
Бош бармогини бир тун
Ўз кўли билан отди...

II

Тонгда кетдилар олиб
Итдан баттар этиб хор.
Уч гўдак билан қолиб
Аёл тебратар рўзгор.
Тириклик тошдан каттик,
Нон қаёқда, ковурмоч.
У хам мўл бўлса кошки,

Ярим тўкин, ярим оч —
Уруш. Кишлокда бор иш
Бўлинган аёлларга.
Ток бўғзини юмшатиш
Белда мадори борга.
— Бакувватрок бир сенсан,
Кетмонингни ол, Гулнор,
Иш унумсиз. Ахвол танг,
Бокка тезрок етиб бор. —
Шундай дер бригадир
Такиллатиб эшикни.
— Жон болам, иргаб ўтир!
Чакалогу бешикни.
Каттарогига бериб,
Гулнор шошади ишга,
Бакувват бўлмок керак
Ток бўғзини очишга.

III

Ичи бўш коп тик турмас,
Шижоат кани тонгги,
Кун чошгохга бормасдан
Бўздай оқарар ранги.
Ич-ичи силинади
Кўтаролмай кетмонни.
Овсинлар илинади
Битта зогора нонни.
Нон четидан бир тўграм
Зўрга ушатиб ейди.
Ноннинг колганин ўраб,
«Болаларимга», — дейди.
Зир какшайди токатлар,
Ярим очин, ярим тўк.
Камокдан келар хатлар
Эрнинг ўзидан совук:
«Кишдан бир амаллаб чик,
Бок кўшнилари молини.
Билгин, кўшни кишлоклик
Гулсуннинг ахволини.
Хамон хар тонг, кечада
Кийинарми хил-хиллаб,
Хамон бизнинг кўчадан
Ўтадирми килпиллаб?
Лаванг эри тирикми,
Кора-пора хат йўкми?

Фашист аяпти чоги
Унга аталган ўкни.
Эрин айтганди бир пайт:
«Эр эмас, бу латта, деб
Менинг холим сўрса, айт,
Гижинглаган отдай деб».
...Ёраб, келмасидан куз,
Келди сўлмок, саргаймок,
Сомон бўлди анор юз,
Сог юракка тўлди дог.
Рух синганида, бешак,
Вужуд хам синар охир.
Бунча тортмаса тўшак,
Комат бунчалар огир.
Шуми ишк садокати?!
Ранги заъфар, зард бўлди.
Номард эрнинг хар хати
Уни йиккан дард бўлди.
Кўкракка санчилиб тиг
Азоб, армон аралаш,
Бир тун йўталиб каттик
Тупурди кон аралаш...

IV

Жангдан Гулсуннинг эри
Кайтди бироёк бўлиб,
Кайтиб куриди шўри
Хотини саёк бўлиб.
Элда кўтаролмай бош
Йигит ёшда синди тор.
Йикилганга отиб тош
Нопок аёл шармисор.
Кўли етса чанг солиб,
Мингни кўрган бу хотин,
Кўлтиктаёгин олиб
Эрин урган бу хотин —
Кимга вафо килар деб,
Эл йиглади, эл кулди.
Талок хатини бериб
Мардон чўлок кутулди.

V

Гулнор, менинг Гулнорим,
Гуллар чоғ сўлганигни,

Кўша гўдакларингни
Кўз ёшини кайтаман.
Хиёнатнинг ўкидан
Бемаврид ўлганингни
Норасидаларингга
Кай тил билан айтаман?
Сўнгги кунлар Сен кўшни
Келинчакни чакириб,
Дебсан: — Эшитинг, тез кун
Паймонам ҳам тўлади.
Хушёр бўлинг, жон ўрток,
Опам колмасин кириб,
Бу гамларим эшитса
Мендан олдин ўлади.
Эрим шундай, хар хатда
Сўроклайди Гулсунни.
Мен-чи, о, мен умрининг
Кай лаззатин тотибман.
Опам шўрлик боисин
Билмас бул кора куннинг.
Мана, уч ой... бетиним
Кон тупуриб ётибман.
Кеча Хожарникида
Гулсун меҳмон бўлган чоғ,
Дебди «Уч-тўрт кун колди...
Бу уйга мен эгаман
Эрига-ку, бошидан
Ташлаб кўйганман тузук,
Камокдан чиқар эмиш,
Келган куни тегаман».
Ёраб, пишактиловлар
Етар муродларига,
Уч гўдагим колдириб
Кетиб бораётибман.
Йўк, фалак ҳам етмади
Кўнглимнинг додларига,
Кўзим очик, дунёдан
Ўтиб бораётибман.
...Шу чоғ опанг кирибди
Кўзларида ёш билан:
— Нафасинг елга кетсин,
Куз дориган баҳорим,
Мени кимга ташлайсан,
Учта жужук бош билан.
Ўрнингга мен кетайин,
Опанг ўлсин, Гулнорим.

Шу чоғ кайдан олдинг Сен,
Бул кадар донишмандлик,
Шу чоғ кайдан олдинг Сен,
Бул кадар осойишни.
Дебсан: менда узилар
Бул хаёт билан бандлик,
Жоним опам, кўй энди,
Гулнорингни койишни.
Ўстирсанг, кизим Сенга
Мендек бўлади сингил,
Ўгилларим — суянчинг,
Хар учови сенгадир.
Энди белингни махкам
Богла, бузмагил кўнгил,
Сенга бало эврилса
Шул учови енгадир.
Норасидаларимни
Факат сенга инондим,
Учовини улгайтсанг
«Ёлғизман» деб ҳеч қуйма.
Ўдақларим хўрланса
Ўрда ўт бўлиб ёнгум,
Жон опажон, гўримда
Мени кўзгатиб қўйма!
Ўтинаман, уларнинг
Кўзига ёш қўндирма.
Мен кетгач, сен айт, улар
Сени Она десинлар.
Энди хўшлашай, мард бўл.
Ўдақдай йиглаб турмай
Якин кариндошларга,
Хабар юбор, келсинлар.

VI

Акли шунчалар тиник,
Шунчалар тинч асаби.
Гулнор кетди дунёдан
Меҳмонга кетган каби.
Опа йиглар: «Кулф урган,
Тили болим кетди, деб,
Сочи ерни супурган
Мажнунтолим кетди», деб.
— Ёху, «Она» дейди-ю,
Кизинг кўнгли тўлмайди.
Ўглинг «Она» деганда

Опанг кандок ўлмайди?!
Кипригимнинг устида
Ўдакларинг кўтарай.
Сен тирилиб кел, гулим,
Майсадай мен кўкарай!

VII

Уч кун ўтиб эр келди
«Яллама ёрим»ни айтиб.
«Кўнглимга гам сигмас» деб
Важ килди толганини.
Чошгохгача хам турмай
Шахарга кетди кайтиб,
Етказдилар Гулсунга
Ўйланиб олганини.

VIII

Кейин...
Кейин, ёраб, нохаклик
Билмайдирми чегара.
Хали эскирмай туриб
Хижрон, азаю азоб,
Улар бошлашиб келди:
«Биз шу уйда турамиз».
Болаларни колдириб
Сен ўзингга бир жой топ.
— Шунга ўйландингизми,
Куёв, шуни кўйинг Сиз —
Гулнор хали ўлмасди,
Шу ўлдирди илон, ёв.
Рўмолимгача сотиб
Ўтказайин тўйингиз.
Бошка аёл топайлик,
Шуни кўйинг, жон куёв.
— Нима дединг, Сен бадбахт!
Эр келаркан хезланиб
Кўни-кўшни йигилди,
Деб «Сен иблис кавмидан —
Бадбахтликни бу уйга
Сен опкелдинг хамма вақт!»
Ва иккисин кетма-кет
Хайдадилар ховлидан.

IX

...Мана, шундан кирк йиллар
Ўтаётган пайтдир бу,
Бугун эр айрилгандир
Кўзларининг нуридан,
Карз ҳеч кимда қолмайди
Дунё қайтма-қайтдир бу,
Бугун ота хор қайтар
Хар фарзанд ҳузуридан.
Соясидан баҳр олар
Хеш-акрабо кўкариб,
Хар фарзандки юксалган
Гуркираб худди чинор,
Холаларин юрарлар
Нак кўлларда кўтариб
Ва лекин хар бирида
Унут бўлмас касос бор.
Ҳеч ким унутилмайди,
Улар жазо олсинлар.
Бу кирк йил-ку, минг йиллик
Котиллар ҳам топилсин —
Улар арвоҳдай изғиб
Кўча-кўйда қолсинлар.
Меҳр тилаб борганда
Бор эшиқлар ёпилсин.
Азал-абад аждоди,
Авлодидан кетсин шон,
Тавки лаънат тожини
Кийишиб бошларига,
Қанча тирик юрсалар,
Шунча бўлсинлар нишон
Қабоҳат тошларига,
Маломат тошларига!
Қадамидан ўт, қуюқ
Иси димокка урсин.
Ўз ўлимин тиласин
Ерда ортик юрмай деб,
Шафқат тангриси ундан
Юзин кескин ўгирсин.
Ҳукм қилсин: «Йўкотинг,
Қаро йўл»ни кўрмай деб.
Ўлим ҳам жиркангандай
Аро йўлда ўлса дол,
Тўймас кўзин тупроқ ҳам
Қазар қилиб ёпажак.
Қўчасидан ўтаркан,
Ўйлаб кетар тенгқур қол.

Шундок яшаб ўтганлар,
Шундок ўлим топажак!
Тагин ўйимга Гулнор
Келади хоргин, озиб,
Зогорадан бир тишлам
Зўрга ушатиб ейди.
Колганини рўмолга
Ўраб, багрига босиб,
«Емайман, йўк, буёги
Гўдакларимга», дейди.
1983 йил 24 июль

СОЧИНГИЗНИНГ ЎРМОНЛАРИДА

Ошкор, пинхон бор йўлим билан
Кўнгил уйингизга кирдим мен,
Силаб-силаб ўз кўлим билан
Сочингизни оқартирдим мен —

Порлайсиз бу оклар ярашиб
Бахт онида, ишк онларида.
Мен яшайман тунлар адашиб
Сочингизнинг ўрмонларида.
1983 йил 23 октябрь

МОСЛАШУВЧАН ОДАМГА

Бир вақтлари чарсу чапани,
Ўз сўзидан кайтмас эдинг сен:
Капа дердинг турган капани,
Бошқачарок айтмас эдинг сен.

Кирраларинг ўткир туюлиб
Ургандилар, котирдилар бош,
Кирраларинг бир-бир ейилиб,
Бўлдинг силлик, юм-юмалок тош.

Энди уни айтмоқлик учун
Ном кидириб гох очасан фол.
То ўзгариб кетмасин мазмун,
Капага ҳам келмасин малол.

Энди йўлинг топиб олдинг чин
Катнаб чўпу чўпчакларига,

Энди яшайверишинг мумкин
Кириб хатто чўнтакларига.
1983 йил 23 октябрь

БУ ЎТ...

Кайда дард эли бўлса мубтало
Увайсийман.

Ким билар бу хаётда кай такдир аъло бўлгай,
Шоирга ўз юраги бир умр бало бўлгай,
Кайда дард эли бўлса шоир мубтало бўлгай,
Менам билмам, дунёга гамми, нурман, моможон,
Мубталолик дардига меросхўрман, моможон.

Гарчанд зикр этганлари булбул бўлган, гул бўлган,
Гарчанд хар ашъорига минглаб юрак кул бўлган,
Бедилни билардингиз, дили ёниб кул бўлган,
Нечук сизам шу ўтга кўп шошдингиз, моможон,
Кўра-била ўт билан ўйнашдингиз, моможон.

Хазрати Навоий-ку назм бобида шох ўтди,
Мангу такрор ўлмагай энди бу янгроқ, ўтди.
Аммо кўнгил уйида ёкмасдан чирок, ўтди,
Аммо бу сохир кўнгил доғ отди-ку, моможон,
Ёраб, шох йигит умри тоқ ўтди-ку, моможон.

Нодираи даврон-ку сурардилар давронни,
Шеър ила куйлатарди халкию Умархонни.
Нечун кун келиб у ҳам жаллодга берди жонни,
Хатто Мохларойимдай ойим бебахт, моможон,
Айтинг, кимга бахт берган бу шеърый тахт, моможон.

Йўк-йўк, гарчанд то абад дилга оғрик хамрохдир,
Шеър ўзи энг буюқ бахт, бунга тарих гувоҳдир,
Шеър нурин пайкамаган кай калб борки, гумрохдир,
Бахт ё бир эътикодда маҳкамликми, моможон,
Бир дардиманд юракка малҳамликми, моможон.

Пушкин шеърда озодлик каъбаларин тиклади,
Сўнг он кадар хор-зорни суяди, кўлтиклади.
Собит туриб бешафкат ўз ўт кўксин тиглади.
Аввал-охир шоирни ўтда кўрдим, моможон,
Азал шоир дардини катта кўрдим, моможон.

Бу ўт менга ҳам сачраб хар хуш дамни ёндирди,
На хар хуш дам, хар битта хужайрамни ёндирди.
Хак, шеър колди, колган бор ортик-камни ёндирди,
Кўлланг, менам шу ўтни жонда туяй, моможон,
Кўлланг, то рўзи махшар унда куяй, моможон.
1984 йил 7 январь

ИНТИКОМ

Бир томондан ловуллаб бир киз ташлар кўз кирин,
Бир томондан шўх йигит меҳр талаб, ишк талаб.
Тиллашдилар, жуда тез тушундилар бир-бирин,
Тушунарли тил бўлган хамиша ҳам ишк тили.

Кейин беҳишт боғлари ерга кўчди, кўкарди,
Одам хушбахт кўш бўлар ишк болини тотган кун.
Кейин куёв келинни бошларида кўтарди,
Сигмадилар дунёга, гўдак, сени топган кун.

Шундай, аввал кўп ташна, ишкни суйиб ичдилар,
Аммо... ўртада совук шамол эсиб ўтган дам,
Бир-биридан илдамрок, бир-биридан кечдилар,
Нафрат тили хамиша — ханжар, кесиб ўтган дам.
Бир-биридан учкуррок икки ёнга учдилар.

Улар-ку иш килдилар ё билмайин, ё касддан,
Ўз -ўзларин ўйлашиб, ўлда-жўлда Сен колдинг.
Улар икки томонга кетдилар тўхтамасдан,
Тўхтаб, кўлларинг чўзик, аро йўлда Сен колдинг.

Кутлуг КУВОНЧ эдинг сен, ох бошингга етдилар,
Кушим, бу не махзунлик, кексайиб улгурибсан.
Ош-нонга зор бўлмаган замонда зор этдилар,
Меҳр тилаб турибсан, шафкат тилаб турибсан.

Улар бири бирига беролмай колсалар дош,
Ажралса бир-биридан иккиланмай, кўнгил тўк,
Нечун Сенинг кўзингда калкимоги керак ёш,
Сенга тегмоги керак, нечун улар отган ўк?

Уруш йиллардагидай етим колдинг тонгларда,
Гўдак, энди кўзингни согинч, армон тўлдиргай.
Битта фарки — урушда ота ўлган жангларда,
Битта фарки — онани азоб, хижрон ўлдирган.

Сенинг отанг-онанг-чи, юрарлар гашт суришиб,
Бўм-бўш уйдаи кўксини кундан-кунга тутиб тик.
Бахт барбоду отангнинг иши кетган юришиб,
Бахт барбоду онангнинг гул-гул ёнгани кизик.

Нега дунё кораймас бу хаксизлик чангидан,
Нега хамон дард тугар бу омонат ишку шон.
Улар фарзанд топарлар янги бахтдан, янгидан
Янги ота-онани Сен топмайсан, болажон.

Хали гўдак кўксингни не туйгулар доглайдир,
Хотиранг осмонида улар юргайлар сузиб.
Ўйланасан, ўй Сени улар билан боглайдир,
Ўй, улардан ўзингни олгин ажратиб, узиб.

Сен уларга фарзандмас, хеч ушалмас армонсан,
Икки кўнгил тубида битмас яра, ўчмас чўг.
Сен уларга ўкилган умрлик айб, фармонсан,
Кетказиб бўлмас догсан манглайларига ёзуг.

Мен кўркаман бу догни ювмок учун етмас сув,
Кор ёккач из, интиком доим кетмас босилиб.
Сенинг иккита кўлинг дор аркони бўлар-у
Отанг-онанг бир тонгда унда колгаи осилиб!

Улар ўзи гишт куйди шу ёзукка, асосга
Гарчанд хамон яшайсан ишк, шафкатга оч, илхак.
Энди кутлуг КУВОНЧ — Сен айлангайсан КАСОСГА,
Хукм катъий, ал-касос-ул, ал-касос-ул мин-ал-хак!
1984 йил 7 январь

БИР КАДАМ (баллада)

Мен багрим ёкиб бўлдим, сел каби окиб бўлдим,
Неча бор кайта ўлдим бу холат тасвиридан.
Накд бер деб йигламаган, тахт бер деб йигламаган —
Бахт бергин деб йиглаган Бодомгул такдиридан.
Ўй олдида машина, юк ортишар кўшнилари,
«Бу киёмат койим» деб, гам тортишар кўшнилари.
Эри четда хангу манг, эри четда холи танг,
Балки ораларига тагин тушар кўшнилари.
Бодом хам бир чеккада яраланган куш янглиг.
Гох хушига келгандай гох маъюс, беҳуш янглиг
Кўш гўдаги пинжиги сукилади жовдираб,

Кечаги бахт, гўдаклик бўлди бугун туш янглиг.
 «Балки ораларига... тушмасин йўк, Бодомжон
 Сен кўксимда ишк эдинг, энди сен ўк, Бодомжон
 Ёмон санчдинг кўксима, энди бегинг ўлгандир,
 Мен учун ҳам уввос сол, ёшингни тўк, Бодомжон,
 Эртақ эдим мен Сенга, поймол бўлди эртаклик,
 Эркақ эдим мен Сенга, поймол бўлди эркаклик.
 Дерлар-ку ахир: «Гулни узсин кўша-кўшгани»,
 Хайхот, кандок кечирай узганини бошкани».
 Юрак-багри тўкилиб Бодом бетус йиглайди.
 Ул шўрликка тикилиб бор эл-улус йиглайди.
 Хасан-Хусан зорлайди, отасини чорлайди,
 Ота боролмас, сим-сим атрофда куз йиглайди.
 Юклар тайёр. Йўл олди Бодом каддин тутди гоз:
 «Тузингизни кўп ичдим, хизматларим бўлди оз,
 Рози бўлинг, бегим», деб бир-бир хайру хўш килар.
 «Бу кай кун», — деб ёкасин ушлар кўни-кўшнилар.
 Катта-кичик тикилиб колган кирда-киёда,
 Кўш гўдаги кўлида, Бодом олдда, пиёда.
 Оркада юк машина, бу йўл шундай бошланди.
 Караб туриб кексаю ёшнинг кўзи ёшланди...

*

Канча ўтди, билмайди, эр келганда ўзига,
 Битта-яримта юлдуз чикиб кўкнинг юзига,
 Шом коронгуси ўтиб куюк тун тушар эди;
 Унинг бўм-бўш калбига ўчми — хун тушар эди.
 Чап кўкраги санчиди, Хасан-Хусан жойими,
 Сувда ой чил-чил синди, унинг кўнгил ойими?!
 Кейин кечаги тунни эслаб кетди ховликиб...
 Ярим тунда кайтарди у шахардан толикиб,
 Уйга якин келганда эшитилди кичкирик —
 Ланг очик деразадан уйга ўзин отди тик, —
 Хайхот, колхоз раиси, кўп ардокли дўст уйда!
 Хотинига канадек чиппа ёпишган кўйда,
 Кучогидан чикармас, ўпарди сўриб-сўриб,
 Хотини жонхолатда юлкиниб, ўзин уриб,
 Жилолмас, уй ичига сочилган бир даста пул,
 Ўзи ҳам сезмай киндан пичокни сугурди ул!
 Мана сенга раиснинг муруввати, боякиш,
 Тугишгандай, ўртоқдай куйиб-кўллаганлари.
 Кўнглинг овлабу авраб топиб бирор зарур иш,
 Икки куннинг бирида шахар йўллаганлари, —
 Хайхот, менинг кўнглимга гоят якин эди у,
 Шул якинликдан туриб, юрагимни еди у!

Унга ҳам омонлик йўк! Пичок айтди сўнг сўзни,
«Ёдинг» ушбу сўз билан раис ҳам юмди кўзни.

*

Ёлғиз қари онаси кўз ёш қилди қуюниб,
Шўрлик Бодом ҳам олди беваликни қийиниб.
Кўш гўдагим етим, деб етти букилар эди, —
Ич-ичидан кун-бакун тутдай тўкилар эди.
«Раис боскинчи бўлса, менинг айбим нимадир,
Нахот севги оқибат тошга тегар кемадир.
Бегим учун туманли ишонч бўлдим оқибат,
Тухмат балоларига нишон бўлдим оқибат.
Фариштам — дерди, мана, фаришта ҳам хор, она.
Кўш олчадай яшаймиз дегани бекор, она».
Хасан-Хусан кўзига жовдирамоқдан толди,
Гулдайгина келинчақ силга чалиниб қолди.

*

...Сўнг ҳам узок ётмади, бир чошгоҳда рўйи рост,
Муштипар онасидан шундок қилди илтимос:
— Она, кўп бўлгучийди Сизнинг газал, байтингиз —
Гўдак чоғимдагидай бугун алла айтингиз.
Факат газалингизда бўлмаса алам-ангиз,
Кейин... менинг юзимга доқа ёпиб қўйсангиз...
Факат узок айтасиз, бир эшитай мириқиб.
Кекса онанинг ранги бу гаплардан синикиб,
Хаёт бебахт кизидай мотамсаро туюлди,
Алла айтди, жоладай кўз ёшлари қуйилди,
Ўттиз яшар гўдаги қанча истаса айтар,
Унинг маънос алласи найдай инграган пайтлар
Она юраги билан сезди, кизи силқинди,
Ё ух тортди, ҳар қалай, бир зум нафаси тинди.
Ул доқани тортганда бир титрок сезиб тизда,
Кизи тинчиб қолганди, ўтин бўлиб ўттизда.
Ёраб, гуллаб-гулламай нурагани кўрдим мен,
Ўлим олди «алла»ни сўрагани кўрдим мен!

*

Битта қадам, не учун шошиламиз қўймоққа,
Битта қадам ва лекин бўлади-ку тийилсак.
Факат биз бировларни ўрганолсак суймоққа,
Факат биз бировларга бировгина қийилсак,
Гоҳ қаноатда собит, даҳо бўлади инсон,

Ўз нафсин йўлида гоҳ юхо бўлади инсон.
Одамзод-ку аслида бу дунёга мард келди,
Бир кадамдан гоҳо тиги паррон-дард келди!

*

...Кўш гўдакни етаклаб кампир кетиб боради —
Кулаган устунини зиёрат килмок учун —
Она бу хил ўйларни унга элтиб боради,
Болам, шундай гаплар, — деб унга эгилмок учун.
Хасан-Хусанлар бўлса тушунмас бу гапларга,
Хасан-Хусанлар бўлса гўдак дили конаган,
Качон она сут бермас бу аччик алафларга.
Качон бу хил котиллар тугилмайди онадан, —
Йигитмисан йигит эр бир ўкдан ўлди маънан,
Бодом гулидай Бодом бўлди шу ўк курбони.
Раис шу бир кадамда бу дунёи гулшандан
Олиб кетди ўзию ўзгаларнинг хам жонин.
Бодом, гарчанд, тухматнинг тошига бермадинг тоб,
Гарчанд нохакликлардан адо кетган бир жонсан.
Аммо ўшал кора кун эл кўзидан ўчди хоб,
Ўшал кундан дилларда учкунланган исёнсан.
Майли, гарчанд сендан бир маъюс овоза колди,
Аммо ишкни букмадинг, аммо ишк тоза колди.
Мен бугун хотирлайман сени оппок ўлим деб,
Ишк, номусга жон нисор шахид кизил гулим деб.
1983 йил 28 июнь

ХАЛКОНА ОХАНГЛАРДА

Йигласангиз йигланг хушёр, сергак учун,
Не бир яхши, ёмон кунда тиргак учун.
Опам, синглим, кўз ёш тўкманг сира-сира
Аёлга бахт беролмаган эркак учун.

Эркак ўзи кимлигини биламакан,
Бир сирли, тилсимлигини биламакан,
Ишк гавхарин аёлига асролмаса
Шўрпешона, шумлигини биламакан.

Йўлга чиксанг йўлинг берса, бойланмаса
Хаёлларинг тинийверса, лойланмаса.
Эркак эркакмидир аёл жилга бўлиб
Уни айланиб окмаса, айланмаса.

Дупур-дупур тулпор келар тоғлар билан,
Эркак келар дупурлаб ўнг-соғлар билан,
Аёл кўли ёлларини силамаса
Тулпор кетар кўкайида доғлар билан.

Тулпорларим, укам-акам, оталарим,
Минг-минг уйли халкка эхсон, атоларим,
Хали мунглог аёл кўнглин топмапсизми,
Босган изи хатоларим, хатоларим!

Бекор жангу хунлар учун аза очинг,
Ёлғиз ўтган тунлар учун аза очинг.
Хатто тоғнинг айиклари жуфт ахтарар,
Сиз сўккабош кунлар учун аза очинг!

Йўкса аввал Сизга карғиш тегар бир кун,
Ёв ёприлиб келиб Сизни эгар бир кун.
Хали мунглог аёл кўнглин топмапсизми,
Кўпаймаган эл камайиб тугар бир кун.

Эл колмайдир, факат бойлик, ерлар билан,
Одам топиб кўр-чи на сим, на зар билан,
Гумоним йўк, кай эл колса яшаб колар
Аёлини элим деган эрлар билан!
1984 йил 3 ноябрь

МАРХУМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Умидим шулмиди, Сизни кўрган чок
Пойингизда гулдай кўкарсам девдим.
Кунлар ботиб, тонглаз окарғунча ок
Сизни кўлларимда кўтарсам девдим.
Бўлмади, кўлларда кетдим кабрга
Сизга кўтартириб хижрон юкини.
Энди сабр берсин Сизга, сабрга
То ечгунингизча эрнинг кўкини.
Чунки ўшангача кетмасман бундан,
Унгача кўнмаса кўкрагимга доғ,
Айникса гапимиз ковушар тунда,
Бағримга кирасиз ловуллаб, кувнок...
Йўк-йўк, ёри жоним, колмассиз якка,
Мен олдингидан-да гамхўр бўламан.
Яшириниб олиб уйга, бурчакка,
Кирсангиз отилиб, кучиб оламан.
...Шундай, кетолмасман бесас, бенаво

Сиз нечун кўндингиз бу кўк тулликка?!
Кисмат Сизга уни кўрди-ю раво
Мени танладими крровулликка?
Кетолмасман. Ўлим бизга бўлмас гов!
...Кай бир тирик мени суриб келмаса!
Сизни кўлларида кўтариб биров
Кай бир тун ётоқка кириб келмаса...
Унда дунёнинг бор йўллари билан
Кочаман, ўликлар — ожиз, бу бор гап.
Сизни кўтарган шу кўлларим билан
Чувалган кафаним торткилаб, судраб...
Умидим шулмиди, Сизни кўрган чок...
1984 йил 3 ноябрь

БИР КАДАМ ОЛДИНГА

Юрагим беҳосдан кетди-ю порлаб
Ёлғиз кўтаролмай хаёлларимни,
Яшадим бир кадам олдинга чорлаб
Дунёнинг кимтинган аёлларини.

Бир кадам бўлса ҳам олдинга ташланг,
Карорми, тахминми, чама олдинга.
Кўйнинг терисини укалаб, ошлаб
Кунгайда ўтирган момо, олдинга.

Эркакнинг дилига йўл олган аёл,
Кўнгил эшигида туриб колма тик.
Бол эмассан, аммо бўла олгин бол,
Бир кадам олдинга ташла беҳадик.

Гарчанд бўлик ердай сахийдир танинг,
Доим ҳам сочингни силамас хаёт.
Ёраб, хоин чикди сенинг тукканинг,
Бир кадам ташла-да уни ўзинг от!

Коплаб келаверсин ерларни булут,
Етмас, туташолмас сенинг барингга.
Индира Гандидай бир кадамга ўт
Саккизта гул кадаб кўкракларингга.

Илохам, ёнаркан кўксингда ўч, кек,
Касос майдонига келаркан кириб,
Бир кадам олдинга ўт, Тўмарисдек
Ёв бошини конли хумга ботириб.

Такдирлари лавхин кон билан ёзса
Ёзган, хиёнатда кўнгил ёзмаган.
Бир кадам олдинга ўтганлар озса,
Аклдан озганлар, йўлдан озмаган!

Бугун ҳам бир кадам олдинда шу гап -
Саратон, кахратон ивиб кор, конда,
Ерни, гўдакларни ўкдан паналаб
Жасорат ўтирар Гренем-Коммонда!

Улар фидо, улар адо, эрка кул
Кучогингда шохдай шод ўсганларинг.
Хаёт, сени асраб колганлар ҳам шул, -
Бир кадам олдинда кон кусганларинг!

Бир кун буюк хайрат этар бизни лол,
Мурод манзилига етар жами халк.
Бир кадам олддаги касоскор аёл,
Ўз онаси билан кетар жами халк!

ЧАКИРИК

Бу уйда ёши саксонларга бориб колган ёлғиз кампир, Ленинград блокадасининг
катнашчиси яшайди.

«Менга ёрдам беринглар», тўшагига михланган
Кампир ёрдам сўрайди, ҳеч ким келмайди етиб.
Ҳеч ким овоз бермайди, нахот ҳамма ухлаган —
Кават-кават дераза, эшикларин беркитиб.

Каравотдан дераза, эшикка тортилган ип,
Аммо тортиб очмокка дармон кани кўлларда.
Чопкир оёқларини баднафс уруш кўйган еб,
Ленинград. Изгирин, блокада, йўлларда.

Аввал уруш, очлик, сўнг ёлғизлиги кўшилиб,
Мана, сўнгги йилларда тўшак билан бир бўлди.
Дард бошка, ажал бошка, кета олмайди ўлиб,
Гох ёрдам ўтинганда юрак-багри ер бўлди.

Кўшнилари сон-саноксиз, бир устин ўровчи йўк,
Унин эшитиб кирмай ўтиб юргани канча.
Билишарки ул ойдай ёлғиз, бир сўровчи йўк,
Шундан уйнинг бўшашин кутиб юргани канча.

«Ох-вох» килаверманг, деб гох ўтишар ҳам яниб,
Ёраб, кичкиригин ҳам айтмоги шарт шивирлаб.
Менга ёрдам беринглар, уларни олай таниб —
Одамми шу атрофда тинмаганлар гимирлаб.

Одамми шу интизор, илтижога кар бўлиб,
Хонасин ичдан кулфлаб, илмни куваётган.
Бир хаёли амалу бир хаёли зар бўлиб,
Терлаб, олим эрчасин кийимин юваётган.

Одамми эшигига копагон итлар қўйиб,
Мушугин косасин ҳам тилло килиб юрганлар.
Шул дераза тагидан кўру кар ўтиб, суйиб,
Ялашиб бир-бирини, ялло килиб юрганлар.

Хой, одамлар! Бул надир, анкиётган аччик дуд,
Ёрдам керак, кечикмай бир-бировга беринг ун.
То иймон, эътикодга тамом кетмасин ўт,
Блокада кунлари кайтиб келмасдан бурун!
1984 йил 28 октябрь

КИРЧИЛЛАМА КИРК ЙИГИТ

Бу жанг асли сув билан оловнинг жанги бўлди,
Эскирган жарохатлар кайталаб янги бўлди.
Тунлар бевакт саргайиб хижроннинг ранги бўлди,
Белларин кўтаролмай йўллар беланги бўлди,
Кирчиллама кирк йигит уйга кайтмаган кунлар.

Энди деганларида карчигай йигит бўлди,
Аста эгилиб кизни ё ўпмади ё ўпди.
Аммо учиб кетдилар лочини бўлиб кўпди,
Аммоюрт кон какшади, юртда киёмат кўпди,
Кирчиллама кирк йигит уйга кайтмаган кунлар.

Кайтмадилар ва лекин «номаълум» деб ёздилар,
Кайда нixon юрурлар шунча кишу ёз улар?
Оналари гох хушли, гох аклдан оздилар,
Кондошлар гох кўнглида гўрларин ҳам каздилар,
Кирчиллама кирк йигит уйга кайтмаган кунлар.

Юрагимда аччик ўт, на гинаю на зарда,
Ерга сигмай коламан факат баъзан кечларда.
Ленинградда ўлган балки, камал, ўчларда,
Балки Бухенвальддадир, одам ёкар печларда,

Кирчиллама кирк йигит уйга кайтмаган кунлар.

Кирк йигитни кирк асов той десам от бўлмади,
Кайтган турналар ичра кирк кўш канот бўлмади.
Улар киркта шон бўлди, бирор иснод бўлмади,
Кирчиллама бу хаёт аммо хаёт бўлмади,
Кирчиллама кирк йигит уйга кайтмаган кунлар.

Кирк йигитни дўл урган киркта бокка менгзадим,
Тўфон келиб ўчирган кирк чирокка менгзадим.
Юрагимда ўйилган киркта докка менгзадим,
Тикланар чок кулаган кирк байрокка менгзадим,
Кирчиллама кирк йигит уйга кайтмаган кунлар.

Йигирма миллион байрок гўрли-гўрсиз кўзголса,
Советган ўчоклар кўрли-кўрсиз кўзголса,
Мункайган келинчаклар эрли-эрсиз кўзголса,
Бугунги урушоклар, Сиз не дерсиз кўзголса,
Кирчиллама кирк йигит уйга кайтмаган кунлар!
1984 йил 28 октябрь

КАМАЛ КУНЛАРИДА

Камал кунлар шаҳар жим-жим йиглар одатда,
Сал шарпадан ҳар бир қарич тупроғи додлар.
Ҳар эшикдан чиқаверар кўзлари катта
Эти бориб суяғига ёпишган зотлар.

Ҳаёлимда кимдир бетин кўнгирок чалар,
Қарга мурда кўзин чўкиб келаверади.
Тобуту гўр етишмаган гўдақлар, қоллар
Тўп-тўп бўлиб гўрдан чиқиб келаверади.

Ким чидаб жон саклар озгин мушугини еб,
Ким чидамас, ақддан озиб қах-қах солар ким.
Шоир шеърда «Биз галаба қилажакмиз» деб
Мук тушиб иш столида қилар жон таслим.

Тушларимда қичкираман, ҳеч ким бермай сас,
Арвоҳдай соб, дардин ичга ютиб туради.
Мевалармас, ўликларни ташиб улгурмас
Жасад ортган машиналар ўтиб туради...

Йўқ, фашистлар остонада қоларлар туриб,
Билолмай бу адо ернинг қуч, сирларини,

Мингдан колган ўн касоскор тишин ботириб,
Улуг шаҳар узар камал занжирларини!

Камал кунлар шаҳар жим-жим, йиглар одатда...
1984 йил 28 октябрь

КАМАЛ КИШИДА

«...Кеча менга бир хунар мактабининг директори «дурадгорлик цехидаги болалар
клеяни, гулларни еб кўйишди», — деди».

А. Чаковский.

«Камал» китобидан.

Ўсмир укам, кўлларингга буюр, ишласин,
Станокнинг музларини эритсин тафти.
Хис эт, сенда лахза камал киши кишласин,
Хис эт, клей еб тўймаган бола ўляпти!

...У синглисини ёткизиб тонгда чанага
Шошилганди, богчагамас, уни кўмгани.
Йўл портлади, ўзин урди бомбапанага,
Сингилчасин мурдасини кайтиб кўрмади.

...Уйга келса, бемор она тошдай котибди,
Кўл теккизди... совук музлар кирган танига.
Онажони ним табассум килиб ётибди
Очлик... азоб... огир дарддан кутулганига.

Шовкин. Ўлик йигувчилар эшикдан кирар,
Бола чолдай бир амаллаб кўтаради кад.
«Тобут, тобут йўкми Сизда?» — бола жовдирар,
«Тобут, тобут отликка йўк», гудранар солдат...

Сўнг, судралиб ишга келди, рангпар, коксуяк,
Очлик енгиб йиқиларкан, токчани кўрди...
Унда турган катор гулдан колди гултувак,
Жонтер босиб клейни ҳам паккос туширди...

Сўнг кулади. Кулади-ю, турмади кайтиб,
Ўлар экан шишиб кетди, саргайиб тани.
Станокдан сўра, додлаб беради айтиб
«Нон, нон», дея сулайиб жон берган болани!

Ўсмир укам, кўлларингга буюр, ишласин,
Станокнинг музларини эритсин тафти.

Хис эт, сенда лахза камал киши кишласин,
Хис эт, клей еб тўймаган бола ўляпти...
1984 йил 29 октябрь

ХАЙКАЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Кўз ёшингни тўкиб дув
Тўкма токат жомимни.
Тагин келдингми, ёху,
Титратмокка жонимни.
Томган кўргошин ёшдай,
Ўт чикиб кетса тошдан,
Мен ёниб йўлга тушсам,
Кувониб йўлга тушсам.
Тасаввур кил, бор хайкал
Бир-бир ўрнидан турса,
Дала колса, колса зал,
Бари ёниб югурса.
Тасаввур кил, ётокка
Ёнар ўт, кириб борсам,
Ўт сигмайдир кучокка,
Бегонадай бокарсан.
Кўнглим огриб ўшал тун
Уйдан бўларман гойиб.
Ва хайкал дўстларимга
Кўшиларман мунгайиб.
Биламан, Сен ортимдан
Югурасан кокилиб,
Барча туллар уйида
Бирдан чирок ёкилиб,
Ялангбош, ялангоёк
Отилишар кўчага,
Уйлар ёнар, ёнар бог,
Ўт кетади кечага!
Йўк, йўк, мен бу кизиккон
Шеърни кўйдим-да ёзиб.
Эй, мен учун куйган жон,
Муносибим, муносиб.
Тун. Уйга кайт-да тирик
Сўзимни сўйлаб ухла,
Бўйимни бўйлаб ухла.
Сени кучолмаган, тик
Эрингни ўйлаб ухла.
1984 йил 29 октябрь

ХАТО ТАКРОРЛАНМАС

Хиросимадаги атом бомбасининг курбонлари шарафига кўйилган хайкал пойида: «Тинч ухланг, хато мангу такрорланмайди!» — деган ёзув бор.

Хато такрорланмас, такрорланмайди,
Одам ўйлаб, кўриб турса хар лахза.
Ким алахлаб келган жойига кайтди,
Баданин куйдириб ўк лахча, лахча.

Аёл, болаларни подадай хайдаб,
Бир саройга камаб фашист ўт кўйди,
Сен вақт топиб тез-тез бор ўша жойга,
Сен шу култепани юракка ўйгин.

Командирнинг аввал бир кўзин ўйиб,
Кўлларин устунга михлаб кокдилар.
Кейин бошдан-оёқ керосин куйиб
Товонидан бошлаб гугурт чакдилар.

Кўз олдида суйгун эри отилди,
Суйгун гўдагига санчилди пичок.
Аёлнинг гунохи афу этилди,
Аёлга очилди ишк билан кучок.

Шу тун каро кечди аёлнинг туни,
Болта билан фашист бошини узди.
Ва акли ҳам учди бошидан унинг,
Шодмон каккахаси дунёни бузди!

Сўнг бор кийимларин ечиниб отди,
Ёвни излаб кетди, соч ёйиб, дайдиб!
Агар... шу лахзалар чикмаса ёддан,
Уруш — машъум хато такрорланмайди...
1984 йил 28 октябрь

ВАТАН БАХТИ

Урушдан кайтганлар, ё кайтолмаган,
Бевақт кўпорилган дарахт оталар.
Кайтиб дардин айтган, ё айтолмаган,
Гунг оталар, соков, карахт оталар.

Тутун бўлиб кочиб чикканлар — Ватан
Бухенвальднинг кора мўриларидан.

Гўдакларин ерга экканлар — Ватан
Камал кунларида. Очлик зўридан.

Юпун, оч, камалнинг изгиринида
Ўпкасини совук олганлар хакки,
Хар ханжарлар хали чикмай кинидан,
Ёв тупроги аро колганлар хакки,

Йигитга кўрпадай ёпилган корлар
Очик кўзигача тўлгани хакки,
Тунда ўт-ўлан еб шишган беморлар
Тонгда каторлашиб ўлгани хакки,

Ватан, бул яралар кетмайди битиб,
Ватан, Сенинг номинг кон аралаш ШОН.
Сенга келган ўкка кўксини тутиб,
Фарзандларинг шундай бергандилар жон.

Шундан Ватан десам, десам мен байрок,
Кўксим огрир, огир, кўп огир бу бахт.
Кўксимга ўт тушиб ёнабошлар бог,
Кўпорила бошлар дарахтлар бевакт...

Менам бир фидойи рух ила бир тан
Ёз кунларинг ёзлаб, кишингни кишлаб
Кетяпман, Сен билан ковушиб, Ватан,
Аччик, азиз бахтинг тишимда тишлаб.
1984 йил 3 ноябрь

ЭСКИ САНДИК

Эски сандик, эски сандик, ёгочмисан, темирми,
Эски уйда макон тутдинг холигина бурчакни.
Нимадир ул сенда туриб келинчакни емирди,
Нимадир ул кўнглин олиб гуллатди келинчакни.

От айланиб кайта-кайта козигини топгандай,
Сенга кайтиб келаверди келинчакнинг йўллари.
Не узилди кўкрагидан Сени хар гал ёпганда,
Кейин нечун кай пайтгача титраб юрди кўллари.

Вох, биламан, унинг учун очилсанг — Сен ёрилтош,
Саргайиб, титилиб кетган эртақ чикиб келади.
Йўк, кўз очиб кўрганим деб бир ёстикка кўйган бош,
Уни кўлда кўтаргувчи эркак чикиб келади.

Кўтармади, жангга кетди, кайтган сарик эртагин
Почта кутисидан олди, уруш уни яхлатди.
Дунёларга сигишмаган Гўрўглидай эркагин
Парчагина когоз килиб сандигига тахлатди.

Шу-шу, йиллар, сувлар окди, келинчак хам кариди,
Кирк йил босди шу эртакни кўкракнинг чап ерига,
Балки бугун кушдай енгил, бор гамлари ариди,
Ахир кирк йил сир айтди у сандикдаги эрига.

Шу сандикни дарёга бир окизсам деб ўйлар гох,
Ботаётган кунга караб, артмасданам ёшини.
Ажаб эмас, Тохирдайин ул тирилиб чикса, ох,
Тохирдайин... йўк, Тохирдай кўтармас ул бошини...

Эски сандик, эски сандик, ёгочмисан, темирми?
1984 йил 3 ноябрь

КАЙТМАЙМАН...

«Кайтмайман, бурчимни ўтаб ўламан» —
Кирк иккинчи йилдан ёздим кўчириб.
Мен бугун тўламан, жомдай тўламан —
Кечмиш тўфонларни кайта кечириб.

«Кайтмайман, бурчимни ўтаб...», во дариг,
Когознинг колгани кетган титилиб.
Кирк йилки бу кўм-кўк олам сап-сарик,
Яшайман коғоздай бағрим ситилиб.

Кайси тўзим билан ўтказдим бошдан
Кирк йил кайталаган кўклам, ёзни мен.
Кўкрагимда ёнгин чикканда тошдай —
Тошдай босдим унга муз коғозни мен.

Истасанг кўп нарса амалга ошар,
Истадим, шу коғоз менга эр бўлди.
Факат кўмсаган чоғ йигирма яшар
Истагим ер бўлди, кўнглим ер бўлди.

Кайтмайман... ха, мен ҳам кайтмадим факат,
Умр ўтди хижроннинг тутунин ютиб.
Кетяпман, кўксимга мухрланган хат,
Саргайган шу коғоз кўлимдан тутиб.

Кайтмадим... мард туриб тугаётир жон,
Кайтиб, Сенга юм-юм ёш куйсам, кани?!
Мўъжиза бўлса-ю тирилсанг бир он,
Кайтиб кўкрагингга бош кўйсам, кани?

Кайтмайман, бурчимни ўтаб ўламан.
1984 йил 24 ноябрь

КИРК ЙИЛДАН СЎНГГИ НИДО

Кимга ўпкам, зорим, бу мунг, бу гина,
Конларимда колди не болагина.
Миртемир.

Не бир гўдакларнинг заволиман мен,
Бедорликдан махрум кўзларимда хоб.
Дунёнинг кўндаланг саволиман мен,
Хали-хануз ҳеч ким топмаган жавоб.

Сўраманг умримнинг баланд-пастидан,
Умрим — алок-чалок, босиринки туш.
Узун умрим бўйи бешик устида
Бедор, калкиб ўтсам эмасдими хуш.

Ахир узун тунлар зил, кўргошин тан,
Ох урсам охимдан ёстигим куйиб.
Умрим ўтмадими бир бор тутмасдан
Гўдагимга кўкрак сутимни ийиб.

Мен ҳам аёл эдим мевадек суюк,
Жон-жонимда сўнган ўтларим билан.
Конларимда колган не гўдакка ризк
Кўксимда куриган сутларим билан.

Дунёга кўндаланг саволдирман мен,
Ҳеч ким жавоб бериб каролмайди тик.
Хам бахтсиз, хам хушбахт аёлдирман мен,
Кирк йилки елкамда «уруш» деган юк.

Бахтсизлигим, тутаб кетдим гох ўчдан:
«Ёлғиз ўтмади-ку канча ёш-қари!»
Бахтим шу, уйимни кулфладим ичдан,
Бу ўй судрамади мени ташқари.

Бахтсизлигим шуки, ўтдим ишкка зор,

Кўрдим-у, каддига кўзим тўймади.
Бахтим шу, кўйида сочим бўлди кор,
Ётогимга ўзга оёк кўймади...

Бахтсизлигим, умрбод кўз тикканларим
Кирк йил, кайтмади-ей, сароб бор шукух,
Бахтим, шу туйгуга кўникканларим,
Хайратдаман, кандок портламади рух!

Бахтим... бахтсизлигим... санчаверди тиг,
Гарчанд хамон бутман, демакки, ютдим.
Хузур-халоватли ердан, вох дариг,
Мен ўз-ўзим билан курашиб ўтдим.
1984 йил 24 ноябрь

ШОИРА СИНГИЛЛАРИМГА

Опангиздан ўтибди, гоҳ сархуш, гоҳ гаш юриб,
Ниш урган гул-чечакни сезмай колаёзибди.
Ўз-ўзи билан машгул, хаёл аралаш юриб,
Ортдаги келажакни сезмай колаёзибди.
Балки сизга сал бефарқ бокиб кетган опангиз,
Хаёл дарёларида окиб кетган опангиз.

Сезиб колдим, Сиз мени таъкиб этасиз тинмай,
Якин-йирокдан рухим, шеърларимга мўралаб,
Чикиб келаетибсиз кўриниб, гоҳ кўринмай,
Кишлок, пахса деворлар орасидан оралаб.
Келинг, айланиб келинг, юлдузим, ойларимга,
Ё мен тавобга борай тугилган жойларимга.

Ўзингизни кўрмасдан шеърингизни танидим,
Биламан, кайлардадир ракс тушяпсиз эшилиб,
Кайда бўлса ҳам хар хил нигоҳлардан панада,
Балки ой ёругида кушлар билан кўшилиб,
Дарахтларнинг шохида ялангоёк ўйнайсиз, —
Гўдакликнинг богида дайди, саёк ўйнайсиз.

Ўйнай-ўйнай бир куни тонгда келаркан кириб,
Сизни жилдий нигоҳда кутиб олади шахар.
Кўксингизни тартибли ўтлар билан тўлдириб,
Бора-бора борингиз ютиб олади шахар.
Аста-аста кўникиб, сизам шуни хушлайсиз,
Тунда ҳаммадек ухлаб, кундузи тинч ишлайсиз.

Кейин севибми, севмай бир йигитга тегасиз,
Кейин... ўгил-киз катор... хар тарафдан бой бўлиб,
Бир куни карайсизки хамма бахтга эгасиз...
Сўнг тўлиша бошлайсиз ўн беш кунлик ой бўлиб,
Хайхот, ул кун йигларман дилимга дог тўлди, деб,
Бу тўлишган вужуднинг рухи халок бўлди, деб.

Дейсиз, шоир ким ўзи, кандок шоир бўлгансиз?
Йўк, шеър ёзай деб ёзиб кўчирмаганман окка.
Ундан кўра сўрангиз кай ўклардан ўлгансиз,
Кайси ўклар кайтадан кўйган Сизни оёкка!
Сўранг, юрагингизга қачон санчилган тиглар,
Ахир азага борган ўз дардин айтиб йиглар.

Шоир эса... йўк, факат ўз дардидан куймайдир,
Ўзга гамдан саргаймай, ўртанмаган вакти йўк.
Токи ерда бир инсон гам ўтида куйгайдир,
Дегайман, бу дунёда шоир зотин бахти йўк.
Аро йўлдасиз, синглим, ё шеър денг, ё тинч бахтни,
Кўрмадим бу иккисин бирдай кўтарган тахтни.

Бургут полапонларга учмокни ўргатган чоғ
Аямасдан ташларкан энг юксак қоялардан.
Менам сизга бор гапни айтиб турибман шундок,
Сиз устунсиз юмшок сўз, мижгов химоялардан.
Қоялардан тушганда қолгаймикансиз тирик,
Унда бир тишлам нонга сизу биз абад шерик.

Унда мен олдиндаги тоғлар умрин тилар чоғ
Суюниб ҳам кўяман, ортда ҳам тирак бор деб.
Хотиржам кетажакман, бир кун тоғдай қулар чоғ
Ортда мендан ортиқроқ қуюнчак юрак бор деб.
Қачон етиб қелдингиз Сиз ортимдан қуюниб,
Қачон олақолдингиз балогатни қийиниб?

Опангиздан ўтибди, кандок сезмадим Сизни...
1983 йил 22 октябрь

БИР ХАТО ИЗТИРОБИ (бир аёлнинг кундалигидан)

У келар багрига солиб ишқдан ганж,
У келар бағримда сайрайди қумри.
У билан уйимга келади юпанч,
Ярим соат менинг юпанчим умри.

Ўзимга жой топмай қолиб шошаман,
Унга отиламан севиб, ўқиниб.
Ярим соатгина тўлиб-тошаман,
Ярим соатгина... сўнг қолгум тиниб.

У қўл соатиға қарайди маъюс,
Қўқсимда нимадир қад қўтарар даст.
У чиқиб кетади, деразадан қуш
Мунгайиб қўзимдан қўзини олмас.

Кейин туйғуларим тутаман тунга,
Қўқрагим бир ўтдан ачишади, бас.
«Ўзимники бўлинг», дейман мен унга,
«Меникисиз» демок қўлимдан келмас.

Кейин узун тунлар ўйга толаман,
Туш қўраман, қўзим илингани он.
Тушимда оқ қаптар бўлиб қоламан,
У ўз қўлларида тутар менга дон.

Ўйғониб кетаман, ўйғониб: «Нега?..»
Галаёнли ўйлар келар бостириб.
Нечун ўз ўйига бўлолмас эга,
Эшигимдан ошқор келолмас кириб.

Нахот инсон ўз айб, ўз хатосининг
Бир умр ўйнаса ўйинларига.
Нахот бир умр ўғлим ўз отасининг
Ошқор осилолмас бўйинларига?!

Шу қисматни раво қўрдими ҳаёт,
Қиздирсин деб гийбат, гап ўчоғини.
Гулдай таним билан бир умр, нахот,
Иситиб яшайман тун қучоғини...

Ох урсам, оҳимдан ўт кетар тунга,
Қаргамай десам-да ёшлиқ, мастликни.
Ўша мастлик — МЕНИ тутказган Унга,
Менга «МЕНИКИСИЗ» деёлмасликни...
1984 йил 2 ноябрь

БУ УЙЛАР

Бу уйлар уй эмас, бирдай тўлишиб
Яшайверсанг, бир бор сўлиб чикмасанг.

Бу майдон майдонмас, хар куни тушиб,
Юз тирилиб, юз бор ўлиб чикмасанг.

Эй шоир, яшаш-ку тинмас кураш, жанг,
Майли, тинма, икбол берсин, гурулла.
Навоийда минг дард, бирин айтмасанг,
Сен бу шоирлигинг хашакка пулла.

Йигит, мен билмайман, сенда канча зарб,
Аммо содик эрсанг халкдай дахога,
Илтижо киламан, бошланаркан харб,
Хеч йўкса айлангин Бобур Мирзога!

Гарчанд бугун суймок, куймок дарди кам,
Ёраб, эртага ҳам тўлиб ўтмаса,
Бу дунёда йўк денг Халимани ҳам
Камида Нодира бўлиб ўтмаса.

Бу уйлар уй эмас...
1984 йил 2 ноябрь

* * *

...га

Кўп кизганаверманг, бўлинг серхиммат,
Шубха килаверманг хар хол, хар кезде.
Мен дидлаган молнинг бахоси киммат,
Ундай тоза инжу на килсин Сизда.
Титраманг, молингиз колсин фойдага,
Хар кимни ўзимга пир килмасман мен.
Сиздаги арзимас майда-чуйдага
Теккизиб, кўлимни кир килмасман мен.
Лермонтов айтгандай охангларни мен
Кўкдан ундираман, йўлин топиб хўп.
Киска умримдаги бор жангларни мен
Бир шархин битсам ҳам бўлгай талотўп.
Кўп кизганаверманг...
1984 йил 2 ноябрь

КЎКРАГИ ДОГЛИЛАРГА

Ривоят килурларки: бир табиб чархлаб пичок,
Зог кўксини тиларкан кўриб колибди бир дог.

Вох, кўкси доглик эркан, бул зогни кўйибди ул,
Дархол тутиб келтириб бошка зог сўйибди ул.

Ёраб, бунда хам бир дог, якосини тутибди,
Хайрат билан учинчи зог кўксини титибди.

Дог устига дог эмиш, учинчи зог кўкраги,
Хайхот, шунча дард чекса, кушлар, хатто кўкдаги!

Ва жунбушга келиб ул кўксин очмиш минг зогни —
Ох уриб хар бирида кўрганида бир догни...

Бехол табиб ёзибди «бу дунё кўп кадим», деб
«Унда бирорта зоги бедог учратмадим», деб.

...Одамларда бедог дил, эгилмаган кад учрар,
Кўкрагида бир дог йўк, бедард, бўйи бад учрар.

Аммо менинг шарафим кўкракнинг догларига,
Кўкси доглини олдим кўзим карокларига.

Йўк, йўк, бехудага хеч кўкракларга тушмас дог,
Шигил мевасин ахир кўтаролмай синар сох.

Катор ўгил-кизини ўстиргунча тик килиб
Отанинг тик комати колгай ахир букилиб.

Ўриб киркта кокилни кизига бергунча то,
Онанинг ўз сочлари тўкилиб бўлгай адо.

Йўк, йўк, бехудага хеч кўкракларга дог тушмас,
Бизнинг лаблар сохта сўз, мактовларга ковушмас.

Хак сўзимиз рўёни албат ўтажак янчиб,
Шу хак сўзни айтгач гох колар кўксимиз санчиб.

Бизнинг юрак доглидир, ким учундир куйдик биз,
Ким учундир кўкракда огрик, дардни туйдик биз.

Соглом, бўм-бўш калб билан яшамадик бекорга,
Яраланиб бўлса хам малхам бўлдик беморга!

Сўнгги йўлга кетармиз, шафкатни тишда тишлаб,
Догли, ярадор, лекин тоза юракни ушлаб...

1986 йил 12 июнь

БУ БАТАН...

Мен Ватан сўзин кандай нафас билан айтаман,
Бу йўлда кайдан бошлаб, кай нуктадан кайтаман.
У бир гўдак, мен уни кай тарзда улгайтаман,
Билмам, ўзни англай деб кўз юмдимми кай фурсат?
Шу хил турфа ҳолатлар аста ростлай бошлар кад.

Лампачирик пилиги титраб, куяр кечалар,
Келинчаклар бошини музга кўяр кечалар,
Чакалоқдан отасин хидин туяр кечалар,
Куёвлар кайтиб келмас, келган гамни гарамлаб,
Келинчаклар фигони: «Вой тўрам-ей, тўрам»лаб.

Кад кўтараверади йиллар деворин йикиб,
Бир тикилган махсини тўрт бор тўздириб, тикиб.
Кўрпасин бошга тортса, оёғи қолган чикиб,
Кийин кунлар корида юпун, ивиган аёл,
Тирногидан қон сизиб, қўсақ чувиган аёл.

Шу келинчак, шу аёл Сенмасмидинг, дилбандим,
Ётмиш икки томирим, жигарим, банди-бандим,
Сен отамми, боламми, билолмайман, асли ким,
Бир четида куёшдай онам ботган Ватаним,
Бир четини кўриклаб отам ётган Ватаним.

Отам бўлсанг рухингга садокатдан айтайин,
Болам бўлсанг ёнар жон, ёнар хатдан айтайин,
Момом, онам айтгани мен бошқатдан айтайин,
Кўйлагим шамолидан баҳра олар Ватансан,
Майсасида сочимнинг хиди қолар Ватансан.

Кўраман, ҳаёл суриб мардлар кетган йўл билан,
Этик изин соғинган чечакли ўнг-сўл билан,
Жанг ханжарлари кесган йигирма миллион кўл билан,
Галаба байроғини кўтаришган Ватанни,
Ким разолатдан қуйса тенг қуйишган Ватанни.

Шундай галаба барҳак, ер билан кўк қўлласа,
Кечаю бугунги кун, виждону ўк қўлласа,
Хар улусин энг аввал чап кўкрак — чўғ қўлласа.
Суян, абад нурамас қоя бўлар бу Ватан,
Авлодларни кўтарган қоя бўлар бу Ватан.

Бугун менинг кўксимда гул унадиган куним,
Дийдорингга термулиб жим, тинадиган куним,

Сутдан халол юрт, Сенга сигинадиган куним,
Бир четида куёшдай онам ботган Ватан деб,
Бир четини кўриклаб отам ётган Ватан деб.
1986 йил 12 июнь

ЧИННИ КОСА

Ўгил-кизи гуллаб, кўкариб
Етилганда, одамлар одди.
Хар бирини бошда кўтариб,
Она ўзи букилиб колди.
Бугун улар яшарлар бекам,
Кўндирмаслар киприкка гардни.
Аммо хамон дил ўксиган дам
Бориб унга тўқарлар дардни.
Бор гурбатни — эскими, янги,
Айтиб^-айтиб ўйга толдириб,
Кайтиб учиб кетарлар, енгил,
Юкларини унга колдириб.
Огир, бедор кечар яна тун,
Кўкрагида ортади огрик.
Фарзандлари... эсга тушган кун
Хат ёзарлар тилашиб соглик.
Хато, хато, хато бу холлар,
Бу ёзугни ўзинг ўчиргил.
Турли ёкка эсган шамоллар —
Фарзандларни ўзинг кечиргил.
Ўнта фарзанд ўн бахтга эга,
Хар бирин ўз ишқу газали.
Ўнта гўдак талашиб еган
Битта чинни коса асалим!
Тўхтанг, уни тинмасдан ичиб,
Еяпсиз-ку уни тинмасдан.
Ўн томондан ўнта куш учиб,
Етиб боринг коса синмасдан.
Тўгри, рўзгор нондир, рўзгор сув,
Аммо Она, Онадан нари.
Тортарми киз кўгирчоги-ю,
Ўгилчанинг самокатлари...
Тўхтанг, бундай яшамок тахкир,
Сизни кандай такдир кутмокда?
Ўновингиз жарарсиз, ахир,
Бир кампирни бошда тутмокка.
Яшаяпсиз гўдакка ўхшаб,
Керак пайтда солмай кошик, чанг,

Тўхтанг, коса колмасдан бўшаб,
Тўхтанг, коса синмасдан тўхтанг!
1986 йил 28 сентябрь

УЧИНЧИ КИЗ

Шекспирнинг «Кирол Лир» трагедиясини ўкиб:

Айтолмайман ширин сўз авраб,
Кечиролмам пастлик, гуноҳни.
Тоза калби барча ўкка даф —
Мен учинчи кизиман шохнинг.

Опаларим ўхшаш нусха гул,
Мактай олар силлик, ширали,
Мен тўгрисўз — юрагимга кул,
Бир юракки чапдаст, киррали.

Опаларим зарга кўмади,
Ширин алдок, сийлови баланд.
Мени эрим олиб жўнади
Юрак, шул бир бисотим билан.

Кекса отам учун талашиб
Ардоклашга топиб минг сўз, ранг,
Аввал мушук янглиг ялашиб,
Сўнг солдилар кўкрагига чанг.

Мол-дунёсин бўлгунча олиб
Тантик жонни унга тикдилар.
Олгач, юртдан олдига солиб
Шир ялангоч хайдаб чикдилар.

Хак эшитди, балки, охимни,
Кайтарди-ю уни кўлимга,
Куткараб чоғ киблагохимни —
Мен ўзимни бердим ўлимга.

Халким, сени ўртамасин дард,
Бошгинангга келмасин-ку тун.
Аммо билиб кўймоклигинг шарт,
Мен учинчи кизман Сен учун.

Сен Лир эмас, Корделия — мен,
Факат абад Сен емагин панд.

Хакнинг ўзи сени асрасин
Опаларим янглиг кизлардан.
1986 йил 28 сентябрь

МУКАДДАС АЁЛ

Ошикларинг пойингга гул отиб ҳам бўлди,
Хилватларда лабингдан бол тотиб ҳам бўлди,
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,
Сен бари бир мукаддассан,
Мукаддас аёл!

«Аввал: «Кел-эй, кучогимга тўл, балк», дедилар,
Унамадинг, аёл ўзи терс «халк», дедилар.
Ичолмагач юз ўгириб шўр, талх, дедилар,
Сен бари бир мукаддассан,
Мукаддас Аёл!

Сен дарёсан, ўпганини киргок яширар,
Жуфтим бўл, — деб чопганини хар ток яширар,
Жаннатим, — деб кувонмасдан кумлок яширар,
Сен бари бир мукаддассан,
Мукаддас Аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,
Росту ёлгон эртакларнинг борар ери Сен,
Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен,
Сен бари бир мукаддассан,
Мукаддас Аёл!

Чорлашганда сен келсанг, гох бекор келсанг-да,
Маст даврага бир сарин ел, бир тор келсанг-да,
Хор келсанг-да, номардларга гох хор келсанг-да,
Сен бари бир мукаддассан,
Мукаддас Аёл!

Кимтинасан, астагина кўтарасан бош,
Минг йилликдир кўзингдаги жовдираган ёш,
Гунохкорлар мингу битта Сенга тегар тош,
Сен бари бир мукаддассан,
Мукаддас Аёл!

Харир, хушбўй баданингда тошлар изи бор,

Кўкрагингда эгилган не бошлар изи бор,
Куёш изи, куйдирган куёшлар изи бор,
Сен бари бир мукаддасан,

Мукаддас Аёл!
1986 йил 28 сентябрь

- «БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР» ТЎПЛАМИДАН -
(1993)

Кўзингизга тортса ҳам мил,
Кўпригингиз бўлса ҳам кил,
Номард билан топишманг тил,
Сарсон бўлинг, сарсон бўлинг.

АЁЛГА БОШ УРИШ

Кадим хаёт йўлларида
Кўпдир зоти — аёл, бас.
Тўмариснинг кўлларида
Туг олмаган аёлмас.

Рухим, юлдуз, кўкка боғлан,
Юлдуз — факат хаёлмас.
Улугбекдай битта ўғлон
Туголмаган аёлмас.

Кўпни кўрган бу ер юзи,
Кумга сингган садо, сас,
Жалолилдин тугмай ўзи,
Мард кўринган аёлмас.

Навоийсиз-ку жахон йўк,
Бор хайрат-ку ўшанга.
Онасидан бир нишон йўк,
Тиз чўкинг йўк нишонга.

Фидоликка кимдир кодир,
Кўкдами ё гўрдаги?
Барча тирик, ўлик ботир
Бўлса унинг гўдаги!

«Дахо»ламай тек тулинг, Сиз
К,олманг ранжу уволга.
Йўк, аёлга бош улинг, Сиз,
Дахо туккан аёлга.
1988 йил 12 июль

БУ ДУНЁДА

Бу дунёда ёка ушлар ишлар кўп,
Мен — ёзман, — деб оёк тирар кишлар кўп,
Одамликни даъво килар кушлар кўп,
Кўра-кўра кўзи тинар одамнинг.

Салла десанг атайлаб бош келтирса,
Тўгри сўзинг хасаду — тош келтирса,
Даврон окил колиб, пасткаш келтирса,
Кўра-кўра кўнгли синар одамнинг.

Олов ерда, аршда бўлса тутунлар,
Зўрлаш билан ёнмаса у ўтинлар,
Чиданглар-а, ха, юраги метинлар,
Кўра-кўра ўти сўнар одамнинг.

Аввал кўнглинг армон бўлар, ер бўлар,
Кейин кўнглинг касос бўлар, шеър бўлар,
Бора-бора гуллигингни ер булар,
Гул юраги тигга дўнар одамнинг.

Бу дунёда ёка ушлар ишлар кўп.
1988 йил 12 июль

КЕТИШ ХАКИДА

Айни вақтимиди, мен келганим чоғ
Ким кўйиб кетган бу менинг тошимни.
Бугун сочларимга оралаган ок
Эртага эгаллаб олар бошимни.

Эртага бу эски лошим билан мен
Омочни кийналиб сургандан кўра,
Ва кор босган оппок бошим билан мен
Йўлларда тойиниб юргандан кўра,

Эртага бир тенгдош топмай, аланглаб

Инжик, у ён-бу ён «кўчир» ламасдан,
Бугун олқишлаган ёшу яланглар
Эртага ортимдан пичирламасдан,

Зангламасдан туриб кумушим, зарим,
Уни зарда билан отмасдан туриб,
Содик шогирдларим, бугунгиларим
Эрта бирортаси сотмасдан туриб,

Кўриб кексаликнинг гурзиларини
Тонггача уйкусиз, тўлғониб чикмай,
Бўшатиб хар кандай курсиларини
Ўз вақтида кетмок, кетмок — кечикмай!

Вактинг келгунича, майли, донинг тер,
Гуллар билан тўлдир умринг катини,
Худойим, борсан-ку, хар кимсага бер
Ўз вақтида кетмок фаросатини.
1990 йил 26 март

БОР АРМОНИМ

Ў, дунё-я, ўзбекнинг не сор боласи,
Кўкрагида ёнар ўти бор боласи,
Шу ўт сабаб аввал-охир хор боласи
Магаданнинг тупрогида ухлаб ётар.

Одамизод бир-бирини ўнгласинлар,
Ўнгламаса, ўзлари ҳам ўнгмасинлар.
Ўзга ерда ризк тергани майли-ку-я,
Ўзгаларнинг тупрогига кўммасинлар.

Ўз элига сигмаган кувгин болалар,
Касоси бўғзида кеттан хун болалар,
Ёлгонларга емиш бўлган чин болалар
Магаданнинг тупрогида илдиз отар.

Мушкул кўриб кетмогин бу эл догини,
Санчик олар кўкрагимнинг чапрогини,
Боз ўйлайман, отилажак бу вулконлар
Кўпормасми Магаданнинг тупрогини.

Йўқлов келар, томоқларим куриб кетар,
Юракларим отилгудай уриб кетар.
Йўкламайман... гар йўкласам, йигит ўлган

У болалар жой-жойидан туриб кетар.

Уйланмаган, шўх болалар туриб кетар,
Кўкрагида ўк, болалар туриб кетар,
Ишонган дўст, акалари тутиб берган
Бир панохи йўк болалар туриб кетар!

Кути кочган, ўри, кири ёлгиз элим,
Ожизи-ю баходири ёлгиз элим,
Хар бирида ўзининг жон талвасаси,
Ўзича бек, лек хар бири ёлгиз элим.

Куймайманми, ўнгмаганинг кўриб ўлсам,
Бир-бирингни бир-бирингдан кўриб ўлсам,
Ўтарканман бу дунёдан, бор армоним —
Бир-бирингни ўнглаганинг кўриб ўлсам.
1987 йил 27 май

ЁМОН БИР ЎЙ

Уни бугун тепкилашди,
Обдон тепишди.
Бир, икки, уч... бешов бўлиб,
Олтовлон бўлиб.

Хушдан кетди, сув сепишди,
Тагин тепишди
Навбат билан, гох бенавбат,
Оломон бўлиб.

У яшин урган ниҳолдай
Гох кад тиклар тик.
Гох йикилар, маст кийкирик,
Минги кулади.

Машъум жарнинг киргогига
Тирмашган шўрлик
Сўнгги тепки зарби билан
Жарга кулади.

Кузатаман... лабларимда
Аччик шўру, талх
Ёмон бир ўй ўта бошлар
Кўнглимдан сизиб...

Бир ожизин мингта зўри
Тепкилаган халк
Халк бўлмагай,
Ер юзида колмаган изи...
1990 йил 26 март

ОМОН БЎЛИНГ

Бу дунёнинг бори йўлдир,
Бу йўлларда тузок мўлдир,
Йўл бошида сўзим шулдир,
Омон бўлинг, омон бўлинг.

Кўзингизга тортса хам мил,
Кўпригингиз бўлса хам кил,
Номард билан топишманг тил,
Сарсон бўлинг, сарсон бўлинг.

Нопок кетса ердаги жанг,
Майли, бўлсин холингиз танг,
Хеч бозоргир бўла кўрманг,
Арзон бўлинг, арзон бўлинг.

Хар дарзни тез ёпмок учун,
Тўрт ён илдам чопмок учун,
Хар шохга йўл топмок учун,
Беюз бўлинг, бежон бўлинг.

Хар бир овга кош-кўз бўлиб,
Голиб ёвга Сиз ўз бўлиб,
Тана бўлса, Сиз пўст бўлиб,
Факат енгган томон бўлинг.

Менам одам, эмас Хизр,
Хар ким ўз билганин тузур,
Шеърим тегиб кетса, узр,
Омон бўлинг, омон бўлинг.
1988 йил 26 май

ЙИГИ

Ўзига тўк, кўркам, хушбичим, ок дўст,
Йиглайман, Сизгамас, кўкси бедог дўст,
Пок, нопокни бирдай суёвчи тоғ дўст,

Йигим сўлаётган болалар учун.

Олма сабогидай ингичка бўйин,
Гох етиб, гох етмай, кўрмадик тўйин.
Ўлмасайди... буюк бўларди тайин,
Йигим ўлаётган болалар учун.

Ичиб, учиб ётган боболари деб,
Тўзгиб, кўчиб ётган боболари деб,
Бир-бирини сотган боболари деб
Тўлов тўлаётган болалар учун.

Ёраб, тиш ботирмай бўлмасми юриб,
Одамлар-ку эмас, кашкир уюри,
Бирининг зулмидан бириси куриб,
Какшаб кетаётган болалар учун.

Ишонч йўк иймону, хаж, додларига,
Жаҳолат мухр урган каж ёдларига,
Бир-бирин кирганда, аждодларига
Ўхшаб кетаётган болалар учун.
1988 йил 27 март

МЕНИНГ КАБИ...

Борарга бор, кайтар жойдан кайтавер Сен,
Мендек ёзда йўлингда муз тўнган эмас.

Хаммага ёк, шодон кўшик айтавер Сен,
Йўлларингда хали тикан унган эмас.

Бир бошингда минг хаёл йўк, термок учун
Кўнглинг минг бир бўлак бўлиб синган эмас.

Тушингда жон дўстинг билан дийдорлашиб
Ўнг. Сахарлаб ганиминг кўринган эмас.

Хаёт тўфонлари силаб-сийпар сени,
Менинг каби отларинг суринган эмас.

Тагин, тагин... Сени обдон отмаганлар,
Рухинг зада, минг тошга уринган эмас.

Жароҳатлар битиб кетар, аммо бугун
Кони чак-чак томиб турар, тинган эмас.

Борарга бор,
Кайтар жойдан кайтавер Сен.
1988 йил 24 апрель

ГАРЧАНД КУШ ЭМАССАН...

Гарчанд куш эмассан, ё эмассан хас,
Учавер, Сенга хам ўйлаш шарт эмас.
Нима бу ноаён чугур-чугур сас
«Девонул-лугатит турк» бўлса бўлар.

Мухими, хар лахза яйрасин танлар,
Бор бўлсин тошни хам ёраётганлар,
Тогу тошдан кетиб бораётганлар,
Ковул-каврак бўлса, зирк бўлса бўлар.

Мухими, шу бугун кувончларда бот,
Бош кўйиб бойликнинг оёгида ёт,
Суравер, йиқилса йиқилар бу от,
Эртанги йўллари бек бўлса бўлар.

Эрга тег, майли, бўш бошга эрга тег,
Не фарк бор, кекса ё ёшга эрга тег,
Мухими жавохир — тошга эрга тег,
Сендан йиглаб кетган эрк бўлса бўлар.

Халлослаган умид, югурган тамаъ,
Фойда кай томонда, олгин-да чама,
Шул тарафга сузгин, сузгин, тўхтама,
Умр шул дарёда гарк бўлса бўлар.
1988 йил 23 апрель

ХИНДИКУШДАН НОЛА КЕЛДИ

Накддан келсанг «отам» демок азмойишли
«Онам», демок ярашикли, намойишли,
Хайхот, бандам деганини бўзлатмасин,
Таёк тираб «болам» демок мушкул ишдйр.
Асрим, унинг кон кўйлагин бошга ўра,
Аёлдан шу ўғлон учун узр сўра.

Ай дунё-я, Сен шундайин кўхна бозор,
Нарх-навосин тайини йўк, тайин гам бор,
Тагин, тагин Сен аёлни какшатдинг зор,

Хиндикушдан олов келди, жола келди,
У келмади, кўкка ўрлаб нола келди.

Бу эдда-ку садр тепмас эркак зоти,
Куйганда бор-будинг ёрти, удум ёрти,
Фармон бобо ўкирганча уввос тортиб,
Садр тушса, тутмок учун етар куч йўк,
Дунё Сенда кон бор, шон бор, шафкат ҳеч йўк.

У келмади, хижрон минг сас, минг тус келди,
Гунохкордай жовдир-жовдир юлдуз келди,
Аммо юлдуз юддуз экан, олтин, олмос,
Боланг бўлиб кўкрагингга отилолмас.

Асрим, асрим, юкинг хали огир-огир,
Уруш — хато юкдир, ундан елканг ягир,
Шу юк босиб колди неча аёл сагир,
Елка тутмок учун юкка тукканмиди,
Хатоларга курбонликка тукканмиди?!

Ўн саккиз ёш, нима асли, эсни кувар,
Авжи чоги бахтни кувар, кизни кувар,
Кони билан катталарнинг айбин ювар,
Ювар, догинг кетар кунлар борми, афгон,
Яраларинг битар кунлар борми, афгон?!

Хиндикушдан жола келди, нола келди.
1988 йил 24 апрель

БИР ЎРИМ СОЧ ТАРИХИ

Асли кайирмалик Сайрам бахшининг айтувлари кўп. Аммо уни айттириш — ўлимдан кийин. Бир ўзи кўнгли кетиб, урчук йигиб ўтиргандами, ёки белини сириб боглаб от устида ўтиргандай ўрмак устида ўтириб, хаёл суриб, патнинг турини чалаётгандами гингиллаб бошлаб колади. Бу ана шундай пайтларда эшитганларимдан:

Ё фалак, бошимга солдинг не кунлар,
Кўзимнинг ёшини тиндирмадинг-а.
Умримга тошлардан тушди тугунлар,
Бирини ечмадинг, синдирмадинг-а!

Энг кетмас деганим дастлаб кетди-ей,
Энг ишонган тогим пастлаб кетди-ей.
Букри ёвим каддин ростлаб кетди-ей,
Кўрдим, хароб бўлдим, Сен кўрмадинг-а!

Етимлик кўйлагин кийдирди Онам,
Увуз этимдаёк куйдирди Онам,
Ўз тенгига никох кийдирди Отам,
Шўрим эй, отамга тенгкурмидим-а!

Ўн бешимда бир тун коп-кора булут
Мени поймол килди, мен колмадим бут,
Никох тўшагимга нечун кўйиб ўт,
Нечун элни бузиб чинкирмадим-а?

Шу тун тун ярмими, тонгдами кочдим,
Ўчди кўнгил шами, бахт шами, кочдим.
Илк куёв-келинлик окшоми кочдим,
Эл юрган йўллардан мен юрмадим-а!

Эрим алдаб кўрди, сочиб кўрди зар,
Мен-чи кочавердим кундан-кун баттар,
«Кўркитиб, жонини олинг» дебдилар,
Ёраб, осонликча жон бермадим-а!

Бир кун шундай кочиб чорбогда ётсам,
Захга кўксим бериб инграганим дам
Эрим сезиб, судраб келтирди, Эгам —
Не учун олдинрок ўлдирмадинг-а!

Эшилган камчини кайталаб эшиб,
Эрим ураверди, баданим тешиб,
Итникидан каттик одамнинг тўши
Дейдилар-у, буни мен кўрмадим-а!

Билагига ўраб кирк ўрим сочим
Урарди! Кочмокка йўқдир иложим.
Ўляпман, огзимни каппалаб очиб,
Ўляпман, умримда кун кўрмадим-а!

Йўк, кайдан куч келди, ўнгланиб олдим,
Бошим бир жаз этди, кочдим, йўколдим,
Битта ўрим сочим кўлида колди,
Йўкса бу кун «Сеи кўр, мен кўр»-мидим-а!

Кетдим, ўрталикда йиллар кариди,
Саргайди, напармон гуллар кариди, —
Аммо деёлмадим гамим ариди,
Такдир-ай, бир ўйнаб кулдирмадинг-а!

Кеча шом аралаш кимдир чакирди,

Чикдим, бўйдор жувон уйимга кирди.
— Буни Отам тунда сизга деб берди,
Кейин... «Шўрлик отам!!! Кун кўрмадинг-а!»

«Бу киёмат карз» деб узатгани он
Гунохимдан ўт, — деб берди, кўйди жон!
Карасам... бир ўрим сочим, теккан кон —
Эл тинди, ел тинди, мен тинмадим-а!

Боврим, боя айтганимдай бу — Сайрам бахшининг урчук йигириб ўтириб, айтган
«Бир ўрим соч тарихи»нинг айтиви. Кўкайим куйиб, кўз ёшларимни зўрга тийиб,
«Холажон», дейман. «Жон, болам», дейди. «Бошка айтувларингиздан айтинг»,
дейман. «О, улар менинг нолам-ку. Нола эшитишга токатларинг йўқдир-ов, болам»,
дейди. «Айтаколинг» дейман. «Ундай бўлса, — дейди Сайрам бахши, — ўрмакнинг
эриш-арковларини йигиштириб, мен бир гажарининг ипини йигириб кўювдим. Хозир
шуни кураимиз. Сен эришини югурасан, мен ўрмакнинг кузувини боглаб ўтириб бу
каттик бошимдан ўтган-кетган айтувларимдан бирди ярмини айтсам айтаколай»,
дейди-да, навбатдаги айтивини бошлайди...
1989 йил 2 январь

ЎЗДА

Ўзда кўп ишларга мумкин улгурмок,
Умрингга вактида кириб келса Ўз.
Ўз — бу тўлин ойдек ётоққа кирмок,
Кўкрак кериб юрмок — худди оппок гоз.

Ишк — аклдан озар ёз тунларида,
Тепангда юлдуз ҳам тик сузиб кетар.
Аёл сочларининг тўлкинларида
Кўмилган эркакни окизиб кетар.

Ўзда тез тил топар юрак юракка,
Ўз жон билан севса, унга фидо бўл.
Охинг етган бўлса, юксал юксакка,
Кунинг битган бўлса ёз кўлида ўл.

Ўз бу туйгуларда кечмок фаслидир
Шерик килиб етук, самовий унни.
Хдм тугунни албат ечмок фаслидир,
Кўкламда ечилмай колган тугунни.

Умримизда ёздир. Кайдасан, мардим,
Сенга чопгум, ишкнинг йўллари билан.
Кўркаман, не ечиб, нени ёзарди

Куз ўзин калтирок кўллари билан.
Ёзда кўп ишларга улгурмок мумкин...
1984 йил 2 ноябрь

КЎЗ

Балли, кўзларимдан дардимни укдинг,
Аммо, кўзларимга келмагил кириб.
Дардимни кўймокка бошка жой йўқдир,
Кўзимга кўяман яшириб.

Бунча синчков бўлма, бунча топонгич,
Кўзим дарёсига шўнгимагил, жим.
Ахир бу дунёда энг бежавф ва тинч
Дард яширар жойим — менинг шу кўзим.
1984 йил 2 ноябрь

ШУНДАЙ УЙ БОР...

Шундай уй бор, деворлари метиндан метин,
Кўрар факат мухаббатнинг ўтли ёзини.
Ётогида жуда киска туюлади тун,
Деворида бахт пичири колар ёзилиб.

Шундай уй бор, одамдайин бош эгтан куйи,
Устунлари кетгудайин салдан чўрт синиб.
Ётогида тун ўтмоги ажалдан кийин,
Деворида хўрсиниклар колар хўрсиниб...
1984 йил 2 ноябрь

ИШОНЧ ДАРВОЗАСИДА

Ишонч кўргонини куриб кетганлар,
Бу кўргонда яйраб, юриб кетганлар.
Кимга зах кўриниб кўргон ичи гох
Чикиб ўнг ё чапга уриб кетганлар.

Уриб кетолмадим ёлғизгина мен,
Ишончингдан чиқдим. Кўргон ёпилди.
Дарвозага бокиб холсизгина мен
Ўлтирибман, оёкларим чопилди.

Хаёт давом этар кулиб гулгун, шўх,

Бахтлар чорлайверар, имлайверар шон.
Бирок, кетмокликка менда оёк йўк,
Бир кун дарвозада беражакман жон.
1985 йил 16 май

СИЗСИЗ

Кўш КУВОНЧ кирмаса яшар ёлғиз ГАМ:
шундан Сиз йўк махал уй уймас, хато.
У ГОР, мен тушаман эшик очган дам,
Кейин чиколмайман Сиз келгунча то.

Хоналарга Сизсиз маъюс кираман,
Сизсиз тувакдаги гул ҳам қарибди.
Эшик тақиллайди, мен югураман,
Минг йил ГОР азобин чеккан қарибдай.
1985 йил 16 май

КИРИБ БОРМОК

Чуқур қириб борманг ўйлариңизга,
Ундан қайтиб қикмок қийиндир ахир.
Хар ишда, мана шу маслахат Сизга,
Чуқур қириб бормок — меваси тахир.

Айникса юракнинг ўйлақлари тор,
Ўйлнинг ярмига ҳам бормасдан қайтинг.
Кейин хонангизнинг тўрт ёғи девор,
Ўй, юрагизда саклангиз тартиб.

Бу ўй-ўйрик Сизга, мен сизни еңдим,
Ўзимга бу сўзни айтолмайман мен.
Шеърга чуқур кирдим, уйку йўк энди,
Тонгтача бу ўйдан қайтолмайман мен.
1985 йил 16 май

* * *

Кузнинг ёноклари намли туюлар,
Қўргошиндай огир куз сўроклари.
Юракка нимадир хазин куюлар
Ва қўра бошлайсан аниқ доғларни...

Авж гуллаган кўклам, саратонли ёз,
Кечагина эди пойимда бари.
Шу — дириллаб турган сарик япрок рост,
Тушдай ўтиб кетди олдингилари.

Афсусларни узок ўтирибгчекмай,
Шошиб кўзгаламан, тўзгиган тўзим.
Энди унга дардим айтай кечикмай,
Кетиб колмай япрок ва ё мен ўзим.

Кузнинг ёноклари намли туюлар...
1985 йил 16 май

* * *

Бу эркак аёлнинг осмони эди,
Ери эди унинг чопкиллаб юрган.
Кўз очиб кўрган илк жахони эди,
Таоми эди у илк бор кўл урган.

Уруш ялмогиздай солиб келиб чанг
Осмонини ютди, ерини ютди.
Нима олса шу аёлдан олди жанг,
Унинг илк таоми — эрини ютди.

Сўнг аёл таомдан бош тортди, толиб,
Силкиниб, яркираб тарамади соч.
Ўша-ўша аёл муаллак қолиб,
Осмон-ердан айру яшаётир оч.

Бу эркак аёлнинг осмони эди.
1985 йил 16 май

* * *

Ёнаётган бу ўт бўлмас сира кул,
На кор, на бўронда сўлмайдир бу гул.
Йўқдир бу хаётда бирор-бир мушкул,
Сен менинг кўлимдан тутганда, жоним.

Юрак дарз кетмайди, девор куламас,
Бахт жоми лиммо-лим, тўлуг, силамас.
Кимки кетган бўлса ортга кайтар, бас,
Мен сени нигорон кутганда, жоним.

Хаёт абадий деб гуллар тераман,
Кучасан, ўзим ҳам гуллайвераман,
Бу не чанкокликдир, чўллайвераман,
Сен менга ишк жомин тутганда, жоним.

Барига, барига тикилиб синчил,
Мен дейман, бир куни колсак биз тинчиб,
Эхтимол, бу хаёт бўлар ўткинчи,
Иккимиз дунёдан ўтганда, жоним.
1987 йил 8 октябрь

СЕВИНЧ КЎЧГАН УЙ

Кўчиб кетди кўнглингдан севинч,
Сен кузатиб колдинг шамингни.
Бундан буёк яшайдирсан тинч
Илинмасдан шавку гамингни.

Силамагай сочингни шамол,
Тун шивири тўхтагай такка.
Ишк — бошидан сиргалиб рўмол —
Бир-бир босиб кирмас ётокка.

Кўзларингдан армонлар томур —
Очилмайдир гарчанд бу парда.
Факат, кандок ўтаркан умр
Севинч кўчиб кетган уйларда?!
1987 йил 8 октябрь

ЎРТАДАГИ ДАРЁ

Тушун, ахир, кўзингдаги нур
Айтар сендан кетолмасимни.
Ўртадаги бу дарё — чукур,
Айтар менинг ўтолмасимни.

Бир кун чалгиб, Сени этсам тарк,
Колар бўлсанг ёлгиз, гам чекиб,
Ўртадаги дарё килар гарк, —
Жасадим ҳам бўлар сеники.
1987 йил 8 октябрь

ТАВБА-ТАЗАРРУ ВАКТИ

Бузилган адирда лола бир хол-ей,
Бузилган такдирда бола бир хол-ей,
Икковни боглолмай тола бир хол-ей,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!

Орол, тўлкинларинг кочдилар кайга?
Охулар кочди кай ёнган тўкайга?
Одам, болаларинг учди мўмайга,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!

«Икковмиз», — дейсан, ул ягона чиқар,
Дўст деб эгиласан, бегона чиқар,
Маъно, — деб ушлайсан, бемаъно чиқар,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!

«Кариялар уйи» уйдир, хонадир.
Уймас, махзун ота, мунглиг онадир,
Фарзандин эслатсанг, ночор, тонадир,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!

Ўз уйида зардоб ичгувчи кушлар,
«Болалар уйи»га учгувчи кушлар,
Ва гоҳ бу дунёдан кечгувчи кушлар,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!

Сўзимни хар томон бурмагил тагин,
Ўзимга қаратдим дарднинг бор тигин,
Ох, кимга сизинсанг, дўст, шунга сизин,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!

Тавба қил, ёвлашган эллар оралаб,
Бевақт тўқилган қон, селлар оралаб,
Мақсадин йўқотган диллар оралаб,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!

Бугун отанг бу қол, давлатманд одам,
Эрта балки қоланг берар панд, одам,
Қўз оч, ўзи қилан қоят банд одам,
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!

Тик туриб, армонни ичиб қайтадан,
Ўт олиб хар томир, ичинг қайтадан,
Хаммасин бошламоқ учун қайтадан
Тавба-тазарруга вақт етди бугун!
1987 йил 2 декабрь

ИШОНЧ

Кўкаради босилган не бўлса хаётда,
Босилган кир кўкармаса,
Сен кўкармасдинг.
Хеч нарсга кўрмаган каби
Юрибсан отдай,
Неча марта оёкости килинган дўстим.
Улар сени енголмайди,
Босиб боравер,
Нари борса, тузок ташлар.
Хар муюлишда,
Нари борса, кўз ёшингдан
Кўклаб кетар ер.
Нари борса
Юрагингни чиқарар ишдан.
Бирор айбинг йўқлигини билмайди улар.
Гарчанд кайта босилмоқдан
Чарчаган йўлсан.
Киприкларинг ўқлигини
Билмайди улар,
Киприкларинг хавфли бўлар
Агар йиқилсанг.
Нари борса, нари борса...
Бу тилсиз тупрок,
Уларни ҳам ер устида
Кўтармай кўяр.
Киприкларинг ўсаверар.
Куч олиб, биров
Киприкларингдан ўзгаси
Кўкармай кўяр.
Тасаввур кил,
Ерга кадам кўйиб бўлмайди,
Ерда эплаб юрмагани
Имламайди кўк.
Бировларни, йўк, эзгилаб,
Тўйиб бўлмайди
Товонингдан юрак сари
Ўрлайверса ўк.
Мана шундай,
Киприкларинг ганим учун
Тиги дарз экан,
Босилган кир кўкармоги,
Демак, фарз экан,
Кўкаради босилган не
Бўлса хаётда...

1988 йил 2 май

* * *

Ўт кетса, ўт охлар Сен айтганда шеър,
Йигласа гунохлар Сенга айтганда шеър,
Заминда гунохкор гувоҳ хали кўп,
Йикилса гувоҳлар Сен айтганда шеър.
1988 йил 2 май

СОТИБ ОЛИНГАН ТАХЛИКА

Не учун хижолат тортар бу аёл,
Куч-кудратин сўрган ери олдида,
Ўзи семиртирган эри олдида,
Нечун эгилади, орик кадди дол.

Гулдай умри ўтди сув билан ўтда,
Чин мор элаклаган чимзор эди ер.
Саргайган чимзордай бемор эди эр,
Улар согайгунча ишлади итдай.

Ишин килди сўнгсиз меҳнату азоб,
Гарчанд аста-секин ерга ранг кирди.
Минг йил ётган хаста эрга ранг кирди,
Булар согайди-ю у ташлади тоб.

Энди у хар тонгни, тўкиб кўз ёшлар,
Ерга караб кўм-кўк ердан хижолат,
Эрга караб бардам ердан хижолат,
«Умрингиз мени деб ўтди»дан бошлар.

Сарик тўзгин гулин яшириб сўзлар,
Ерининг кип-кизил гули тахлика.
Эрининг бакувват кўли тахлика,
Чўпдай озгин кўлин яшириб сўзлар.

Не учун хижолат тортар бу аёл...
1988 йил 29 апрель

ДАРЁГА

Далли дарё, окканинг айт,
Тинганингдан сўзлама.

Йўлинг тўсиб чикса тўгон,
Тўзитиб от, «сиз» лама.

Дардинг бўлса гулдурос сол,
Шахдинг кетиб бўзлама.
Ёвга ёвдай бостириб ок.
Юввош тортиб «тиз» лама.

Сувинг ёнар ўтдай бўлсин,
Тинма, мангу музлама.
Факат юзинг битта бўлсин,
Бўлма иккиюзлама.
1988 йил 29 апрель

* * *

Кандай бўлсанг бўл, лекин
Кексайганда ёш бўлма.
Хазон фасли тентираб,
Гуллаб колган бош бўлма.

Энг мухими, тош килиб,
Биров Сени отмасин.
Каргиш теккан, саргардон
Ўртадаги тош бўлма.
1988 йил 2 май

УЛУГБЕККА АЙТАР СЎЗИМ

Жоним ўғлим, канотсизга сен канот бўл,
Ўзга ўз бўл, эгилмагин, ётга ёт бўл.
Ерга кара, босиб кетма, эҳтиёт бўл,
Йўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Майли, болам, кайда гул оч, кайда кўкар,
Боёвутда бир гўша бор, чекка, чўкар,
Дарахтлари олмаларин йўлга тўкар,
Йўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Кутлуг болам, бугун бахт-ла топишганинг,
Аммо кеча. Сумалакка тош тушгани,
Энажонга «олиб бер» деб ёпишганинг,
Кўлингдаги хотирани ўлдирмагил.

Дерди «худо, шу гўдакка толе бергин»,
Сен эркинсан, ул ерларда тагин эркин.
Мен борми — йўк, бор, жон болам, боравергин,
Дилингдаги хотирани ўлдирмагил.

Сени бердим катта элга, катта юртга,
Мехринг билан кўнгли илхак, кўзи тўртга.
«Энажон», — деб бош ур, болам, Боёвутга,
Тилингдаги хотирани ўлдирмагил.
1989 йил 2 апрель

* * *

Онанг кариёлмас, кариёлмас отанг,
Имкон ярат, карисин улар.
Сен йўл кўйган хар битта хато
Зардобдай уларнинг кўксига тўлар.

Токи Сен кокилиб йикилаверасан
Хар бир тош, хар харсанг, хар бир қояга,
Каримокка ҳақки йўк уларнинг,
Етиб келмоқлари шарт химояга.

Дўл урар... ёмгирлар чўкир, бўлиб тош,
Улар билан катъий қилолмасанг жанг,
Чопкиллайверади отанг шўрлик ёш,
Бўзчининг мокиси бўлади онанг.
1987 йил 14 май

АГАР КЎПРИК БЎЛСАНГ...

Кўприк бўлсанг, менга шу бўлар нафинг,
Нариги одамга ўтиб олайин.
Кузат, мендан олдин ўтмасин гапим,
Унга аввал ўзим етиб олайин.
Айтган-у айтмаган гапларим «гуллаб»,
Кўпайиб, у ёкка ўтиб турмасин —
То мен ўтганимда ДЎСТМАС, талай гап
Тикилган КОП мени кутиб турмасин.
1984 йил 1 декабрь

ХОТИРА САНДИГИДАН ЙЎКОЛАЁТГАН СЎЗЛАР

Бу сандик тинч саклайди
Жавохиру тиллони.
Пулга чакиб тахлайди
Бозоргир куй, яллони.

Мўл хосилин далани
Хисоблашдан безмайди.
Факат Сўзни — болани
Кетганини сезмайди.

Копкоклар зич, ёпик,
Минг сир ётар бу тогда.
Факат бундан йўл топиб
Сўзлар чикиб кетмоқда.
1988 йил 14 апрель

ТАСАЛЛИ

Хар кимнинг ўз куёши, ўз уфки бор, хойнахой.
Мухаммад Икбол.

Кўркма мендан, бул кадар кўркишинг бекор, ганим,
Ўраш, сўрашларимиз, шеъримиз бўлак-бўлак.

Ахир сенинг далангга йўк-ку назар солганим,
Дон сочиб ундиргувчи еримиз бўлак-бўлак.

Барака топ, меҳмонинг кайга ўтказсанг ўтказ,
Пойгакларимиз бошка тўримиз бўлак-бўлак.

Ўйлаб юрган ўйингни коровуллаб чарчама,
Замон фикр сўраса, деримиз бўлак-бўлак.

Минг дардимнинг биридан хабаринг йўк-ку ахир,
Ювмокка етар манглай шўримиз бўлак-бўлак.

Гапимнинг индаллоси — бир вақтда ўлмагаймиз,
Хотиржам бўл, бўлгуси гўримиз бўлак-бўлак.
1985 йил 21 май

КЕТМА

Замонлар аёлин доди бу садо:
«Жонгинам, мен сенга не кила колдим».

Марина Цветаева.

Севмок, севилмоклик бахтми ё огу,
Огу, бахт аралаш сўзимдан кетма!
Аёлнинг минг йиллик нидосидир бу:
«Келавер, келавер изимдан, кетма!»

Кетсанг ўзлар хомуш, базм айлагай ёт,
Кадимий сукутда чинкиргайдир ёд,
Харсанглар тил битиб, дод айлагай, дод,
Мендаги бу токат — тўзимдан кетма!

Уни шон кутарми, ё кутарми кон,
Эсламайдир хуркак, титрокдаги — жон,
Кетсанг мендан ўсиб кетмоги аён,
Хатто келмаганлар тизимдан, кетма!

Панохсизни хар ён торткилар шамол,
Кай биров бахт излаб мени кўрса, лол,
Ўз жаннатин менда килмасин хаёл,
Менинг сирли, ўйчан кўзимдан кетма!

Шиддатин йўкотган дарё — тинар куз,
Япрокдай саргайиб жим хўрсинар куз,
Алвидога кўнар, гамга кўнар куз,
Менинг рангпар, сўлгин юзимдан кетма!

Бирок, мен кўнмасман бахтми бу огу,
Нахот куримокка махкум ишк боги,
Сенингман, сенингман, не бўлса хам у,
Ўзимман, Сен менинг ўзимдан кетма!
1985 йил 21 май

ЧЎЛПОН

Мен мозий тарафга катнадим йиллаб,
Шу якинда якин, йирок кўринди.
Гира-шира ичра сокин, милтиллаб
Пилиги паст ёнган чирок кўринди.

Ёкканлар бор бўлсин, туриб собит, мард,
Мушкул, эллик йиллик шамолни бурмок.
Энди уни бирга ихоталаш шарт,
Бирга пилигини кўтариб турмок.

Йўкса ўчиради бир нокис эпкин —
Тагин зулмат, неча замон, йилликдир.
Оламда бор экан адовату кин,
Виждон, асл касбинг — коровулликдир.
1986 йил 14 май

ХОЛИС НИЯТ

Соткин кадамлардан топталди богим,
Бўлдинг кўкрагимнинг ҳеч кетмас доғи.
Ёраб, эртақларда бўлар эди-ку,
Кандок бир юмалаб Сен бўлдинг ёғий.

Мен десам тишимда тишлаб юрибман,
Бағримда илонни ушлаб юрибман,
Иншооллох,
Кимни химоялаб, суйиб ёпгайсан.
Сен ҳам мендек ундан илон топгайсан,
Бошка ниятим йўк.
1988 йил 17 апрель

КЕНГЛИК СЎРА

Ўзгаришлар шамолидан ҳаёт синчи,
Сал гичирлаб тургандайин, кетар тинчиб.
Бунинг учун, энг аввало, энг биринчи,
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.

Гарчанд букун кўкламимдан кузим якин,
Олар бўлсанг, сўзим якин, тузим якин,
Четлаб дема «ўғлим якин, кизим якин»,
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.

Кенглик бўлса пистирмадан тош отмаймиз,
Чўлпонларни тирногидан топиб кир, из,
Эллик йиллаб ухлатиб, сўнг уйготмаймиз,
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.

Кенглик бўлса, топганимиз кам туюлмас,
«Ол, олиб кол, дам — мана шу дам» туюлмас.
Гам босганни бу куни ҳам кам туюлмас,
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.

Богида гул, тоғидаги бугу учун,

Бошидаги Хумо куши, туги учун,
Бир-бирини еб битирмаслиги учун
Сен одамдан одам учун кенглик сўра.
1986 йил 14 май

СИЗНИНГ ЎРНИНГИЗ...

Кўп бўлди, бўғзимни бир сиртмок бўғади,
Татимас чопганим, топганим, шонларим.
Сизнинг ўрнингизга ким бола тугади,
Ким гўдак ўстирар, дугонажонларим?!

Кўнгилга дунёнинг бор дарди сигади,
Елкадан босади ташвишли тонглари.
Сизнинг ўрнингизга ким бола тугади,
Ким гўдак ўстирар, дугонажонларим?!

Жонингиз гўзага жонини сўғади
Эркаклар далага чап берган онлари.
Сизнинг ўрнингизга ким бола тугади,
Ким гўдак ўстирар, дугонажонларим?!

Отарлар, ўклари юракка тегади,
Сизни ҳам четламас хаётнинг жанглари.
Сизнинг ўрнингизга ким бола тугади,
Ким гўдак ўстирар, дугонажонларим?!

Сизсиз-ку трактор кимгадир тегади,
Кимгадир комбайн; даланинг донлари.
Сизнинг ўрнингизга ким бола тугади,
Ким гўдак ўстирар, дугонажонларим?!

Оркада сочлармас, манглай тер жилгадир,
Хоргиним, ипакдай кош-кўзи чангларим.
Сизнинг ўрнингизга ким бола тугади,
Ким гўдак ўстирар, дугонажонларим?!

Кун келар, демаслар «Сизга гап тегади —
Казилмай копти бу дунёнинг конлари!»
Сизнинг ўрнингизга ким бола тугади,
Ким гўдак ўстирар, дугонажонларим?!

Дегайлар «Ботирсиз элни ёв эгади,
Каерда бу элнинг касоскор конлари?!»
Сизнинг ўрнингизга ким бола тугади,

Ким гўдак ўстирар, дугонажонларим?!
1987 йил 29 апрель

ИЛТИЖО

Устоз Ойбекка

Захмини чекдинг бор кўхна жахонни,
Рахмини еб башар, озурда жонни.
Лек сўнги бўларкан хар бир тугённи,
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо.

Айтдинг Гулнор ўлди, жувонмарг чечак,
Замон босди Йўлчи кўкрагига ях.
«Кутлуг кон»лар окди кулатиб тож-тахт.
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо.

Созингда Навоий не дардлар айтди,
Кайтди у, халки-ю ижодга кайтди.
Бул кун биз кўряпмиз Сен кайтган пайтни,
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо.

Кўп айтдинг, хўп айтдинг, кўксингда бирок,
Аминмен, колгандир момакалдирок,
Яшинлар колгандир килгудайин чок,
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо.

Не бу, ишк лол этган сархуш онингми,
Сукут — хеч кимда йўк сир, имконингми,
Ё сўзга сигмаган катта жонингми,
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо!

Ё бийрон кўриндинг бировга жуда,
Асабингни ўйнаб худа-беҳуда,
Балки шундан тилдан этдилар жудо,
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо!

Биров бобосидан бойлик сўрайди,
Биров отилмокка ёйлик сўрайди.
Мени шу илтижо, ўтинч ўрайди,
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо.

Чўг чангаллагандай туришимга бок,
Сен-ку, юксак тогсан, чикиб бўлмас тог.
Берсанг, сўзинг мени кўярмикан сог,

Айтмаган сўзингни менга бер, бобо!

Авлодлар келади авлод кетидан,
Шоир-ку усиз ҳам бир фидо рух, тан.
Куйсам куйиб кетай шу Сўз ўтидан,
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо!

Дунёни терандан теран Сен туйдинг,
Айт, кай оловларда бул кадар куйдинг.
Кун келди, айтмоқдан тилинпш тийдинг,
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо.

Менга алам килар, аллакачон гунг,
Бўлмок шарт бўлганлар иши келиб ўнг.
Бериб юрибди-ку тўтидай гурунг.
Айтмаган сўзингни менга бер, бобо.
1984 йил 18 июнь

ЁЛГИЗ ЎГИЛ ХАКИДА БАЛЛАДА

Сен чакиргин, чакир вақт топганинг дам,
Ораликда овоз юриши керак.
Йирок кишлокдаги мушфик онанг ҳам
Уйга кириб-чикиб туриши керак.
Чакириб бўлса ҳам айбларингни юв,
То уйга бутунлай кетмасин кириб,
Тувакдаги гул ҳам тўкилади дув
Турмасанг сув куйиб, эслаб, чакириб —
Сукутдан суяги симиллаб огир,
Кийнайди ёлғизлик бўлиб тун келиб,
Сезгир кулоклари кундан-кун огир,
Эшитмай колиши кийин, кун келиб.
Имиллаб «шукур, хар тирик дамга», — деб
Баъзан кунчувокка чикиб ўлтирар,
Эрмак деб, шахарлик неварамга деб
Алвон кўйлакчалар тикиб ўлтирар.
— Тўгри-да, меники ярашмас, кўпол, —
Дейди-ю, барибир кетади куйиб.
Нимага шу ўгли бўлмади чўпон,
Боласи юарди тикканин кийиб.
Келин тахоратга сув иситарди,
Укаларди огрик оёқларини —
Таяниб, умридан рози ўтарди —
Ўглининг чўпонлик таёқларини...
Бирдан тикишини йигади беун

Эслаб бир вақт шундай тикканларини —
Келин кўйлакчасин ёқтирмаган кун
Қўнглининг азият чекканларини —
Йўклаб келишганди, кайсиям бир йил —
Гўдак «бувижон»лаб отилгани чок
Ният килиб тиккан кўйлакчасин ул
Кизчага кийдириб термулди узок.
Кизча чикди учиб-кўниб атрофга,
Келин хайрон бўлди, ковогин уйди.
Кейин деди «Ўраб кўйгандай копга,
Ойи, бунингиз не балони кийди?!»
Ундай деманг, болам, ўзим тикувдим,
Деди дийдалари тўлиб ёшларга.
— Менам магазинга кеча чикувдим,
Бунинг бераколинг кариндошларга.
Кампир ўгли томон ташлаб кўз кирин
Уйга кирди, артмай кўз ёш, жолани.
Эр деди: Шу ишинг бир-о-оз, ноўрин —
Сира ўрганмадинг муомалани! —
Шу кунларни эслаб, эснаб, толикиб,
«Шунга ҳам шукур» деб, тоқатни ташлаб
Онанг яшар, борсанг бугун йўликиб,
Бугун кайтажаксан, колмайди ушлаб,
Сен билмайсан, онанг бежон, бедармон —
Ахир сени бир кун тутиб тутолмас.
Билмайсан-ей, Онанг дили қондир, қон —
Бу қон билан балки узок юролмас...
Ўз уйингда ейсан, тўйиб ичасан,
Уни сукут, сиртмоқларга топшириб.
Қон қелар, сен талх қон ютиб учасан,
Ул чакириб кўйгач сени шошириб.
Сен «бу ўлик меники» деб қирган дам
Биров сенга қимсан демас, сўз қотмас,
«Вой онам»лаб тобут томон юрган дам
Тўсадилар, яқинига йўлатмас.
Кейин аза очар унга еру қўқ
Бул шўрликнинг паймонаси тўлган деб.
Ерда қирок ёққувчиси қолган йўқ,
Ёлғиз ўгли аллақачон ўлган деб!
Бугун қақир, қақиравер уялмай,
Ҳеч бўлмаса овоз юриши учун —
Йироқдаги онанг ўтириб қолмай
Уйга қириб-қиқиб туриши учун.
1988 йил 2 май

БУ ШАҲД

Кадрига етмаймиз, бор накд кетадир,
Кўзи ёшга тўлиб чин бахт кетадир,
Ёраб, одамнинг-ку оёқлари бор,
Ранглари саргайиб дарахт кетадир.

Ўпиб кол, бу япрок кузга омонат,
Мунглог онажони кизга омонат,
Гадо хассаси хам бизга омонат,
Сулаймон ўтирган тож-тахт кетадир.

«Дунё меники», — деб санаб юрганлар,
Ўгрини карокчи бўлиб кирганлар,
Шароб омонат деб ўзин урганлар,
Бошларин чангаллаб, карахт кетадир.

Тилимни боглама, тилим — жаранггос,
Бугун кўнгирокмен, бир илохий соз,
Эрта менга деса шу тилимдан ос,
Эрта балки мендан бу шахд кетадир.
1990 йил 22 август

АЗИЯТ

Ўлмокликнинг йўллари кўп,
Бугун юрак тош олар.
Жаҳолатнинг қўллари кўп,
Салла десанг бош олар.

Бир юракни нишон олиб,
Сўз отаркан дангаллар.
У мажлисда йикилади
Кўкрагини чангаллаб.

Халким, сенга етмайдирми,
Чор атрофдан теккан санг,
Ўз-ўзингни йикитмокка
Мунчаям шай турмасанг.

Сен шунча кўп хато килдинг,
Кўзларингга келмай ним.
Энди Сен деб гўримда хам
Тинмас менинг уввосим.
1990 йил 6 май

ТАЛАБ

Сездим... кўнглимда бир кайсар алаф ўсди,
Тирноклари кўксимни тимдалаб ўсди.
Алафнинг хар япрогидан учкун сачраб,
Киёк тилли ўт кўксимни ялаб ўсди.
Гам менгамас, мен гамларга дорман дебман,
Кувонч бор жойда мен доим борман дебман,
Вох, бир армон тугилганда армон дебман,
Сўнг кўксимда у юзта, мингталаб ўсди.
Бўлмаса ҳам ҳеч кимсага гина, гардим,
Кимларгадир огирлигим сезиларди.
Уринмаган бир гул бўлсам узилардим,
Атрофимга ганимларим йўлаб ўсди.
Кейин... минг бор синган чикар кўнглим шашти,
Кейин конлар билан тўлди кўнглим дашти.
Бир жонимни мингта бўлиб тепкилашди,
Билмам, умрим кимга тўлов тўлаб ўсди.
«Минг оёк босгач ҳам, кайта турган гулсан,
Одамзоднинг борин айтадирган гулсан,
Хар ганимга хали кайтадирган гулсан»,
Деб бир дахшат ўт рухим эркалаб ўсди.
Гарчанд хаёт худди ўйин, худди карта,
Яшаяпман ишк кўкарта, бахт кўкарта,
Мени йўкотмок бўлсалар минглаб марта,
Яшамокка кўнглимда минг талаб ўсди.
1990 йил 13 сентябрь

ЭВРИЛИШ БЎЛМАСА...

Орол окмай кўйди окар йўлидан,
Аёл окмай кўйди окар йўлидан,
Суйиб, бир-бирига бокар йўлидан
Инсон бокмай кўйди. Бу не синоат?

Хувиллаб колгандай юртнинг ўр, кири,
Йигитларда шахд кам, кизларнинг сири,
Одамзод бирининг кўнглига бири
Чирок ёкмай кўйди. Бу не синоат?

Эркакни гох рашкмас, хасад ўлдирар,
Аёлни гох фахшу фасод ўлдирар,
Одамзод бир-бирин кўнглин кулдирар
Бир гул такмай кўйди. Бу не синоат?

Гулоб тутажакмиз, бўри чўлласа,
Ишкилиб кўлласа, бизни кўлласа...
Ўзи йўклигида хотин гулласа,
Эр тутакмай кўйди. Бу не синоат?

Бугун шундай. Билмам, не бор олдинда,
Мисда бугун мис йўк. Олтин олтин-да.
Эврилиш бўлмаса дунёи-дунда
Яшаш ёкмай кўйди. Бу не синоат?
1987 йил 12 сентябрь

ЎЛИМ ЯХШИ

Жон — жонингда дўстинг ўсса,
Тунларда ой тўлин, яхши.
Унга бало бокса, тўссанг,
Узун бўлса кўлинг, яхши.

Ёлғиз издан ўтлар йиглар,
Хатто багри бутлар йиглар,
Кўш из кетса махшаргача,
Бирга кетсанг. Йўлинг яхши.

Эзмас сангу тош кўтарсанг,
Тазйик, дорга бош кўтарсанг,
Кисмат юкин кўш кўтарсанг,
Осонинг, мушкулинг яхши.

Агар,
Ногох босса хам, тог,
Олдинрок ок, олдинрок ок,
Лахза бўлсин олдин кетмок,
Дўстдан олдин ўлим яхши!

Тугамас ишк, бу сир, бу гап,
Арвохинг хам ганимга даф.
Тирик дўстни химоялаб
Гўрдан кўллар кўлинг яхши.
1990 йил 4 сентябрь

* * *

Деёлмам «Хамиша хизматда турдим,
Элимга бергали бойлик йигдим мен».

Топган бор бойлигим — ўгиллар кўрдим,
Элни кўллагувчи кизлар тугдим мен.
1990 йил 4 сентябрь

БИЛИБ-БИЛМАЙ...

Билиб-билмай ими-жими яшайверамиз,
Чор атрофда кулайверар азим чинорлар.
Ўзимиз ўлмайдиганга ўхшайверамиз,
Юрагимиз тўниб колган, йўк унда зорлар.

Бизга жонин тутганлардан чарчаб, безамиз,
Эслаб хам кўймаймиз куйиб-кутганларини.
Жонимиздан аёз ўтган пайтда сезамиз
Бизни ўраб турганларнинг кетганларини.

Биров ишин битказади, биров битказмай
Кетар, шундай дунёдир бу. Сочим бўямай,
Мен совукка чидамсизман, аёз ўтказмай,
Тезрок йўлга отланмокни ўйлаб кўяман.
1990 йил 4 сентябрь

* * *

Мен хали-бери ўлмасам керак,
Хар довондан минг бор ўлиб ўтаман.
Сизнинг ўйнаб-ўйнаб етган манзилга
Мен адойи тамом бўлиб етаман.

Бир дардим бор — учмок, муттасил учмок,
Шундан фориғ бўлсам, соғлик ўлдирар.
Отдай соғлигимни лахза ўтмаёк
Тўхтаб колгандаги оғрик ўлдирар.
1990 йил 4 сентябрь

КАЧОН?

Кўклам,
Сен унинг номини ёзолмайсан,
Кўклаб кетар.
Ёзда журъат килолмайсан. Ёзгирасан.
Куз куйиниб, ёзмогингни чеклаб кетар.
Кишда кийин —

Качон ёзиб улгурасан?

1985 йил 22 май

ТЎГОН

Кўлларинг дарёга ташланган тўгон,
Окяпман, кўлларинг колар-ку тутиб.
Кўркаман, мен кўркиб ховучлайман жон,
Эхтимол, сиргалиб кетарман ўтиб.

Кўлларинг дарёга ташланган тўгон —
Ока-ока бир кун етаман —
Факат кўлларингдан баликлар йўсин —
Кўркаман, сирпаниб, чикиб кетаман.

Кийин, билсанг, менга бўлар кўп кийин,
Дунёни корайтар фикрим тўзони.
Айт, кай дарёларда окаман кейин,
Тутолмай колса гар кўлинг тўғони?
1985 йил 20 август

ХОЛАТ

Бу богнинг гуллари окки худди кор,
Кўнгил жим. Ахтарсам сабаби бисёр.
Бирдан хушёр тортиб коламан, хушёр.
Бу тугёнсиз умр меники эмас.

Севаман, севгимда хотиржам бир ўт,
Куйлайман, куйимда сипо шавк, сукут.
Юрак парчинланмас, юрак доим бут,
Парчин, консиз умр меники эмас.

Севгилим, дарёдай кетяпман окиб,
Киргокка бўй бермай, тошиб, тутокиб,
Окяпман, ич мени, ичгин ютокиб,
«Ишкка — жон»сиз умр меники эмас.

Тафаккур, ёлғиз Сен такдиримда ганж,
Сенсиз умрим гариб, аянчдир, аянч.
Шеърят, кўксимга ханжарингни санч,
Бу курбонсиз умр меники эмас.
1986 йил 7 май

БИР ШЕЪР КЕРАК...

Бир шеър керак, шундай шеър битта,
Ёзгач, тагин умр сўрамай,
Ўша шеърдан гурлаган ўтда
Ўла олай ортга карамай!
1986 йил 7 май

ЁЛГИЗЛИК

Бир вақт шошқин ёнимга келган эдинг йўл топиб,
Келганингга қадар ҳам яшаганман Сен билан.
Тунларда уйку эмас, ёдинг кўзимни ёпиб,
Тонгларда уйғонардим тушда ўпичларингдан.

Келдинг, кўп ўтмай Сендан айрилиб қолдим, бироқ,
Қайдан қалб кўзи билан қолдим мен Сени таниб?
Бизлар бирга яшаркан, кетиб борардим йирок,
Бизлар бирга яшаркан, борардим яккаланиб,

Гарчанд ҳамон биргамиз, аммо асли йўксан Сен,
Нахот, бу ҳаёт энди қабул қилмас тахририм.
Бир гуруллаб тафти бермай ўчиб қолган чўгсан Сен,
Нахот жунжиқиб ўтмоқ — энди менинг тақдирим?!

Гарчанд энди кетмокка — йўл топмокка шошмасан,
Айт, қачон булут янглиғ қопладинг осмонимни?
Биргасану, йўқ, йўқ, жон-жонимга туташмасан,
Қайғусин қиламан шу ёлғизгина жонимни.
1984 йил 7 ноябрь

АЛАНГА

Гумоним йўқ, алангадай севдинг ютоқиб,
Сўзларингда, кўзларингда аланга тафти.
Мен билмабман, бу оловда умрим бутоғи,
Япроқлари секин-секин қуя бошлапти.

Ҳаётимга алангадай қирдинг бостириб,
Ҳаётим бу алангадан исинди, ёнди.
Мен ўт эдим, ўтлар билан ўт суҳбат қуриб
Ўтсанг шу бахт эканига қаттиқ инондим.

Мен ўт эдим, ўтлик тутди ўтнинг барини,

Бугун ногох ўтмас, сувни эм кўряпман.
Бугун ногох умримнинг кўк кенгликларини
Киёк тилли алангага ем кўряпман.

Ва бир хаёл ўйларимга ўрнашиб олган
Такрор этиб ишқнинг ўтлиги, мунглиги сасини:
— Чирок йўкми бу дунёда саклаб қололган,
Қуйдирмасдан ўзин урган парвонасини?
1984 йил 7 ноябрь

ХИЖРОН ҚУНЛАРИДА

Хеч қимсани қакирмайман ўзга қўмакка,
Хожат борми, ўтир, дардим эшит, демакка,
Қунки мени сен тушунмай қолдинг, мен якка.

Холбуки, сен... бир қарашда қўриндинг совук,
Бир қарашда... кейин ўзинг бўлдинг қирмовук,
Айб йўқ эмас менда ҳам, мен деёлмадим «йўқ».

Энди мени хар қадамда висол қутарди,
Хар қадамда қучли қўлинг аршга қўтарди,
Шодмон эдим, қунки йўлдан Сен-ла ўтардим.

Бу йўл қети дарахтларда қушлар қувиллаб,
Қеча қужгон ўйнар эди, бугун қувиллаб
Қолган бу йўл, қунки... қунки мен бўлдим қуллаб.

Йўқ, хали ҳам якка эмас, сирдошим бордир,
Ул — ёлғизлик, қучок очар, қучоги қордир.
Вохки, бугун менга Сенмас, у мушток зордир.

Толе экан, тушдим бир сўз, қорлик, музликка,
Қурқдим, тагин алданмай деб айри сўзликка,
Мен тоабад қўнгил бердим нгул — Ёлғизликка.
Хеч қимсани қакирмайман...
1984 йил 7 ноябрь

ТЎМАРИСНИНГ АЙТГАНИ

Аёлнинг оғири, қўргошини мен,
Қасос мени ҳам силқитди, қўймади.
Қонли хумга тикдим ёв бошини мен,
Қонга тўйсин дедим, тўймади!

Мен ҳам нафис эдим, ситора эдим,
Касосимга бўйинсунмаганимда.
«Замон, замонингга ўт кетсин», — дедим,
Ханжаримнинг дамин синаганимда.

Набирам, Сенга ҳам етади бу хун,
Асли йўк нарсани сўрамам Сендан.
Ракиб дуч келганда йигламай махзун,
Кон юки ханжаринг сугургин киндан.

Касос хаволарин очлик билан ют,
Гарчанд ситорасан, нафис аёлсан,
Менинг гумоним йўк кетмогига ўт,
Сен агар «ўт кетсин» дея кўзголсанг...
1988 йил

МУАММО

Бугун муаммодир кўлни асрамок,
Муаммодир богни, гулни асрамок.
Бошкacha курсак деб таклифлар катор,
Кийин хатто тўгри йўлни асрамок.

Эсласанг... хотирга куюнлар кетгай,
Эсласанг, кораяр кўзларинг олди.
Кийгос боглар кетиб шамолга беткай,
Ўрнида яп-яйдоқ далалар колди...

Хар бир сўзни махкам, дарахтдай ушлаб
Силкитгин, хар бир сўз берсин садо, ун.
Кўкартир, кўкартир тишингда тишлаб,
Тилни асрамок ҳам муаммо бугун!

Сўз ташиб, сўз ташиб худди болари
Биз кайгача борсак, сўз-ла борамиз.
Сийрак тортиб колса сўз далалари,
Уни болаларга кандок берамиз?

Елкада она тил юклари турсин,
Биз кетавермайлик ўзни кўтариб.
Мехнаткаш ўзбекнинг боласи юрсин
Пахта билан кўшиб Сўзни кўтариб.
1988 йил 18 апрель

НИМА ДЕБ КУЙЛАШНИ МЕНГА ЎРГАТГИЛ

Эхтимол, буюмдан воз кечмок мумкин,
Бебахо кийимдан воз кечмок мумкин.
Накшинкор уйингдан воз кечмок мумкин,
Аммо кекса онангдан эмас.

Чаманлар, эхтимол, хотирдан кетар,
Тотганинг огу — бол хотирдан кетар,
От кетар, суюкли бўрон ёл кетар,
Кекса отанг кетмас хотирдан аммо.

Балки хотин кетар Сендан узилиб,
Балки боланг, майли, кўнгли бузилиб.
Буларга айбдордай, куйиб, эзилиб
Шўрлик онанг Сендан каёкка кетар!

Бездирсанг, ит кетар улокиб, дайдиб,
Дўст кетар, дўстликка лаънатлар айтиб.
Руҳи ҳам чиркираб коровуллайди,
Отангни ўлгач ҳам кеткизолмайсан!

Шундай дердим, аммо бугун бу йўлда
Нимадир ўзгарди, нимадир ўлди.
Хайрон кўзларига кумлар тикилди,
Отанг уйдан кетди биринчи бўлиб.

Кадимда онани какшатса хотин,
От думига боглаб олинарди хун.
Ўша аркон эркак тилида бугун,
Онанг уйдан чикди иккинчи бўлиб.

Хотиржамсан, майли, сиёҳ кеч кирар,
Кўчада эмас-ку юпанч, куч кирар.
«Ў, болам-а», — деган ёзув кичкирар
«Қариялар уйин» деворларида.

Унутдим дийдаси котганларни мен,
Ортимдан кўп киммат сотганларни мен.
Ортимдан отгани отганларни мен
Булар нима, бундай Гам келганда дуч.

Кўкдан кормас, каргиш ёкканими бу,
Бола эмас, бало бокканими бу.
Дарёни тескари окканими бу,
Тушун, — дейсан, ўргат, кандок тушунай?

Кичкирик тутади, дунёи дунни
Ўчиринг, ўчиринг бу фигон-унни,
Оёги осмондан келган бу кунни
Нима деб куйлашни менга ўргатгил...
1987 йил 3 декабрь

* * *

Хувиллаган богнинг бог сиёги йўк.
Гох чог кўнгилнинг хам чог сиёги йўк.
Гунохи нелигин билмай турган бу
Бемор янглиг согнинг сог сиёги йўк.

Давр, дарахтларинг силкитаверма,
Чалаверма сўнгсиз имтихон найин.
Давр, одамларни олмадай терма,
Узилгач, уларни сакламок кийин.

Баъзан ярим тунлар сачраб, уйгониб
Ўзимча сен учун кидираман йўл.
Гох-гох хўлу курук баробар ёниб
Бу бог аста-аста бўлмаса деб кул
Кўп кайгураман!
1987 йил 10 октябрь

ЭНАМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Хаёт, кийин хаёт эди, ў болама,
Онанг тили новвот эди, ў болама.
Тирикликнинг бор юклари елкасида
Онанг аёл, хам от эди, ў болама.

Сизлар унинг боласига ўхшамайсиз,
Сочининг бир толасига ўхшамайсиз,
Азаларда хиккиллашдан нари ўтмай,
Унинг йўклов, ноласига ўхшамайсиз.

Ўриш, арков йигирмокка кўлингиз йўк,
Гамни бахтга ўгирмокка тилингиз йўк.
Базмларда бало борми сиполикка,
Нахот, бахтдан тарс ёрилгич дилингиз йўк.

Онанг юрса, кувонтириб юрди ерни,
Хамрох эмас, панохим деб ўтди эрни.

Бир куз кув-кув кўп йўталди, ренгенчилар
Гуллаб кетган ўпкасининг расмин берди.

Кушмиди-ей, яширди-я учганини,
Кўчиб кетди, кўрсатмасдан кўчганини,
Куйиб кетдим, эшитганда, ўзи билмай
Ўкарикдан дорили сув ичганини...

Дил овлашда мерган болам, ў болама,
Дориларга берган болам, ў болама.
Ул гўшани супурибми турмок учун
Мендан олдин борган болам, ў болама.
1987 йил 10 октябрь

* * *

...га

Санчийди кўксимнинг мана бу ери,
Кўрганда «тогчалар», тўсин тоғларни.
Мос келмай колади фикриму шеърим
Мосламаларига кўгирчокларнинг.

Чакиришиб амма, холаларини,
Маслахат бошлашар «Не килмок даркор».
Босишиб ўз кичик молаларини,
Пилдираб, шеъримда бошлашар шудгор.

«Мана тайёр» — катта кўгирчок кулиб,
Елкамни силайди, бирга ичаман.
Сўнг шеърим оламан, кўлидан юлиб,
Сўнг... бу шудгорланган шеърдан кечаман.
1984 йил 30 ноябрь

КАДАХ
(баллада)

Шом шамоли изгиган кечда
Учта одам ўтириб ичди.

Эр, хотин ва учинчи эркак,
Учинчининг кўзлари сергак.

Хотин силаб-сийпар эрини,
Эр билмайди унинг ерини.

Хотин тилда бергудайин жон,
Кўкрагида гимирлар илон.

Кани олдик!
Ок урарлар, ок,
Эр кўксини чангаллар шу чок.

Ўх, юракка бориб етди ўт,
Томирларин киркиб кетди ўт.

За-хар!
Кулаб, эри берди жон,
На котил бор, на бир томчи кон...

Бўш кадах хам кетмади синиб,
Дастурхонга кайтди ювиниб...
1986 йил 4 октябрь

* * *

Эркаклар ўлимга кетган йўллар бу,
Ортига кайтмаган из бор барида.
Шохлар чўзилганча колган кўллар бу,
Дод солганча колган йўл четларида,
Сен бу дарахтларга меҳрибонрок бўл!

Кандок унутамаман, унутаи кандай,
Айникса кўрганда бу — жанг бошини.
Мажнунтол букилиб садр тушгандай,
Саннаб йўклайверса тўкиб ёшини,
Опам, синглим дегил мажнунтолларни!

Яхши ният билан бу уйни куриб,
Ўлимга кетганлар, ўтиб-ўтмай тўй.
Кетганда ортидан кетмаган юриб
Ўлганда... тўкилиб йитмаган бу уй,
Эҳтиёт бўлиб кир оstonасидан!

Аёл, бу аёллар сокин ўлтирар,
Кўзлари минг бало, казони кўргач.
Улар бўйдор ГАМни кучиб ўтдилар,
Бўйдор эрларини ўлимга бергач.
Уларнинг кўзига тик караб бўлмас.

Эркаклар ўлимга кетган йўллар бу!

1986 йил 4 октябрь

ПАЙТ КЕЛДИ

Ортик кўкрак кердик-а,
Нокис ишлар кўрдик-а,
Хўп семириб юрдик-а,
Энди озар пайт келди.

Юлгич юлди, кувонди,
Фахш ўпди гох жувонни,
Ким йигди бор унвонни,
Энди тўзар пайт келди.

Хак ололмай олгандан,
Изтироб ўтди жондан,
Хамон ўзгир ёлгондан,
Энди ўзар пайт келди.

Бу норасо ўйларни,
Забонсиз дўст, кўйларни
Шоир кўпрок ўйларди,
Энди ёзар пайт келди.
1987 йил 3 октябрь

ХАК СЎЗИНГ УЧУН

Жон кайгуси бор жойда йўк виждон кайгуси.
Е. Евтушенко.

Ёзмок ўтида ёнсанг,
Иккиланиб ўтирмай,
Саратоннинг юзига
Ёзавергин кор билан.

Тилинг айланмай колса,
Куйиб кетган дилингни —
Айтарингни айтавер
Кўлинг билан, тор билан.

Бундан агар эл учун
Келар бўлса килча наф,
Килдай тилини топиб
Тиллашавер мор билан.

Хак сўзинг учун даврон
Осмокка хукм этса,
Даврондан юз ўгир-да
Сирлашавер дор билан.

Юз — ўз жонидан бошка
Кайгуси йўк — халк эмас,
Бирлашавер, Халима,
Бир иймони бор билан.
1987 йил 4 октябрь

* * *

Курукликдан келади чирмаб:
«Чикиб кўр-чи, чиксанг, бергум тан».
Сен хаётда кушдан кўчирма,
Учкур кушдан, чикиб кетасан.

Зич тўрларин сувга ташлар карс,
«Чикиб кўр-чи, чиксанг, бергум тан».
Туткич бермас балик берган дарс,
Учар балик, чикиб кетасан.

Яшайвергин шундай кескин, дов
Хар гал маглублигин танитиб.
Хеч қачон тан бермас номард ёв,
Факат шуни кўйма унутиб.
1988 йил 15 апрель

ТОШ ХАКИДА

Эй тош,
Эй, кундан-кун шишаётган тош,
Бировнинг кўлида соккадай ўйнаб
Бошкага гурзидай тушаётган тош,
Менинг ҳам кўлимда бўларсан сокка
Мен сени бировнинг бошига эмас,
Боткокка отаман,
Боткокка!
Кайтиб бу ўртада ораламайсан,
Сог бошларни яраламайсан!
1988 йил 29 апрель

ГУЛ ХАКИДА

Дарддошликка гул хўб, кўп кузатилган,
Дардингни жимгина ютиб кетади.
Одамга айтмаки, кўшиб чати-лган
Шовкининг дунёни тутиб кетади.

Гулнинг дардларингни подадай ёйиб,
Бойиб, ўтлатгувчи ўтлоклари йўк.
Унинг бир дардингга ўнта дард кўшиб,
Жўшиб, хатлатгувчи ўртоклари йўк.

Дарддошликка гул хўб,
Кўп кузатилган...
1988 йил 2 май

БУГУН АЙТ

Унга айтарингни шу бугун айтгин,
Эртанинг келарин ўйлаб ўтирма.
Эрта кун кизганган ушбу сўзингни
Айтишга улгурмай қолиб, ўкирма.

Гар бу олма унга аталган бўлса,
Бугун бер, не учун эртани кутмак.
Мабодо, у шомда ё тунда ўлса,
Не зарур, пушмонни қон қаби ютмак.

У ўлса... ҳар ҳолда шу совук туйғу,
Ўз кўнглин бемалол тўклашдан афзал.
«Отдай юрибди-ку, ўлгани йўқ-ку,
Эрта берарман», — деб ухлашдан афзал.
1988 йил 29 апрель

МАРХУМНИНГ ЎЗ ДЎСТИ ХАКИДА АЙТГАНЛАРИ

Сиз кўнглимни кўтарсангиз сал
Бўлар эди, холим эди танг.
Келмадингиз сиз, келди ажал,
Тобутимни энди кўтарманг.
Тирик бўлмок тирикликка зеб,
Ўлим билан қилганимда жанг,
Сизни кутдим келармикан деб...
Тобутимни энди кўтарманг.

Келмадингиз... Ўралишди у,
Кок суяк бўлгунча олишдим.
Ох, касдимга ёмон тушди.у,
Кок ияк бўлгунча олишдим.
Ва тан бердим Сиз йўгингизда
Кизил конларимга ботиб ман,
Дўст, душманга Сиз тўгрингизда
Мана энди айтаётибман.
Манов дўстнинг дўстдир сиёги,
Тирик дўстга келмагай беткай.
Сизга унинг чўян оёги,
Факат казо кунингиз еткай.
Кўнгли юмшаб, эриб келгунча,
Меваларин териб келгунча.
Эрдан чиккан кизларин мактаб,
Кайта эрга бериб келгунча.
Сувим тиниб колди жонимда,
Ўтим сўниб колди жомимда,
Качон йўлга чикканин билмам,
Етиб келди катл комимда.
Энди мени ёдлар кўтарар,
Илхак оху додлар кўтарар,
Кўтаргандан кўра бундай дўст,
Ётлар, етти ётлар кўтарар!
Сиз кўнглимни кўтарсангиз сал
Бўлар эди, холим эди танг...
1988 йил 2 май

НОДИРАИ ДАВРОННИНГ СЎНГГИ ШЕЪРИ

Хаётингдан балки беиз кетгайдир,
Душман ёзса ёзсин хато ёзса гар.
Хар харф юрагингни тешиб ўтгайдир,
Хато ёзмасинлар ўзингникилар.

Киш кахрига олса, бахор келмасдан
Сенга хукми — катл кун келса агар.
Душман босса боссин, билиб-билмасдан
Мухр босмасинлар ўзингникилар.

Мен сигмаган хаёт гулгун, бардавом,
Бўғзимдан бўғилиб сўнгни сас келар.
Душман осса оссин жохилу авом,
Мендек, осмасинлар ўзингникилар.
1987 йил 7 ноябрь

«ЭСКИ ЎЗБЕК ТИЛИ»ГА ЁЗУВ

Менинг тиг тилган тилим,
Менинг кесилган тилим,
Бахайбат тўгон тушиб,
Йўли тўсилган тилим.

Кушнинг унут патидай
Тўкилган унут жоним,
Китобларнинг катида
Ранги-рўйи сомоним.

«Эски ўзбек тили»мас,
Дедилар эскирган тил,
Кўркиб чиқармоқка сас,
Сандикларга кирган тил.

Сенда бодом иси бор,
Сенда бобом иси бор,
Болам на рус, на ўзбек,
Аросат белгиси бор.

Беш юз йиллар аввалги
Хатни мен англайман, бас,
Мен бугун айтганимни
Болам баъзан тушунмас.

Кўкрагимда дод котган,
Якинлашар катта хавф,
Ўз тилини йўкотган
Халк бўлмасми ердан даф.

Олдга, сафарбарликка
Кандай ярайди болам,
Ортидаги жарликка
Кандай карайди болам.

Уни ким килиб кўйдим,
Ким бўлди оғам-иним,
Томир-томирим куйди,
Синди бўгин-бўгиним.

Гули унут халк бўлдик,
Йўли унут халк бўлдик,
Оммавий гунглик содир,
Тили унут халк бўлдик.

Умримнинг шом, кечига
Шу ўй санчилиб туриб,
«Лугатит-турк» ичига
Ёшим томчилаб туриб,
Дедим: — Тиг тилган тилим,
Менинг кесилган тилим.
1989 йил 14 февраль

КИШ КЕЧАЛАРИ УЗУН

Киш кечалари узун,
Узун хаёл суради.
Пага-пага кор намчил
Деразага уради.

Менинг маъюс дилимга
Вахималар курар ин,
Бу кахрли тунда йўлга
Сиз чикмадингизмикин?

Шамол увлар кутуриб,
Бор бўл дунёда, сезим!
Игна учида юриб
Мен тонг отдирган кезим...

Сиз кирасиз, хоргин, шод,
Кўзларингиз толибди.
Дейсиз «Согиндим, уйгот,
Обчик Мирзо Голибни».
1989 йил 15 февраль

МАЙСА

Орамизда бу майса ўгай,
Уйкусираб турар сиёги.
Узин олиб кочмайди нега,
Не ишончдан порлар киёги.

У ўйлайди тозарокмиз биз,
У кўрмайди бизда пастликни.
Майли, тонгда ўйлаб кўрамиз
Уйготиш ё уйготмасликни...
1989 йил 15 февраль

ИККИЛАНИШ

(«Шохимдаги куш» туркумидан)

Олдин хеч нарсада иккиланмасдим,
Хаёт томчи-томчи рухимга сингди.
Энди билмам узунми, киска дастим,
Энди гумон менинг доимий синглим.

Дарахт бўлатуриб иккиланаман,
Шошилиб шохимга кўяётган ин
Бу куш умр бўйи яшармикан шан,
Кўзлаган ерига етадимикин?!

Гулларга огринмай елка тутар кир,
Узим-ку хеч гапмас, йикилсам, йитсам,
Шу куш бўлмасмикин мендан домангир,
Мабодо,
Мабодо кесилиб кетсам...
1989 йил 15 февраль

ЁЛГИЗЛИК

Бу сўз уфуради бир совук хаво,
Ўзи битта, уни ёдлар тўти йўк.
Ёраб, дафтаримнинг ўшал бенаво
Кирмаган бир шеъри, бирор бети йўк.
1989 йил 15 февраль

* * *

Тиёлсанг нафсингни тий,
Тиёлмасанг еявер.
Бўлса уч-тўртта сокий,
Базм ўлди деявер.

Бир бошлиги йўк юртдан
Этак кокиб кочавер.
Сокий бўлса уч-тўртта,
Ўзинг куйиб ичавер.
1989 йил 15 февраль

* * *

Кушлар ака-укалар,
Гуллар опа-сингиллар.
Шундай яшаш бўлмаса,
Бир кун хамма енгилар.
1989 йил 15 февраль

* * *

Тахтга чикар йўл бордир,
Чикавер шошиб бахтдан.
Тахтдан тушар йўл йўқдир,
Йиқилмок бордир тахтдан.
1989 йил 15 февраль

БАДБАХТ ИШОНЧ

Бу тош,
Менга ортик ишонар бу тош,
Ёмгир менга ёгар,
Унга тегмайди.
У деб бор балога мен берурман дош,
Мен тирик эканман,
У бош эгмайди.
Тугилмагандайди
Шу бадбахт ишонч,
Жойлашиб олмаса бунча ичкари,
У тошлай колмасдан,
Бўлармиди ганж
Ёки учармиди канот чикариб.
Йўқ,
Устини коплаб етти кават чанг,
Учмокни унутган,
Босилган бу тош.
Ўзим турсам хамки оёқда аранг,
Менга осилгани осилган бу тош.
1989 йил 17 февраль

ЙЎЛГА ЧИККАН...

Йўлга чиккан бир ўрмон дарахт.
Чикаверган чакиришган он.
Ким айтади, ким эмас карахт,
Олдиндаги йўл элтар каён?

Биров айтса, берардим жоним,
Олдинда муз, кормаслигини,
Айтса, гаров кўйиб иймонин,
Боткокликка бормаслигини!
Биров айтса бўлардим фидо,
Кўзи билан ё сўзи билан.
Кетаётган бир ўрмон худо,
Бари машгул ўз-ўзи билан.
Йўлга чиккан бир ўрмон дарахт...
1989 йил 18 февраль

УЧИРМА

(«Шохимдаги куш» туркумидан)

Шохингдаги кушни кайтиб учирма,
Унутсин, эслатиб, айтиб учирма,
Жойлашиб ўтирса ўтираверсин,
Бошка кушлар учган пайти, учирма.

Умрини ўтказсанг ўтказиб юбор,
Бойлаб, рангини саргайтиб, учирма.
Вох, тогдай юракни бой бериб кўйдим,
Шохдаги кушчалик пайтим, учирма.
1989 йил 18 февраль

АСЛ БАХТ

Келган ишинг барори,
Сен дунёнинг гули чин,
Йикитолмас гам дориб,
Сен кувончлар кули чин.
Нураш билмас тахт килдир.

Эгасан бахт, салмокка,
Лек, барибир хун чокка,
Ўз бошингни олмокка
Тайёр турсин киличинг,
Журъатингга шахд килдир.

Яшамадинг кунишиб,
Мард бор, сўнг он — тик токка.
Ўзга киличи тушиб,
Тушмай ўзга оёкка,
Кетсанг, асл бахт шулдир.

1989 йил 18 февраль

СОВУК ШАМОЛ

(«Шохимдаги куш» туркумидан)

Совук шамол, билмам, не дарди,
Шом аралаш йўл солди бокка,
Шохимдаги кушча ўзгарди,
Катнаб колди тез-тез у ёкка.

Бу катновлар ўзгартди тусин,
Карашлари кишга айланди.
Катнаб-катнаб кушчам, мунисим
Бир касамхўр кушга айланди...

Совук шамол,
Билмам, не дарди...
1989 йил 18 февраль

ЯРИМ КЕЧА...

Усмон Носирга

Ярим кеча,
Йўколган тинчим,
Кўкрагимга корлар кулайди.
Кайтиб келар ўттиз еттинчи...
Нихоллар, чинорлар кулайди.
Рўмолчада нон, канд ўроглик,
Илинарлар «Шўрлик Усмон ер».
Тик турганча устунга боглик,
Кўкка дўклаб, Усмон ўкир шеър.
Ўкийверар... осмонлар пастлар,
Лахза ках-ках, лахзада йиги.
— Бу касални кўп ушламаслар,
Тугади, дер лагерь бошлиги.
Кўли боглик бу йўловчини
Ёшин шамол сидирдимикин?
Ердан топмай бир кўлловчини
Кўкдан худо кидирдимикин?!
Она элим, кўкси тўла дог,
Тушдинг кора рўйхатга, токай,
Сор ўгиллар тугарсан, биров
Олдирарсан калхатга токай.

Хамон кут йўк, ўт йўкдай юртда
Рангинг сарик, мангу силдайсан.
Сен тугмокни килурсан удда,
Асрамокни хамон билмайсан!!!
Ярим кеча,
Йўколган тинчим...
1989 йил 20 февраль

ТУРКИСТОН ОНАСИ (туркумдан)

Менга айтадилар, мустакиллик, шон
Бир омаддай келди. Нечун кулмайсан?
Бўғзимга келади кўксимдаги жон,
Санчилаб огрийди кўксим, жилмайсам..

Жиззах вокзалида поездлар так-так,
Тўплар халойикка ўт сочар тикка.
Тўпга калкон бўлар гулгун келинчак,
Куёв Сибирь кетар, мардикорликка!

Нечун, бу — омад, — деб бўғизни йиртмок,
Шоша-пиша ювмок сачраган конни.
Тушимда илондай солланар сиртмок,
Дорга осадилар Дукчи Эшонни!

Акани сингилга кайрайди тузум,
Чавакланган Нурхон тушимга кирар.
Тушимда жаллод енг шимариб хар тун,
Тилим деганларнинг тилин сугулар!

Кандогам ичимга беркитай, ютай
Бағрим киймалаган волаларимни.
Кўксимга тош босиб кандок унутай
Тили сугурилган болаларимни.

Мустакиллик!
Сенга мен келдим шонлар,
Конлардан кўпчиган далалар билан,
Дорларда чайкалган Дукчи Эшонлар,
Тили сугурилган болалар билан.
1991 йил 31 март

ДАРДИМ БИЛАН ЎСАДИЛАР БИР КУНИ...

Сен айтганда факат бахтдан айтарсан,
Насиямас, факат накддан айтарсан,
Таназзулсиз тожу тахтдан айтарсан,
Мен комил бўлмадим, камимдан айтдим.

Балки сенга бедахддир киш кори,
Ордир менга ўзбекнинг номус, ори,
Чўкиб борар минглаб гўдак мозори,
Мен дод дедим, мен аламимдан айтдим.

Чўпдай озгин оёклари чалишиб,
Кўтаролмай тупрок тўла калишин,
Бу «дамкисма» аёл нафас олишин,
Кўриб нафас кисар дамимдан айтдим.

Хамон тонглар умид-ла уйғонар у,
Сабр таги — олтин деб инонар у,
Шундай десам, ох, нохосда ёнар у,
Тўкила бошлаган жомимдан айтдим.

Ранглари саргайиб гуллар йиглади,
Чалкашиб, бош кашиб йўллар йиглади,
Кўрар кунлари мушкуллар йиглади,
Куюк тортиб келар шомимдан айтдим.

Бошга тегиб бошин эгди шох сўзим,
Тошга тегиб ёшин тўкди, ох сўзим!
Неки айтдим жавобгари бир ўзим,
Халима, деб мискин номимдан айтдим.

Осса, мени осадилар бир куни,
Дардим билан ўсадилар бир куни,
Элин комил кўрмай ўттан гариб, — деб
Маним номим ёзадилар бир куни.

Сен айтганда факат бахтдан айтарсан...
1988 йил 14 август

ТУШУНМАСМАН

Тушунмасман. Майли, тунни тангдай килиб тушунай,
Тенг эмасми тенг кўраин, тенгдай килиб тушунай.
Тизимдан хам келмас пастлар чиқаверса елкамга,
Кўнглим укиб келмагани кандай килиб тушунай?!

Бу болалар кайда ўсди, бундай ўтсиз, боши хам,
Ўн бешида бош бўлмади, йигирмада оши хом.
Тик тикилиб келаверсанг синар тогнинг тоши хам,
Тик кўз тикиб келмаганни кандай килиб тушунай?!

Сабаб йўкдай бу таъзимкор болаларни сўкмокка,
Оналари яралгандай хасратларин чекмокка.
Улар каттик ўрганганлар ўз кадрларин букмокка,
Ёвни букиб келмаганни кандай килиб тушунай?!

Ёвлар зимдан кўкраклара бемалол тиг сайсалар,
Минг йилларки ниш урмайди касос янглиг майсалар.
Минг йилларки кўркув дори бошимизда чайкалар,
Дорни йикиб келмаганни кандай килиб гушунай?!

Халк гоҳ тўда-тўда экан, гоҳо халкаю-халка,
Мардлари хам хаминкадар, ўзимизга басалка.

Халк деганда жондан кечиб, бутун бошли бир халкка
Бошин тикиб келмаганни кандай килиб тушунай?!

Ерда тузлар кўчаверса захару огу ташиб,
Самолётлар учаверса тулки ташиб, кув ташиб,
Ўгли мамнун яшайверса ёв молига сув ташиб,
Гўрдан чикиб келмаганни кандай килиб тушунай?!

1988 йил 19 июль

ТАЪНАЛИ ШЕЪР ЁЗГАНИМДАН КЕЙИНГИ ИЗТИРОБЛАРИМ

Сени ўтсиз дейман-у, ўзим ёна бошлайман,
Кутсиз дейман-у, ўзим гамга кона бошлайман.
Толесиз эканимга, ох, инона бошлайман,
Мунг тўла кўз ўғлоним, нимангга таъна килай?!

Ининг келиб сен куйган гиштингни киркаётир,
Фитна-фасодлар хели — хиштингни киркаётир,
Улкан заводлар сели — пуштингни киркаётир,
Хотини киз ўғлоним, нимангга таъна килай?!

Бобонг факат Темурмас, пахтакор хам бўлгандир,
Унга хам омад келиб, планлари тўлгандир,
Ўзи жигарин ушлаб пахтазорда ўлгандир,
Саргимтил тус ўғлоним, нимангга таъна килай?!

Улуг янги завод деб имзо чекади тагин,
Ўзбек ерига тўймас кўзин тикади тагин.
Сил, сув очган кичима... ок кон чикади тагин,
Жони тўс-тўс ўғлоним, нимангга таъна килай?!

Ютказгани-ку аник, аммо ютганин билмас,
Мехмон — атои худо. Кимни кутганин билмас,
Тилла-зарини кимга, кайга йитганин билмас,
Кийгани бўз ўғлоним, нимангга таъна килай?!

Сингилларинг далада ёзлашар-у кишлашар,
Улар факат ўлганда бу ер билан хўшлашар.
Хўшлашганлар... гоҳ жиннихоналарда тишлашар,
Чўкканча тиз, ўғлоним, нимангга таъна килай?!

Менинг титраган кўлим хатолар ёкасида,
Илдизингдан емирган катталар ёкасида,
Безабон ўтаверган оталар ёкасида,
Сен ҳам бесўз, ўғлоним, нимангга таъна килай?!

Сариосиёда-ю Навоийда захар, ис,
Биз ҳам бўғзгача тўлдик. Йўк, ортик тўлолмасмиз.
Бу кора ёзугларни бузмасдан ўлолмасмиз,
Ўс, тезрок ўс, ўғлоним, нимангга таъна килай?!
1988 йил 19 июль

ЭЛДОШЛАРИМ ИЧРА ЮРИБ

Элдошларим ичра юриб
Кайгуларим куюклашди.
Хар хил майда имконлар бор,
Биз истаган имконлар йўк.

Ўзимизча неларнидир
Бугун инкор этмокдамиз,
Эрта бу инкорлар инкор,
Кайта синмас инкорлар йўк.

Савлат тўккан бу шункорлар
Ўрлаб борса тогда хокон.
Чўккига бир чикмок учун
Ўлмакка шай шункорлар йўк.

Сагирмас факат сагирлар,
Елкалар хамон ягирлар,

Нечук колдик ер багирлаб
Кўкраклари осмонлар йўк.

Минг-минг етим гўдак деманг,
Минг-минг боши эгик одам,
Шу гамлардан кўзим ёши
Селим, деган инсонлар йўк.

Эрим деган, ё хотиним,
Майда-чуйда исёнлар кўп,
Ох, минг охким, ерим деган
Элим деган исёнлар йўк.

Элдошларим ичра юриб
Кайгуларим куюклашди...
1988 йил 8 январь

БУЛ КУН КИМДИР ЎЙНАСА

Бул кун кимдир ўйнаса
Дог устида ўйнайди.
Дог-дарахти зардоб ранг
Бог устида ўйнайди.

Бу тупрокка ишонч-ла
Оёк босиб бўлмагай,
Кумлари тиркираган
Кумлок устида ўйнайди.

Бул кун тухмат — тогдай тик,
Бул кун игво — кўп улуг,
«Бул каро-ку, каро» деб
Ок устида ўйнайди.

Хар кадамда гор, копкон,
Курбон топкони топкон,
Юзтубан тушган мункиб,
Хамрох устида ўйнайди.

Муком-ла янги-янги
Тепинганда ер чангиб
Ўзи тушар, эртанги
Чох устида ўйнайди...

Кандок сўлмай киёги,

Куйиб кетмай оёги,
Нак юракнинг устида,
Ох устида ўйнайди...
1988 йил 8 февраль

ХУРЛИК ЎТИ

Элим, Сени муте кўрсам,
Кўздан колай, кўзим куйсин.
Дема, унда не деюрсан,
Сўздан колай, сўзим куйсин.

Тўтимасман бир бийрон тил,
Дил оўлмаёа ор, иймон — дил.
Тил бўлмаса дарду кон тил,
Тилим деган сезим куйсин.

Хар толеда бир шохлик бор,
Ўлмай етсам, эл бахтга ёр,
Колаверса эл зор, ночор,
Маним шохлик кезим куйсин.

Кай пайт мотамсаро кўрдим,
Игво, фитна аро кўрдим.
Гамдан юзин каро кўрдим,
Маним шоир юзим куйсин.

Ў, кўп сирлар бўлар-ку фош,
Кўрарманми, етиб бардош.
Кетсам, колса эл эгик бош,
Тутаб гўрим, изим куйсин.

Ў, чин хурлик бахти катта,
Етажакмиз биз албатта,
Мен етмай ўтсам, у ўтда
Маним ўғлим-кизим куйсин.

Элим, Сени муте кўрсам,
Кўздан колай, кўзим куйсин...
1988 йил 8 январь

КАНДАЙ ЯШАЯПСИЗ?

— Кандай яшаяпсиз? Бу саволмас, тош,

Зада юрагимга теккувчи бот-бот,
Ишкилиб, холимни килмайдирми фош,
Ранги заъфароним, кўнглимдаги дод?

Бошдан оёгимга кадар муз кетар,
Совук корларини ичга урар киш.
Тонгдан шомга караб илдам сўз кетар,
Илдамрок силжиса, кани эди, — иш?!

Менам неларнидир айтган бўламан,
Бажаргум кимнингдир буюрганини.
Кечда хориб-чарчаб кайтган бўламан,
Сезмай хам коламан тун кирганини.

Сут хидин кўмсаган болам чарх уриб,
Кўксимга бош кўяр, кўксим ўйлаб — тоғ.
Ишлаб келган бўлиб, мадорим куриб,
Мен уйкуга кетгум ундан оддинрок.

Отаси... У мендан кўпрок чарчайди,
Вакт деганга у хам ўтмади ёлчиб.
Болажон, юзингни юлдузлар чайди,
Улар билан тиллаш, улар — бекорчи.

Кейин... тушлар кўриб босинкирайман
Гапнинг кизиётган бозорларида.
Аёллар кўраман, озгин, касалванд,
Минглаб гўдакларнинг мозорларида.

Улар котиб турар, беҳол консиз, ок,
Тан олгандай, ночор, гўлликларини.
Улар кўкрагига босар каттирок
Совуган гўдаклар — ўликларини!

Кандай яшаяпсиз?
Бу саволмас, тош...
1988 йил 23 февраль

ЧАКИРСАНГ...

Чакирсанг, кўнглида ўт
Бор боради мен билан,
Ё ҳақ, деган бир ўтлиг
Зор боради мен билан.

Кон юкимас кўлимиз,
Бермагаймиз жаллодга,
Жаллодларни осгулик
Дор боради мен билан.

Аслимиз ер, гил экан,
Кўкка сапчиб не топдик.
Оёк ости бўлгану
Хор боради мен билан.

Зикна отган- ярадор
Фитна сотган ярадор,
Ўзимдай окарган бош —
Кор боради мен билан.

Машраб илдизим, жоним,
Бўғзимдан сачраб коним,
Тўк, маст-аласт дунёга
Инкор боради мен билан.

Тогмас, таянолмайсан,
Согмас, суянолмайсан,
Ўзим каби бемадор
Бемор боради мен билан!

Шунда хам килсанг илож,
Чакир, мен хам кулдирман.
Бошингда яркирок тож,
Оёгингда кулдирман.
1990 йил 13 апрель

ИЗЛАЙМАН

Ишонаркан ортдагию ёндошга,
Игаонаркан бегонаю кондошга,
Бошим билан уриларкан, вох, тошга,
Орангиздан Навоийни излайман.

Яшнаб-яшнамасдан, сўлиб-сўлмасдан,
Кетиб борарканман, ўлиб-ўлмасдан,
Мен ўзимнинг кимлигимни билмасдан,
Орангиздан Навоийни излайман.

Дунёнинг сир-синоати минг турлик,
Бирда хўрлик ўлдиради, бир кўрлик,

Навоийни тугмай, нечун, мен шўрлик,
Орангиздан Навоийни излайман.

Ўтарканман доги билан догланиб,
Хокистарин таниб колдим, ох, таяниб,
Девонига суянарган покланиб,
Орангиздан Навоийни излайман.

Айтинг, кўп колдими ё оз ул кунга,
Качон етгум ул ўгилга, пок унга,
Юзим билан йикиларкан олдинга,
Орангиздан Навоийни излайман.

Юрсам, юргум шу ният хар дам ёкиб,
Кетсам хам умрим — шу ёруг гам ёкиб,
Кабримда хам тунлар туриб, шам ёкиб,
Орангиздан Навоийни излайман.
1990 йил 13 апрель

БАЗМИМИЗ ОХИРЛАШДИ

Базмимиз охирлашди,
Куйимиз огирлашди,
Юклар остида, не тонг,
Рухларимиз бирлашди.

Жангга солиб кўшинни,
Яшаб ўтдик шишини,
Хеч йўкса ўлим олди
Бир-бировни тушуниб.

Балки берармиз сазо,
Бирга ўйга толармиз.
Балки келгунча казо
Бир йиглашиб олармиз.
1990 йил 14 март

БЎЛАК НАРСА...

Бу дунёнинг кўчалари бўм-бўшдир,
Чиросиздир, кечалари бўм-бўшдир.
Ўдақларнинг кўчалари бўм-бўшдир,
Бу кўлларга тошдан бўлак нарса бер.

Ох, бу кўзлар, билмам, қачон бир кулган,
Афгон томон термулгани-термулган,
Корачигин афгон бўрони юлган,
Бу кўзларга ёшдан бўлак нарса бер.

Тун. Хавода тутун. Захру захарлар,
Мардлар кетар, олмокка юрт, шаҳарлар,
Сен уларни кузатаркан сахарлар,
Она, суву-ошдан бўлак нарса бер.

Келган борки, дема, нону туз берди,
Келган гоҳо ваъда берди, сўз берди.
Улуг хокон, сендан сўров шу эрди,
Элга сабр, бардошдан бўлак нарса бер.
1987 йил 14 май

МЕН КЕТСАМ...

Эрта-индин мен кетсам
Ёд қолади ортимда.

Шеърлар либосин кийиб
Дод қолади ортимда.

«Бир куйган кўнгил» деган
От қолади ортимда.

Амримга кўнгил, — деган
Хилкат қолади ортимда.

Бобомни тушунмасдан
Дунёдан гирён ўтдим,

Армон, болам тушунмас —
Хат қолади ортимда.
1990 йил 15 апрель

БУ ДУНЁНИНГ КЎЗЛАРИ...

Бу дунёнинг кўзлари
Кўр эканин билмадим.

Ёзуги пешонамдай
Шўр эканин билмадим.

Меваси мангу пишмас
Гўр эканин билмадим.

Хар кадамда минг чоҳу
Тўр эканин билмадим.

Билмасам-да, нечундир
Бир очилиб кулмадим.

Мунглиг, кўзи ёшлининг
Теграсидан жилмадим.

Кўзим шунча ёш тўкди
Кўнглим — кўза, тўлмадим.

Ўлсам... кутулармидим,
На иложки... ўлмадим.
1987 йил 14 май

САРИОСИЁДА

Баланд дунёларнинг пастида юрар,
Куриган бодомзор остида юрар,
Дунёга ўт кўймоқ касдида юрар,
Сариосиёнинг ерли кизлари.

Захар хаволарга сирин айтади,
Минг дардидан кайси бирин айтади,
Отасиникига кизлай кайтади,
Сариосиёнинг ерли кизлари.

Бу дунё бул кадар пулга ўч, юзсиз,
Тўймас кўзларини завол ёндирар,
Бир куни дунёни ёндирса, сўзсиз,
Дунёдан киз ўтган аёл ёндирар.
1988 йил 8 май

- «ХУРЛИК ЎТИ» ТЎПЛАМИДАН -
(1993)

Битта муштга айланмай биз дастмиз ёлгиз-ёлгиз,
Тўзим косаси янглиг тўлмасмиз ёлгиз-ёлгиз,
Турку Турон тиклангай, ўлмасмиз ёлгиз-ёлгиз,
Худо, тўзгин элимни бирлаштир, — деб йигладим.

ДУНЁЛАРГА СИГМАГАН ГАВГО...

Биз кетганда ўзимиз еру,
Кўнгил осмон, кўкка кетгаймиз.
Кекирганнинг ёнига эмас,
Чўгни босиб, чўкка кетгаймиз.

Соткин, ўзгир ўтмаганида,
Хоин ором кутмаганида,
Номус биздан кетмаганида,
Кўкрак тутиб ўкка кетгаймиз.

Бог кўрмадик кирганда бокка,
Дог кўшилди дог узра докка,
Кўнгил лим-лим тўлган. Тўкмокка
Ёшли корачукка кетгаймиз.

Киш ортидан ўтар кўклам, ёз
Тополмасмиз. Кўнгли мослар оз,
Ўзимиздай гарибга пешвоз
Биз тушмасмиз чўкка, кетгаймиз.

Умрнинг тонг, шомларида ҳам
Бутлансак деб чекдик озор, гам.
Боламизнинг томларидан ҳам
Ўтаверар чакка, кетгаймиз.

Зарб ермиз, зарб тушириб ёвга,
Тирикликнинг гами ҳам совга,
Дунёларга сигмаган гавго,
Бир кун жим-жим, йўкка кетгаймиз.
1990 йил 13 март

ШУДГОРЛАНИБ ТЕКИСЛАНГАН ЭЛ

Ўтказмадик умрни ётиб,
Ё ўтириб, ўйларга ботиб.
Юрдик, ботик изларимизни
Шудгор килиб текисладилар.

Хаммада-ку хар хил кўз, аён,
Бир хил килмок шарт бўлди, баён.
Хиёл ўткир кўзларимизни
Шудгор килиб текисладилар.

Минг дард чеккан ўзимиз силлик,
Минг тош теккан сўзимиз силлик,
Кирк киррали сўзларимизни
Шудгор килиб текисладилар.

Бир хил бўлди бўйу энимиз,
Бир хил иймон, бир хил динимиз.
Хиёл тикрок бошларимизни
Шудгор килиб текисладилар.

Ортга бокиб сесканасан-ов,
Кани дов бош, кани иймон — дов.
Яйдок дала... Бокмас хатто ёв.
Шудгор килиб текисладилар.

Мен мозийга кўркиб карайман,
Тошлар туриб кетадими деб,
Бошлар юриб кетадими деб,
Текисланиб кесилган бошлар.

Бари ўтди, ўтди киргин, дор,
-•Букун кўзим ёшин килар сел.
Фикри ўзгир бир фарзандга зор
Шудгор килиб текисланган эл.
1990 йил 7 сентябрь

КИЁМАТНИНГ КАТТИК ТОШИ, МЕН...

Мен азада, йигланганда кон,
Бир яширин кулгу кўраман,
Киёматдан белги кўраман.

Халолу пок одамлар аро
Бир устомон тулки кўраман,
Киёматдан белги кўраман.

Биров кон тупуриб топганин
Бировларнинг мулки кўраман,
Киёматдан белги кўраман.

Портламоги шарт бўлганида
Асабларни салки кўраман,
Киёматдан белги кўраман.

Бойи бойиб, факири гадо,
Ўзгармаса хулки, кўраман
Киёматдан белги кўраман.

Шоир куйиб бўлганда адо
Тебранмаса халки, кўраман,
Киёматдан белги кўраман.

Киёматнинг каттик тошн, мен
Буларни, минг йилки, кўраман.
1986 йил 11 май

КИРКАР КЎНГИЛ СИНИГИ...

Бу учкур от олдидан
Отлар ўтаверсинлар,
Мағлуб-мағлуб бош эгиб
Мотлар ўтаверсинлар.

Томирда кон уютган,
Кўнгли ерни уй этган,
Кўк зарбларин унутган
Канотлар ўтаверсинлар.

Чап бермасанг ўлмакка,
Сабаб кўпдир сўлмакка,
Тиниб, дўнган кўлмакка
Хаётлар ўтаверсинлар.

Ўз-ўзини зўрлаган,
Калам бериб хўрлаган,
Номига мингирлаган
Баётлар ўтаверсинлар.

Кўрсангиз кўкайин Сиз,
Кайнотасиз, кайинсиз,
Етти пушти тайинсиз
Беёдлар ўтаверсинлар.

Кўнгил тўлганда яхга,
Кўкрагингни бер захга,

Ялтокланиб тож-тахтга
Шодлар ўтаверсинлар.

Бордир бир катта йиги,
Киркар кўнгил синиги,
Унгача гам сўниги,
Додлар ўтаверсинлар...

Бу учкур от олдидан
Отлар ўтаверсинлар...
1990 йил 13 апрель

ХИМОЯ

Химоясиз ўсади-ку майса, ўтлар,
Чаппар уриб куртак ёзар толлар, тутлар,
Бизни ўстирмаслик йўлин кимдир чўтлар,
Нечун одам мухтож яшар химояга?

Бирин бери, бирин нари, бўш кўрмас-ку,
Курт-кумурска бир-бирига ниш урмас-ку,
Бир-бирини тепкиламас, куш урмас-ку,
Нечун одам мухтож яшар химояга?

Дардим узун эди, тагин уладилар,
Ўзи яра кўкрагимни тиладилар,
Бог-умримни кесиб сахро киладилар,
Етолмасдан ўлсам керак бир сояга.

Камга кўшиб бергувчи йўк, мўл киркилар,
Чўллаб, ютдим, — деганимда кўл киркилар.
Етдим, етдим деганимда кўл киркилар,
Етолмасдан ўлсам керак мен вояга.

Табиат хур. Одам жохил, хор яшайди,
Килмишидан бошларида кор яшайди.
Качонгача одам ўксук, зор яшайди,
Нечун одам мухтож яшар химояга?!

Алёр айтсам, алёрларим додга ўхшар,
Голиблигим мағлубликка, мотга ўхшар,
Ахир, гўдак — ўсаётган ўтга ўхшар,
Нечун одам мухтож яшар химояга?!
1986 йил 12 февраль

ШОИР НОМИ

Абдулла Ориповга

Бу дунё шу — биров номус, иймоним деб йигларкан,
Биров ёшлар тўкиб мансаб, унвоним деб йигларкан,
Биров халким, ў, ранглари сомоним деб йигларкан,
Мен саргайма гўдакларни «полвоним»,— деб йигларкан,
Гамларини яширолмай тўккан ёшлар, огажон.

Эсимда бор, Сенинг ошкор хужумларга ўтганинг,
Очик майдон «Маломатнинг тошлари»ни отганинг,
Хар бурчак, хар туйнукдан тош кайтаверди изма-из,
Бўғизгача фиску фасод тошларига ботганинг,
Хали-хануз огритар-а теккан тошлар, огажон.

Ўша пайтлар билмаганлар балки энди билгандир,
Нодираи даврон дормас, кўкрагингда ўлгандир,
Бу сирлардан балки Машраб Сени огох килгандир,
Ки, чин шоир хох тахтда, хох горда яшар, огажон.
Боши дорга тикилгандир, дорда яшар, огажон.

Кодирийнинг конларини обдон ичиб тўйдилар,
Хануз билмам мен Усмонни отдиларми, сўйдилар,
Насимийнинг терисини шилиб, кўзин ўйдилар,
Энди билдим, нечун сенинг кўзинг кулмас, огажон
Кўзларингда «халким» деган сезим кулмас, огажон.

Ўйлагандим, довул ўтди, довул тамом ўтмапти,
Бизнинг бу гўр ўғлонларга бу шўришлар етмапти,
Хануз «оломон» бу халкда, халк сезими битмапти,
Ўзган. Сойда окиб кетган гўдак Бобур, Мохимиз,
Энди ўлгунимча сўрар: «Не эди гунохимиз?»

Шундай. Турли ларзалардан тирилмокда томирлар,
Мозийгаю рух ичига кирмокда бир пок нурлар,
Ота Турон даштларида бош кўтарар гурурлар,
Битта синмас гурур Сенсан. Тилло огам сен менинг,
Кодирийнинг ўрнин босган Абдулло огам сен менинг.

Энди шундай. Курашларга белни махкам боглармиз,
Дил топамиз. Айру-айру элни махкам боглармиз,
Тўгон бўлиб элга келар селни махкам боглармиз,
Тиклагаймиз халкни!
Кураш — ором бўлсин, огажон,
Тиклолмасак шоир номи харом бўлсин, огажон!

1991 йил 5 апрель

БУ ОДАМ...

Бу шундайин одам, гапни гуллатар,
Мозийни ёклайди. Ўткир, лочин кўз,
Аммо... ёнидаги дўстни кулатар,
Юз тубан кулайди ёнидаги дўст.
Чўлпонни, Усмонни «Сиз»лаб, тинмайди,
Мозийга меҳридан гуллайди бодом.
Аммо
Ёнидаги одам... ўсиб-унмайди,
Инфарктдан ўлади ёнидаги одам.
1987 йил 24 май

Биз ўтармиз. Эслар ул, киз,
Бул асрдан колгай шул из.
Шўрлик ўзбек. Шўрлик киргиз.
Кок ўртада ўлим йиелар!

УНУТГАННИНГ КУЙСИН ИККИ ДУНЁСИ
(«Ўш-Ўзган фарёди» дафтарида)

Андижон шаҳар клиникасида ётган 16 яшар Акбарали бундай дейди: «Оиламиз,
«Қуршоб» совхозига қарашли далаларда пиёз экарди. Тўрт хўжаликда ўн саккиз киши
эдик. Ўша 5 июнь куни биз тўкайга беркиндик. Ярим кечада яширинган жойимиздан
чикиб йўлга тушдик. Сой бўйига чикканимизда бизни боскинчилар ушлаб олишди.
Онамнинг қўлида икки ярим яшар укам бор эди. Ўша укамни онамнинг бағридан узишиб
сойга отиб юборишди. Онамни ҳам сувга окизишди. Уларнинг орқасидан отам, акам,
ўзларини сувга отишди. Сувдан чикиб қочгандик, улар бизни отишди. Оёқларимга ўк
тегиб йиқилдим... Онам билан синглимнинг халигача дараги йўқ...
Газетадан.

Бало тоғу қир ошганин унутинг,
Бало бизга ёндошганин унутинг,
Қорачиклар ўйиб олинганию

Кароклардан кон тошганин унутинг,
Унутганнинг куйсин икки дунёси!

Тозаланиб, кизгиш гилам ёзилиб,
Конли излар кетаверсин босилиб,
Лабларининг четларидан кон сизган
Болачалар тураверсин осилиб...
Унутганнинг куйсин икки дунёси!

Оёғи узилган мурда, от судрар,
Бир кўл ҳам йўқ, бурда-бурда, от судрар,
Фитна отган пахлавонни, ё раббий, —
Боболар от сурган ерда от судрар...
Унутганнинг куйсин икки дунёси!

Онанг окиб балик бўлди, Акбаржон,
Уканг окиб балик бўлди, Акбаржон,
Энди кайдан бўлсин улар дараги,
Бу терс хукми холик бўлди, Акбаржон,
Унутганнинг куйсин икки дунёси!

Кетай десанг улар рухин шод айлаб,
Сойга борма, бора кўрма ёд айлаб,
Жон болам-ов, жонбиз бўлай жонингта,
Чикаверса кўш балигинг дод айлаб!!!
Унутганнинг куйсин икки дунёси!

Турон жимжит. Сойи, тоғи чинкирар,
Ўш, Ўзганнинг беҳишт боғи чинкирар,
Онасининг курсогига санчилган
Тигдан ўлган чакалоги чинкирар,
Унутганнинг куйсин икки дунёси!

Ўтган ўтди. Бўлмас ортга кайтариб,
Факат юрак зирк-зирк санчган пайтлари,
Бу яшинвор чинкирикли Туронда,
Муслмондан таркалганга айтарим:
«Унутганнинг куйсин икки дунёси!»
1990 йил 27 август

ТУМОР - ВАСИЯТИМНИ...

Кисматим шу. Текинхўр болаларга онаман,
Ётиб ерлар, ишлари чалаларга онаман.
Кадим Турон боғларин боғ сиёғи колмаган,

Захаролуд хаволи далаларга онаман.

Ўта хоксорлиги ҳам хукмронлик сўрайди,
Ўта озгинлиги ҳам гумонларга ўрайди.
Хар фалокатдан аввал шунинг томи нурайди,
Тенг болалар ичинда «ола»ларга онаман.

Харчандки куйиб ишлаб, етган жойи куйинди,
Офтоблари куйдиргич, кўкда ойи куйинди.
Жонигача кардошга тутган мўминтойларим
«Ўзбек иши»даин тож, тухмат тожин кийинди.

Болаларим, ў, бало йўлаб ўлдирилганлар,
Оғзидаги ошгача тўлаб ўлдирилганлар.
Оёк-кўлида кишан, камок. Итларга талош,
Ялаб ўлдирилганлар, талаб ўлдирилганлар!

Минглар кетиб кайтмоқда ортга юзлар, ўттизлар,
Кайтганларда кетган шон, ранги ўнгиб кўринар!
Кайтганни ҳам гоҳо ўз манкуртларим ўткизар,
Тик туриб улгурмасдан умр сўнгги кўринар.

Етар! Етим-есирдан нидо чика бошларкан,
Бор-буди таланган эл гадо чика бошларкан.
«Зўрлаб, жонимизгача тортиб олар каззоблар,
Бу кандайин зулм», — деб садо чика бошларкан.

Энди эзилган элга оскинлар келаётир,
Пайт пойлаб, бало, казо боскинлар келаётир.
Бу боскинлар оралаб, иймон келтирдим, хар чол,
Хар гўдакда бир Турон, тошкинлар келаётир.

Менинг-ку кисматим хал, минг бор тўлган бир жомман,
Гўдагим эмизаркан, бир тун, сўнг бор тўлгаيمان,
Жонига жойлагайман тумор васиятимни,
«Хоконим, Турон сизнинг, олгайсиз», — деб ўлгаيمان.
1990 йил 30 август

ХАР КУН ХАБАР...

Хар кун хабар,
бир совук,
Дилим, порам
йиглайди.
Ўк устига тегар ўк,

Янги ярам йиглайди.
Тўп-тўп кушларим
курбон,
Кучим кўзимга етар.
Кўлим калта.
Кўлда йўк,
Шахду чорам йиглайди.
Мисли ярадор
шерман,
Юзлаб ўқдан ўлмаган.
Чикмогимга йўл
бермай
Кафас-кўрам
йиглайди.
Азобларимдан не наф,
Саклолмадим бир
кушни.
Улолмаган иймоним
Ўрам-ўрам
йиглайди.
1990 йил 9 май

ТАРАФКАШЛИК

Ёруг кунга колганда бир он
Хакнинг юзи тупрокка ботди.
Чунки игво келди ноаён,
Чунки фитна бурчакдан отди.

Сергак тортиб тўхтайман такка,
Мен — кўкрагин гам тилганники.
Мен — фарзандман тупрок юз хакка,
Мен — бурчакдан отилганники.
1990 йил 9 май

ЎШ-ЎЗГАННИНГ БОЛАЛАРИ

Мен бахтлиман десам бугун бу ёлгондир, ясамадир,
Тўмарисдан туёкман-у, тирногига ўхшамадим.
Ўш-Узганнинг болалари бир-бирининг конин ичди,
Мен одамдай яшайвердим, бўри бўлиб какшамадим.

Турон юртнинг болалари бир-бирига тиш санчдилар,
Бир-бирининг курагига, юрагига ниш санчдилар.

Улар жон таксим каларкан, замонга каргиш санчдилар,
Нечук султон болаларга чўри бўлиб яшамадим.

Энди нолам тинмас сўзлаб, узун нолам найга борар,
Энди нолам тез-тез бўзлаб, Олойга, тўкайга борар,
Энди осмон бўлганимда осмонлигим кайга борар,
Нечук султон болаларнинг ери бўлиб яшамадим.
1990 йил 12 ноябрь

АФСУС

Замон дардин чекмок бўлдим, чеколмадим,
Сўкилганни тикмок бўлдим, тиколмадим.
Минг юракни ишгол килган бўлиб юриб,
Бировига бирорта сўз эколмадим.

Экканимда бу хил ниҳол унмас эди,
Ўч киличи ичларида синмас эди.
Экканимда боболарнинг боши эгик,
Болалар йўл тополмай ўксинмас эди.

Эколмадим, эколмадик. Шундан диллар
Сўнмоқдадир. Сабабнинг минг тури чикиб,
Шундан бекут ерларимиз унмай гуллар
Кўпчиб ётар манглайига шўри чикиб.
1990 йил 4 сентябрь

БИЗ ЎТАРМИЗ. ЭСЛАР УЛ, КИЗ

Бу йўллар кўп чагир тошли,
Оёгим кон, кўзим ёшли.
Маним чеккан озоримдан
Чекиб озор, йўлим йиглар.

Узатгани тошмас, аммо.
Берари хам фошмас аммо,
Бир-бирига ишонолмай
Ўнг кўлим, чап кўлим йиглар.

О, она Шарк, она Шарк — сен,
Бугун фитна, конга гарксен.
Меросхўрларим манкурт деб
Мозийдаги билим йиглар.

Сардорларим бор деб эдим,
Сардорсиз юрт хор деб эдим,
Сардорлар-да бугун йўлсиз...
Окилим, жохилим йиглар.

Кўз ёш — гарчанд кон иси,
Касос иси, исён иси,
Хар дил — бир ярадор арслон,
Кўкси тилим-тилим йиглар.

Биз ўтармиз. Эслар ул, киз,
Бул асрдан колгай шул из.
Шўрлик ўзбек. Шўрлик киргиз.
Кок ўртада ўлим йиглар.
1990 йил 28 август

БИЗЛАР ОЖИЗ...

Биз кайда-ю, хакикат — хакка
Багир очган осмон каерда.
Шарпа сезсак тўхтаймиз такка,
Юрагида арслон каерда?

Хали узо-ок, бизлар чўкиб тиз
Яшагаймиз, хокон каерда.
Тўниб, музлаб колган конимиз
Алмаштирмоқка кон каерда?

Йў-ўк!
Гарчанд кетмади шўримиз,
Очимиз оч, тўкимиз тўйган.
Бизлар ожиз она бўримиз
Болаларин одамлар сўйган...

Бугун дунёи дун тескари,
Бўриларни одамлар тишлар.
Сенга одам бўлиб ўсгани
Йўл кўймайди бугунги ишлар.

Кўз ёшимиз кетгандир куриб,
Кон ювмоқка кўз ёш етмайди.
Боласининг касосин бўри
Ўз гўрига олиб кетмайди.
1990 йил 30 август

ШУБХА

«Туркистонда ўксик ўлмас кахрамон,
Хар қарич еринда ётар бир арслон».
Қадим турк мақоли.

Шубха фарзандига айланиб қолдим,
Бору йўқдигим ҳам баъзан гумондай.
Қўрган-кечирганим дарёга қолдим,
Ўлсам айрилмасдан ўлай иймондан.

Ҳа,
Балки арслонлар ётса ётгандир,
Қоронгуни қутиб буқир арслонлар...
Қўни-қўшнисига қанг қолмокка шай
Қўзларин ёғ қосган қўқир арслонлар.

Турон тупроғига қидлашиб, ўқиб,
Ҳақиқий арслонлар тўшни қосқалар,
Одам қоласини қиймалаб, қопиб,
Қажиб ўйнамасди қашқирқаччалар.
1990 йил 28 август

ТИШИМДАН ҚОН СИЗИБ...

Қузак ёмқирларин иқиб асқадим,
Қориг япроқларни сеқиб асқадим,
Қамларим яп-янги, юқиб асқадим,
Мени асқувчи қил тоқиларми?

Қорар қойим аниқ, оқдинда йўл йўқ,
Қўрға ҳам қор, қенга оқдинда йўл йўқ,
Қенга оларда-ю, қайтимда йўл йўқ,
Оёғимга ортиқ қул тоқиларми?

Афсус, қору қолон умрим ўтақир,
Бу қурт юз йилларқи... олов, ўтдақир,
Ёққувчи қўл қитта, қугурт қиттақир,
Ўтни ўқирмокка қул тоқиларми?

Фитна тиг санқди тиг, қўқси тоғларга,
Ит теғди сут қидли қизалоқларга.
Қўдақлар илинди тузук, қохларга,
Қўз ёшимиздан шўр қўл тоқиларми?

Ерга қирмок қор-у, қарвоз этим йўқ,

Оналар ўлмокда. Аммо етим йўк,
Хайрон ўтим бор-у, исён ўтим йўк,
Мендан бечорарок кул топиларми?

Турон ухлар. Ўгил-киздан сўрайман,
Бобо Темур босган издан сўрайман,
Тишимдан кон сизиб Сиздан сўрайман:
— Туронни тургазар ул топиларми?
1990 йил 28 август

ХАВОТИР

Олашакшак, шакиллама, оларингни олдингми?
Ёки сенам биз сиёкли гафлат босиб колдингми?
Бу боскинни хабарини ҳеч йўкса сен бермадинг,
Ё бу кўпган киёматда ўзни четга олдингми?

Мен хаммага ишонардим, ҳеч кимга тош отмасдим,
Бехосдан чаваклаш не кун, бехосдан уйготмасдим,
Бош устимда ёнгок чакиб шакиллардинг туну кун,
Хатто Сенга ишонардим, хатто сенга ётмасдим.

Энди у ишонч кайдадир, ишонган кўз ўйилди,
Кари-картанг, хотин-халаж тунлаб кўйдаи сўйилди,
Рустам келбат ботирларнинг кули бўлди бир сиким,
Осилганлар товонидан кайтадан ўт кўйилди!!!

Энди кимга ишонайин, олашакшак, сенгами,
Енгган шундай каззобларча, номардларча енгами?
Энг камида Темур бўлар энди бу юрт эркаги,
Энди Тўмарис бўлади хотинларин энг ками.

Зохиран дўст, ботин — ёгий, сузиб юрмаяпсанми,
Хуфиёна минг хил шумлик тузиб юрмаяпсанми,
Кимлигинг айт, унингсиз ҳам ўт кетган бу дунёни
Бировларнинг кўли билан бузиб юрмаяпсанми?

Энди янги маломатлар тўкиб кетмасмикан деб,
Тузим ичиб, тузлигимни тўкиб кетмасмикан деб,
Бугун кўкимдаги хар бир куш, кузгундан хавфдаман,
Ўдақларим кўзларини чўкиб кетмасмикан деб.

Олашакшак, шакиллама, кимлигингни аён эт...
1990 йил 14 сентябрь

САДО

Мен ох тортсам, охимга
Кимлар садо кайтарар?
Таркалиб кетган тошлар,
Кумлар садо кайтарар.

«Овоз беринг, бормисиз?!»
Вахшат кичкиригимга
Бир томири килт этмай
Жимлар садо кайтарар.

Ўш, Ўзганда ховлилар
Хар шарпадан сесканар,
Эгасиз колган оту,
Кийимлар садо кайтарар.

Боскинчи тунда босди,
Отди. Чаваклаб осди.
Хўнграб йиглаган шамол,
Куюнлар садо кайтарар.

«Сиз тирикми эдингиз,
Ёвга нима дедингиз?»
Кабрлар, кабрчалар,
Уюмлар садо кайтарар...
1990 йил 4 сентябрь

БУ ЎЛИМ КАНДАЙ ЎЛИМ

Бу ўлим кандай ўлим?
Корачукка мил тортар,
Танхо-танхо курбонмас,
Тўда-тўда эл тортар.
Кимга бўлар инониб.
Инониб тўкилгайсан.
Сувда окиб ё ёниб,
Тўкайзорда ўлгайсан.
Ўлмай йиглаб, ол, тўйиб
Йўқловчинг колар ё йўк,
Аканг кўярми сўйиб,
Уканг тортадимми тиг.
Бир тиллилар, бир-бирин
Тилин киркиб, тепарлар,
Бир уйлилар уйининг

Ўрнида култепалар.
Бу уйлардан зорланиб
Осмонга ўт ўрлайди.
Бурчакларда бўрилар
Кизчаларни зўрлайди...
Ал-касос-ул минал хак —
Казойи хак олдинда!
Конлар сачраб сесканар,
Уйгонар халк олдинда!
Унгача, Бобо Темур,
Кўркаман вақт ўтмаса,
Бир-бирин конин ичиб
Манкурт, карахт ўтмаса.
Гажишган бир тиллини
Гижгизлаб тахт ўтмаса!
Бу ўлим қандай ўлим —
Корачукка мил тортар...
1990 йил 27 август

ЧИМИЛДИККА КИРМАГАНЛАР ЁР-ЁРИ

Истиклол йўлида озмунча ўн гулидан бир гули очилмаган ёш йигитлар ўкка учдим...
Кўконда уйланмаган йигит ўлса, мурдани ювишаётганда унинг тенгкур ўртоқлари
паст овозда ёр-ёр айтиб туришаркан.

Ўз уйини курмай йигит, ўлмасин,
Киз билан ўлтирмай йигит, ўлмасин,
Чимилдикка кирмай йигит, ўлмасин,
Ўлса, ёр-ёр айтиларкан Кўконда.

Сувалмаган уйи колса бош эгиб,
Кавилмаган кўрпасига тош тегиб,
Оппок, куёв кўйлагига ёш тегиб,
Ўлса, ёр-ёр айтиларкан Кўконда.

Ёр-ёр айтар экан тўрт-беш ўртоғи,
Болалиги, ёшлиги эш ўртоғи.
Алпомишсахт, Алпомиштўш ўртоғи
Ўлса, ёр-ёр айтиларкан Кўконда.

Кадим Турон даштларида бир ёр
Уввос солар, дала ёр-ёр, кир ёр-ёр,
Ох, дунёни бузар, бир ўткир ёр
Ўлса, ёр-ёр айтиларкан Кўконда.

Увлаб, махшаргача етса... эхтимол,
Увлаб, тирикларни тутса эхтимол.
Бизларни хам олиб кетса... эхтимол,
Чимилдикка кирмаганлар ёр-ёри...
1990 йил 9 май

ТҶМАРИСГА ИЛТИЖО

Тўмарис ракиби, кўшни қабила бошлиги Қирнинг бошини конли хумга солади.
«Тириклигингда конга тўймагандинг, энди тўш деб.

Жоним онам, сенсиз куёш кулмас энди,
Уйгонмасанг, сен турмасанг бўлмас энди,
Бу кўру қар болаларинг силкитмасанг,
Авлодларга гапирмасанг бўлмас энди.

Мендан сўрма, менинг кўлим ожиз колди,
Богда ранги сориг гулим ожиз колди.
Қафасини синдиrolмай қушим ожиз,
Кишанбандим — рухим, кулим ожиз колди.

Кечир, она! Гўдақларинг бериб қўйдиқ,
Чечаклардек, гуддекларинг бериб қўйдиқ.
Кулда ўз жонидан бошқа не бойлик бор.
Биздекларинг, кулдекларинг бериб қўйдиқ.

Она! Бугун бари фитна, ошқор ов йўқ,
Пистирмадан отадилар, ошқор гов йўқ.
Ўз огангдан, ўз инингдан топган қун бу,
Конли хумга тикай десанг ошқор ёв йўқ.

Малхам керак кўп йиқилган эл догига,
Турсанг...
Малхам сел догига, ел догига.
Худо шохид бўлгусидир, иншооллох,
Тўмариснинг ўлиги ҳам енгмогига!
1990 йил 27 август

ЎТАМАН

Гарчанд битта юракка Оллох бўлиб ўтаман,
Ваҳки, гам саҳросидан бир ох бўлиб ўтаман.
Ёраб, ўйлабмидим мен, дунёи дун оралаб,
Шунча кўз ёш, конларга гувоҳ бўлиб ўтаман.

Ўзбек, киргиз, кироним бирлашмаса тил топиб,
Туркуларим кайта ўткирлашмаса тил топиб,
Бугун тўс-тўс Туроним бирлашмаса тил топиб,
Гумрох тортган кавм ичра гумрох бўлиб ўтаман
1990 йил 27 август

ЯРИМ КЎНГЛИМ

Ярим кўнглим гамлар билан тўлгандай,
Бир бутун йўк, камлар билан тўлгандай,
Элим ожиз шамлар билан тўлгандай,
Гира-шира ним коронги даласи.

Бир сеҳрли дам тугилса элимда,
Бир хотири жам тугилса элимда,
Битта порлок шам тугилса элимда,
Кунгай ерда ўсгаймиди боласи.

Тугилсайди... биз ок рўмол ўрардик,
Ўз пайтида ўзни таниб, сўрардик.
Олойдан тушган кашкирларни кўрардик,
Ангада қолиб тўкилмасдик чамаси.

Энди бир муз кириб ёзим, кишимга,
Яшагайман тишни босиб тишимга,
Энди ўлгунимча кирар тушимга
Кашкирларнинг кизчаларга хамласи.

Ў, кўнглим-а, у не истар, не излар?
Бу кунлар туш бўлиб, битса бор излар,
Одам бўлиб қолса қотил — тўнгизлар,
Қизалоклар тирилиб, қой қамласа...
Ярим кўнглим
Гамлар билан тўлгандай.
1990 йил 13 сентябрь

ЮКИ ОГИР БУ ЮРТДА

Мени қимдир таниса қаломимдан танийди,
Қўқсимга қўйилган қўл, қаломимдан танийди.
Юки огир бу юртда она бўлмоқ қўп огир,
Хоргин-хоргин изларим, қадимимдан танийди.

Ўдақларим тупроқда изгир экан зах ўтиб,

Киркка кирмай каридим, жон-жонимдан ях ўтиб,
Бекадр пиллам, тиллам, тупрокдан заққум ютиб,
Мендек эрта куриган бодомимдан танийди.

Эгилган бошларимга тухмат тожин кияркан,
Ўз манкуртларим гоҳо эл ризкини кияркан.
Қўқлам қўрмаган гулим кузни қўриб қуяркан,
Ич-ичимдан ўсган ўч, аламимдан танийди.

Мозийига эврилсам хар девондан шон томар,
Бугунида Орол йўқ. Ўрнида нишон томар,
Ўш, Ўзган ярасидан хали узо-ок кон томар,
Хўнграб-хўнграб йиглаган каламимдан танийди.
Юки огир бу юртда она бўлмок қўп огир...
1990 йил 12 сентябрь

АЁЛНИ КУТКАР

Ўзбекистонда 270 аёл ўзини-ўзи ёкибди. Бу ахволда сочларнинг оқариб кетиши кам,
аклдан озиш мумкин.
Михаил Дудин.

Бу саройда аёл йўкми, меҳру-шафкат йўқ.
Парвина.

Ўтта сигинардим, ногох хушёр тортдим мен,
Ўз-ўзимга маломатдай юкни ортдим мен,
Қўзимдаги ўт-ку ёнмай кандок артдим мен —
Ох, жаҳолат, кора юзин кимга бурмокда,
Меҳру-шафкат худолари ўтга кирмокда.

Халки учун Бедил бериб, Навоий бериб,
Хар акли ерлик эмас, самовий бериб,
Тирикликка тирикликнинг давомин бериб,
Нечун ўзин парвонадай ўтга урмокда,
Меҳру-шафкат худолари ўтга кирмокда.

Меҳру-шафкат бор эди-ю итлар копди, ху,
Охудайин кочди, билмай кайга чопди, ху,
Ярасига малхам килиб олов ёпди, ху,
Гофил дунё, алам тусин, алам сасин қўр,
Меҳру-шафкат худоларин алангасин қўр.

Дунё, кора кунинг келса итлар зўр бўлар,
Аммо бугун гўдаклар бор, улар ўр бўлар,

Эрта улар кўзин ўяр, итлар кўр бўлар,
Чиркирайман, бу кўрлардан колма, — деб догда,
Мехру-шафкат худолари ўтга кирмокда.

Шўринг кўпдир, шундок кун хам яйрайсан омон,
Гофил одам, холинг бу кун ёмондан-ёмон,
Киёк тилли ўт келмокда илдизинг томон,
То ўзингга ўт етмасдан аёлни куткар,
То дунёга ўт кетмасдан аёлни куткар!
1988 йил 17 апрель

ХАЛКИМГА ЁКИ ХОЛАТ

Дарз кетмокда ишончимнинг деразалари,
Кетмокдасан бир-бировдан наридан-нари.
Мен нетайин бу дунёнинг кимхобу зарин,
Шунча тошни кискагина йўлимга бердинг.

Нима дейин, номард дейми ё мардим дейми,
Кечмишингни дил-дилимдан ўткардим дейми,
Бахт кўшигин аро йўдда биткардим дейми,
Минг хазонни хали гунча гулимга бердинг.

Халким, кўзга суртиб бугдой — сомонингни хам,
Окколмайман бугун яхши, ёмонингни хам.
Девордай зич кад кўтариб келганида дам,
Ўглонларинг куткормасдан ўлимга бердинг.

Чўлпон кетди онасининг ёдида куйдим,
Усмон кетди, Холамбиби «дод»ида куйдим.
Жисму жоним кирким-кирким, жодида куйдим,
Шунча гамни бир муштипар дилимга бердинг.

Бир-бирингга бермай биринг-бирингдан юлдинг,
Бировингни кон какшатиб бировинг кулдинг.
Гохо эрк деб, бахт дебмас, мол-дунё деб ўлдинг,
Бу саросар шеърни нечук тилимга бердинг.

Тўзгин элим, жону дилим, бирлашиб келгин,
«Ол, ха, ол»лаб чопавермай сирлашиб келгин.
Мингта ўтмас пичок бўлсанг кандок ўламан,
Ўнта тиг бўл, тигланиб, ўткирлашиб келгин.

«Отмагай тонг» эмас, орзу — шул, тонглар отгай,
Магаданда болаларинг чиркираб ётгай.

Иншооллох, бул садолар бизни уйготгай,
Йўкса, нечун бу каламни кўлимга бердинг.
1990 йил 16 май

ЁЛГИЗ КОЛДИРМА...

Кўкда ёлгиз ой йиглаб кетар,
Ёлгиз Куёш дил тиглаб кетар.
Вахималар уруглаб кетар,
Болам, мени ёлгиз колдирма.

Мушфиккина кушим, маъюсим,
Бор туриши тўзгимас тўзим.
Хамон Сенга фармойиш сўзим,
Онам, мени ёлгиз колдирма.

Жим-жим эдим, жайрон бўлдим мен,
Сим-сим эдим, сайрон бўлдим мен.
Сенинг билан комрон бўлдим мен.
Ёрим, мени ёлгиз колдирма.

Равшан кеча, ёлгиз колдирма,
Гавжум кўча, ёлгиз колдирма.
Одам ток келади, кетар ток,
Ўшангача ёлгиз колдирма.
1988 йил 8 ноябрь

СУВ УЗАТАР ТОМИРИМ...

(Амир Темур юбилеи кунларида ёзилган)

Тоглар энгашиб келар,
Боглар эргашиб келар,
Кушлар кенгашиб келар,
Рост бўлдим, бобожон,
Юртга кайтаётганинг!
Бизни кўзга илмаслар
Илиб кайтаётирлар,
Кадримизни билмаслар
Билиб кайтаётирлар,
Бизга ковок уйганлар
Кулиб кайтаётирлар,
Бўйларини бизга тенг
Килиб кайтаётирлар.
Инсонни хам, элни хам

Тоглари бўлсин экан.
Хар кандай кунда умид
Боглари бўлсин экан.
Сен кетиб тогсиз қолиб,
Изгиринда изгидик.
Япроқлардек бенажот
Поймол бўлдик, тўзгидик.
Хай дегани хажи йўк
Болаларинг кирдилар.
Боши бирикмас, оғзи
Олаларинг кирдилар,
Териб-териб кирдилар,
Эриб-эриб кирдилар,
Сени кетказиб, туркни
Жон-жойига урдилар.
Шундай урдилар хануз
Ўзига келолмайди.
Тортилиб қолган тили
Ўзига келолмайди.
Қўз ёши қўқрагидан
Қўзига келолмайди.
Турк туёғи шу тахлит
Ботқокларга ботибди.
Шундай кунда шох Амир
Юртга қайтаётибди!..

Қайтар турк дарахтимга
Сув узатар томирим.
Энди қўқаражакмиз,
Қўллағаймиз, Амирим.
1991 йил 23 март

ТАНГРИМ, АЙТГИН...

Дунё сирли. Мен ўзимга аёнларни қўраман,
Лолу хайрон турфа-турфа баёнларни қўраман.
Танграм, айтгин, яна қанча мен дўстман, деб эгилиб
Қўқрагимга нишин санчган чаёнларни қўраман.
Йўлларимда қўпаяқун бўлажакман неча бор,
Неча қайта ўтиб бўлмас довларни қўраман!
Қўрғонга юзқўбан тушиб, дод айладим, юз дод!
Яна қанча ўқиб бўлмас девонларни қўраман.
Қўра-қўра қўзим қуйди саргайган чечакларни,
Ёраб, яна қанча рўйи-сомонларни қўраман.
Онги беҳишт-жовидонларга яшарманми ёвуқ,

Яна канча онги сахро, ёбонларни кўраман.
Оби ёвгон тинкасини курутган бу халкимни
Косасида тагин канча ёвгонларни кўраман.
Мен узокрок яшармидим, гуллаб ўсмаса ёлгон,
Хар кадамда отар ёйдай ёлгонларни кўраман.
Ўз елкамни ўзим силаб, овутамаман бундай деб,
«Ўлмай юрсам хали канча давронларни кўраман».
Юрагимга разм солсам, зарб тегмаган ери йўк
Хайхот, боз зарб урмоқка шай давронларни кўраман
1990 йил 13 ноябрь

АЙТМАЙ КАНДОК ЯШАЙМАН...

Мен ўйласам кесилган забонлар тилга киргай,
Дарёлари тўсилган замонлар тилга киргай,
Не-не жувонмарг коши-камонлар тилга киргай,
Дилим ўт олиб турса айтмай кандок яшайман.

Улар ҳам ўтгунича топганларини айтиб,
Мендек дилгиру нолон чопганларини айтиб,
Не дарзу ёрикларни ёпганларини айтиб,
Тилимга солиб турса айтмай кандок яшайман.

Бир ёнимда Тўмарис деса «болам, холинг танг»
Нафакат дала-тузинг, кўнглинг ичи тошу санг.
Бирён бугунгилардан кўнгли тўлмай Темурланг
Хаёлга толиб турса айтмай кандок яшайман.

Нетай, кечаю бугун тилмочлигини бериб,
Кўнглингиздаги тугун тилмочлигини бериб,
Тўкмас, ахволи нигун тилмочлигини бериб,
Тинчимни олиб турса айтмай кандок яшайман.

Айтганимдан бошимга тошлар келмоқлигидай,
Бошим гаровга тикиб, фошлар келмоқлигидай,
Бошим кетиб, ўрнига куёшлар келмоқлигидай,
Бир ишонч голиб турса, айтмоқ кандок яшайман.
1990 йил 8 январь

КАЙТИБ ОЛИНГАН ЕР БУ

Куюк ўрмон бўлди гам,
Ўрмонларга хўш энди.
Кўнглимиз кийган кишан
Армонларга хўш энди.

Килвир туллар берган,
Чилла чиллаклар берган,
Халкни куллар берган
Фармонларга хўш энди.

Ўк кўтардик, санчилдик,
Юк кўтардик, янчилдик.
Туг кўтарар пайт келди,
Рух, ўртага туш энди!

Бу туг — тугмас, ўтмиш — дод,
Кўтармок учун озод
Элим, болаларингни
Бир-бирига кўш энди!

Кайтиб олинган ер — бу,
Мангу колинган ер бу.
Шу ерда эрк шаробин
Этажакмиз нўш энди!
1991 йил 29 ноябрь

НАВРЎЗ ХАЁЛЛАРИ (туркум)

1

Гох ўрмаласа ҳам олдинга тикка
Туташиб кетганча коронгиликка,
Гох копконлик килди хуркак кийикка
Ўзинг ёриштир бу йўлларни, Наврўз.

Булбул ўлди. Гул-чи ёнди, очилди,
Елларнинг бўйнидан кучди, осилди,
Бугун у ненидир сизди, босилди,
Гунохидан ўт, бу гулларни, Наврўз.

Бу кўлга кон теккан. Бу кўлни асти
Чопиб ташласак ҳам хаки кетмасди.
Аммо... Балки зарур бировга даста...
Ўзинг юв бу конли кўлларни, Наврўз!

Кўклар гуллаб кетса тошу харсанг ҳам,
Кўклар гуллаб кетса кари-картанг ҳам,
Бало-казолардан энг хатарли дам
Ўзинг асра кизу-улларни, Наврўз!

Бу беморлар тонгни кутар мунгайиб,
Улар ҳам бой, кетган дард билан бойиб.
Суя, суя! Улар кетмасин тойиб,
Узма, узма жони килларни, Наврӯз!

БОШИНИ КҶП ЭГГАН БИР ЖОН

2

Наврӯз, багри тилинган гул,
Оёк ости килинган гул,
Япроклари шилинган гул,
Бугун «омон» айта келдинг.

Синган бир сенмас, гул юзим,
Менам синдим. Синди сўзим,
Бугун ердан узиб ўзим
«Алёр, замон» айта келдим.

Наинки инсон катагон,
Чордарвеш, девон катагон,
Акл катагон, онг катагон,
Сен ҳам кетиб, кайта келдинг.

Сумалакли козонларинг
Агдарилди азонлари,
Чикиб чангинг, тўзонларинг
Фикримни улгайта келдинг.

Тўзиб, кайгу чеккан бир жон,
Гурбатларга чўккан бир жон,
Бошини кўп эгган бир жон,
Бош кўтарган пайтда келдинг.

Кўкармоқда хар тўрт тараф,
Унмоқ шараф, ўсмоқ шараф!
Тош кўнгилга эл тик караб
Тош кўтарган пайтда келдинг.

Энди шундай касос-ун-нард
Энди тинган, синган номард,
Элдан кетиб, фасоду, дард,
Ош кўтарган пайтда келдинг.
1988 йил 18 март

ЎСИШ ФАСЛИ КАЧОН КЕЛАДИ?

3

Бу нураш, бу чўкиш фаслидир,
Изтироб, гам чекиш фаслидир,
Бор дардингни тўкиш фаслидир,
Ўсиш фасли қачон келади?

Тил узайган. Гапирмок фасли,
Кулогингга гап кирмок фасли,
Рўзгорингга наф кирмок фасли —
Ўсиш фасли қачон келади?

Кўзларимга ёш келди тез-тез,
Кўзим кўзлаб тош келди тез-тез,
Рухим — эгик бош келди тез-тез,
Ўсиш фасли қачон келади?

Нохак келиб ҳақларни қувди,
Қувлашиб пок сувлар келувди.
Нопок кириб оёгин ювди,
Ўсиш фасли қачон келади?

Бугуннинг бу ёзугини буз,
Сен келдинг-у, ўсди дала-туз,
Одамларга ўзинг айт, Наврўз,
Ўсиш фасли қачон келади?
1987 йил 27 март

ЯССАВИЙНИНГ «ХИКМАТ»ИНИ ЙЎКОТГАН КУНДАГИ ХОЛАТИМ

Мен — бенаво, чах-чахидан айрилган,
Яссавийдай ҳамрохидан айрилган,
Бор қувончи, бор охидан айрилган,
Тақир сахро, қуриб қолган дил бўлдим.

Дардларимни териб тортаман симга,
Аросатда жон қелмоқца халқумга,
Яссавийни қимга олдирдим, қимга,
Авж пардада тилдан қолган тил бўлдим.

Иримчиман, йўлим боғлайди ирим,
То топмасам, ўз қўнғлимга йўқ қирим.
Унинг билан қетган фикрат, шуури,
Дод, минг додки, боз гафлатга қул бўлдим.

У, кўнглим-а, хордир бугун, хор бўлган,
Ўз гафлатим доим сиртмок, дор бўлган,
Яссавийнинг босмогига зор бўлган
Кунпаякун тупрок бўлдим, гил бўлдим.

Мен — бенаво, чах-чахидан айрилган...
1991 йил 4 апрель

«НАЗОКАТНИНГ ДОСТОНИ»ДАН

Сиз келмадингиз, бегим,
Ёдим ёшни куйдирди.
Кетдим каддимни эгиб,
Додим тошни куйдирди.

Кетдим далли-девона,
Дўст тутиниб гумона.
Эрмакталаб тумонат
Ёлгиз бошни куйдирди.

Берганингиз жафони
Жонга олганим они
Хижроннинг дўл, тўфони
Бор куёшни куйдирди.

Кўклам селин сўроги,
Олча гулин сўроги,
Ирмок тилин сўроги,
Менга хазон кийдирди.

Хазон кийиб кетдим ман,
Тўзон кийиб кетдим ман,
Бу дунёга шунчалар
Арзон келиб кетдим ман.

Сиз келмадингиз, бегим...
1990 йил 5 май

ЭЪТИРОФ

Ношуд фарзанд бўлдим, унутган,
Йўк ерлардан топиб юрган гам,
Ахир она, Сиз билан ўтган
Хар бир куним эмасми байрам.

Ношуд она бўлдим, мен шеърга
Банди бўлдим, танхо, ёввойи.
Ахир, болам Сен билан бирга
Ўтган хар кун бахт-ку, гаройиб.

Ношуд аёл бўлдим мен Сизга
Бир мунглог чехрага ўхшадим.
Бош панохим, панохингизда
Энг шох кунларимни яшадим.
1990 йил 5 май

УЛГИ

Тўмариснинг тароклари йўколган,
Учкур оти, яроклари йўколган,
Йўл кўрсатар чироклари йўколган,
Коронгида пайпаслаб йўл излаймиз.

Бир улгусин Нодирами олганди,
Ул ҳам тушмиш, жахолатга бир банди.
Хўканди латифнинг армон фарзанди...
Коронгида пайпаслаб йўл излаймиз.

Бир улгусин босди энам Кенагас,
Даштларда хур ўсди энам Кенагас,
Кун келиб... кон кусди энам Кенагас,
Коронгида пайпаслаб йўл излаймиз.

Собира

*

га бири теккани чокда
Бир киз эди, эл суянгулик — тогдай.
Камадилар. Аклдан озди камокда,
Коронгида пайпаслаб йўл излаймиз.

Кадим Турон даштлари нимкоронги,
Кай бурчида пинхон Тўмарис донги.
Аммо улгуси теккан бор, инонгин!
Коронгида пайпаслаб йўл излаймиз.

У сен бўлсанг, тангрим, ўткир кўз бергин,
У мен бўлсам, ўзлим бер, ўз бергин.
Сўз бер, осон ўлмасликка сўз бергин,
Коронгида пайпаслаб йўл излаймиз.
1988 йил 8 март

КАРОМАТ

Харбий хизматга уйдан ўйнаб-кулиб чикиб кетган халкимиз фарзандларининг «Юк-200» тамгаси остида, тобутларда уйларига кайтган фожиали кунларда ёзилган.

Кўнглимда кўнглимнинг минг синиги бор,
Кўнглимда гамларнинг ўткир тиги бор.
Йиги бор, олдинда катта йиги бор,
Элнинг болалари ўлмас бекорга!

Обдон ювган билан ювиларми кон,
Котилидан кочиб йўлга чиккан жон.
Тобутларда сарсон... армон-а, армон...
Бу болалар кони ёзилмас корга.

Бу кун тинч денгиздай турсанг-да тек, жим
Каърингдан ўкирик келмокда, халким.
Эртага бу жонсиз болалар калкиб,
Жонли виждонларни тортажак дорга!
1990 йил 6 май

БОЛАЛАРИМ, КАДНИ КЎТАРИНГ!

Ўтган кора кунлардан хали-хануз карахтман,
Хар япроги юракдай титраб турган дарахтман.
Шу холда ҳам олдинга ташлангучи тик шахдман,
Болаларим, кадни кўтаринг!

Текинхўр аталдингиз, бу хўрлик мени еди,
Муштумзўр аталдингиз, бу зўрлик мени еди.
Бу карлик мени еди, бу кўрлик мени еди,
Бошимдан тухматни кўтаринг!

Тушларимда Тўмарис юраклари узилиб,
«Туёқларим тўзди» деб йиглайверар эзилиб,
Сўнг тонггача уйку йўк. Чап кўкракни тиг тилиб,
Кўксимдан бу додни кўтаринг!

Бобо Темур уйкуда, Темурларим, Сиз туриб,
Кўзголган етмиш икки томирларим, Сиз туриб,
Ишонган хоконларим, амирларим, Сиз туриб,
Хокисор миллатни кўтаринг!

Калбга экинг. Кадим турк чинорлари тиклансин,
Кон-кардошнинг чин дўсту, чин ёрлари тиклансин.

Хар юракда бир Турон минорлари тиклансин,
Улуг мамлакатни кўтаринг!
1990 йил 12 сентябрь

ИЛТИЖОМ ШУ...

Худо, бандам десанг осий кулингни,
Ўзимдан пастларга интизор килма.
Килдай кўрсат йўлимдаги килингни,
Килларингни сиртмок килма, дор килма.

Йиглаб айтган баёнларим етарли,
Тошдай кўнгли аёнларим етарли.
Ракибларим, чаёнларим етарли.
Оллох, Оллох, дўстларимни мор килма.

Бир кўл суйди кизилини юзимни,
Кўзга суртди хоргин-хоргин изимни,
Кетар чоғим шу кўл ёпсин кўзимни.
Бошка бахтдан энди бахтиёр килма.

Ишкни гулдай осиб юрсин болалар,
Изимизни босиб юрсин болалар,
Бизларга муносиб юрсин болалар,
Алар ўтар йўлакларни кор килма.

Дилда ўсиб, нураб юрган бойлигим,
Бор дунёдан сўраб юрган бойлигим,
Иймонимга ўраб юрган бойлигим,
Элимизни шафкатингга зор килма.

Бор юмушим битиб, кетар махалим,
Нурай-нурай йитиб кетар махалим,
Сўрай-сўрай ўтиб кетар махалим
Илтижом шу: «Туркистонни хор килма».
1992 йил 1 июль

МЕХМОНДИР

Одам ўгли бу дунёга меҳмондир.
Махтумкули.

Меҳмон эрур асли дунёда бари,
Ранги сориг кузак бизга меҳмондир.

Юракка меҳмондир галаёнлари,
Тизингдаги мадор тизга меҳмондир.

Беш кунликдир бу дунёнинг ёруғи
Ерга тушгай бул кун кўкдаги туги,
Кетмок учун кўрар йўл тадоригин
Карга, кийгир дала, тузга меҳмондир.

Гам келса хам куйиб ичаберингиз,
Тириксиз-ку, суйиб ичаберингиз,
Тўзим тўнин кийиб ичаберингиз,
Ахир, кўзда жола кўзга меҳмондир.

Тилсиз бўлса хамки мунглиг онангиз,
Санчаберманг кўксига тиг, таънангиз
Унинг багир, кўргонида тунангиз,
Ох, бу кўргон, болам, Сизга меҳмондир.

Гарчанд, бу кун булбулнинг бир туриман,
Эсаётган шамолнинг хур-хуриман,
Кетаётган оналарнинг бириман,
Маним аччик нолам Сизга меҳмондир...

Меҳмон эрур асли дунёда бари...
1992 йил 1 август

ПАРВАРДИГОР ПАНОХ БЎЛСИН

Биров учун куймас биров,
Ўзинг учун ўл етим,
Саратонда чимдир киров,
Совук котар кўл, етим.

Бир беҳиштий дона ўзинг,
Ёлғиз бегона ўзинг,
Сен ўзингга она ўзинг,
Ўзинг ота бўл, етим.

Тўнда жияк, жига йиглар,
Бор армонни йига йиглар,
Йигласа енгга йиглар,
Кир енгчаси хўл етим.

Кўча-кўйда ўлмайди ит,
Тагин бир хато — кайди ит,

Ердаги сўгати дайди ит,
Сўнгги хато бўл, етим.

Гўдак, умринг бир тонг бўлсин,
Ташлаганга аттанг бўлсин.
Парвардигор панох бўлсин,
Ўзинг катта бўл, етим.
1992 йил 8 август

ЭНГ ЁМОН КУНДАГИ ЭНГ ЯХШИ ТИЛАК

Эй ўгил, биз Сиза жонни ичирдик,
Конимиз ичирдик, конни ичирдик,
Воз кечдик, шуҳрату шонни ичирдик,
Кониб ичдингизки, чўлламагайсиз.

Умримиз жилгадай пойизда чопди,
Отларизда чопди, тойизда чопди.
Суннат тўйларизда, тўйизда чопди,
Жилгадай чопмасак... гулламагайсиз.

Дилнинг энг тубида етилган байтдек,
Сизни туморим деб, борим деб айтдик.
Биз-ку не хасратда Сизни улгайтдик,
Сиз биза хасратлар йўлламагайсиз.

Дунёда ишимиз сеҳру тилмочлик,
Соткин замон келар, нахс, ялангочлик.
Хархолда сулайтиб кўйса ҳам очлик,
Шўрлик онангизни пулламагайсиз!
1992 йил 12 январь

ТУРОН ТЎКИЛМАСИН, НАВРЎЗ!

Кори кетган боғлар бу кун тўлаётир кушларга,
Наврўз нони, сумалаги тагин тегди тишларга,
Менам хайрон ўтаётган яхши-ёмон ишларга
Зорим будир. Майли, сен кел, кулфат келмасин, Наврўз.

Тушларимда Мохларойим — мендан хафа, кетарлар
Деб «Бу — не киёмат койим» — мендан хафа кетарлар.
«Болам, кон-ку маним жойим» — мендан хафа кетарлар,

Мен не дейин, олдини ол, кон тўкилмасин, Наврўз.

Нодираи даврондан мен ўзни кандай яширай,
Авж гуллар чоғ тупрок тўлган кўзни кандай яширай.
Шу кўз деб аклдан озган кизни кандай яширай,
Хўканди Латифдай юртдан шон тўкилмасин, Наврўз.

Тўгри, ишчан кўлларинг бўш, сигмайсан маконингга,
Аклу имкон токат берсин хар бетокат оништа.
Айтгил, шулар арзийдирми алмашмокка жонингга,
Ахир кайта келмайдир-ку, жон тўкилмасин, Наврўз.

Бобо Темур, болаларинг кирса бири-бирини,
Дўст илдизин дўст киркса, нодўстга бериб сирини.
Качон аёл ноласи тарк этар Турон ерини,
Болаларинг бирлаштиргин, Турон тўкилмасин, Наврўз.

Гарчанд борлигимни минг хил туйгу сўтиб боради,
Юрагимнинг туб-тубига бир нур ўтиб боради,
Мохларойим... ортга карай-карай кетиб боради,
Боглар кийгос гулга кирган, Кўкон тўкилмасин, Наврўз!
1990 йил 2 март

ДАРАХТ

Биров кўз тикканда тожу тахт кўринади,
Бировига кўли баланд бахт кўринади.
Мен кўз тиксам — менинг каби эрта энкайган,
Менинг каби мункайган дарахт кўринади.
Синчков боксам бу дарахтнинг сумбати дарахт,
Ичи говак тугаётган сахт кўринади.
Томирини захарлаган келгинди сувлар,
Каллакланган бошлари карахт кўринади.
Ичим куяр... дарахтдами, ўзимдами ё
Кайта кўклаш саодати нақд кўринади.
1992 йил 12 январь

ЎЗ ТОПГАН

Агёри кўп дунёда
Битта содик дўст топгин.
Дардинг зиёд-зиёда,
Айтмокка шарх, сўз топгин.

Конлаб кирни, киёни
Лолалансин товонинг.
Излаб, бу кўр дунёни
Кўрадиган кўз топгин.

Умр окиб кетар об,
Кўзинг ёпар, бўлсанг соб.
Ёлгиз ўтма, ўгил топ,
Ё биргина киз топгин.

Тўк тўймайди, ёпма тўн,
Оч олдида ошга дўн.
Очга бир кафттина ун
Ё бир сиким туз топгин.

Ерга йигла холингни,
Кўкка йигла холингни.
Отингни сот, молингни,
Ёт кўп. Сен бир ўз топган.

Ўтар-кетар дунёда,
Тўзгиб ётар дунёда,
Олиб-сотар дунёда
Битта сотмас дўст топгин.
1992 йил 6 август

ОШИКЛИК (Яссавиёна)

Кулгу берма, бировлардан кулмай колай,
Тўлдирмагил, дунёсидан тўлмай колай,
Парвонадай ўлганимни билмай колай,
Бир чирокка ошикликни берсанг бўлди.

Овга чикмам, чиксам арслон овим менинг,
Бу — кўнглима худо солган довим менинг,
Шивир-шивир, висир-висир ёвим менинг,
Кўнгиروقка ошикликни берсанг бўлди.

Бу дунёда мен эскиман, кузим янги,
Сиёсатлар янги, айтар сўзим янги,
Саратонлар тишлайдиган музим янги,
Кетар чокка ошикликни берсанг бўлди.

Кўллаганни хатто кайгу-дод кўллайди,

Бир ишора билан маглуб, мот кўллайди,
Баъзан не-не алп кўлламас, от кўллайди,
Аргумокка ошикликни берсанг бўлди.

Куйиб севдим, ишк мевасин олдим кўлга,
Амринг билан жонлар ато этдим кулга,
Энди барча ишкни ол-у, битта гилга,
Бир тупрокка ошикликни берсанг бўлди.

Бу беҳиштий дунёлардан мушксиз кетмай,
Куламасин, кўксимдаги кўшксиз кетмай.
Кодир худо, чин дунёга ишксиз кетмай,
Ўшал ёкка ошикликни берсанг бўлди.
1996 йил 5 июнь

УМИД

Тўзган кунларингни кўп кўрдим, халким,
Бузган кунларингни кўп кўрдим, халким,
Ўзган кунларингни кўп кўрдим, халким,
Ўстирган кунингни кўрармикинман?

Сочим супургидир ўринг-кирингга,
Фахмим етгаймукин бирор сирингга.
Киёматга колмай биринг-бирингга,
Дўст турган кунингни кўрармикинман?

Дил тўлиб борса хам доғ узра докка,
Йиглаб кўчирдим шу шеъримни окка,
Бир-биринг оёқдан чалмай, оёкка
Бостирган кунингни кўрармикинман?

Ох уриб яшаркан кавмим гумрох деб,
Мени ўкинч-армон тугатмасдан еб,
Бир-биринг чапламай, бир-биринг «ок» деб,
Ўздирган кунингни кўрармикинман?

Кандок адо бўлмай, ўтмайин куйиб,
Юрсанг ўзни кийиб, ёгийга ийиб,
Ўзинг топганингни Сен ўзинг кийиб,
Тўздирган кунингни кўрармикинман?

Бобонг-ку, киличин сермади, енгди,
Бобонг-ку, орини бермади, енгди,
Бобонгдан болангни бир кадам энди

Ўздирган кунингни кўрармикинман?
1992 йил 6 август

БЕХАТО СЎЗ

Субхоноллох, томиримга туташмокда ўт,
Жанглар аро жангари садо килажакман.

Синик кўнглим минг бўлакдир, бўлмагайман бут,
Хак йўлинда ўзимни гадо килажакман.

Умрнинг интихосида учган рухларни
Кайтараман, кайта ибтидо килажакман.

Омонатин олгунича авлодларимга
«Бирлаш» деб ўз тилимда нидо килажакман.

Эрк истаги уммонларда кўпни килган гарк,
Менам унга жонимни ато килажакман.

Хар сўзимдан хато излаб ракибим сарсон,
Мен кўркаман, умримни хато килажакман.

Хато килмай айта олгум: қачон ўлсамам,
Шеър устида ўзимни адо килажакман.
1992 йил 4 апрель

ИНШООЛЛОХ...

Иншооллох, бўлса умр вафоси,
Мен халкимнинг суянч тоғи бўлурман.
Нодиранинг кайта келган садоси,
Турк-Туроннинг кўнгироғи бўлурман.

Кўнгироклар тинди тили кесилиб,
Баланд тоғлар синди бели кесилиб,
Турк дарахти синди эли кесилиб,
Кайта унган дов бутоғи бўлурман.

Шундайин сас, сазо келар олдиндан,
Касрларим куйилажак олтиндан,
Туркнинг тупроғига дўниб мен чиндан,
Ер юзининг кунгай ёғи бўлурман.

Кўнглим бўлур давронлардан ошувчи,
Шеърим бўлур ўлим билмас, яшовчан.
Яссавийни замонларга ташувчи,
Хизматкори, елка тоғи бўлурман.

Турк-Туроннинг кўнгироғи бўлурман.
1992 йил 6 август

СЎНГГИ ОХ

Кўзи тиниб яшаб юрган бир одам,
Сўзи синиб яшаб юрган бир одам,
Чин хурликнинг кўкларида учмаган,
Ерда униб, яшаб юрган бир одам,
Бирдан, бирдан кўксим ёниб урдим ох,
Кўлларимнинг кишани йўк, ё Оллох!

Кайинзорда колгон бобом эсладим,
«Душманлиги» ёлгон бобом эсладим,
Бир пой махси кийиб, бири кўлтиқда,
Сибирга йўл олгон бобом эсладим.
Кейин ўксиб йиглайвердим, чекиб ох.
Кўлларимнинг кишани йўк, ё Оллох!

Кирк Гироти, кирк бияси таланди,
Калъа, кўргон, кир, кияси таланди,
Шўрлик энам — Уркияси таланди,
Сўнг бир соткин: кўргонида ёйди шох,
Кўлларимнинг кишани йўк, ё Оллох!

Кейин отам, голибмиди, мотмиди,
Кейин онам, аёлмиди, отмиди,
Дод деб кетди. Менинг додим додмиди?
Нахот, нахот, гойиб бўлди зиндон, чох
Кўлларимнинг кишани йўк, ё Оллох!

Ўртокларим жони пўлат, жони кил,
Бири сарик, бири камкон, бири сил,
Хали уз-ок даволанар, узо-ок йил,
Ўлмай колса бўлди. Кайта бўлмас мох,
Кўлларимнинг кишани йўк, ё Оллох!

Она элим, ер багирлаб, чўккан эл,
Хосилини кўрмай, факат эккан эл,
Худо назар килган, назар теккан эл,

Тилларингдан учгаймикин сўнгги ох,
Кўлларимнинг кишани йўк, ё Оллох!
1992 йил 31 март

ТУРКИСТОННИНГ ОНАЛАРИНИ...

Ўн икки ой бирдай ишлайди,
Факат ишлаб кўнгил хушлайди,
Иморатнинг лойин муштлайди,
Болаларин тишда тишлайди,
Гўдаклари токмас, кўшлайди
Туркистоннинг оналарини...

Ўгли Бобур Хинд сори босди,
Кайтармокка етмади дасти,
Нодирасин жаҳолат осди,
Жаҳолатга бор эрур касди.
Юрагини армон нишлайди
Туркистоннинг оналарини...

Машраб Балхда, дорда саланглар,
Усмон қах-қах уриб, аланглар,
Хамзасини тилкалар санглар,
Тушлари ҳам ахволин танглар,
Тушлари ҳам тошлаб, гиштлайди
Туркистоннинг оналарини...

Амир Темур ёди ўстирар,
Кенагаснинг доди ўстирар,
Сиртмок, кунда, жоди ўстирар,
Яссавийнинг оти ўстирар,
Худо суяр, рухлар ушлайди
Туркистоннинг оналарини...

Афгон мулки бўлди минглаб эр,
Харбий кетган юзлаб йигит — ер,
Бир боланинг доғи килар шер,
Кодир Оллох, ўзинг токат бер,
Юрагида арслон кишлайди
Туркистоннинг оналарини...

Олгани шу элидан дуо,
Тиловати, селидан дуо,
Хар кўлловчи елидан дуо,
Кўлидан иш, тилидан дуо,

Бошидан ок рўмол тушмайди
Туркистоннинг оналарини!
1992 йил 1 апрель

БУ ЭЛНИ ЖИМЛАР УЙГОТАДИР

Бу авлодлар гарибдан-гариб,
Кўкрагингга тошлар ботадир.
Олов тополмайсан ахтариб,
Кўзларингга ёшлар ботадир.

Кўнглингда чанг, гард кўтарсангми,
Кийнаб гумон, дард кўтарсангми,
Пардаларни шарт кўтарсангми,
Ялангочлар, фошлар ботадир.

Туриб, кулаб ётган бек бекми,
Ичиб, «гуллаб» ётган бек бекми,
Борин пуллаб ётган бек бекми,
Фикрсиз, бўш бошлар ботадир.

Ох, бу элга кимлар казди чох,
Кайдандир бу саноксиз гумрох,
Бугун бир порлок куёш йўк, ох,
Мозийда... куёшлар ботадир.

Кай хофизга худо — сийму зар,
Кай шоири худобехабар,
Кай отинининг ботини гар,
Бу элни кимлар уйготадир?

Боболари юрт сўраб тўрда,
Болалари ўлгайму ерда?
Иншооллох, бугунми-эрта,
Бу элни жимлар уйготадир.
1992 йил 4 апрель

* * *

Отам, онам кўнгли йиглаб, бўшаб ўтди,
Отам, онам ёғийга пар тўшаб ўтди.
Отам, онам тиз чўкканча яшаб ўтди,
Худо, энди мадорингни тизимга бер.

Кўкларим талошларда талон бўлди,
Увуз этда куйдим, йиги, ўлан бўлди,
Ёзим — балогатга етган нолон бўлди,
Энди озод кўшиқларни кузимга бер!

Совий-совий музлаган дил музликларим,
Эрий бошлаб сўз очмоқда сўзликларим.
Кайтса кайтмас бўлиб кетган ўзликларим,
Турк, Туронни кўтармокни ўзимга бер.
1992 йил 8 январь

* * *

Ошиқлигда ҳеч ким Сизу биза етолмас,
Бир нигоҳдан бори аён сўза етолмас.

Кўклар гўр кушчалар билан чулдирайверсин,
Дил топмоқда ҳеч ким маъюс куза етолмас.

Сунбуланинг тиниклиги кўкларда нетсин,
Ҳеч ким бундай шифо, дала-туза етолмас.

Бош устида шийдам шохлар сирли мунгланиб,
Пойингизга сориг гилам ёза етолмас.

Ҳеч ким мендек Сиза ҳар зум жон суви тутиб,
Умр бўйи елкасида кўза, етолмас.
1992 йил 8 январь

ДУНЁ КЕТАР СУРИНИБ...

Кораяркан босилиб
Кор йиглайди, менимча.
Мард ўларкан осилиб
Дор йиглайди, менимча.

Аёл йиглаган элда
Ор йиглайди, менимча.
Умиди окиб селда
Бемор йиглайди, менимча.

Ўнглайман, — деб шеър ёзиб
Куйдим, кулга айландим.
Ўт кетсин бу дунёси,

Пулга кулга айланди.

Аддов, ишрат, очилиб
Бораётган киз дунё,
Йўк, шу кетишда тошга
Урилгувчи — биз, дунё.

Дунё кетар суриниб
Бедор йиглайди, менимча,
Кайтаргум, — деб уриниб
Бекор йиглайди, менимча.
1992 йил 8 январь

ИЙМОН КЕЛГУНИЧА ЁЗГИН

Тунда ёзсанг, бўш келма, сен
Тонг келгунича ёзгин.
Ракибингнинг забонига
«Аттанг» келгунича ёзгин.
Суяги хам хоки туроб
Отанг келгунича ёзгин.
Ўтга тушгил бор ютугу
Хатонг келгунича ёзгин.
Имконсизлик ер одамни,
Ерга кетгач ухлармиз.
То тириклик — имконимиз,
Имкон келгунича ёзгин.
Жилдир-жилдир куриётган
Онг келгунича ёзгин.
Юрагингни туб-тубидан
Бонг келгунича ёзгин.
Мен демасман, давра давра,
Шон келгунича ёзгин.
Мен дегайман, ёз, оғзингдан
Кон келгунича ёзгин.
То иймони кочган элга
Иймон келгунича ёзгин.
1992 йил 8 январь

ЁЛГИЗ ОДАМ ИШОНЧИ

Мен бир хакикатга бергандайман тан,
Бу ҳақдаги шубҳа менга ботмайди.
Тупроқ устидаги дўстни билмайман,

Тупрок остидаги дўстим сотмайди.

Тирик дўстим ёзим, кишимга кириб,
Мени ўтга отиб ёкар, совутар.
Ўлган дўстим... тунлар тушимга кириб
Тонггача кўнглимни овлаб, овутар...

Баъзан... ёлғиз колсам... кетмокка шайман,
Мени унутмагин, менга йўлинг бер.
Сен канча кўлласанг, шунча яшайман,
Тупрок остидаги дўстим, кўлинг бер!
1992 йил 10 январь

* * *

Худоданми, бандадан,
Одамдан, даррандадан,
Дўст топаман, бериб тан,
Сўзлайди илон манга.

Белим богласам сириб,
Селни олурман буриб,
Кашкирлар тумшук суриб,
Йиглайди нолон манга.

Суйдим, жон билан суйдим,
Ўт-ла ковушдим, куйдим,
Тўзмас либосин кийдим,
Келаверар шон манга.

Кон — ёруглик, ман хориб,
Рухни кон билан кориб,
Куйласам, бўғзим ёриб,
Отиладир кон манга.

Ман сафарга чикар дам,
Ошик Юнус берур шам:
«Ман куш тилин билурам,
Сўйлар Сулаймон манга».
1992 йил 7 январь

ЙИГЛАДИМ, ХУДОЖОН

Йигладим, художон, караминг кенгдир,
Бир интик сўзимни бер деб йигладим.

Бағрим кок, какраган заминга тенгдир,
Бир кўкат бер, битта шеър деб йигладим.

Захардан сув ичган тупрок ўлгандир,
Одам куриб, чўккан, хўпрок ўлгандир.
Ўлмагани мендан кўпрок ўлгандир,
Битта қарич тоза ер деб йигладим.

Туркий қавм бир-бирин кириб-у кийиб,
Яшаркан, юрмайми ҳазонлиг кийиб.
Бу дардлардан гўрда ётаркан куйиб,
Бобо Темур нима дер деб йигладим.

Ёнимда, конимда у келмақдадир,
Балки огироёк келинчақдадир.
Хар қалай эл қони қачон тўхтади —
Келиб ғамимизни ер деб йигладим.

Оллоҳга ёлвориб, бир мунглиг ҳаёл,
Халким деб йигладим қаддим бўлиб дол.
Халкка Тўмарисдай бир ёвқур аёл,
Халкка Темурдай бир эр деб йигладим.

Йигладим, ҳудожон, қараминг кенгдир...
1992 йил 7 январь

ХАММАДАН КУЙИНГАНИМ...

Ох, кўркаман жон-жонимдан меҳнат ўтиб кетмаса,
Қутавериб соб бўлиб, захмат ўтиб кетмаса.
Томчисига зор бўлиб ўтиб бормоқдаман, ох,
Кўрмай ёнимдан обирахмат ўтиб кетмаса.

Мажнунтолдай эгилиб, қолавериб мен ортда,
Оддга тушиб пилдираб тухмат ўтиб кетмаса.
Хаммадан куйинганим, бир мухлатга келганман,
Бош кўтаргунимча шу мухлат ўтиб кетмаса...
1992 йил 9 январь

* * *

Ғарчанд ўтган умр ўтди, кўриб кенглигу танглиг,
Ҳамон ҳар қултум сувни умид билан ичамиз.
Ҳар қундузимиз келгай толе манзили янглиг,

Кадр кечаси бўлгай кечувчи хар кечамиз.

Кеча кўлимиз олгон дўстлар кўпрок эдилар,
Бу ёлгон дунёсидан ўтиб кетди нечамиз.
Бори дўстлар бирма-бир созлаётир кемасин,
Биров тун, биров тонгда бу даргохдан кўчамиз.

Хар биримиздан бир эл колаётир, чамаси,
Биздан кейин бундан-да гавжум бўлар кўчамиз.
1992 йил 9 январь

ГАМИМ СИЗДАН МЕРОС

Гамим Сиздан мерос, Нодираи даврон,
Шамим Сиздан мерос, Нодираи даврон,
Камим Сиздан мерос, Нодираи даврон,
Менам тўлдиролмай ўтаётиман.

Кўнглимга кадимий зорлар ёгадир,
Солланиб сиртмоқлар, дорлар ёгадир,
Ўтимга дамодам корлар ёгадир,
Менам ёнолмасдан тутаётиман.

Инсофни энг аввал ўзимга тилаб,
Тўзимни тўймаган кўзимга тилаб,
Келмаган шохона кезимга тилаб,
Менам ўз-ўзимни бутаётиман.

Сиз-ла гамдош тушсак, дўст тушсак керак,
Ок сочларимизни ўришсак керак,
Мохларойим, тезда кўришсак керак,
Менам йўл сўнгига етаётиман.

Менда хам Сиздаги илохий ор бор,
Менда хам Сиздаги ганим бор, мор бор,
Демакки, олдимда тахтми ё дор бор,
Менам олдингизга кетаётиман.
1992 йил 10 январь

ТУРКНИНГ КЎЗИ...

Гамсиз тупрок йўқдир биров,
Турк тупроги гамлирок.
Кўзлар ичра... синчиклаб бок,

Туркнинг кўзи намлирок.

Нигохлари гарчанд тонгги,
Устивор бахт, ободи,
Туб-тубида янграр мангу
Яссавийнинг фарёди.

Халол дўстга дўст турамиз,
Шаймиз каму кўстига.
Кизил гуллар ўстирамиз
Кайгумизнинг устида.

Ўзимизнинг бўлар албат
Гамангиз бахт, шонимиз.
Конимиз-ла кайта-кайта
Ювган Туркистонимиз.
1991 йил 4 май

ИЛТИЖО

Бокдим, бош устимда саланглади дор,
Бокдим, ичи куйиб йиглайверди ор.
Бокдим, ич-ичимга урди куюн, кор,
Худойим, дилимга подшоҳлик бер!

Томир-томирлари чирт-чирт узилиб,
Майиб-мажрухлиги тамом сезилиб,
Колганда дод, дедим, кўнглим бузилиб,
Худойим, тилимга подшоҳлик бер!

Силкиндим, кадим Турк лошин кўтардим,
Ганимнинг бостирган тошин кўтардим,
Улимнинг эгилган бошин кўтардим,
Худойим, улимга подшоҳлик бер!

Ўйларман, мен кимнинг урвоги, мен ким,
Тилимни ўлим хам килолмагай жим,
Сўйларман гўримни босганда хам чим:
«Худойим, элимга подшоҳлик бер».
1992 йил 7 январь

БИТТА МУШТГА АЙЛАНМАЙ

Олтовлон ола бўлиб олдирган халк меники,
Гох ичда захар, тилда бол турган халк меники,

Тиг тортиб ўз отасин ўлдирган халк меники,
Ёраб, кай аждодимнинг кўли кир деб йигладим.

Ўзи ўз ўзагини узган лахзаларида,
Киблагохин гўрини бузган лахзаларида,
Фаргонада тўзондай тўзган лахзаларида,
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йигладим.

Бирлашмадинг, Кўкон-у Ўзган бўлдинг, Ўш бўлдинг,
Фитна пичокларида талош лахта тўш бўлдинг,
Куёв-келин бўлмасдан кўш мозор-а, кўш бўлдинг,
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йигладим.

Бирлашмадинг, кетма-кет бало келди, ўт келди,
Тогдай йигитни солиб, лопиллаб тобут келди,
Сув бўлиб окдик, кўздан жола келди, хут келди,
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йигладим.

Шукур, бугун озод сен, аммо таркок сен, ёт сен,
Таркокми сен, инонки азал-абад барбодсен.
Жўровоз бўлолмасанг, якка-якка мунг, додсен,
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йигладим.

Карвон жилсин, сарбонинг сари эниб кел, элим,
Бир бог сари чугурлаб, кушга дўниб кел, элим,
Оллох дилда. Оллохга, хакка кўниб кел, элим,
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йигладим.

Битта муштга айланмай, биз дастмиз ёлгиз-ёлгиз,
Тўзим косаси янглиг, тўлмасмиз ёлгиз-ёлгиз,
Турку Турон тиклангай, ўлмасмиз ёлгиз-ёлгиз,
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йигладим.
1991 йил, сентябрь

БУГУН ХАЛККА НЕ КЕРАКДИР...

Бугун халкка не керакдир,
Чукур англари онг керак.
Гўдаклари эртанги кун
Таратажак донг керак.
Гарчанд хар кун юки ортар
Аробаси дилни ўртар,
Отни тинмай олдга тортар
Бир ёвкур султон керак.
Бор кўнгил, чил-чил, керакдир,

Бор узилган кил керак.
Бор кесилган тил керакдир —
Бор бутун иймон керак.
То Туронзаминда халк бор,
Ўлмагай ор, ўлмагай ор.
Жон эмас, эрка талабгор
Эрк учун курбон керак.
Тилларидан учмагай ох,
Кул-кул бўлур зиндону чох,
Факат бор халкка бир Оллох,
Биттадан Куръон керак.
1988 йил 18 февраль

КИЗИЛ ТОШЛАР

Хотирамнинг йўлига чиксам,
Кизил тошлар ўтаверади.
Кони чак-чак томиб ерларга,
Кесик бошлар ўтаверади.

Бошлар билан ора бир кадам,
Бошсиз танлар хунук саланглар.
Сугурилган тиллар оркада
Илонлардай сапчир биланглаб.

Тўрт мучаси бутун хам бордай,
Факат бежо, жунунвор кўзи.
Бири Чўлпонгами ўхшардай,
Бири Усмон, Усмоннинг ўзи...

Кир, бекасам тўнин иткитиб
Гох йиглар у, гох гуллаб кулар.
Бирдан... не бор селдай йикитиб
Бир кўча кон шовуллаб келар.

Кизаради юлгун, шўралар,
Кизил тошлар кизиб чинкирар.
Бир фигон бу тошлар оралаб
Бор дунёни бузиб чинкирар.

Умримнинг тун, кечаларидан,
Ўйку билмай ўтсам канийди.
Хотирамнинг кўчаларида
Кон исидан кўнглим айнийди...

Тузум, Сенинг ёкангда кўлим.
Кундузлар ҳам чўчиб мизгийман.
То келгунча халоскор ўлим
Хотирам чўлида изгийман.
1992 йил 6 август

БИР КУН ГОВ ЙЎК ЙЎЛИМГА

Айтманг дейман, гап укмас,
Гуллар келиб айтади.
Эгри из босилганин
Йўллар келиб айтади.
Сўзламасдай туюлган,
Сезилмасдай туюлган,
Менга мослаб куюлган
Гуллар келиб айтади.
Оркамда тираб наган,
«Холин кўрамиз» деган,
Олдимда титрайдиган
Кўллар келиб айтади.
Кай бой менга гам бичган,
Кутурган итин ечган,
Нону тузумни ичган
Куллар келиб айтади.
Бир кун... гов йўк йўлимга,
Кетарканмиз ўлимга
Кул килмишин кулимга
Куллар келиб айтади.
1992 йил 7 август

ЎХШАР

Ситлим Рахимахонга

Дунёнинг бор идиши ярим,
Менинг ярим кўнглимга ўхшар.
Ўйчан, суюк дала гуллари
Рангпаргина синглимга ўхшар.

Авж ўсар чоғ дўл эгган гуллар,
Очилмасдан тиг теккан гуллар,
Кор остида жунжиккан гуллар,
Ул кўзлари мунглимга ўхшар.

Ота кетди увуз этида,
Она кетди увуз этида.
Алар ўтди. Гамлар ўтмайди,
Кўнгли сўзон, сим-симга ўхшар.

Мен ишонган бор бойлик, зарим,
Шул мунглимга толе бер, карим.
Гарчанд дунё кувончи ярим,
Кайгулари лим-лимга ўхшар.
1992 йил 8 август

СЕН КОЛАРСАН...

Дунё, бўлма кўп даргазаб,
Сен коларсан, биз кетармиз.
Богларингни кўклаб, бегаб,
Сен коларсан, биз кетармиз.

Меҳмондирмиз тўрт-беш кунлик,
Кўзи шодон, кўнгли мунглик.
Килгин тенглик, килгин кенглик,
Сен коларсан, биз кетармиз.

Сен бегафо, бизлар хориб,
Бир кун каро ерга бориб
Дард айтаммиз, кўнгил ёриб,
Сен коларсан, биз кетармиз.

Кўнглиммиз, кўнглиммиз дoston,
Кўнглиммиз гул. Кўнглиммиз кон,
Бир сиримиз ололмасдан,
Сен коларсан, биз кетармиз.
1992 йил 4 апрель

СЕНДАН ОЛДИН...

Мен беҳисоб дунёсини
Бошга урай Сен бўлмасанг.
Эгнимнинг шох либосини
Тошга урай Сен бўлмасанг.
Сен кўзим устида юрсанг,
Майса бўлсин кипригим.
Мен ўзимни кайси токат,
Бардошга урай Сен бўлмасанг.
Кенг жахона сигмаюрман,

Жахон менга тангу тор,
Мен ўзимни кай Намангон,
Ўшга урай Сен бўлмасанг.
Гул кўшини, дил кўшини,
Бу оламда кўшин кўп.
Мен ўзимни кай бегона
Кўшга урай Сен бўлмасанг.
Каро ерга кетар бўлсанг,
Айт, мен олдинрок кетай.
Бу юргисиз дунёсида
Кандок юрай Сен бўлмасанг.
1992 йил 2 апрель

КУЛИМ КУЛАР, ЭХТИМОЛ..

Мен йигладим, кун келиб
Гулим кулар, эхтимол.
Зардоб тўла кўкайим —
Кулим кулар, эхтимол.

Йўкотдим сўз уюмин,
Энг биллур, энг суюмин,
Тиксам жулдур кийимин,
Тилим кулар, эхтимол.

Кат-кат ярадор тизим,
О, эрк, беҳиштий сезим.
Тиз чўкмай ўсса кизим,
Улим кулар, эхтимол.

Ўзим ўтган кезларим,
Сўзим ўтган кезларим,
Колдирган кон изларим,
Йўлим кулар эхтимол.

Кўнгил кўрмай йириклик,
Ишим — гамга шериклик,
Кулмай ўтгач тириклик,
Ўлим кулар, эхтимол.

Онам сочим ўрмади,
Такдир келди бурмали.
Кўнглим кувонч кўрмади,
Кулим кулар, эхтимол.
1992 йил 6 август

КЎРИБ ЁЗДИМ

Мен йўл кўрмай, ёзмам хали,
Ёзаримиз кўриб, ёздим.
Авжи кизиб бораётган
Бозоримиз кўриб ёздим.

Хали гул бўламиз канча,
Куриб, кул бўламиз канча,
Кўксимизга тегар ўқлар,
Озоримиз кўриб ёздим.

Эй ракибим, суриб ётар,
Кун ҳам ботар, ой ҳам ботар,
Бир кун туркни кўриб ётар
Мозоримиз кўриб ёздим.
1992 йил 1 август

БЎЗЛАЁТГАН ЖОНИМ КУШИ...

Сел, ел тинар, маним нолам тинармукин,
Ва ё нолам факат ўзни тирнармукин.

Шўр сувлардан шўррок кўзим ёшларидан
Ер сугорсам, бирор гиёҳ унармукин?

Бир ёруг кун кўрарманми бу дунёда,
Ё дун хануз иродамни синармукин.

Ё дунёнинг бор олгири хануз яшнаб,
Камбагалнинг йиртик тўнин тунармукин.

Хднуз етим гўдак «нон» деб йиглаганда
Кўлчасига каттик тошлар кўнармукин

Болалари воз кечганлар йикилмасму,
Даврон аларга ҳам асо йўнармукин.

Оналари воз кечганлар... меҳр кўрмай,
Ох, кўркаман, бўриларга дўнармукин.

Одамзоднинг ё киёмат куни якин
Келар чоғда шуур шундай сўнармукин?

Нак бўғзимда бўзлаётир жоним куши,

Какшаб «Бас кил» дейман, кушим кўнармукин?
1988 йил 18 март

ЭЛНИНГ КАРО КЕЧАЛАРИДА

Сув зилол деб килган даъватим
Такир ерга сингиб йўколар,
Мард аёл деб килган даъватим
Мижгов эрга сингиб йўколар.
Болаларга киларкан даъват,
Зарга уриб кетар болалар.
Китоб колар, талашиб сават,
Бозорга уриб кетар болалар.
Озгин терак гамлардан тўйган,
Ерга сориг гилам тўшайди.
Отасини ўлдириб қўйган
Ўгил аклдан озмай яшайди...
Озод кизи, учирган куши
Фахшхонага бориб қўнади.
Лабларини конатар тиши,
Лабин гажиб... Она... қўнади...
Мен қўнмайман, тирик ўламан
Тентиб бефайз қўчаларида,
Йиглаб бодомковок бўламан
Элнинг каро кечаларида...
1990 йил 3 август

БУ ШОВКИНЗОР ОРАЛАБ

Кўнглимда чопаётган
Соатларнинг шовкини.
Кўнглимда тош-тош котган
Токатларнинг шовкини.

Сувга айтиб тушларни,
Ўзни сокин ушларман.
Кўнглимда бир кушларнинг,
Бир отларнинг шовкини.

Кеч келди эл азони,
Аёл элнинг арзони,
Ўзи хазон-у, жони
Пўлотларнинг шовкини.

Гам дарёсига ботган,
Захар тотгани тотган,
Хар куни синаётган
Канотларнинг шовкини.

Хеч ким сезмай колади
Бир кун аршга етганим,
Бу шовкинзор оралаб
Додлаб ўтиб кетганим.
1992 йил 5 август

БОЛАЛАР АНГЛАР

Курагимда тиг изи — азоб,
Товонимда мих изи — азоб.
Йиқилмайман юзтубан, чунки
Юрагимда туг изи — гулоб.
Чунки менам касам ичувдим
Ёв ортимдан ханжарин сунгач,
Кўлимни ёв конида ювдим
Тўмарисга сарбоз тутингач.
Туг асраган юрагим додлар,
Кўлларимни касос конлаган.
Чунки Туронзаминда ётлар
Молларини хўп арконлаган.
Туркнинг кири, кийёкларини
Жаннат чечагидай иси бор.
У молларнинг туёкларини
Елкамизда ўйик изи бор.
То яшаркан ўйилган бонглар,
То яшаркан сўйилган бонглар,
Кандай яшаш кераклигини
Болалар англа!
Мени эса...
Курагимда тиг изи — азоб,
Юрагимда туг изи — гулоб...
1992 йил 4 август

КИЙИКДАЙ БУ КИЗ ЖОН ОЗУГИ

Овози хам кўзидан келар.
Г. Лорка.

Овози хам кўзидан келар —

Хуштаъмлиги сўзидан келар,
Кетди деманг кетган онани,
Келаётган кизидан келар.

Келар тиник бир сувлар хали,
Сирли, ширин гулувлар хали,
Ман-ман деган сулувлар хали
Бу кизчанинг тизидан келар.

Туткич бермас кийик — ишк, овда,
Илдизлари улкан, тик товда,
Ёнавермас хар хил оловда,
Сокинлиги музидан келар.

Кийикдай бу киз жон озуги,
Бир Мажнуни нолон озуги,
Манглайи шўр бўлмас, ёзуги
Ўзи сепган тузидан келар.
1992 йил 4 август

* * *

Нимадир бу, кетаётган нимадир,
Колаётган саробдир, жимжимадир.

Кетгунича ҳеч ким гамин емади,
Кетаётган — тил ўтирган кемадир.

Энди сувлар фарёдимни кўмади,
Кетаётган — тил ўтирган кемадир.

Бу тупроклар кўз ёшимни шимади,
Кетаётган — тил ўтирган кемадир.

Тушунмас, — дедими, бир сўз демади,
Кетаётган — тил ўтирган кемадир.

Канча ялинмайин кайтиб кемади,
Кетаётган — тил ўтирган кемадир.

Бир кун кўзимни шу армон юмади,
Кетаётган — тил ўтирган кемадир.
1990 йил 15 апрель

ХЕЧ НА ЁНМАС БУ ОЛАМДА

Хеч на ёнмас бу оламда,
Ёнса догли дилим ёнгай.
Туз коплаган, шўр даламда
Унмаган хосилим ёнгай.

Гамларим — ёш, каритмайди,
Маним дардим аритмайди,
Махкамалар киритмайди,
Эшигида тилим ёнгай.

Отасиз — «бир кўзли етим»,
Онасин хам билмайман ким,
Икки кўзсиз етимларни
Кўтаролмай кўлим ёнгай.

Ипак, олтин, хеч беармон
Кетган, кетар карвон-карвон,
Бир карвонни тўхтатолмай
Узун ИПАК ЙУЛИМ ёнгай.

Онги занглаб, онги куриб,
Жахолатга ёвук юриб,
Бир кўйлак деб гул келинчак
Ўзин ёкар... ўлим ёнгай!

Эй ахли юрт!
Тингланг, етса!
Бу ёнишлар давом этса,
Бир кун улкан ёнгин содир,
Ох, кўркаман, элим ёнгай!
1988 йил 10 февраль

ЙИГЛАМАЙМИЗ...

Йигламаймиз, чор атрофда
Куриб боглар йиглагай,
Пешонасин тупроклара
Уриб боглар йиглагай.

Одам кетар бир-биридан,
Одам суймас бир-бирин.
Бир-бирининг пинжларига
Кириб боглар йиглагай.

Сўзим синар сўзга тегиб,
Кўнглим синар музга тегиб,
Оппок тўши тузга тегиб
Ок чарлоқлар йиглагай.

Кўкси ерлар биз бўлди-у,
Ўксиб ерлар биз бўлдик.
Ер остида Широқ, Темур,
Кўкси тоғлар йиглагай.

Бизни кўриб эгик бошу,
Шонсиз, тагин забонсиз,
Ерда ўтган бор илдизу,
Бор бутуқлар йиглагай.

«Бой ҳам бўлдинг бийдай-бийдай
Факат... юрт эгасиз уйдай»,
Деб тупроқда Яссавийдай
Кўнгироклар йиглагай.

Йигламаймиз!!! Ёш, кон ичра
Кўзларга ним келмасдан.
Хайхот, нахот биз ўлганмиз,
Хали ўлим келмасдан.
1990 йил 3 март

- «ТЎМАРИСНИНГ АЙТГАНИ» ТЎПЛАМИДАН -
(1996)

Шундай ўргат кулни, хонни,
Учмас куш ҳам учар бўлсин.
То байроқдан олдин жонни
Бермоқ осон кечар бўлсин.

ДАЪВАТ

Кундуз юриб ёздим, тун туриб ёздим,
Ёзганда кўксимга тиг уриб ёздим.
Дардларимга сиёх қор қилмай қолгач,
Қаламни қонимга ботириб ёздим.

Қон аслан ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўқ,
Асл мард Ватанга тиз чўқиб ўтар.
Қанча қонинг бўлса — Ватан учун тўқ,
Қанча шонинг бўлса — Ватанни қўтар!
1995 йил 12 ноябрь

ҚАДИМ ҚЎНГИРОҚ

Мен Туроннинг қадим қўнгирогимен,
Жаранг берсам қир-даласи уйғонар.
Аросатда бироз тиндим чоғи мен,
Сахар қўнғлим шалоласи уйғонар.

— Болам, қимсан, қим бобонгнинг қотили,
Билармисан туркнинг тўксон зотини?
Томиримдан чиққудайин отилиб
Найман онанинг қоласи уйғонар.

Қўймам тўнган қўл, қамларга чўмгани
Ер қарчин ҳам қўтаради ўмганин.
Тобутда қар қангуга қўз юмгани,
Бешиқдаги қар қоласи уйғонар!

Мен Туроннинг қадим қўнгирогимен.
1995 йил 28 ноябрь

АЁЛ ЎТИБ БОРАР

Сен сўрама, мен ҳам айтмайин
Қурағимни синганини қарс.
Шовқин қолма, мен уйғотмайин,
Юрағимда ётар бир йўлбарс.

Қаланд бир ўт ёнган ичимни
Мен қовутиб яшашим қарак.
Ўз-ўзимга қарфлаб қучимни,
Мен овутиб яшашим қарак.

Аёл ўтиб борар... шўх юриб

Шамолларда соч ёйган аёл.
Ич-ичида йўлбарс ўкириб,
Сиртдан майин жилмайган аёл.

Сен сўрама, мен ҳам айтмайин...
1995 йил 26 ноябрь

ОКЛАШ КУЧИН САКЛАГАН МАЙСА

Мен майсаман, ўлмаган умид,
Кийналиб киёклаган майса.
Пайхонлаган подаларга зид
Кўклаш кучин саклаган майса.

Кўрсатмайди мунгли кезини,
Кўкламдай гуллатар кузини.
Номард дуч келганда, ўзини —
Ўклаш кучин саклаган майса.

Ўлим билмас касоси, хуни,
Севгиси ҳам буюқдир уни.
Пирларининг гўрида униб,
Йўклаш кучин саклаган майса.

Кодир Оллох хукм этмиш шундог,
Тушмагайдир хаётига дог.
Каролиглар ичра ўзин ок
Оклаш кучин саклаган майса.
1995 йил 29 ноябрь

ХАР ЭЛГА БИР БАЙРОК КЕРАК

Хар элга бир байрок керак хилпираган,
Кўллар керак, кўтармоқка чидасалар.
Гарчанд мен бир девордирман, зах, нураган,
Яраб бергум агар байрок кадасалар.

Елкамгами, юрагимга, курагимга
Махкам каданг, кўтараман жоним билан.
Шамол бўлгум, хоин шамол тиниб колса,
Губор инса юважакман коним билан.

Она элим, Сенга жоним, умрим ато,
Кетарканман, айланаркан чархи даввор,

Битта девор кетди дегин, кетгунча то
Байрогимни елкасида тутган девор.
1994 йил 22 февраль

КЎП ЧИҚДИМ МЕН ВАТАНИМНИНГ ТЎРИГА

Улугбекка

Кўп чикдим мен Ватанимнинг тўрига,
Пойгагида сенам оёк еч, болам.
Экин экин унинг киру ўрига,
Тўкин экин, экин колмай кеч, болам.

Ўзга юртлар шамоллари чакирди,
Кўз олгувчи жамоллари чакирди.
Баланду баркамоллари чакирди,
Кетмадик биз. Кетолмадик хеч, болам.

Момонг шу ерда чиркиллаб йўклайди,
Бобонг оёгин узатиб ухлайди.
Кетсак улар... гўрларида йиглайди,
Колган гаплар бари ёлгон, пуч, болам.

Оллох бизга ўзга Ватан ёзмаган,
Бобосини, момосини босмаган,
Юз тўфондан бир япроги тўзмаган,
Метин болам, кудрат болам, куч болам!

Кўп чикдим мен Ватанимнинг тўрига...
1995 йил 26 ноябрь

АЗИЗИМ

Ногох каршимдан чикиб кутиб олган пайтларинг,
Учиб юрган куш эдим, тутиб олган пайтларинг,
Такдиримга отингни битиб олган пайтларинг,
У менинг бу дунёга келар чогим, азизим.

Кейин инок, донлашиб кўкка учди икки куш,
Юксакни нишонлашиб, тикка учди икки куш.
Бахтню барбодлигни бирга кечди икки куш,
Бугун сориг тортмокда кўм-кўк богим, азизим.

Умр нима? Ўтар йўл.

Ўтаримда бирга бўл,
Хали умидларим мўл,
Етаримда бирга бўл.
Казо келса дунёдан кетаримда бирга бўл,
Бошимда бўл ботинга ботар чоғим, азизим.

Ёнимда бўл, Сенингсиз менинг
Шавкат-шоним йўк,
Сен йўк эрсанг кавмим йўк, турким йўк,
Туроним йўк.
Бу дунёю у дунё Сенингсиз бирор оним йўк,
Ёдимда бўл тупрокда ётар чоғим, азизим.
1995 йил 26 ноябрь

СЎЗ СЎРАМА

Мендан сўз сўрама, вақт ўтган,
Истасанг кўрмоқка кўз берай.
Ўт берай, ёнгувчи муз берай,
Лекин сўз сўрама, вақт ўтган.

«Севдим де, бир сўз айт...», куз, шамол,
Бу сўзни айтганман баҳорда.
Сўзимни эшитган юз шамол,
Сўзимнинг изи бор юз корда.

Бу богда бошлангай кўзголон,
Кулагай чикканим бор тахтлар.
Юз дарахт жойидан кўзголар,
Ул сўзим эслаган дарахтлар!

Сен яхшисан, бор имкон, бор ганж,
Тогми, тожми, дала-туз... берай —
Кўнмас бўлсанг кўксимга тиг санч,
Ўзимга кафан кил, бўз берай!

Лекин сўз сўрама, сўрама...
1995 йил 21 ноябрь

ТИРИЛИШ КУНЛАРИ

Хдр келмокни мангу Висол денг,
Хар кетмокни мангу Айрилиқ.
«Кетма, бирпас ёнимда кол», денг.

Бошланмокда янги айрилик.

Ёз-у ёгар бошимга корлар
Термуламан Сиз ёкка ўксиб.
Тўп-тўп... менинг кўксим кокарлар,
Гичир-гичир... босарлар кўксим.

Ўз кўз ёшим ичиб тўламан,
Ёзда ивиб корда, шамолда.
Сиздан йирокларда ўламан —
Тириламам тагин Висолда.

Ёниб лахча-лахча ўтда ман
Тирилиш кунларин кутаман.
1995 йил

ОТЛАРИМИЗ

«Миннат килиб бермагин дон,
Аравага қўшма, нодон.
Бизга лозим гуррос, майдон,
Биз курашнинг отларимиз.

Бизлар унут, куш овлама,
Тўртовлама, бешовлама.
Оёғимиз тушовлама,
Биз кўнгилнинг додларимиз.

Мухтож бўлмасмиз заррага,
Кулок сол бизнинг наърага,
Улок ташлармиз маррага,
Ўзмиз. Йўқдир ётларимиз».

Огир, намчил куз бугдойи...
Юк остида мункиб, тойиб.
Бир-бир босиб, бизни койиб
Кетиб борар отларимиз.
1995 йил 16 ноябрь

АВВАЛ ИЧИНГГА КИР

Аввал ичингда кил ибодатингни,
Аввал ичингда ёй шахд канотингни.
Аввал ичда тикла иморатингни,

Шу мухим. Мухиммас ташки ёмгирлар.
Ичингни тозалаб, кириб олдингми,
Ўзингни жам килиб, кириб олдингми,
Хар бир кунжингни текшириб олдингми,
Мухиммас ташдаги илашган кирлар.
Ич хазон. Ташкари гуллашдан кўрқкин,
Кўзни тий. Кўз ёшдан, кул ёшдан кўрқкин.
Мухими ичингдан кулашдан кўрқкин —
Ичингдан кетмасин илохий нурлар.
Гам ема. Бир камдир, тўлдириб бўлмас,
Аввал ўз ичингга кир, кириб бўлмас.
Ички бургут кўклаб, ўзни урарми,
Ташкарида Сени ўлдириб бўлмас.
1995 йил 16 ноябрь

УЛУГЛАР, БОГЛОВЧИЛАР

Улуглар, богловчилар,
Рухни тик, соғловчилар,
Авлодин тоғловчилар,
Юксалар роҳга бошланг.

Шафкат тарк этди бизни,
Итардик мунглимизни.
Юмшатинг кўнглимизни,
Бир ёруг оҳга бошланг.

Ўнг кўзни ўяр чап кўз,
Гох тугишган ҳам тўс-тўс.
Биттагина содик дўст,
Бир чин хамроҳга бошланг.

Афсус йўк чўксак агар,
Жонни ҳам чексак агар.
Покланиб чиксак агар,
Майли, гор, чоҳга бошланг.

Адашган мусулмонмиз,
Гох суст кетган иймонмиз.
Лек айнимаган конмиз,
Бизни Оллоҳга бошланг.
1995 йил 16 ноябрь

КЕЧИБ...

Дема «келдинг бир чаман ошён кечиб»,
Келдим куюк чангалзор, ўрмон кечиб,
Кандай дахшат гирдобларга айландим,
Ёмгирларда йикилдим гирён кечиб.

Менинг сахтим гулга ўхшаб кетарми,
Гул кечганлар шундай какшаб кетарми.
Ортидан шунча фитна, гап кетарми,
Оёгимга кара, келдим, кон кечиб.

Тўгри, бош устимда юлдуз, кўк эди,
Аммо товонимда лахча чўг эди.
Ерда юрмокликка хакким йўк эди,
Келдим булут, кор кечиб, осмон кечиб.

Оралик йўл, гарчанд, кора куюн, чин,
Ўтиб сенга келмоклигим шарт учун.
Ё шу йўлда ўлмоклигим шарт учун
Келдим... Сен-ла кетмок учун шон кечиб.
1995 йил 16 ноябрь

КУНБОТАРДА...

Хурмат жоиз, кетаётган куёш бу,
Ортик-ками битаётган куёш бу.
Авжи тушда бозиллаган, чатнаган
Энди тунга йитаётган куёш бу.

Кок теппада, ў, куйдирган канчасин,
Унга бахт деб ёпишганнинг панжасин!
Ишгол килмокчиларнинг исканжасин —
Энди... совуб, тутаётган куёш бу.

Хеч гап йўкдай, силлик ўтгандай бари,
Кичкирмаган каби босган гуллари.
Кўзларига санчилмасдай куллари...
Дардин ичга ютаётган куёш бу.

Балки, балки... кунботарда келар ишк,
Видо айтмай ширин-сирли кулар ишк.
Ўдак килар, суйиб тентак килар ишк,
Интигини кутаётган куёш бу.

...Не бўлса хам канча колди, ким билар,
Качон тўлар паймонадай, хум билар.

Кейин у гапларни тупрок, чим билар,
Худди биздай... ўтаётган куёш бу!
1995 йил 16 ноябрь

ХАК ДЕГАННИ...

Гарчанд, босилган майсаман, кўкаргайман,
Бир экан-ку, минг дардни хам кўтаргайман —
То у сохилдаги одам тирик экан
Дарё мени гарк килолмас, ўтолгайман.

Узмаганман, боглаб, улаб ўсганман мен,
Сўлдирганлар, касддан гуллаб-ўсганман мен.
Менинг бошим билмас кўмсаш нелигини,
Ўз бошимни ўзим силаб ўсганман мен.

Гарчанд ганим терлаб чохлар казаётир,
Мен биламан, у аклдан озаётир.
«Тегирмондан мангу бутун чикар тош» деб,
Мен ҳакимда ичи куйиб ёзаётир.

Кайга борсам ер боради, кўк боради,
Айтганман мен «босилган ўт кўкаради».
Кўкарганлар, кўкарамиз, кўкаргайлар,
Хак деганни ҳакнинг ўзи кўтаради!
Гарчанд, босилган майсаман, кўкаргайман...
1995 йил 15 ноябрь

КИЗГАНИШ

Сен бир тогсен.
Арслонлари, кулонлари меники,
Бировларга на кулон, бир килингни хам бермасман.
Тушунарсан Сендан ўзга бойлиги йўқ фақирни,
Бог эмас бир ковжираган гулингни хам бермасман.

Чор тарафдан чирмашганман худди ток
новдасидай,
Бир лахзага на ўнгинг,
на сўлингни хам бермасман.

Согинч ёшимдан сув сепиб,
сочим билан супурдим,
Коровуллаб,

Сенинг келар йўлингни хам бермасман.

Ялинаман... мен ўчгунча сен ўчмай тур,
ўчмагин!
Агар ўчсанг...
совуб колган кулингни хам бермасман...
1995 йил 18 ноябрь

ТУН КИРАР ЧОГЛАРДА

Келаётган тундан сергак тортаман,
Тун кирар чоғларда вақт ўтар гур-гур.
Шошиб аравага сомон ортаман,
Тўкилаверади сомони кургур.

Умр бўлса хамки поёнсиз достон,
Мен барибир чаккон силкиб баримни.
Умр туни келганда шошиб колмасдан —
Жой-жойига кўяй ёзганларимни.

Сомони йигилмай колган ер йиглаб,
Бурчак-бурчаклардан чиккан шеър йиглаб,
Безовта килмасин болаларимни...
1995 йил 16 ноябрь

КУТЛОВ

Назиркул акага

Бугун эллик боғу рогни оралаб ўтиб
Эллик тоғдан ошганларга йўллаймиз салом.
Иншооллох, ортингиздан боргаймиз етиб,
Шундай холис ният билан бошлаймиз калом.

Эллик ёшдан ошгунча то, шунча йикилиб,
Шунча туриб келгандирсиз, чарчаманг энди.
Бугун киров сочингизга синчков тикилиб,
Дейман:
«Сизнинг отдай юрак говларни енгди!»

Енгиб ўтдингиз сиз Усмон Носир ёшидан,
Кодирийнинг ёшиданам енгиб ўтдингиз.
Мирзо Бобур, Улуг Бобур етмаган ёшга
Оллох кўллаб Сиз етдингиз, шукур, етдингиз.

Букун бомдод намозида юкиндим Сўзга,
Оллохимни илтижога, Сўзга ўрадим.
Эрта кетган огаларим умрини Сизга,
Кўрмай кетган шон-шухратин
Сизга сўрадим.

Кодир тангрим, чикармагай хакни нохакка,
Турналарим хали кўкрак керса ажабмас.
Минг сўзимдан бири етса Оллохга, халкка
Парвардигор сўраганим берса ажабмас.
1995 йил 1 июль

ДАРЁ

Тўсилган дарёдай окмасдан кўйдим,
Чакнаб, атрофимга бокмасдан кўйдим.
Ким бор дунёсида кўз-кўз этмокка
Зебу зийнатларим такмасдан кўйдим.

Дарёнинг-ку асли куч, шиддати мўл,
Тўгон тагин шиддат кўшмоги мумкин.
Арслонвор кудратга очилмаса йўл,
Дарё киргогидан ошмоги мумкин.

Бу кудрат тўгонни йикар, сидириб,
Хазф тортмангиз — чўлга ё токка кетар.
Бу кудрат чарх урар Сизни кидириб,
Сизнинг пойингизда окмокка кетар...
1995 йил 13 ноябрь

КОЗОК ДЎСТЛАРГА

(Ўзбекистонда ўтган «Козогистон кунлари»нинг ёпилиш кечасида ўқилган)

Бизлар асли бир онанинг
Эгиз болаларимиз.
Жохилликка, конхўрликка
Бигиз болаларимиз.

Тарихимиз бирдир бизнинг,
Кўз ёшларда чўмилган.
Турор Рискул Чўлпон билан
Бир ўрага кўмилган.

Не кунларга биз гувоҳмиз,

Бутландик, чил-чил бўлсак.
Шох бўлсак, биз икки шохмиз,
Икки кулмиз, кул бўлсак.

Ўлжас, Роза козок даштин
Саратони, ёзидир.
Алибекнинг асли улкан,
Асли Курмонгозидир.

Турк тўзиши тўхтади денг,
Асли тоза кон енгди.
Абай, Навоийзодалар
Факат юксалгай энди!

Иншооллох, шундай бўлгай,
Мудом халол томон бўл!
Пешонангдан ўпдим, азиз —
Козок огам, омон бўл!
1995 йил 16 ноябрь

ВАТАН БАЙРОГИ

Юрт байрогин хар жойгамас,
Кўнглинга эк. Кўксингни ўй.
Ишлов бергин, юмшатиб тур,
Илдиз отсин, кўрсатсин бўй.

То бу байрок, Ватан, нурлар
Ич-ичингга кетсин кириб,
Токи ганим — ватанхўрлар
Ололмасинлар сугуриб.

Шундай ўргат кулни, хонни,
Учмас куш хам учар бўлсин.
То байрокдан олдин жонни
Бермак осон кечар бўлсин.
1995 йил 12 сентябрь

ЖИЛГА

Бу жилгача яхши куним мени ўраган,
Ўраб, чопиб оёкчаси кабарган жилга.

Ахволимни хол-жонимга кўймай сўраган,
Сўрайвериб безор килиб юборган жилга.

Ёмон куним... яшарканман кўзга чанг уриб,
Жилгача йўк... дардим ичга ютиб бораман.
Бугун бошка ёкка окар у димок буриб,
Менам унга етти ётдек ўтиб бораман...
1995 йил 6 сентябрь

ЎЗИНГДАН УЗИБ БЕРГИН

Жонни иситар танча,
Шигил мева берар бог.
Ўзни сарфласак канча,
Яшаймиз шунча узок.

Бўлолсак суянч тоги,
Борни этолсак тортик.
Тогдай баландмиз тагин,
Ризкимиз тагин ортик.

Ўзингдан узиб бергин,
Майли, ош, майли, ёвгон.
Карамай, кетавергин,
Ортингдан келар совганг.

Эккан-тиккани сайин
Гуллайдиган жой, одам.
Нурин тўккани сайин
Тўладиган ой одам.

Жон тикар, ўт, жон тикиб,
Бу дунё шундай кизик.
Берганинг ўзингники,
Яширганинг — юткизик.
1993 йил 27 февраль

МЕН СИЗГА КЕТАМАН

Етмишдан ўтдингиз, онажоним, Сиз,
Бу гапларни ўйлаб, тўкиганим йўк.
Мен эса вақт топиб, Сизга чўкиб тиз,
Еттита шеъримни ўкиганим йўк.

Боримни чулдирок боламга тутдим,
Ўгил-кизим ўпдим... худдики кантдай.
Аммо мен... Онажон, сизни унутдим,
Унутдим, кандай?!

Катта давраларга хозирлик кўрдим.
Гуркирадим. Суйди душман-да, дўст-да,
Ул давраларда кирк олтига кирдим
Сиздан олисда...

Катта давраларда окарди сочим,
Гох кетди, гох келди кўлларимга туг.
Катта давраларга... топдим иложин —
Сизга эса... йўк!

Бас!
Армон кўнгилни, кўзни тинитар,
Гарчанд кўз, кўнглимдан узок бир найсиз.
Мен ўлсам... шу куни давра унутар,
Сиз ўлгунигизча йиглайсиз!

Онажон!
Бугун Сизга кетгум армонни тахлаб,
Колганлар-ла олди-бердим етади.
Мен Сизга кетаман, кизим чараклаб
Катта давраларга кетади...
1994 йил 26 февраль

СЎЗОН ДИЛИМ

Дилимни дилсизлар уриб олдилар,
Сипо туриб, томок кириб олдилар.
Кўнгил калъам эшиклари берк эди,
Билмам, улар кандай кириб олдилар?

Фикрим сароб, сароб бўлди ёзганим,
Тушдай ўтди. Ўзганлардан ўзганим.
Булбулларга мўлжаллаган масканим,
Хароб. Зоглар инлар куриб олдилар.

Билмам, кашшоклашдимми ё бойидим,
Билганим шу. Колдим пастда, пойида.
Улар менинг сўзон кўнглим жойида
Бир кошона уй битириб олдилар.

Сўзон дилим етаклайман, юрмайди,
Истамайди, кошомага кирмайди.
Сўзон дилим, етим колган бир найдир,
Дилимни дилсизлар уриб олдилар.
1994 йил 26 февраль

МЕХМОНДОРЧИЛИКДА

Ажаб меҳмондорчилик...
Ракс тушади меҳмонлар.
Бири чирок,
Бири пилик,
Мос тушади меҳмонлар.
Кейин бироз кизишиб
Ойни талашадилар.
Бир-бирини сузишиб,
Жойни талашадилар.
Талотўпда оху ўлар,
Кўзи билан кўй талаш.
Дала ховли торт-торт бўлар,
Кўш айвонли уй талаш.
Кейин... кетган пирлар талаш,
Келганини кўрмаслар.
Сулувлар, суксурлар талаш,
Ёкавайрон, кўр, мастлар.
Ёпишарлар бойлик тўнга,
Енгга кирадигандай.
Булар сира ўлмайдиган
Мингга кирадигандай...

Холбуки, дунё беш кунлик...
1994 йил 26 март

КЎНГЛИ ЯРИМ ОДАМ ХАКИДА ШЕЪР

У ҳам меҳмон.
Дунёга беш кунгинага келган,
Аро йўлларда Уни хор килмагин, худойим.
Утиб борар, йўлига хору хаслар тўкилган,
Бир боғлам чечагингга зор килмагин, худойим.

Боксам, богин оралаб зоглар учиб юрибди,
Махзун кўнглин поралаб доглар кўчиб юрибди.
Ўзи гамни чоғирдай куйиб ичиб юрибди,

Уни бандам демокдан ор килмагин, худойим.

Улкан, энү бўйига ўзни қўйганлар камми,
Тонгда Хизр, тунлари кўзни ўйганлар камми.
Ўзгаларнинг конини ичиб тўйганлар камми,
Калтираб келар, йўлин кор килмагин, худойим.

Кўриб-кўриб куйди у кор тўкар одамларни,
Эрмак учун шаън тўкар, ор тўкар одамларни.
Эрмак учун бировга дор тикар одамларни,
Унинг изидан кувар мор килмагин, худойим.

У хам меҳмон. Хайитда чиксин гуллаб, хайитлаб,
Кўнглин яма. Либосин ўзи ямагай бутлаб.
Лайлатул-кадр келсин кўнгли яримни кутлаб,
Даргохингни дардгохдай тор килмагин, худойим.

У хам беш кунлик меҳмон, чимдим бахтинг аяма,
Худо, мудом очга тош, тўкка тўни сояма?
У синган дўконларда мен кандай мол ёяман.

Ерни ярим дил касод,
Бозор килма, худойим.

Юрагимдан топиб кўр,
Битта бутун жой кани,

Золимларинг дастидан зорланмаган най кани?
Уни яшамокликдан безор килмагайсан-у,
Мени сўнгагим какшаб ёзар килма, худойим!

У хам меҳмон.
Дунёга беш кунгинага келган...
1994 йил 26 ноябрь

ДАРАХТЛАР

Хаккос рост. Мен дарахтман чоги,
Хар кун йўлга отланадиган.
Йиглайдиган, шодланадиган,
Йўлга тушган барги, бутоги.

Бошим олиб кетмок бўламан
Хар кун... аммо аёндир бир сир.
Манглайимда ёзуглик такдир,

...Шу турган жойимда ўламан.

Ватан!

Хомуш юзинг ўгирма,
Болаларинг бузса шайтон, ўй.
Сен уларни аяб ўтирмай
Дарахтларга айлангириб кўй.
1994 йил 24 ноябрь

КИЧКИРИК

Сулув киз телбавор кичкирди бу тун,
Менинг юрагимга хун кирди бу тун,
Айбдор кимдир?
Чуввос солиб кўз ёш тўкди кушчалар,
Митти эди, тагин чўкди кушчалар.
Айбдор кимдир?
Вўрон кўпди. Бутоклари шарақлар,
Туриб, юриб кетмок бўлар дарахтлар,
Айбдор кимдир?
Осмонда ой юзин ёпиб йиглайди,
Телба киз ортидан чопиб йиглайди,
Айбдор кимдир?
Маймун чидаб-чидамасдан отар тош,
Кдри коплон кўзларида милт-милт ёш,
Айбдор кимдир?
Одам... бир зум... сергакланди, гангиди...
Сўнг суйкалиб хотинига сингиди.
Ёлғиз У жимдир...
1994 йил 24 ноябрь

ЁНАР КУНЛАР

Уч куним бор, олддаги шу уч куним,
Бўлгай шавку-шарорларим зич куним.

Бўш ўтган ой-йилларимни тўлдиргич,
Ўз-ўзимга касос куним, ўч куним.

Сўнаётган рухга олов пуркалиб
Конларимни килгучи «кўч-кўч» куним.

Жим-жим ўтдим, бермади савту садо,
Дилимдаги кушларим гуж-гуж куним.

Умрим бодом дарахтига менгзардим,
Ўтган кунлар, магзсиз куним, пуч куним.

Келаримда, еларимда кор, киров,
Кетаримда ўт бўлдим дуч, куним.

Кутганимда келмадинг-эй, ҳеч куним,
Кеч колдинг-а, кеч колдинг-а, кеч куним.
1994 йил 25 февраль

ТУРОН

Туркликнинг мукаддас ўчоги Турон.
Абдурауф Фитрат.

Ўнгимда рухимга ўк отган фикр,
Кўнглимга бир ёруг чўг отган фикр.
Уйкумда конимни уйготган фикр:
«Туркликнинг мукаддас ўчоги Турон».

Мозийи хар отар тонгни эмизган,
Хар тигли аклни, онгни эмизган.
Бўри, тулкимас, арслонни эмизган —
Туркликнинг кўкраги, булоги Турон.

Кўкига турналар «кур-кур»лаб ботган,
Отганда камони беҳато отган.
Темурдай хоконлар киркирлаб ётган,
Туркликнинг бешиги, кучоги Турон.

Кейин... оркадан ёв тошлари етгач,
Сара кексалари, ёшлари кетгач,
Таркок арслонларин бошлари кетгач,
Ернинг тутаб ётган кир, тоги Турон.

Бой-бой боболарим бойиб, йикилди,
Ўз конига ўзи тойиб йикилди.
Бир-бировига бош кўйиб йикилди
Кўнглимнинг куйиги, дард, доги Турон.

Шукур, хун уйготди кайтадан конни,
Арслон болалари кайтадан ёнди.
Ёвлар ололмагай энди Туронни
Бугун, тик арслонларнинг тоги Турон!
1993 йил 20 декабрь

КЎШ ТОГМИЗ, КОРАКАЛПОК

(Коракалпогистонда ўтган «Тошкент кунлари» тантаналарида ўқилган)

Сени менгзасам токка,
Кўш тогмиз, коракалпок.
Кўкка — кўк-у тупрокка
Тупрокмиз, коракалпок.

Сен билан илдизи бир
Бутоқлардай кун кўрдик.
Хам кўнгли, хам сўзи бир
Ўртоқлардай кун кўрдик.

Империя камчисин
Елкамизда изи бир.
Сувимизнинг томчисин —
Тахирлиги, тузи бир.

Шўрпешоналигимиз,
Дарду нидомиз битта.
Бугун... бошда тугимиз,
Дилда худомиз битта.

Дунё ичра порлок из,
Кўрк бўлиб колажакмиз.
Бузилмагай конимиз,
Турк бўлиб колажакмиз.
1993 йил 20 декабрь

ОЗОД ЭТ

Худо сенга кўлни бермас юлмокка,
Чангал солмокликдан кўлни озод эт.

Кўлнинг сориглиги кўнгил чўқдирар,
Кўлмак, ўлмакликдан, кўлни озод эт.

Офат келса кулон ўзи бергай чап,
Озод этсанг, ожиз, килни озод эт.

Гурлаган ўт, олов барчани тортар,
Сен ўтликдан ўтган кулни озод эт.

Ёлгон деган юк ортган тил осилган
Кўп огир юк. Ундан тилни озод эт.

Бизлар нафс зиндонидаги куллармиз
Кўлдан келса бирор кулни озод эт.
1995 йил 19 февраль

ТИЛОВЧИМАН...

Мен ким,
Мен бир мунглиг сингил, тиловчиман,
Огаларим кипригим-ла силовчиман.
Огаларим бир-биридан кечар осон,
Жоним ипдир. Мен уларни уловчиман.

Борлигимни яратгандир ишк, охлардан,
Конлар, шонлар кечган ёвкур гувоҳлардан.
Ўч олганда ёгийлардан, гумроҳлардан,
Тўмариснинг кўлларини кўлловчиман.

Мозий ичин ёритади милтиллаб шам,
Сир кўраман карвонлари, кўчида хам.
Тўлиб оккан кон дарёсин ичида хам,
Хушни олиб, чаппар уриб гулловчиман.

Бихамдиллох, колсам хамки синиб, куриб,
Сўз айтарман хоки туроб бўлиб туриб.
Авлодимни кайтмасликка онт ичдириб,
Амир Темур йўлларидан йўлловчиман.

Мен ким, мен бир мунглиг сингил,
Тиловчиман...
1992 йил 4 апрель

БУГУН ТУНДА...

Бугун тунда аждодларим келди
Кад ростлаб,
Кодир эгам турк заминга тўқди зарларин.
Бугун тунда то тонггача «ё Оллох, дўст»лаб
Хакдин айтди Яссавийнинг каландарлари.

Аник-тиник кўриб турдим, чалинди бургу,
Саф-саф кўшин кўзларида чўг кўтарилди!
Кўтарилди авлодларга армон, унут туг,
Ер остини тутиб ётган туг кўтарилди.

Шахидларим, гўрдан чикиб, айлашиб хитоб,
Бул кун шархин дунёларга ёйиб келдилар.
Мункиб-туриб, аранг юриб бўлганларим соб
Ўз конларига коришиб, тойиб келдилар.

Кабрдаги ўликкача олди ёв, кириб,
Аммо босиб ололмади томирда конни.
Ўзим кўрдим, яраланган барсдай ўкириб
Дорни судраб келаётган Дукчи Эшонни!

Усмон Носир олазарак кахкаха солди,
Сўнг жим колди, «совкотдим», — деб кўлларин куфлаб,
Шивирлади «Сибирь, аёз ўпкамни олди —
Исингани келдим», деди, ерга кон туфлаб.

Ватан, Ватан, нима ўзи кўксин ўк тилган,
Ватан ўз юртидан айру, адо бўлган зўр,
Ватан, Ватан Машраб асли Балхда осилган,
Ватан — кетиб, ватанига кайтолмаган гўр.

Ота Турон, гарчанд азал туркларинг ўзгин —
Ерига кор ёгаверган, куюк кора кор.
Минглаб кесик бошлар келди, юмалаб тўзгин,
Билмам, улар орасида канча Темур бор?

Ўтган ўтди. Ёраб, бугун туркка тугди кун,
Сохибкирон, дам бергайсиз бугун ўк-ёйга.
Олдга чикинг, Сизни тавоб килмоклик учун
Пойингизни ўпмок учун ўнгайрок жойга...
1993 йил 14 август

БУ ШАМОЛЛАР БАЛАНД ДОРГА ОСИЛМАС

Бу ўткинчию гар, гайри шамоллар,
Йўлин топиб кўлдан, кўлдан уради.
Бу дили-ю тили айри шамоллар
Сиймтан кизларни йўлдан уради.
Нахс из колар йўлни кайга бурсалар,
Кай пок хилкатларга босиб кирсалар,
Бу фосиклар билмас нени урсалар,
Ўзларин туккан шу элдан уради.
Кўнгиллари ириб эгалари йўк,
Бевалар колдириб эгалари йўк.
Мевалар колдириб эгалари йўк,
Миллатни кок жондан, белдан уради.

Бу шамоллар баланд дорга осилмас,
Ўзидан юксакрок дарахтдан юлмас.
Бу номард шамоллар, урса, кетиб паст,
Ўзидан ожиздан, килдан уради,
Бу ўткинчи-ю, гар, гайри шамоллар...
1992 йил 6 март

БОРИМ КЎЧАР НИДОГА

Момом отда, суворий
Ўтганини биларкан,
Кўкда тутиб шаън, орин,
Кетганини биларкан.

Кўксимга армон, ўчнинг
Кескир тиги ботади.
Ярим тунлар киличнинг
Жаранги уйготади...

Ерга нидо киламан,
Кўкка нидо киламан.
Темурдай бир фарзанд деб
Тутдайин тўкиламан.

Борим кўчар нидога:
«Умрим етмай видога,
Бобурдай бир ўғлон бер»,
Ялинаман худога.

Турк тугини мангу тик
Боглаб кетар шу ўғлон.
Мендек бир ожизани
Оклаб кетар шу ўғлон.
1993 йил 21 декабрь

БИР ВАКТЛАР...

Келаётган карвон-ла келган эдим бир вақтлар,
Кўшилиб кетсам керак кетаётган карвонга.
Тунлари нималарни шивирлайди дарахтлар,
Гурунглари оханги ўхшаб кетар армонга.
Хархолда бу дарахтлар йигламас ўзи учун,
Сезарми ё кўнглимда унут шахдлар йиглайди.
Кўнглимнинг хар такири, жизганак, бўзи учун,

Сўзи учун, эҳтимол бу дарахтлар йиглайди.
Кўз юмиб пичирлайман:
«Бир вақт мен ҳам ютгандим»,
Эҳтимол, дарахтларга аён бугун барча сир.
Келганимда улар шод,
чапак чалиб кутганди,
Энди балки кетарим сезиб қолиб гамгиндир.

Келаётган қарвон-ла келган эдим, бир вақтлар.
1994 йил 24 ноябрь

ГАРЧАНД ОЛЛОХ...

Гарчанд Оллох менга доим ўнг беради,
Азобларда адо қилиб, сўнг беради.

Ўгил берса қўкси баланд ўгил берар,
Кўзи берса пешонаси дўнг беради.

Қанча эрта қелиб қутмай дарғохига,
Барча қутиб турганлардан сўнг беради.

Қуя-қуя саҳрода қул бўлганимда,
Бир беҳишт гул, бир тоғларқи чўнг беради.

Шуқур, баҳтим қамда қайиб олмоқ учун
Бир қувончим олдидан юз мунг беради.
1995 йил 22 ноябрь

АХЛИ АНЖОН, ЙЎЛ БОШИГА ЧИКАВЕРГИН

Қетганларни Сиз баҳорга қикиб қутинг,
Йўлларига термулиб, қўз тикиб қутинг.
Йўлларига жамбил, райхон экиб қутинг,
Баҳор қелар, баҳор билан абр қелар.

Ўтган билан ўтиб бўлмас бу дунёда,
Қетган билан қетиб бўлмас бу дунёда,
Ютқазасиз, ютиб бўлмас бу дунёда,
Ютасиз ҳам, қўнглингизга сабр қелар.

Бор қетганлар масканини қайтиб топар,
Туркистони, Тошканини қайтиб топар.
Худо танлаб қўшганини қайтиб топар,

Токи жаммиз. Сўзларимиз то бир келар.

Бу бахор кўп нозли келар, келар эркин —
Ўлик-тирик бир-бирининг гамин ерким,
Ахли Анжон, йўл бошига чикавергин —
Хирот ёқдан сурон солиб Бобур келар.
1994 йил 19 ноябрь

ЙИГЛАЁЛМАДИМ

Ажаб, ўз еримда йиглаёлмадим,
Буям бир шўрим-да, йиглаёлмадим.
«Гам»ни ўзгартинг, деб килдилар буйрук,
Хаттоки шеъримда йиглаёлмадим.

Дардим тикилса-да бўғзимда тутдим,
Кушлар йиглай олди, йиглади терак.
Мен умрбод ёшим ичимга ютдим,
Бир кун гўримда кон йигласам керак.
1995 йил 4 декабрь

ТЎЗИМ БЕРГИН ЯШАШИМ УЧУН

Сиз яшашни биласиз кандог
Сизга дала — дала, туздир — туз.
Нетай, менинг токатларим ток,
Юрагимда йиглайверса куз.

Йўлни бахтга бурганлар билан
Хаялламай, тезлаб колган мен.
Юпун-юпун юргаклар билан
Куюн-корда музлаб колган мен.

Хеч на йўк-ку, ўзи, калкгулик,
Дейман «Оллох, кўрсатгин кучинг.
Кўнглимга бер хиёл салкилик,
Тўзим берпш яшагним учун...»
1995 йил 4 декабрь

БИЗ ЖАННАТНИНГ ГУЛИМИЗ

Гох само хам кетар торайиб,
Ёругланиб кунлгр кайтади.

Эскирган япроклар корайиб,
Соригланиб видс айтади.

Кексайган куш кўнгли осмонда,
Йиглар эски инии суваб —
Биз узамиз, истаган онда
Эски гамлар келмайди чуваб.

Бу дунё шу. Эскя ва янги,
Мангу ўйга толар кунгача.
Биз жаннатнинг гулимиз, мангу
Кор остида колар кунгача.

Гул очамиз, хали кизгиш, ок,
Хали бахтдан маст бўламиз, ёр.
Бизсиз келар кигл хали узок,
Хали ёгмас бизнж кўмар кор.
1995 йил 5 декабрь

СИБИРЛАРДА ЎЛГАИ БОЛАЛАР ТИРИК

Тирик эмас гарчанд хамон тирик, бор,
Кўкрагида унвонлари шашкатор.
Билмай ўтган надир сиртмрк, надир дор
Сибирларда ўлган болалар тирик!

Нихон, юракларга тизшн ботирган —
Ўзи колиб, ўзгаларни отдирган.
Анови унвондор ИШИЕ битирган,
Оёкости бўлган болахар тирик!

Ўтган ўтдимас. Бу — ўтмайдиган дард,
Хеч ким поёнига етмайдиган дард,
Олиб кетмай, ўзи кетмайдиган дард,
Конлардаги касос, лолалар тирик!

Авлодларин тик кўзлари нам нега,
Тик бошлари гоҳ-гоҳ маъюс, хам нега?
«Биз ёшимиз бекор тўкмаймиз», — деган
Карашларда кек, шалолалар тирик!

Азал шундай. Кондан-конга хун ўтган,
Билган борми ким ютказган, ким ютган.
Не бўлса хам, анов соткин йикитган —
Сибирларда ўлган болалар тирик!

1995 йил 5 декабрь

ЎТМАСДИР

Ўткинчи, дунёнинг сим-сим шамоли,
Шамолда солланган тераги, толи,
Кушларнинг сайроги, гулларнинг боли
Ўткинчи, лек менинг дилим ўтмасдир.

Тоглар ўтаверар ёнбошлаб олиб,
Тошлар ўтаверар ковогин солиб.
Сенсиз кунларимнинг тутгай уволи,
Сенсиз менинг ою йилим ўтмасдир.

Йўл узок. Ковжираб, куриб келдим мен,
Аждарлар комига кириб келдим мен.
Киличнинг дамида... юриб келдим мен,
Кўксимдаги тилим — тилим ўтмасдир.

Менинг болам ширин, туш боласидай,
Манглайлари кенг, олқиш боласидай,
Кўпайгай, кўпайгай куш боласидай,
Камайиб, дунёдан элим ўтмасдир.

Дарёдай тўлиб, гох куйиб, кул бўлиб,
Мен ўтсам-да ўтар бир булбул бўлиб.
Униб чикмай кўймас ўт ё гул бўлиб,
Бу дунёдан ўжар кулим ўтмасдир.
1995 йил 6 декабрь

- СЎНГГИ ЙИЛЛАР ШЕЪРЛАРИ -

Факатгина олар дўстмас, берар дўстинг бўлса хам,
Ўзинг тик кет, омонатдир, бир устунин ушлама.
Кабргача, ўлимгача борар дўстинг бўлса хам,
Ўлимгача ўзинг тик кет, йўлларда ер тишлама!

МОХЛАРОЙИМ ТУГИЛАЖАК...

Нодираи даврон фожиаси, Машраб, Мирзо Улугбек фожиаси кунлари каби халкимиз

тарихида конли ёшлар тўкадирган, ўз конли ёшларимизга ўзимиз чўкадирган кунлар бўлиб қолади. Ўтмишни ўзгартириб бўлмайди. Аммо ундан сабоқ олиб, хулосалар чиқариб, яшаш ҳар мўмин-мусулмонга ҳам қарз, ҳам фарздир...

— Халким, — дейман руҳим тушиб,
Кимлар кўнглинг тўқ қилдилар.
Минг сўкиринг тил топишиб
Бир уйгогинг йўқ қилдилар.

Нодира шеър айтди эриб,
Ўлиққа ҳам ўт, қуч берди.
Лекин биров фатво бериб,
Насруллога қилич берди...

Халким, гарчанд ўтқир тигсан,
Ёлғизланма, қўш-қўш ўтгин.
Насруллодай ўғил тугсанг,
Жоним онам, бепушт ўтгин.

Айтгин, халким, орим, шаъним,
Биз у йўлдан бормаймиз, — де.
Қайта топсак... Нодирани
Насруллога бермаймиз, — де.

Уйгондик де, тиклан, қалқкин,
Кўзларингда қун қулажак.
Сен инонтир, шу қун, халким,
Мохларойим тугилажак.
1994 йил 30 апрель

ЭНДИ СЕН КЕЛГУНИНГЧА...

Энди сен келгунигча хижрон яшар мен билан,
Юлдузлари фаромуш осмон яшар мен билан.
Беҳиштий чечаклари бошини маъюс эгган,
Булбуллари йиглаган ошён яшар мен билан.

Қўклам эккану-тиккан, пишиқчилик фасли йўқ,
Эгасига кўз тўрт, хирмон яшар мен билан.
Ўрмон эдим, тик йўлбарс қарқара солар ўрмон,
Бул қун йўлбарсдан айру ўрмон яшар мен билан.
Жисмимда жонлигингни билиб ҳам қетдинг, нетай,
Жоним сен билан қетган, армон яшар мен билан.
1996 йил 23 февраль

МЕН ОХ УРСАМ...

Мен ох урсам пайдо бўлар бир жанггох,
Учкур ўклар ёйларида кўзголар.

Дала-тузда ўзин уриб излаб рох
Кушлар кире-сойларидан кўзголар.

Мен ох урсам фарёд солар кўкда мох,
Гам гам чекиб тойларидан кўзголар.

Фитна чохиға тушганлар узар чох,
Оёкдаги лойларидан кўзголар.

Мен ох урсам ҳозир бўлар бир арвох,
У — онам. Тинч ўйларидан кўзголар.

Мен ох урсам онам билан уриб ох,
Туркий сўзлар жойларидан кўзголар...
1996 йил 14 февраль

АРМОН

Оллох, бизлар карвон-карвон,
Майли, бўз ё, кимхоб ёпгин,
Бир Навоий топ бизлардан
Ёки битта Темур топгин.

Оллох, бизлар карвон-карвон,
Биримиз ўт, биримиз об.
Бир Нодира топ бизлардан
Ва ё битта Курбонжон топ.

Топгин, бўлса йилт этган нур,
Ўтди, ўтар карвон-карвон.
Тополмасанг эсиз умр
Сенга армон, бизга армон.

Карвонлари изсиз кетган
Туркий дала-тузга армон.
1996 йил 19 январь

БИРЛАШИНГ

Кел, ўрмоннинг тулкисими, шери сен,
Ким бўлсанг ҳам, кел ёнимга, бери сен,
Сен ёт эмас. Худди мендек эртага
Турк боласин босиб юрар ери сен.

Ер устида чикмадик урушлардан,
Ер устига сигмадик, лек ботармиз,
Ер остида бу хунолуд ишлардан
Афсус чекиб, пичирлашиб ётармиз.

Эй, Сиз элнинг тик ўмровли шерлари,
Сур — сурлашмай сурон солинг, эрлашинг!
Бугун — одам, эрта — элнинг ерлари —
Ерга айланмасдан туриб бирлашинг!
1996 йил 16 январь

БЕДИЛОНА

Ёшланмаган бирор кўз учратмадим,
Бемор калбга малхам сўз учратмадим.
Ўзимнинг бўл, дедим хар ўзгага, лек
Ўзга ўзга бўлди, ўз учратмадим.
1996 йил 18 январь

ОТЛАР БЎЛСА ЭГАРЛАНГАН

Шундай, яна йўлдадирмиз,
Отларимиз эгарланган.
Юракми, юракдан айтма,
Юрагимиз чегаланган.
Отларимиз эгарланган.

Шу дарз кетган юрак билан
Хаёт дарзин чегалаймиз.
Иншооллох, гуркираган
Сог дилларни эгаллаймиз.
Хаёт дарзин чегалаймиз.

Ажабо, бу тўклик кайдан,
Нега, гарчанд махзун паймиз.
Нега Темур кайтгандайин
Турон юртга эгадаймиз.
Ажабо, бу тўклик кайдан?

Нега хамон ачишар тиз,
Зиркирайди ёдларимиз,
Мухими шу, Тўмарисмиз,
Эгарланган отларимиз.
Нега хамон ачишар тиз.

Айру тушмасмиз ҳеч қачон,
Гарчанд юрак чегаланган.
Юракдаги дод бўлса эрк.
Отлар бўлса эгарланган
Эгарланган от бўлса эрк.

Айру тушмасмиз ҳеч қачон!
1996 йил 4 июль

УНИ МЕНГА БЕР
(«Онам хусусида қайгуларим» туркумидан)

Мен унга қолганда бўлдим қизганчик,
Ундан йирок қуним кўксимда санчик.
Мен эмас, у менга бўлди суянчик
Онамни четрокка берма, Оллоҳим!

Қайгу қир-ўрини сезиб қидидан,
Ғам қикар мўрини сезиб дудидан,
Уни опқочдим, ўп, рух, вужудидан,
Онамни титрокка берма, Оллоҳим!

Қунига би-ир ярай, Уни менга бер.
Йўлида кўқарай, Уни менга бер,
Ўдақдай кўтарай, Уни менга бер,
Онамни тупрокка берма, Оллоҳим!
1998 йил 6 февраль

БИБИ ФОТИМА ДУОСИ

Оллоҳимдан тилаганим,
Майли, бахт ё алам берсин,
Бир зирх фикр берсин менга,
Битта сокчи қалам берсин.

Бу зирхни мен жоним ийиб
Ватанимга қийдирайин,
Ўқ ўтмас, тик андомини

Жахон аро суйдирайин.

Кийдирайин омон чиккин
Тегирмоннинг дўлидан деб.
Бу зирх менмас, Улуг Биби
Фотимамнинг кўлидан деб.

Кўп кўрдик деб завопларни,
Куйинманг, эй жони киллар,
Али кўллар халолларни,
Мухаммаднинг ўзи кўллар!

Бир зирх, тагин, бир калам бер,
Сокчи каламки, куч келгай.
Келмас, ёв келса аввал шеър,
Аввал каламга дуч келгай!

Олмаса эл говларини
Шоир зоти окмай тинсин.
Зарби элнинг ёвларини
Синдирмаса, калам синсин.

Ватан,
Энди заволинг йўк.
Гарчанд ўтда кўп куйдинг Сен.
Тўзмассан, Биби Фотмамнинг
Дуосидан зирх кийдинг Сен.

Ватан,
Отам, болам, шаъним —
Туркий насим, муборак!
Дуо билан зирхланганим,
Ўк ўтмасим, муборак!
1998 йил 9 август

ЕРИНГ БУ!

Ер айтармиш: Кўзинг ерга олма, деб,
Тагин ерга беписанд кўз солма, деб.
Туриб тур, — деб, юриб тур, — деб, ўлма,
Товонингни ўпадиган еринг бу!

Майдон бу. Кўпкари тортар отингни,
Мункиб кетсанг худога айт додингни.
Хавф-хатарга кўйиб тинч хаётингни,

Не улоқлар чопадиган еринг бу!

Дўсти азиз, шодумон бўл, бўлма хор,
Дорбоз бўлгин, ер ҳам асли симу-дор,
Худо олса йўкотгайсан зору-зор,
Худо берса топадиган еринг бу!

Аслида шу ердан бошка нима нақд,
Омонат-ку колган барча тожу-тахт,
Тик чоғларинг бериб дармон, бериб шахд,
Йиқилганда ёпадиган еринг бу!
1997 йил 9 август

НАХОТКИ...

Мен кетсам, ким?
...Кўркув кўксим ёради.
Кетсам, музларда исиниб чиқар ким?
Ким кул орасидан кад кўтаради,
Харобазорларда униб чиқар ким?
Ким дўзах, ўтларда кетмайди эриб,
Пиёдага дўнар шохлик, тузликдан.
Бор хавони бошқаларга кўшқўллаб бериб,
Ўзи халок бўлар хавосизликдан!
Ёлғиз жони...
У ҳам Оллоҳга эхсон,
Шундан балки жонин ололмайди дор.
Нахотки, дунёда мендек саргардон
Ўтиб борар бошка девона ҳам бор.
Нахотки...
1997 йил 9 апрель

КАРАМЛИК

Юлдузлар ойга карам,
Ўк асли ёйга карам.
Каркарали хумой ҳам
Бошка хумойга карам.

Осмон кушларникидир,
Окшом тушларникидир.
Тенгсиз дуч келмасин, тенг
Тенгу-тўшларникидир.

Кон томса-да ярамдан,
Сизга калкон, карамман.
Сизни-ку билолмадим,
Ёр, мен сизга карамман.
1996 йил 20 август

ФАКАТ ИШКИНГ

Неки олдим, бахтми, тахтми карз бари,
Бари бир кун кўлларимдан кетгайдир.
Бу богнинг хам чаппар урган гуллари
Ранги ўнгиб, йўлларимдан кетгайдир.

Гарчанд хали мушки-муаттар, кара,
Куз кириб келмокда уриб бар, кара,
Икки ўрим сочим — дарё, каркара,
Каён кетса белларимдан кетгайдир.

Дунёларим шамол килар кахратон,
: Не килса бир амал килар кахратон,
Сахроларим камал килар кахратон,
Карга, кийгир чўлларимдан кетгайдир.

Таназзулда, яркираган он ичра,
Конга, шонга менинг билан бир учраб,
Факат ишкинг, жоним ичра, жон ичра,
§ Кетсам, тупрок, гилларимда кетгайдир.
1996 йил 18 январь

КЎНГЛИМДАГИ АРСЛОН

Юрагимга она арслон кўйган ин,
Парвардигор, рухим ўзинг кўтаргин.

Даргохингда топширгунча мен жонни,
(Ўлдирмагил кўксимдаги арслонни.

Ўрмалабми келаётир сокин хоб,
Оллох, уни кайтармокнинг йўлин топ.

Ўрмалабми келаётган тулки, куш,
Балки менга рахми келар «боякиш».

Ўрмалабми келаётган олчоклар,

Бир кун каддин кўтармокка дил боглар.

Ўрмалабми игво, хасад кўринар,
Кўзларимни кўзлаган дард кўринар.

Инимга йўл излашар-у, килиб касд,
Хунимга йўл излашганин пайкашмас.

Булар шундай шахдимга кил теккизар,
Кўнглимдаги арслонга тил теккизар.

Йў-ўк!
Мен таслим бўлмай туриб, сўрмалаб,
Конимизни ичадиган маст йўқдир.

Она арслон ўлмай туриб, ўрмалаб
Бу ўрмонга кирадиган кас йўқдур.

Юрагимга она арслон кўйган ин...
1994 йил 23 февраль

БУ УЛУГ КАРВОННИ КИМЛАР ТАЛАДИ?

Бу улуг карвонни кимлар талади,
Йўл устинда ўгри, шумлар талади.
Сахро аро чулдираган булокни
Чор тарафдан сикиб кумлар талади.

Туя килиб, юкларини орткилаб,
Кўймадилар кулагунча торткилаб,
Бир кафт яшил майсазорни турткилаб,
Такир тепа, гунг уюмлар талади.

Шилиб олиб терисию тўнини,
Юлдузларин юлиб олиб тунини,
Чертсанг жаранг берар тоза чиннини
Сопол идиш, лой буюмлар талади.

Биз кузатдик якинрогига бориб,
Бир ёмгирлар, каро балчикка кориб,
Бир харсанглар тушди бошларин ёриб,
Оёкларин чирмаб чимлар талади.

Яшаяпмиз, шундай сипо, сур бўлиб,
Дил сал нотинч, кўзлар тинчу, кўр бўлиб

Дўстлар хайрон, такрорлаймиз жўр бўлиб:
«Бу улуг карвонни кимлар талади?»
1991 йил 13 сентябрь

НЕНИКИ КЎРДИМ КЕЧА...
(«Ўш-Ўзган фарёди» туркумидан)

Нечун кизгиш бу кеча,
Кайдан бу кор, курум, гард,
Неники кўрдим кеча
Бугун унутмогим шарт.

Мендан сўраманг, чеча,
«Борми кўнгли кўргон, мард?»
Неники кўрдим кеча
Бугун унутмогим шарт.

Кавмим, белбогинг еч-а,
Уят, терларингни арт.
Неники кўрдим кеча
Бугун унутмогим шарт.

Ожиз, гўллинг кўрдим,
Бир-бирин гажиб, еган
Ножинс куллинг кўрдим,
Негаям кўрдим, нега?!

Гарчанд не кўрдим кеча
Бугун унутмогим шарт,
Бир кун чирогим ўчар
Мен билан кетар бу дард.

Гўримда хам куяр ой
Совурилиб ётарман.
Кўрганларим унутмай
Ковурилиб ётарман.
1990 йил 4 сентябрь

ХАЁТ ЭКАНИНИ БИЛМАБМАН

Саратоним суриб, ёвук келди куз,
Жазирамада хам титраган калбман.
Сизсиз саратон хам ичираркан муз,
Мен буни билмабман.

Сизсиз шамол бузар кўргон, калъамни,
Хуркак гўдагимни ўксиб суяман.
Кулогимда титраб турган халкамни
Кўздан панарокка олиб кўяпан.

Кўнглимга сигмайди, кўзимга сигмас,
Тўккан кўз ёшимда тойиб бораман.
Шаму шаън хакида ўйламай кўйдим,
Гамдан ҳеч камим йўк, бойиб бораман.

Ишкни мен ишк дебман, дебман висол, кўрк,
Дод, ёд эканини билмабман.
Ишк озодлик экан, экан кўргон, эрк —
Хаёт эканини билмабман.
1996 йил 29 июнь

ЎЗИНГ ТИК КЕТ...

Билолмасман, бу дунёси хикматму ё сийму зар,
Тилсимларин ечмок бўлиб канча чопмай хайронман.
Кошонамни, хос хонамни синчиклаб кўрадилар,
Кўнглим кўрар, кўнглим сўрар бир дўст топмай хайронман.

Бир ўй сингди юрагимга худди наштар, худди ўк,
Йиқилмагин, йиқилганни суяйдиган одам йўк!
Зоглар сендан чекингайдир, хатто боғлар кетгайдир,
Ўстирганинг учун куллуқ, Сен деб озор чексинми?

Ўзинг ердан кўтарганинг — тоғлар сендан кетгайдир,
Яқинлаб бор, бирор тоши танимаса ўксинма!
Хориб суянмокчи бўлсанг, бог куриган, бодом йўк,
Йиқилмагин, йиқилганни суяйдиган одам йўк!

Факатгина олар дўстмас, берар дўстинг бўлса ҳам,
Ўзинг тик кет, омонатдир, бир устунин ушлама.
Кабргача, ўлимгача борар дўстинг бўлса ҳам,
Ўлимгача ўзинг тик кет, йўлларда ер тишлама!

Адл яша!
Билган холда, кўзларингда мотам йўк,
Йиқилмагин, йиқилганни суяйдиган одам йўк!
1997 йил 20 июнь

ТИРИК КЎНГИРОКЛАР

Хаво истаб тишга чикмиш бор жонзот,
Бор хавою, бор наво наврӯздадур.

Хайрон бўлма, жаннат иси кайдан деб,
Жаннат иси онанг кийган бўздадир.

Тузук излаб тўрт тарафга улокма,
Асл тузук бобонг тузган туздадир.

Кетган отанг, онанг кайтиб келибди,
Синчков кара, улар ўгил-киздадир.

Фасли наврӯз хар дил кайта кўкласин,
Хар дил айтсин «маним кўнглим СИЗдадир».

Умр нима — ёниб битар аланга,
Маним умрим — ёниб борар СЎЗдадир.

Комил дўст, бахоинг баланд, адл бўл,
Не истасанг ўзингдадир, ўздадир.

Бизни химоя этганлар — ўтдилар,
Бугун химоя этмокдик — БИЗдадир.

Биз ўлмасдан Дунё ўлмайди, демак,
Тирик кўнгироклар ўзимиздадир.

Хаво истаб тишга чикмиш бор жонзот...
1996 йил 12 март

ЎК ТЕГДИ

Ўк тегди, ох, кўнглима бир ўк тегди,
Чатнаб турган, бозиллаган чўг тегди.
Билмай колдим, ер тегдими, кўк тегди,
Мухаббатми, нафратми ё кек тегди,
Ўк тегди, ох, кўнглима бир ўк тегди!

Гарчанд чекар дамлар сориг кийиндим,
Улар илдиз, кўкартирган куйимдир.
Бир азобим айтсам бўлдинг куйинди,
Менга шундай мингта азоб, тиг тегди,
Ўк тегди, ох, кўнглима бир ўк тегди!

Азоб поклаб, бой этаркан кўнгилни,

Доглар солиб ой этаркан кўнгилни,
Ўки ўзгир ёй этаркан кўнгилни,
Шундай тик, бехато урар ўк тегди.
Конларимда мангу юрар ўк тегди.

Ўк тегди-ю, сайрон сайраб бошладим,
Забонимни тошга кайраб бошладим,
Кўнглим ичра йиглаб байрам бошладим,
Бандаданми, худоданми туг тегди,
Ўк тегди, ох, кўнглима бир ўк тегди.

Майдонларда ютгунимча кўлловчи
Тожлар кийиб ўтгунимча кўлловчи,
Каро ерга кетгунимча кўлловчи,
Ўк тегди, ох, кўнглима бир ўк тегди,
Яшагайман энди кўнгил тўк, тегди!

Тегди... шукур, булар бари худодан,
Юксаклардан юксак, нари худодан,
Менинг тўзмас болу, парим худодан,
Садо келди «ўзига тиз чўк, тегди!»
Ўк тегди, ох, кўнглима бир ўк тегди.
1995 йил 18 ноябрь

МОХЛАРОЙИМ, ЧИН ОЙИМ, АЙТИНГ...

Мохларойим, чин ойим, айтинг,
Хамон дардимиз чекасизми?
Бизлар гамдан тўкилган пайти
Гўрингизда сиз чўкасизми?

Номард юрса кад кериб, суйгун,
Мард тупрокка берса тўшини,
Тун сизданам кочарми уйку,
Йиглайсизми бизга кўшилиб?

Кўзголонни, фитна, тўс-тўсни
Куйиб ичга ютасизми Сиз?
Кўзголарми кабрингиз Сизни,
Туриб, юриб кетасизми Сиз?!

Мендан сўрманг, менам сиздай хор,
Кўксим уммон, кўзимда нам йўк.
Хамма тирик, хаммада тил бор,
Аммо холинг сўрар одам йўк.

1990 йил 27 ноябрь

ЎЛМАЙ ЮРСАМ...

Кўп ном олдим, энди бир ном олурман,
Сайлаб-сайлаб сархил бодом олурман.
Мен каламни қачон олгум фарқи йўқ,
Сахарми ё кеч қирар шом олурман.

Етмагандай кўнгил мулким титгани,
Кўймадилар иморатим битгани,
Мен-чи юксакларга сафар этгани,
Энди рухга либос, анжом олурман.

Юрарканман, деб «Иймоним, баландим»,
Бошда сочим қолмагунча таландим.
Қодди факат қонимдаги талантим,
Ўлмай юрсам ундан инъом олурман.

Ох, йўллардан шундай номард борилди,
Муҳаббатим қора лойга қорилди,
Қадокатли бошим қангдан ёрилди,
Ўз қонимдан лиммо-лим жон олурман.

Борим қетди. Қетса ундан нарига,
Осилганман Яссавийнинг барига,
Қадо қелар, Танграм, кўнглим қаъридан,
Энди қинмас Туркий қалом олурман.
1995 йил 15 ноябрь

ҚУНИНГ ҚУЛСИН

Қайрам қутлуг, қунинг қулсин, Турқим, Туроним,
Қин қиндим қўқрагингдан қосқан қўян тош.
Қаллод дунё, не иқирдинг, Қохибқироним,
Беш юз йиллар ерда ётди қўтаролмай бош.
Қейин турқнинг эрқағини армон тиглади,
Аёллари қайта Темур тугмай йиглади.

Не иқирдинг, Турон тахти яркираган ганж,
Қўлинди-ю урвоқларга, қумга айланди.
Қўлинди-ю меросхўрлар тақдири аянч,
Шахзодалар майдалашди, шумга айланди.
Авал даҳо бошида тож, қобом, деб суйдим.

Кейин моли талон-тарож бобом, деб куйдим.

Бир одамда бўлар эмиш ризку-баракот,
Туркнинг туги сизнинг билан ерга кетдими?
Кетдингиз-у, бу тупрокка куйилдими дод,
Туркнинг шони Сизнинг билан бирга кетдими?
Хатто Сиздай сарбаланд туг оёк ости, хор
Мен дунёга нечун кўнгил кўяй, хукмдор?!

Кетдингиз-у етим ерга кўпди балолар,
Кавмингизни хар ўткинчи, ирkit ит копди,
Сиздан сўнг хам келди олтин бошли болалар,
Лек уларни килич еди, жодилар чопди.
Минглаб кесик бошлар кетди юмалаб, тўзгин,
Сўнг юз йиллар кон хидидан изгиди кузгун.

Бири Машраб, Балхда колди дорда осилиб,
Бирин Сибирь, кайинзорда багрин тешди тиг.
Бу излар-ку азал-абад кетмас босилиб,
Бугун шодмиз, кўтарилди поймол ётган туг.
Туг остида тирик, ўлик — курбон кўраман
Хар бирининг кўксида бир Куръон кўраман.

Иншооллох, ишларимиз энди келгай ўнг,
Ўглонлари ювар туркнинг кўнгил догини.
Ким ўйлабди, улуг Темур беш юз йилдан сўнг
Гўрдан чикиб, болаларин жамламогини.
Жахонгирга элга кайтмок — бахт кутлуг бўлсин,
Авлодларга кайтган тожу-тахт кутлуг бўлсин.
1993 йил 16 август

ГУЛ

Ўйлаб кўрсам, азоб чеккан, сўнган гулман,
Бўронларда корайиб кўринган гулман.
Факат завол кўрмагандир илдишларим,
Яссавийнинг мозорида унган гулман.

Факат хамон хоргин танам чўкиларлар,
Карашларин тешиб ўтар ўк киларлар,
«Хали холин кўрамиз» деб дўк киларлар,
Деманг «аччик кўз ёшлари тинган гулман».

Хамон эркин ўсмогимга йўл бермаслар,
Изгиринлар чимдиб кўзим очирмаслар,
Хамон улар назарлардан кочирмаслар,

Мен тилло сувларида артинган гулман.

Гарчанд, хали сориг эрур япрок, парим,
Кўклагайман, кўклатгайдир Оллох карим,
Шул сиримдан огох эмас ракибларим,
Мен Яссавий ётган ердан унган гулман.
1994 йил 19 февраль

ТУГЛАРИМНИ ОЛОЛМАЙДИ ЁВ

Сева-сева баланд тугларни,
Хар тун дафтаримга кираркан,
Яшираркан, унга тигларни,
Ханжарларни жойлаштираркан,

Сева-сева байрокларимни
Тунга туйгумни зич экаман.
Экмайдурман унга заримни,
Унга кахру-килич экаман.

Эркисизлик жон-жонимдан ўтди,
Энди шеърим, ерим, гўрим — гов.
Зич экаман... боролмас ўтиб,
Тугларимни ололмайди ёв!
1998 йил 11 апрель

БИР КУН СЕНИ КЎТАРАДИ

Тўгри, бори дардларини айтавермас най,
Кўксидаги доғларини куш, ох, яширгай!
Ярадан кон тўкилгандай менинг кўнглимдан
Шеърларим тўкилиб турса, кандок яширай?!

Гарчанд гулмас, бировларга тутказиб бўлмас,
Улар михланиб тўкилган, ўтказиб бўлмас,
Тураверар иссиқлиги, янгилигича,
Ювган билан бу конларни кетказиб бўлмас.

Эй халк!
Бизнинг дардларимиз юкумли гоят,
Юксаласан бизнинг шавкат-шонлардан бир кун.
Бир кун Сени кўтаради бу гамли оят,
Уйғонасан янги, иссиқ конлардан бир кун!
1996 йил 6 июль

ОЛЛОХ КЕЧИКТИРСИН...

Бу — кунботар, кизгиш, алвон кўринган,
Ботиши олдидан куёш кизарар.
Келдик. Кайтажакмиз дунёи дундан —
Кетиши оддидан одам тозарар —
Оллох калом берсин айтар вақтингиз,
Ўзи кечиктирсин кайтар вақтингиз.

Хали Сизга не сир шивирлайди шом,
Бургутдай хезланар шиддат, кучингиз,
Жимирлаб турибди кўлингизда жом,
Илохо, сўнггига кадар ичингиз!
Оллох булбул килсин сайрар вақтингиз,
Ўзи кечиктирсин кайтар вақтингиз!

Тўлишиб борасиз тўлин ойлардай,
Такдир ёкангизга зар гул битади,
Елиб бораётган суксур тойлардай,
Кунларингиз гуррос солиб ўтади.
Илохо, чўзилсин ой, зар вақтингиз,
Ўзи кечиктирсин кайтар вақтингиз!

Сўнг онингиз кадар яшангиз гуллаб,
Сўнг... эл айтиб юрсин айтганингизни.
Кун келса... болангиз кўрсин-у, илло,
Отангиз кўрмасин кайтганингизни!
Мўралаб турса-да талх, тар вақтингиз,
Оллох кечиктирсин кайтар вақтингиз!
1996 йил 6 июль

БАТАН

Бошпанамми, бош панохим,
Куёш, мохим, манимсан.
Кўнглим куйиб айтар охим,
Кайтар охим, манимсан.

Намозшомгул, хонгулларим
Ўпади ўнгиримни.
Ялпизларинг — сингилларим,
Сотмайди бир сиримни.

Тўнсам офтобинг иситиб,
Тинсам сувинг жилдирар.

Кўними йўк кушчаларинг
Айвонимда чулдирар.

Шу кушчалар орасинда
Мен беш гўдак ўстирдим.
Хар бирида Ватан отлиг
Озод юрак ўстирдим.

Бир кун тугаб ўлан, айтим,
Олсам каро ерга йўл,
Тугилганда бошимдайдинг,
Ўларда ҳам бошда бўл!

Ватан!
Шунда оиалигинг
Ногох чукур туйгайсан,
Беш боламнинг кўз ёшларин
Ўзинг артиб кўйгайсан!
1996 йил 6 июль

МЕНАМ ЎТДАН ЎТГАНМАН

Туманли тундан келдим. Энди тонгга кетаман,
Ўзлатда узок кечдим. Энди шонга кетаман.
Барорим бир жойдадир. Борарим бир жойдадир,
Туркистондан келганман, Туркистонга кетаман.

Нима фарк бор, дунёда мангуманми, онийман,
Каландарлик хиркасин кийдим, бошкасин киймам!
Мухими, куйиб бўлдим, энди кайтадан куймам,
Менам ўтдан ўтганман. Менам Туркистонийман.

Умр нима, бир лахза, ўкдай меҳмон камонга,
Бугун майсадай кошу киприк бўлсам эҳтимол.
Эрта ким билар... балки замонлардан замонга
Турк болалар ўтгучи кўприк бўлсам эҳтимол!

Туманли тундан келдим. Энди тонгга кетаман!
1997 йил 3 апрель

КАСАМКИ...

Гарчанд такдирим каж, лойли, сирпанчик,
Бўронли йўллардан келаркан юриб,

Тик сўзимни ерга касамдай санчдим,
Мадори етганлар олгай сугуриб.

Касамки, мозийнинг чирокларини,
Шуъласи, хадиги, титрокларини
Сезмасам, кўр кўрсам кўнглим каърини,
Тутаб, тентиб юрмай ўчмокка касам!

Касамки, шеър ёзсам маржондай тизиб,
Тўрт турким бир томон кетмаса сузиб,
Жаннат давронлардан кўнглимни узиб,
Дўзах оловида кечмокка касам!

Касамки конимда Машраб бор, махзун,
Мени кўкка тортар у илохий ун.
Зикр, ишк, жунундан айро тушган кун,
Каландар хиркасин ечмокка касам!

Эрк келди,
Эрк келди, кўнглим найдадир,
Дариг, хар улкан тоғ бир кун майдадир.
Бир куни кетсамам рухим кайтадир.
Рухим, эркини кўриб учмокка касам!
1997 йил 3 апрель

ТИЛАК

Осмонда офтоб ўлсин,
Кўлда майи — ноб ўлсин.
Кабохатнинг китоби
Йиртилсин, боб-боб ўлсин.

Пирнинг чин пирлигини
Кўрмаса, айб йўк, кўриб,
Тан олмай турса мурид
Хор ўлсин, хароб ўлсин!
1997 йил 3 август

УЙГОН СЎЗИН АЙТГАЧ...

Чиримокда Сибирда улуг турк шоирлари.
Мехмед Эмин Юрдакул,
1939 йил.

Тарих даштларини гоҳо куюк қор ёпган,
Бўлса ҳамки аён бўлган қимлар не чекди?
Беш қиличдай терагини бир болта қопган,
Менинг маҳзун онагинам, ҳолинг нечукдир?

Сирлар сандиги очилар, қимлар не деган,
Қимни сотиб ўзи яйраб ўсган қайси қон?
Бешта ёвқур боласини бир қашқир еган,
Менинг маъюс онагинам бормисан омон?

Балки ҳамон тугамаган бошланган достон,
Танларига тупроқ эмас, соғинчлар ботар.
Ҳамон Сибирь совугига қўниқолмасдан
Улар бир-бирин қучоқлаб, исиниб ётар.

Улар Абдулла Қодирий, Файзуллоларим,
Ақмал Иқром, Усмон Носир, тик Қўлпоним-эй.
Қўмир қазиб, қўмир бўлган қин тиллоларим,
Улар бешмас, беш юз, беш минг увол қоним-эй.

Авахталар, шахталардан улар берад ун,
Ўйламангки, қуқун бўлган, қул бўлган қинчиб.
Ер устида эрқ қугини биз қўтарган қун,
Улар қўрда бир-биридан олган қуқончи.

Қўлпон бирдан Қўлпонлигин қуйиб қопқандир —
Қочдан то қирноғи қадар қуйиб қопқандир.
Қамок, қаж ертўлаларда қағри қикқан,
Қир, беқасам қопонини қийиб қопқандир.

Эрқ исини эрта сезган болаларини,
Қуқм — оқимга қарши қуқган болаларини,
Ота арқлон елкасида ошққ ўйнаган,
Она арқлон қут эмизган болаларини

Олдирган эл, улар оддий болами эди,
Қурашларда улар осон берқиларми қон?
Усмон «Ўйқон» қўзин айтқач, қушдан айрилди,
Қўлпон айтқач, қўқрақидан қелди лахта қон!

Асли қўз ёш, қон оралаб қойиб ўсқик биз,
Қон — ёруқлик. Ёруқлашқик. Бойиб ўсқик биз.
Қирққанлари, қесқанлари қари қуқландик,
Қанотларни тақин қенқроқ ёйиб ўсқик биз.

Она элим,

Минг шукурки, колмадик тунда,
Тилак нгулки, кодир Оллох ёнингни олсин.
Хар бир боланг Чўлпон бўлиб бош кўтарсин-да,
Эрк байроги азал-абад ўзингда колсин.
1997 йил 16 март

БИЛМАСМИЗ

Биз нечун осмонни кўра билмасмиз,
Чунки ер остига кира билмасмиз

Тескари бурамиз, дўстлар кетади,
Дарёни тескари бура билмасмиз.

Тўфон битта-битта синдирар бизни,
Хатто дарахтдай зич тура билмасмиз.

Балки илонлар ҳам килолмасди даф,
Сувга баликдай гуж кира билмасмиз.

Шайтон кириб олган ич-ичимизга,
Уни рух, танадан кира билмасмиз.

Кай вайронани-ки тузатдик, туздик,
Баттар вайрон бўлди, кура билмасмиз.

Кўз ўткир вақтларда кўрдай яшадик,
Бугун кўзимиз ҳам хира, билмасмиз.

Дунёни билгичдай димоклар осмон,
Билганимиз шулки, сира билмасмиз.
1997 йил 16 март

ЎЛМАСЛИК...

Килич ишга тушар...
Катл рўй беради!
Аммо олинган бош
Кетади юриб,
Бошлар иссик конин
Ерларга суриб,
«Ўлмайман» сўзини ёзаверади!

Оёк остдан тўнгат

Олинди, мана,
Рух дорулбакога
Кайтаверади.
Дорларда шалвираб
Рух ила тана
«Ўлмайман» сўзини айтаверади!

Дунё кетганда хам
Кониға ботиб
Бир кун тирик колар
Бу тирик касдлик!
Бор бўлсин жодида
Киркилаётиб
«Ўлмайман» сўзини айтган ўлмаслик!
1996 йил 3 июль

ХАККИМ ЙЎК...

Биламан, на сийму, на зар кетса хам,
Ёнимдан дўстиму дигар кетса хам,
Гамлардан кон бўлиб жигар кетса хам,
Кўзга ёш олмокка менинг хакким йўк.

Тунги даштлари-ю дарасидан-да,
Кир-чир ёмгирларин орасидан-да
Мен овоз бераман кутилмаган дам,
Кўздан йўколмокка менинг хакким йўк.

Ватан, кулсин доим бошингда омад,
Хуш кунинг бўлсам хам унутилган хат.
Кўпмасин, бошингда кўпса киёмат,
Чеккада колмокка менинг хакким йўк.

Босмасин, ёв босса эркнинг рохини,
Кон билан ёзгайман элнинг охини.
Бошим кетганда хам жанг кулохини
Бошимдан олмокка менинг хакким йўк.
1997 йил 16 март

«ОНАМ ХУСУСИДА КАЙГУЛАРИМ» ДАН

Бошимдан фалокат тоши тўкилди,
Менга кўп нарсани уктирди бу гам.
Мени-ку билмайман, мени не килди,

Онамни тамоман чўктирди бу гам.

Билмам, кай куч билан бу гамни чекдим,
Кандогам чидадим ўтмас тигига,
Сочим, тиш, кўркларим кетди, кўникдим,
Кўнмасман онамнинг кетмоклигига.

Ох десам охларим, оккай, эшилгай,
Оллохим, сен кодир, мен камни куткар!
Мен деб гам ўкидан кўкси тешилган
Чўкиб бораётган кемамни куткар!
1997 йил 4 март

ИНОНИШ

Шоирлари хайкирмаган миллат кондошлари тупрок бўлган ўксик бола кабидир.
Мехмед Эмин Юрдакул.

Энди хайкир,
Энди хайкир, ун зўридан
Дарёларинг тошиб келсин.
Маййитлар чикиб гўридан
Озод, кучоклашиб келсин.

Энди хайкир, азон олсин
Туркий дунё камровини.
Эгик, багри сўзон олсин
Ердан узиб ўмовини.

Хайкир, ўзбек ўздек ўлсин,
Ётлик унут. Чўкмайлик тиз.
Голиб, наррашерлик келсин,
Мотлик кетсин, колдирмай из.

Хайкир, хайкиринг ўзгай,
Бу наъра ширин, бол, ахир!
Пайгамбарни ҳам эмизган
Мушфик, мунис аёл, ахир!

Хайкир, олдинг эрки, тахтни,
Келар бахту барор яна.
Мусулмонга Мухаммадни
Берган Оллох берар яна!

Энди хайкир, ун зўридан

Дарёларинг тошиб келсин...

1998 йил 6 июль

ОШИКЛИК СИЗДАН ЎТАРДИ...

Ошиклик сиздан ўтарди, маъшукалик бизданам,
Бугун йирокдасиз, дил муз, эрув билмас муз танам.

Бугун хижрон довуллари кучогида калтираб,
Исинмокка ўт излайман Сизнинг мактуб, сўзданам.

Биласиз-ку киш куюни билан гужгон ўйнардим,
Бугун кўклардан совудим, кўнглим колди кузданам.

Сиздан айру тушган кундан бор дунёдан айру Мен,
Кетаётган душманданам, келаётган дўстанам.

Хижрон сели белдан ўтди, кўксим, бўғзимга етди,
Келинг, мен гарк бўлмай келинг, айрилмайин ўзданам

Ошиклик Сиздан ўтарди, маъшукалик бизданам...

1998 йил 2 июль

ИШОНМА

Кетар йўл бор. Теграсида ўт, гуллар,
Кетмасайдим. Минг йил ўй сулар эдим —
Мен сабрнинг тошидирман. Минг йиллар
Остонадан кетмай ўтирар эдим.
Бир ой кутдим, сочларимга кўнди ок.
Бир йил кутдим, дармон кетди тизимдан —
Бесабрдир, гулдирайди калдирик,
Бесабрлар сўлар ўгил-кизимдан.
Мен сабрли. Мендан огир тош йўқдир,
Кетмасайдим. Кечиксанг ҳам майлийди.
Мана, артдим. Кўзларимда ёш йўқдир,
Мана, яна сабр отлиг тўн кийдим.
Йў-ўк!
Сабр отлиг тўнлигимга ишонма,
Сабрда тошга тенглигимга ишонма,
Ишонмагил яшнаб турган гул, чимга,
Тагин...
Тагин менинг мангулигимга!
Тезрок кел!

Кетар йўл бор, теграсида ўт, гуллар...
1996 йил 30 июнь

ДАРАХТ ФАРЁДИДАН БЕХАБАР...

Дарахт бардошидан килса бўлар тож,
Кўргошин ўйларга чўмиб келган пайт.
Кишнинг эшигига ўзи ялангоч,
Барглар, болаларин кўмиб келган пайт.

Борми бу дунёни кўролгувчи кўз
Кузатиб кушларнинг галаларини,
Сарик хасрат бўлиб ёйиларкан куз,
Дарахт йўклаганда болаларини!

Во дариг!
Бу дарахт кандог ўлмайди,
Унсиз ўкириги еру кўк бузар.
Дарахт кўз ёшини кўз-кўз килмайди,
Дарахт ўз ёшини ичга окизар...

Аёл!
Оллохга айт арзу-нолангни,
Майли, бешон ва ё бесамар ўтгин.
Факат
Куз олмасин бирор болангни,
Дарахт фарёдидан беҳабар ўтгин!
1996 йил 2 июль

ПАХЛАВОННИНГ ХАР АЙТГАНИ

«Дарё ит тегса ҳам халол». Махмуд ёзади.
Пахлавоннинг хар айтгани ганждир, тозадир.
Лек водариг, гохи-гохи бу чархи дунда
Дарё — ит теккач, окмайди, ўзин осади.
Тизимдан дармоним кетиб, ўтираман лол,
Итлар гохо гингшир, гохо килиб турар даф.
Мен не дейин, гоҳ арслонни килган-у поймол,
Итларин кантаролмаган ДУНЁГА караб.
1996 йил 2 июль

ЭНДИ КЕТ

Энди кет!
Кутдирдинг, ёмон кутдирдинг,
Хижрон захарини шавк-ла ютдирдинг,
Йикилдим! Бошимда устивор турдинг!
Энди кет!
Хижрон йўлларида сочилди зарим,
Кутдим ишким ярим, умидим ярим.
Бир-бир синиб битди кобиргаларим,
Энди кет!
Энди кет, шавкату-шон ортикчадир,
Чанкаб кулагач, уммон ортикчадир,
Тиланиб тўкилгач, нон ортикчадир,
Энди кет!
Энди кет, бошкага дилингни ёргин,
Алвидо, кўнглимда на гина, на кин,
Энди кимга борсанг, вақтида боргин.
Энди...
Кет!
1996 йил 7 июль

ОНАНГ КЕТМОҚДА

Майса кайта кўклар,
Йўллар кайта ўрлар,
Дарахт кайта гуллар
Кўклар, кўк пайти.
Биргина одамлар,
Пешонаси шўрлар
Кетганча кетади,
Келмайди кайтиб.
Атрофда осойиш,
Сокиндир тўрт ёнинг,
Сен шошил, онангнинг
Оёқларин ўп.
Сочлари оқариб
Жим ўтирган онанг
Кайтмас йўлда кетиб
Бормокда шип-шип.
Сени ўпаётиб,
Устинг ёпаётиб
Ширин таъмлар тотиб
Онанг кетмокда.
Тунда тошдан каттик

Боши ёстигига
Болишига ботиб
Онанг кетмокда.
Огох бўл! Качонки
Биз ундан толамиз,
У кушдай беозор
Учиб кетар жон.
Учарки, учганин
Сезмай коламиз.
Кувиб етолмаймиз
Кейин ҳеч қачон!
1996 йил 20 июль

МАЖБУРИЯТ

Она, менга не берсангиз
Барин ўтказдим.
Аждодларнинг бор шамойил,
Шеваларини.

Менам Сиздай тинмай
Сабр дарахти ўтказдим,
Токат билан тердим
Токат меваларини.

Барин бердим, нима бердим
Эс лолмаяпман...
Таажжубки, ҳеч ваком йўк,
Шип-шийдам, хурмен.
Сиздан мерос баланд бўйни,
Озгин коматни
Кизимга беришга мажбурмен.
1996 йил 12 июль

СЕН ЎЛМА ФАКАТ!

Чида, тўкилмагин, оз колди йўлим,
Бу ёзганим балки, Сенга сўнгги хат —
Сени мен топаман, топмайди ўлим,
Сен ўлма факат!
Гарчанд куш, чечаклар кетди терс томон,
Бизнинг шаън боғларда кўпди киёмат.
Биз киёматдан-да чиккаймиз омон,
Сен ўлма факат!

Гарчанд юрагим ўт, билагим бардам,
Гамнинг тойларини тахладим кат-кат.
Лоладай кетгайман кайгузорлардан,
Сен ўлма факат!
Ўкдай тик йўлларни карс бурганимда,
Ўк томир дарз кетар, огрик билмас хад!
Факат,
Сени топай мен борганимда
Сен ўлма факат!
1996 йил 20 июнь

ЎСТИР ХУДО ДЕГАН ШУ МАМЛАКАТНИ!

Силкингин,
Ўзингда бир наъра уйгот.
Силкинсин хар томир, хар зарра, уйгот!
Ўзингни хар куни беш карра уйгот,
Жисму жонни уйгот,
Уйгот ниятни!

Бирман деб чекинма. Оллох минг килгай,
Тор нажот йўлидан кўркма, кенг килгай,
Ерсан, у кўтаргай, кўкка тенг килгай,
Тик тизларга ўзи бергай кувватни!

Мозийдан тилсим шарх, хомалар келар,
Тўфонда адашган кемалар келар,
Эзилган, тўзгиган номалар келар,
Ўзинг тиклагайсан бу сирли хатни.

Жазм эт, сарбадорлик кулоҳини кий,
Билмайсан, конингда канча сир, вахий,
Конингда кичкирар канчалаб дохий,
Уйготмоклик учун одамиятни!

Сен эй, мизгиб, мудраб бораётган дўст,
У конлар жисмингни килгайлар тўс-тўс,
Хар лахзада уйгон! Хар лахзада ўс!
Ўстир Худо деган шу мамлакатни!
1997 йил 2 апрель

ИККИЛАНИШ

Тошман.

Атрофимда юриб кўрарлар,
Тегиб, у ён-бу ён суриб кўрарлар,
Нимадан иборат ўзи бу тош деб,
Силаб, ўзларига буриб кўрарлар.

Мен ўша тошдирман, оддий бир тош, бас,
Ёшлари кўзида куриб колган тош.
Факат сел, дўл билан улокиб кетмас,
Ўжар, ўз сўзида туриб олган тош.

Тун авраб айланар, ўргилади тонг,
Оллох, сен уларга мени янчдирма,
Бирок,
Улар менга бунча гиргиттон,
Ўзим ҳам билмасман, балки ганждирман...

Тошман...
Атрофимда юриб кўрарлар.
1996 йил 13 июль

АГАР... СЕНСИЗ

Туяйин,
Мен факат Сени туяйин,
Сенинг хароратинг,
Сенинг кўлингни.
Бошимга гултожлар
Килиб кияйин
Сен билан адашиб кетган йўлимни.
Агар йўллар
Сенсиз тўгри йўл бўлса
Адашган йўлларда топай ўлимни!
1996 йил 12 июль

ФАКАТ... БОБУР ЙИГЛАГАН

Бошимга ураинми ўтар дунё шонини,
Ў, куйган ўтларимда кайтадан куяйинми?
Гулдан баддоклар таккан жононларнинг жонини
Бир сиким тупрок килган дунёни суяйинми?

Менинг карвоним хоргин, кунботарга огмокда,
Элас-элас келмокда кўнгироклар жаранги.
Гарчанд бошим устида ой нурлари ёгмокда,

Холим шу кадар забун, холим шу кадар тангки...

Йўк, эзгин кўнглимдайин ёришиб борар осмон,
Ёруг осмон остида, болажонлар, унгайсиз!
Факат... Бобур йиглаган... «Бу жахонга сигмасмен»,
Шундан у йўк жахонга сивиш гохо ўнгайсиз.

Бошимга ураинми ўтар дунё шонини...
1996 йил 13 сентябрь

МОЗОРЛАРИНГ БОР

Кувон-у, кўкларга кетмассан учиб,
Ерга тортиб турар бир торларинг бор!
Фано зардобларин сўнг кунлар ичиб,
Тўшак тортиб ётган беморларинг бор.

Кувон-у кўккамас, ерга караб ок,
Ахир йитса кўкмас, ерга йитар тоғ.
Бир вақт чечак сотган, гул сотган бироқ,
Бир вақт виждон сотган бозорларинг бор

Кайтгайсан. Ўзингни кўкка отиб ҳам,
Эзгин хаёлларга бошинг ботиб, ҳам,
Чунки... ерда, сим-сим йиглаб ётиб ҳам,
Сени кўллаётган мазорларинг бор.
1997 йил 3 март

УНУТМАЙДИ

Унутмас мени богим.
Усмон Носир.

Хамма унутганида ҳам
Ерлар, кўклар унутмайди.
Очганимиз кўзлардаги
Корачуглар унутмайди.

Сийласа-да шеър, шону шахд,
Гох келди бахт,
Гох кетди бахт.
Тик ташландик. Мўлжалга нақд
Теккан ўқлар унутмайди,

Кўпни кўрдик куюнганни,
Садакадан суюнганни,
«Ох, Оллох!» деб тўйинганни
Кўнгли тўклар унутмайди.

Гарчанд эдик жони киллар,
Жанггохларда бўлди филлар,
Эрк йўлида колган куллар,
Колган чўглар унутмайди!

Тўфонларида исиниб,
Бол деб ичдик кор, музини,
Ўпдик. Лабимиз изини
Туркий туглар унутмайди!
1997 йил 17 март

ТУРКИСТОН КЕЛДИ

Юз-юз йиллар ўтаверди, босаверди кор,
Эрк дегани шундай узок, бенишон келди.
Сиртмогида тиллабошлар, саланглади дор,
Аждодларнинг кўкрагидан лахта кон келди.

Эрка кўзини тика-тика кўзи ер ўйди,
Кони билан ёзди, дариг, сўзи ер ўйди,
Гадо бўлди, адо бўлди, ўзи ер ўйди,
Ох, не жонлар эрк йўлида курбон жон келди

Улар хануз гўрларида турар экан тик,
Бу кон бизга ўтган ахир, шундан биз касдлик,
Бу карз билан, бу кон билан ўлаолмасдик,
Шукур, кўрдик, биз кетмасдан Туркистон келди!
1997 йил 19 март

ДИЛ ХАМ БОШ ТОРТАР ЭКАН

Телба хошиш, мажнун хол,
Бахор лабга най кўйди,
Мен йиглайман, мажнунтол —
Кўнглим гапирмай кўйди.

Тушавергин кўкдан ой,
Бахор кўтарди тугин.
Мен кандай байрокланай,

Кўнглимга тушди тугун?!

Мен дердим дил чўкмагай,
Дунё хох кенг, тор экан.
Дил ҳам ердан чикмаган —
Дил ҳам бош тортар экан...
1997 йил 19 март

МЕН БИРГИНА СЎЗ ЎСТИРДИМ

Билмам, қачон, қандай чуқур кўлларда чўкдим,
Қандай узун, қандай хазин дардларни чекдим,
Билганим шу, умрим бўйи мен экдим, экдим —
Туркистоннинг даштларини ёриб чиқар сўз!

Балки у сўз унаётир ернинг қаърида,
Балки... қасамдай тик терак куртакларида,
Улуг Темур болаларин кўкракларида
Ота Туркнинг юкини кўтариб чиқар сўз!

Ёв келмасин, келса агар жуфту ток бўлиб,
Сўзлар ердан чикиб келгай тўсин тоғ бўлиб,
Элимнинг жон-жигарига кўзмунчок бўлиб,
Дигарига чалги бўлиб, ўриб чиқар сўз!

Хурлик йўли — кураш йўли, тик рохларига
Чиқар экан гард тегмасин элнинг барига.
Кураш куйин куйиб элнинг кулоқларига,
Тун бўйи оёқ учида юриб чиқар сўз!

Оқкан бўлсам ҳамки унинг пойида тинмай,
Элга нафим кам менинг, деб нечун ўксинмай,
Мен биргина сўз ўстирдим,
Мангу кўз юммай
Туркий элни балолардан кўриб чиқар сўз!
1997 йил 28 март

КЕЧИККАНЛАР

Чинкириги еру-кўкни тўлдириб,
Ховликкан поездлар вақтдан кечиккан.
Одамзод борини кўйгач олдириб,
Кечикиб оёкка калккан, куч йиккан.

Мозий эшиклари бир-бир ёпилди,
Бир шуъла кўринмас тим, говларидан —
Чўлпондай тик, улкан дарахт чопилди,
Кечиккан дўстларин куршовларида.

Мохларойим янглиг ой бормиди ҳеч,
Дунё шундай хур, гилмонларни кўрди.
Кўрмади бошига тушаркан килич,
Оломон кечикди. Конларни кўрди.

Кўрди-ю кўрмагандек ўзларини
Тутиб ўтди улар. Ох, тўзмадилар!
Ўйиб олмадилар ўз кўзларини
Ўз конларин шар-шар окизмадилар!

Оллох!
Гумрох рухимизга панжа ургайсан —
Узинг эшитгайсан бу асрий додни.
Конларини ўзинг юриштиргайсан —
Кечикканлар сутин эмган авлодни!
1997 йил 7 апрель

АЙТОЛМАДИМ...

Сизга ишким юз ишк эрди, мен бирин айтолмадм,
Юз ишким-ла юзлашолмай, бир сирым айтолмадим.

Балки сизам кўнглингизга чорлагандирсиз мени,
Чикдим, бори четга чикдим, бир кирим айтолмадим.

Ё кўзу ё сўз бирла ишорат килмок, не тонг,
Ё ошкор, ёйинки бир ёшурин айтолмадим.

Кўкламим кўклаб кетиб, ёз бўйи ёзгирдим-у,
Тонг, узун кундуз ўтди, келди тун, айтолмадим.

«Тонгда айтмай, кундуз айтмай эсиз-а, эсиз умр,
Энди тунда айтмагил», деб келди ун, айтолмадим...
1996 йил 2 июль

СУЛТОН, КАХРИНГНИ БЕР!

Бу фожиалардан ортик таъсирланган султоннинг онаси, ахли аёли унга юкинди:

«Оллохни
ўртага кўйиб илтижо киламиз, «Бизни ўзинг ўлдириб асирликдан куткар!» У ноилож
барчасини
сувга чўктиришни амр этди.
Шахобилдин Мухаммад ан-Насавий,
«Султон Жалолилдин Мангуберди хаёти» китобидан.

Султон, кахрингни бер,
Кахрланайлик,
Сўкилсин осойиш кўнгилнинг чоки.
Султон, захрингни бер, захарланайлик,
Бемормиз, бу захар согайтсин токи.

Ёронлар!
Биз ҳам би-ир султонланайлик
Унинг йўлбарс рухин ўзга ўтқариб,
Бўлайлик султонга суюклик кайлик,
Султоннинг онаси бўлайлик, гариб...

Хатто
Хаёлидан боряпман ўрлаб
Бизда-да би-ир яшаб, кўқарсин султон.
Дунёга ларзалар соларак, гурлаб
Туркий кавмларни кўтарсин султон!

Кодир Оллох,
Бир бор кечсин шундай хол,
Кейин,
Кейин, майли, не гам чекдирсин.
Ёгий оёгида килмасдан поймол
Бизни онасидай...
Хотинидай бизни...
Дарё сувларида ўзи чўқдирсин.

1998 йил 29 сентябрь

ЮКСАЛИШГА МАХКУМЛИК

Масъулмиз ё
Ё мажбурмиз депмас,
Махкуммиз деб бу холга ёндош.
Энди ерда судралмок эпмас,
Энди ердан кўтарилди бош!

Боз эгилса,

Бош учар тошдай.
Боз эгилса, биз ўзи киммиз?
Айрилмаслик учун ҳам бошдан
Энди юксалмокка махкуммиз!

Эй чирмашган!
Кудратлан, куч топ,
Юксак дарахт — чакир тикан, хўл.
Махкумлик бу — мукаррар азоб,
Озодликка олиб чиқар йўл!
1998 йил 29 сентябрь

ЮБОРМАЙМАН...

Майсаландим, оёгингни бос,
Лахзани йиллайман, ушлайман.
Ёйиламан бўлиб поёндоз
Сени севиб, сени хушлайман.

Ёришиб борадир осмоним
Лахзаларни тишда тишлайман.
Оёгингда поёндозман-у
Нечун учаётган кушдайман.

Гарчандки, йўл ўлим, жар томон
Ўзни кўйсам-да хатарларга,
Хали сени
Кў-ў-ўп тўхтатаман,
Юбормайман
Сени жарларга!
1998 йил 29 сентябрь

КЕЧАГИ ШАМОЛ

...га

Бу — кечаги шамол,
Хали тинмади
Бугунги шамоллар атрофида лол,
Ў, унинг дастидан
Ким ўксинмади,
Кимни куйдирмади бу арслоний ёл.

Тиркираб келаркан

Тегса барига
Йўлидан адашиб кумлар кайрилар,
Тегиб тегмай
Ўтса япрокларига,
Жонона дарахтлар хушдан айрилар.

У бир караганда кўнгил тўяди,
Тўйдирар
Дилнинг кир, кияларини.
У бир кишнаб,
Жинни килиб кўяди
Дунёнинг жамики бияларини!

Айланиб
Бир келиб колсами кўлга,
Борлик-да, балик-да жонин беради.
Бир айланса...
Ўзин ололмай кўлга
Тик тоғлар эргашиб кетаверади!

Бу — кечаги шамол...
Бугун ҳам борми
Шундай бир шамоллар, орзу киларга.
Балки бордир,
Балки Биз сезмаганмиз,
Бу энди аёндир бугунгиларга.
1998 йил 6 ноябрь

МЕНГА ДУЧ КЕЛИБ КОЛСА...

Менга дуч келиб колса
Йўлбарс чиқар инидан.
Шахд, сурони йўқолиб
Сирларидан айтади.

Менга
Дуч келиб колса
Пичок чиқар кинидан,
Пичок ховридан тушар.
Пичок дами кайтади.

Дуч келди...
Куйди ойим...
Ойдаи юзин бурмади.
(Сени саклаш учунми)

Менга кодир худойим
Сени йўликтирмади...
1998 йил 29 сентябрь

* * *

Ким ёгадур,
Ким тинди, Ватан,
Ким хору, ким севинди, Ватан.
Биз ёмгирдай
Ёккандик кеча
Ерларингда не унди, Ватан.
1998 йил 30 сентябрь

ЎЗИН ТОПМОК ИСТАГАН

Муслмонмиз.
Хар инсон
Инсон тарафга юрсин.
Бири-бирига пешвоз
Имкон тарафга юрсин.
Аросат сахросида
Саросар колмасинлар
ё таназзул, ё эса
Шавк, шон тарафга юрсин!

Дунёни халол ёкка
Бир кадам жилмогига
Инонсанг, юз курбон бер,
Юз малхам бер, догига
Инонса, бир хамлада
Кайта тирилмогига
Сира иккиланмасдан
Курбон тарафга юрсин!

Талотўп дунё ичра
Тўзим топмок истаган,
Минг ёлгонни оралаб
Бир чин топмок истаган,
Томирларида юрган
Сўзин топмок истаган,
Ўзин топмок истаган
Куръон тарафга юрсин!

Муслмонмиз,
Хар инсон
Инсон тарафга юрсин.
1998 йил 7 ноябрь

ДЕМАККИ, СЕН ШОИРСАН

Нафакат...
Ўтсанг ёзиб
Куз янглиг сўлиб, озиб,
Бозиллаган чўг босиб,
Кўрдаям хайкиролсанг,
Демакки, сен шоирсан!

Олтинми
Ё олмосда,
Тигда юролсанг, рост-да,
Иткитса, оёк ост-да,
Тўрдаям хайкиролсанг,
Демакки, сен шоирсан!

Нафакат
Кўтарса халк,
Кўксингдан итарса халк,
Пешонанг намакоб, талх,
Шўрдаям хайкиролсанг,
Демакки, сен шоирсан!

Нафакат
Зар, зўрларни,
Узсанг, тўсин, тўрларни
Чайкалтирсанг, гўрларни,
Гўрдаям хайкиролсанг,
Демакки, сен шоирсан!
1998 йил 2 ноябрь

МУЛГИБ-МУЛГИБ УЗУН КЕЧАЛАР («Онам хусусида кайгуларим» дан)

Дунёнинг бор захру заккумин
Битта кўймай тотгоним — онам.
Озгин елка — ёнбошларига
Кўрпачалар ботгоним онам.

Халимажоним — келади деб
Кўзи йўлда кўкарган кушим,
Муштдеккина жуссаси билан
Гусса тогин кўтарган кушим.

Ок сочларин ювиб-тарасам
Сочларидай узайганим-а.
Туриб, юриб кетмок бўласиз
Чарх ургани, безанганими?

Босмай кўйган оёқларини
Каттик ерни кайириб бостир.
Ёзмай кўйган канотларини,
Кодир Худо, бир марта ёздир!

Усиз хувиллайди кўчалар...
Кўзларимда мангу колар, жим.
Мулгиб-мулгиб узун кечалар
Оёқларин укалашларим...
1998 йил 2 ноябрь

ЭРК ЙЎЛИ

Бари ёлгон,
Шу йўлгина чин,
Бу йўлда юрмайсан, учасан,
Факат унда кетмоқлик учун
Ўзинг бор-йўгингдан кечасан.
Отланаркан
Тонг ёки кечда,
Ичга тўлдир озодлик куйин.
Бор лаш-лушинг бирма-бир еч-да,
Бошдан-оёк ХУРЛИКни кийин.

ЭРККА тўйин,
Керак тамоми
Мухтожликдан ўзни куткармок.
Худойимнинг тоза йўлида
Кандай байрам кишансиз бормок!
Кайиролмас
Хеч ким шохингни,
Киркилади гилофу кинлар.
Бошингдаги эрк кулохингни
Бошинг олмай ололмасинлар!
Ололмасинлар!

1998 йил 2 ноябрь

ХУЛОСА

Болам, Сени мен эмас,
Она арслон эмизди,
Она арслон кўтарди.
Сени эмизаётиб
Миямнинг ич-ичидан
Шундай хаёл ўтарди.
Арслон кўтарган бола,
Илло, тулки бўлмай сен,
Аянч кулги бўлмай сен,
Бир кун арслон бўласан.
Кушу куртларни эшит,
Бурд-бебурдларни эшит.
Атрофингга йўласа...
Канот бергин, бергин пар,
Хеч ким тушмасин чўкка.
Хатто судралган куртлар
Кўтарилсинлар кўкка!
Сўнг бир хулоса чикар:
Куртлар учса — учсин-у
Йўтон тортиб колмасин.
Куртлар ўзини Сенга
Тенглаб, йўртиб колмасин.
Шундай хулоса кил Сен
Айланиб келганда гап.
Курт куртлигича колсин
Арслонга килмасин даф.

Арслон кўтарган бола...
1998 йил 2 ноябрь

ХАЙФ

Эсиз, зилол дарёлар,
Биз кониб ичмасак, хайф.
Эсиз, мовий маъволар,
Куш бўлиб учмасак, хайф.

Ирмोक пастлаб, киялаб,
Кетса баланд тоғ, эсиз!
Кўрмай ўтса биялар,

Учкур аргумок эсиз!

Аёл — олов, аёл — гул,
Сочлар — арслоний ёллар.
Ишда ёнмай бўлса кул,
Хайф-ей, олов аёллар.

Дунёсига ўт кетсин,
Дунёсига эртак хайф.
Унда кўнгли аёлсиз
Кетаётган эркак хайф!
1998 йил 6 октябрь

РУХИМ КЎТАРАДИ БАЙРОКЛАРИНИ...

Дунё камбагални камситиб, гажиб
Тагин бойитаркан бойрокларини.
Рухим олиб кўяр бошимдан тожни,
Рухим кўтаради байрокларини!

Кайдаки етимни етиб тишлайди
Дунё кантармаса каж итларини,
Рухим юрагимга каттик муштлайди,
Рухим киябошлар совутларини.

Топталабошларкан шаън, ору, шонлар
Кир оёк остига тушаркан оят,
Бўғзимга келади кўксимдан конлар,
Рухим кон ичидан кўтаради кад!

Ният бут. Албатта етиб бораман,
Бир кун хуш кун келар тонг ранги билан.
Рўзи махшаргача кетиб бораман
Калкон-совутларнинг жаранги билан.
1997 йил 2 апрель

ЭСКИ ДЎСТЛАРИМГА

Эски йил хам ўтди, тикондир, гулдир,
Янги йил кучогин ишк билан тўлдир.
Гарчанд хар йилнинг бахт, кайгуси мўлдир,
Аларга кайгусин учратма, Худо!

Янги йил янгими кадрдонларсиз,

Эски дўстларим-ей чўкай Сизга тиз.
Йўлларига хазрат Али солган из
Хиркаларига лой сачратма, Худо!

Кодирсан, рўёни ростга айлантир
Мос келмас дунёни мосга айлантир.
Ашаддий ёвин хам дўстга айлантир,
Аларнинг кўнглига Сен ботма, Худо!

Шавк бер-у, гам берма, ўқинмасинлар,
Киличдай кадлари буқилмасинлар.
Боглардай етилган, тўқилмасинлар,
Аларнинг богига тош отма, Худо!

Мадад бер, сал хоргин учмоқларида,
Ёй турма, тойдирма кечмоқларида.
Янги йилнинг янги кучоқларида
Эски дўстларимдан ажратма, Худо!

То ўлим келгунча юрсинлар гур-гур
Кадамидан шамол ўтиб турсин хур.
Ёлғиз кетар кунни оркарокка сур,
Аларни тарикдай сачратма, Худо!
1998 йил 19 декабрь

ИНСОН АСЛАН БУЮК

Инсон аслан буюк, аслан бечора...
Охим дилингизга йўл топса зора.
Кўлингиздан келса килманг овора,
Шул ёлғиз инсонни тухматга берманг!

Бир-бирини селу, тошкин кўллайди
Кайда бўлса етиб, шошкин кўллайди.
Бир-бирини бўри, кашкир кўллайди,
Сиз уни синовга, мухлатга берманг!

Кўпдир замонларнинг кимор ўйини,
Киркадир одамнинг эни-бўйини —
Кўлингиздан келса кўринг тўйини,
Уни хар кандай дор, хилкатга берманг!

Ўчмас деб ишонинг босган изига,
Панох деб ишонинг ўгил, кизига.
Ўзига ишонинг, факат Ўзига,

Тушунтириш хати, тилхатга берманг!

Нопок дунёсидан кетмасин тўйиб
Десангиз юрагин гижимлаб, ўйиб.
Йиллар бўйи ўтмас пичокда сўйиб
Кадрсизлик деган калхатга берманг!

Инсон аслан буюк, аслан бечора...
1999 йил 27 апрель